

# Жаҳон АДАБИЁТИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал



## Жамоатчилик кенгаши:

Муҳаммад АЛИ  
Наим КАРИМОВ  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Низом КОМИЛОВ  
Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ  
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ  
Хуришд ДЎСТМУҲАММАД  
Абдураҳим МАННОНОВ  
Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ  
Муҳаббат ТЎЛАХЎЖАЕВА  
Баҳодир КАРИМОВ  
Муҳиддин ОМОН

## МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

## Бош муҳаррир Шуҳрат РИЗАЕВ

## Тахрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Алимурод ТОЖИЕВ  
Шаҳноза НАЗАРОВА  
Дилдорхон АЛИЕВА  
Алишер ОТАБОЕВ  
Даврон РАЖАБОВ  
Зилола ЖАЛОЛОВА

## МУНДАРИЖА

### НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

А.НАВОИЙ. Сунбулин лайло очиптур... (Рус ва инглиз тилларига А.Чилякова, А.Обид тарж.) .....	3
---	---

### НАСР

А.САИДОВ. Армонли муҳаббат қиссаси ёки мангуликка йўл. ....	9
Т.МАНН. Лотганинг Ваймардаги ҳаёти. Роман. (Олмон тилидан Я.Эгамова тарж.) .....	18
Т.МИУРА. Идишдаги ватан. Ўн беш ёшлигим. Ҳикоялар. (Рус тилидан О.Абдуллаев тарж.) .....	89

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

З.ИСОМИДДИНОВ. Эл дардин чек, якка дардинг дард эмас... ..	81
А.ЎСМОНОВ. Шеърлар. (Қирғиз тилидан Т.Адаишбоев, Қ.Саттор тарж.) .....	82
Испанзабон шоирлар ижодидан. Шеърлар. (Испан тилидан Ҳ.Рўзиева тарж.) .....	122

### ЖАРАЁН

Адабиётдаги йўл харитаси. Давра суҳбати. ....	118
---	-----

### ПУБЛИЦИСТИКА

Н.ЖЎРАЕВ. Тарихий давр кашфиёти. ....	151
---------------------------------------	-----

### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА.

Р.АБДУЛЛАЕВА. Мени алқамаган киши қолмади. ....	165
С.МЕЛИ. Адабиёт фалсафаси ёхуд кўзга айланган кўнгил. ....	170
Г.ОДИЛОВА. Дунё адабиётида “таом” ва “тановул” мавзуси. ....	177

### САНЪАТДАГИ СИЙМОЛАР

Н.ҚОСИМОВА. Адриано Челентано. ....	185
М.МУҲАММЕДОВ, Р.ТУРСУНМЕТОВА. “Азизим, дунёга бевақт келибмиз”. ....	188
Ф.АБДУВОҲИДОВ. Эфраим Лессинг ва “Гамбург драматургияси”. ....	191
А.ЎТАЕВ. Чин дўст топган бахтлидир. ....	196
Муковамизда. ....	200
Қомус. ....	203
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. ....	206

# NAVOIY SABOQLARI



*Алишер НАВОИЙ*

(1441–1501)

## СУНБУЛИН ЛАЙЛО ОЧИПТУР...

*Сунбулин Лайло очиптур, ел абиросо эмас,  
Догини Мажнун қонатмиш, лолайи ҳамро эмас.*

*Настаран кўзгусида бир сари мен, бир сари ёр  
Чехра аксин кўргузуптурбиз гули раъно эмас.*

*Гулни ўхшатқан учун ёримга гўё боғ аро,  
Музтариб кўнглум қушидур, булбули шайдо эмас.*

*Сунбул устидин насим эскач, нигорим туррасин  
Ёд қилдимким, димоғ ошуфтадур, савдо эмас.*

*Наргис олтун жомининг оллида кофурий ҳарир  
Пардаи жонимдурур марҳун, қадаҳоло эмас.*

*Дема, афғонимда булбул ноласидек йўқ нишот,  
Бу ҳам андуҳзо эмас, гар ул нишотафзо эмас.*

*Гулни сарв узра хаёл эттим кўнгул бўстонида,  
Рост айтай: сарви гулрўюм кеби зебо эмас.*

*Бўлмангиз мағрури ҳусн, эй шўҳларким, боғ аро  
Сиз кеби билтурғи гуллардин бири пайдо эмас*

*Манга гулрух соқию булбулга гул тутти қадах,  
Маст эрур ул ҳам Навоийдек, вале расво эмас.*

*(“Ғаройиб ус-сизар”, 228 ғазал)*



ЛУҒАТ:

**Абиросо** – анбардек хушбўй  
**Лолайи ҳамро** – қизил лола  
**Настаран** – гул номи, сирень  
**Музтариб** – изтироб чекувчи, паришон, бетоқат, беқарор  
**Турра** – кокил, соч ўримлари; зулф  
**Ошуфта** – гирифтор, девона, ошиқ  
**Кофурий** – оқ хушбўй модда (кофур)га ўхшаш  
**Мархун** – гаровга қўйилган, гаровга берилган  
**Қадахполо** – май сузгич  
**Нишот** – шодлик, хурсандлик  
**Андухзо** – ғам орттирувчи, қайғу келтирувчи  
**Нишотафзо** – хурсандлик пайдо қилувчи  
**Билтурғи** – бултурғи, ўтган йилги

**Байтларнинг насрий баёни**

*Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи*

1. Таралаётган хушбўй хидни шамол келтираётгани йўқ, балки Лайло ўз сунбул сочларини ёйган, тоғда очилган қизил лола эмас, балки уни Мажнуннинг қони қизартирган.

2. Настарин гулининг кўзгусида аслида бир томондан мен, бир томондан ёрим туриб, чехранинг аксини намоён қилганмиз, бу асло раъно гулининг акси эмас.

3. Боғ ичра ёримни гулга ўхшатгани учун бетоқат ва беқарор бўлган куш бу кўнглим қушидир, булбули шайдо эмас.

4. Сунбул гулининг устидан шамол эсгач, нигоримнинг кокилини ёдга олдим ва димоғим ошуфта, яъни ақлим паришон бўлди, бу асло касалликдан эмас.

5. Наргис гулининг олтин жоми олдида менинг жоним гаровга қўйилган ҳарир пардага ўхшайди, бунини сиз май сузгич деб ўйламанг.

6. Фиғонларингда булбулнинг ноладек шодлик йўқ, деб айтма, агар унинг нола хурсандлик пайдо қилмаса, менинг фиғонларим ҳам қайғу келтирувчи эмас.

7. Кўнглим бўстонида гулни сарв устида деб тасаввур қилиб кўрдим, лекин ростини айтсам, у менинг гул юзли сарвқомат ёримдек зебо эмас экан.

8. Эй шўхлар, ҳуснингизга бу қадар мағрур бўлманг, боғ орасида сиз каби бултурғи гул йўқ.

9. Менга гул юзли соқий, булбулга эса гул қадах тутди, у ҳам Навоийдек маст, лекин у каби расво эмас.

**Ғазалнинг умумий маъно-моҳияти**

Ушбу ғазал мавзусига кўра ошиқона бўлса-да, унда табиат тасвири ёр ғўзаллиги ва ошиқ руҳий ҳолати таърифи билан уйғунлашиб кетган,

шу маънода у кўпроқ пейзаж йўналишидаги шеърларни эслатади. Ғазал услубан таъриф ва тавсифнинг умумлашмасидан иборат: унда инсоний сифатлар ҳам, табиат манзаралари ҳам, ошиқнинг изтиробли туйғулари баёни ҳам бирдай объект бўлиб хизмат қилган.

Ғазалнинг ўзига хослиги ва Навоий даҳосининг буюклиги шундаки, унда зоҳирий ва ботиний маънолар, яъни мажозий ишқ ва илоҳий ишқ тасвири бир-бирига қарама-қарши қўйилмайди, аксинча, ҳар икки маъно бир- бирини тўлдириб, уйғунлашиб кетади. Бошқача қилиб айтганда, бир ғазалнинг ўзида мажозий ишқ тасвиридан илоҳий ишқ тасвирига ёки аксинча ҳолатга ўтилади, китобхон гоҳ бу маънодан, гоҳ у маънодан, гоҳ ҳар иккисидан завқлана олади (*Нажмиддин Комилов*).

Ғазал матлабсида мумтоз адабиётдаги анъанавий ошиқ-маъшуқ образлари лирик қаҳрамон ва унинг севгилиси тимсолини ифодалаб келади, унга кўра баҳор фаслида ҳавонинг гуллар воситасида хушбўй ҳид таратиши табиат ҳодисаси бўлмай, балки Лайлонинг сунбулдек сочидан таралган ифордандир. Тоғ бағридаги қизиллик ҳам Лайло ишқида кўкси яра бўлган Мажнуннинг қонидан, лолаларнинг қип-қизил бўлиб очилиб ётишидан эмас.

Навбатдаги байтда гули раъно ва унга хос тасвир тимсоли етакчилик қилади:

*Настаран кўзгусида бир сари мен, бир сари ёр  
Чехра аксин кўргузуптурбиз гули раъно эмас.*

Унга кўра, ошиқ ва маъшуқа чехрасининг кўзгудаги акси раъно гулини эслатади. Савол туғилади: нима учун айнан раъно гули? Чунки раъно-гулда қизил ва сариқ ранг омухта бўлган. Шоир гулдаги бу хусусиятни ҳисобга олиб, унинг қизиллигини ёрнинг чехрасига, сариқ рангини эса ўзининг заъфарон юзига қиёс қиляпти. Байтнинг ботиний маъноси ҳам бор. Раъногул тасаввуфда улуғвор гўзаллик, мутлақ жамол (Яратган) нинг рамзини ифодалайди. Шунга асосланиб, байтни қуйидагича талқин қилиш ҳам мумкин:

Настарин гулининг кўзгусида бир томондан мен, бир томондан ёрим туриб, чехранинг аксини намоён қилганимиз, лекин бу ҳали раъно гули дегани эмас, яъни ҳақиқий ишқнинг мазҳари эмас: ҳали бизнинг ишқимиз мажозий бўлиб, комиллик касб этгани, яъни камолотга эришгани йўқ.

*Сунбул устидин насим эскач, нигорим туррасин  
Ёд қилдимким, димоғ ошуфтадур, савдо эмас.*

Байтнинг зоҳирий маъносига кўра, сунбул гулининг устидан шамол эсгач, нигоримнинг кокилини ёдга олдим ва димоғим ошуфта, яъни ақлим паришон бўлди, бу асло касалликдан эмас.

Ботиний маънога кўра, тасаввуфда зулф паришонлик ва ҳижрон рамзи. Шу сабабли ошиқнинг ҳоли паришон, ўзи девонаваш. Бу девоналик касалликдан эмас, демоқчи шоир, балки ишқ туфайлидир, зеро ақл жунуни билан ишқ жунунининг фарқи бор.

Бешинчи байтда чиройли поэтик тасвирга гувоҳ бўламиз:

*Наргис олтун жомининг оллида кофурий ҳарир  
Пардаи жонимдурур марҳун, қадаҳоло эмас.*

Байтдаги тасвирга кўра, наргис гулининг олтин жоми ёнида турган нарса май сузгич эмас, балки ошиқнинг гаровга кўйилган нозик жонидир. Ушбу тасвирни конкретлаштиришга ҳаракат қиламиз. Маълумки, мумтоз адабиётимизда наргис гули кенг қўлланилган тимсоллардан бўлиб, у кўпроқ ёрнинг кўзига нисбат берилган. Ушбу ғазалда эса наргис гулининг косаси олтин қадаҳга ўхшатиш билан. Наргис гули баҳор фаслида гуллаган вақтида, поясининг пастки қисмидаги бандли, патсимон оқ рангли барглари қуриб қолади. Шоир бу ўринда ана шу баҳорий ҳодисага ишора қилади: наргиснинг олтин жоми олдида турган оқ хушбўй барглари май сузгич деб ўйламанг (қадимда майни унинг куйқаси, яъни дурдидан тозалаш учун усти оқ нафис мато ёки доқадан ўтказиб, сузганлар), у менинг гаровга олинган нозик жонимдир. Одатда, гаровга олинган нарса, омонат бўлади, шоир ушбу омонатлилиқни наргиснинг гуллагандан кейин қуриб, тўкилиб кетадиган нимжон баргларига ўхшатапти. Ошиқнинг жони ишқ йўлида шунчалик омонат...

Мақтаъдан аввалги байт навоийёна фалсафанинг бадиий талқинини ўзида акс эттиради:

*Бўлмангиз мағрури ҳусн, эй шўхларким, боғ аро  
Сиз кеби билтурғи гуллардин бири пайдо эмас.*

Бу дунё ва ундаги гўзалликлар ўткинчи, улар билан мағрурланиш ярамайди, боғда ҳам ҳар йили янги гуллар очилади, аввалги гуллардан келаси йил ном-нишон ҳам қолмайди, шундай экан, инсон ўткинчи нарсаларга алданиб қолмаслиги, ўзини ҳақиқий ишқ учун тайёрламоғи керак.

Мақтаъ ғазалнинг аввалги байтларига хулоса тарзида янграйди:

*Манга гулрух соқию булбулга гул тутти қадаҳ,  
Маст эрур ул ҳам Навоийдек, вале расво эмас.*

Манга гул юзли соқий, булбулга эса гул қадаҳ тутди, у ҳам Навоийдек маст, лекин у каби расво эмас. Ирфон тилида соқий маърифат майини тарқатувчи, булбул эса ишқ йўлида афғон чекувчи, суқр йўлидаги ошиқ солиқ (ишқини фарёд чекиб изҳор қилувчи) тимсолини ифодалайди. Демак, байтдан келиб чиқадиган умумий хулоса: Булбул ишқ тўла қадаҳни гулдан олаётган бўлса, ошиқ маърифат майини пири комил қўлидан оляпти. Булбул ҳам ишқ йўлида маст, лекин унинг ишқ лирик қаҳрамон даражасида эмас, у ҳали Навоийдек расво бўлгани йўқ, зеро ошиқликнинг камоли ишқ йўлида қанчалик “расво” бўлганлиги билан белгиланади.

Умуман олганда, ушбу ғазал реал инсоний кечинмалар тасвири билан бирга ҳақиқий ишқ йўлида мутлақ Гўзаллик мазҳарини излаш йўлидаги ошиқнинг мақом босқичларидаги ҳолатларини ҳам ўзида акс эттиради.

Ғазал рус тилига мутаржим Адель Чилиякова томонидан тағлама сифатида таржима қилинган.

Мутаржим ғазални эркин таржима қилиш йўлидан борган: бу бевосита қофияланиш тизими, таржима мисраларидаги бўғинлар сонининг турличалиги ва шу билан бирга маъно эркинлигида ҳам намоён бўлади. Кўп ўринларда мутаржим байтларнинг мазмунидан кўра умумий маъно-моҳиятини бериш йўлидан боради. Хусусан, ғазалнинг 7-байти А.Чиликова таржимасида куйидагича жаранглайди:

*Я знаю: чем дано мне вечно обладать  
Прекраснее того, о чём могу мечтать.*

Шунга ўхшаш фикрни 8- ва 9-байтлар таржимасига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

### Ғазалнинг русча тағлама таржимаси

*Таржимон – Адель ЧИЛЯКОВА*

*То аромат распущенных волос Лейли  
Вгоняет в краску не тюльпан, а кровь Меджнуна.*

*То в совершенстве розы отразились  
Моя любовь и зреющие прелести бутона.*

*Не трели соловья среди садовых роз -  
Здесь плачет сердце раненое красотой.*

*Зефир донёс напоминание её волос,  
Я вновь безумствую от сладких грёз.*

*Под золотом нарцисса сухие лепестки,  
Залог моей любви, наполненной тоскою.*

*Не говори, что не могу смеяться или плакать,  
Мой плач без боли, в смехе – грусть порою.*

*Я знаю: чем дано мне вечно обладать,  
Прекраснее того, о чём могу мечтать.*

*Минует осень, и не пощадит сад иней,  
И розы сникнут на его пороге.*

*В залоге красоты пьянеет соловей,  
А Навои пред таинством любви благоговет.*

\* Биз айни кунларгача Алишер Навоий ғазалларини кўп бора назардан ўтган, XX асрда эълон қилинган русча таржималарни эътиборингизга ҳавола этдик. Бу сондан бошлаб Навоий шеърятининг янги таржимонларини ҳам бу ишга жалб қилиб, буюк шоирнинг ҳали рус тилига таржима қилинмаган ғазалларини ўгиришга жазм этдик. Бадииятида турли шаклий, вазний ва ифодавий камчиликлари кўриниши мумкин бўлган бу таржималар дастлабки тажрибалар маҳсули бўлиб, бадий таржимага асло даъво қилмагани ҳолда, шоир ижодини русийзабон қатлам орасида янада кенгрок тарғиб этишга хизмат қилади. Ниятимизки, мазкур тағлама монанд таржималар келгусида юксак бадий таржималарга асос бўлса. Бу сонда таниқли ижодкор Адель Челикова бизга ёрдам бердилар.

## Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Аъзам ОБИД

*It's not wind that smells of musk, it's Leila who unbound hair,  
Not red tulips on the mount, it's Mejnun's blood in despair.*

*On one side – me, on the other – my beloved in lilac's mirror,  
We reflected our visage, that's not at all a rose-briar.*

*It's my afflicted souls' bird, not the enchanted nightingale  
Who - the flower in the garden - to my sweetheart would compare.*

*When the wind blew over the hyacinth, I called to mind my sweet's braid,  
I became insensible; indeed it's not from love affair.*

*Before the jonquil's golden cup my spirit is like fine curtain  
Which is taken as a hostage, it's not the wine straining tool ware.*

*Don't say no joy in my distress like in nightingale's sad singing,  
If its wail does not bring gladness, my wound too is not a nightmare.*


*In my heart orchard I fancied over the cypress the flower,  
In truth, to tell the flower's finer than my belle would be unfair.*

*Hey, good-lookers in the parkland, don't be proud of your beauty,  
Of the last year's flowers like you, where are they, no one's aware.*

*The beauty passed a bowl to me and the rose to the nightingale,  
Who is as drunk as me, Navoi, but not like me up in the air.*







*Томас МАНН*

(1875–1955)

## ЛОТТАНИНГ ВАЙМАРДАГИ ҲАЁТИ

Роман

*Олмон тилидан  
Янглиш ЭГАМОВА  
таржимаси*

### **АСАР ВА УНИНГ ТАРЖИМОНИ ҲАҚИДА: “Армонли муҳаббат қиссаси ёки мангуликка йўл”**

XX аср романчилигининг асосчиларидан бири, немис реалистик адабиётининг таниқли вакили Томас Манн қаламига мансуб “Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти” романи ҳақида фикр юритишдан олдин муаллиф таржимаи ҳоли ҳақида мухтасар тўхталишни жоиз билдик.

Т.Манн 1875 йилнинг 6 июнида Германиянинг Любек шаҳрида бойбадавлат оилада дунёга келган. У 1933 йилгача, яъни Гитлер ҳокимият тепасига келгунча Мюнхенда яшаган. Шундан сўнг у ва оиласининг умри муҳожирликда ўтган, аввал Швейцарияда, 1938 йилдан бошлаб АҚШда бошпана топган. 1952 йил июнида Т.Манн оиласи Швейцарияга қайтиб келган. У вайрон бўлган ўз мамлакатига қайтишни истамаганига қарамасдан, 1949 йилда Гёте таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан Германияда бўлган. Томас Манн 1955 йилнинг 12 августида Цюрих шаҳрида оғир касалликдан вафот этган.

Т.Маннинг 1901 йилда “Будденброклар” номли икки жилдлик романи босилиб чиққан ва 1929 йили шу роман учун адиб Нобель мукофотиغا сазовор бўлган эди.

Т.Маннинг йирик асарлари, хусусан, “Юсуф ва унинг акалари” тетралогияси, “Сирли тоғ”, “Доктор Фаустус”, “Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти” романлари уни дунёга машҳур қилган. Бундан ташқари, у бир қанча новеллалар, “Гёте ва Толстой”, “Гётенинг “Вертери” сингари адабий-танқидий мақолалар, шунингдек, Ф.Нитше, Ф.Достоевский, А.Чехов ҳақида мақолалар ёзган.

Қадрли ўқувчи! Сиз Шарқнинг сеvimли Лайли ва Мажнун қиссаси каби Фарбада машҳур “Ёш Вертернинг изтироблари” асарини (Йоханн Вольфганг

\* Манба: Thomas Mann, “Lotte in Weimar” Roman, Aufbau-Verlag Berlin und Weimar, 1976

Гёте қаламига мансуб) ўқиб чиққан бўлсангиз керак. Томас Маннинг “Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти” романи ўша асар қахрамонлари Шарлотта Буфф ва Вертернинг ҳаётдаги прототиби Гётенинг Ваймар шаҳридаги учрашувларига бағишланган бўлиб, унда “Вертер” романидаги воқеалар, жой тасвирлари, қахрамонлар портрети, хатти-ҳаракатлари, гаплари, фикр-ўйлари бот-бот тилга олинади.

Сиз Вертер ҳақидаги романда 19 ёшли Лотта ва 22 ёшли Гёте муҳаббатларига гувоҳ бўлгансиз. Томас Маннинг романида эса, 64 ёшли Шарлотта ва 67 ёшли Гётенинг қирқ тўрт йилдан кейинги учрашувларининг бадиий тафсилотлари билан танишасиз.

“Ёш Вертернинг изтироблари” ва “Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти” романлари турли замонларда яшаган икки муаллиф яратган ҳар хил услубдаги, бир-биридан кескин фарқ қилувчи бадиий асарлардир. Уларнинг биринчисида – ёшлик алангалари, эҳтирос туғёнлари, тизгинсиз талпинишлари ва ниҳоят, тўппончанинг битта ўқи билан тинчиган йигит тақдири ўз ифодасини топган.

Иккинчи асар эса, ярим асрдан сўнг хотиралар ўчоғи кулини титиб, кекса ошиқ-маъшукларнинг ўчган ишқ чўғларини яна алангалатиш учун интилишга менгзайди. Яъни, унда балки, бунақа ҳам бўлиши мумкин эди-ку, деган кексалик хуморлари акс эттирилган.

“Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти” асарининг сюжети шу даражада соддаки, тўрт-бештагина воқеадан роман бунёд этган санъаткорга тан бермасликнинг иложи йўқ.

Томас Маннинг ушбу романидаги услуб ғоят ранг-барангдир. Айниқса, у мазкур муфассал насрни битишда ҳақиқий драматургдек таассурот қолдиради. Хаттоки бу романни тўққиз сахна кўринишидан иборат пьеса, деб айтиш мумкин. Ёзувчи қахрамонларнинг мураккаб ички ва ташқи дунёсини асосан уларнинг диалог ва монологларида очиб беради.

Гёте ҳаёлотлари монологи (VII боб) бу услубнинг ҳадди аълосидир. Чунончи, муаллиф Магер образида бутун вужуди, юраги, хатти-ҳаракати, товуши, нутқида мислсиз ҳайратланган инсон сиймосини яратган. Гўё роман Магер ҳайрати билан бошланиб, Магер ҳайрати билан ниҳоясига етади. Магер Лоттага дуч келганида айтган гаплари, яъни “луқма”ларидан айримларини келтирамиз:

– *Билсангиз эди, хоним, “Ёш Вертернинг изтироблари” романи менинг қалбим учун нималарни ифодалашини?!*

– *...Бугунгидек бир умрга татиғулик учрашув насиб қилмаган.*

– *Ўша мудом суюкли кимсанинг прототиби бўлган энг табаррук аёл ҳаёт эканлиги, бирор кун келиб бу илоҳий хилқат билан юзма-юз тураман, деган фикр етти ухлаб тушимга кирмаган эди. Ҳатто бунини орзу қилишига ҳам журъатим етмаган бўларди.*

*Магер ҳайрат чўққисидан туриб:*

– *Ҳозир мен Вертернинг Лоттаси олдида турибман-а?, деб, саволига тасдиқ қутганида, Лотта устомонлик билан жўрттага унинг фикрини рад этишига уринади. Шунда ҳайрат тимсолининг китобхон юрагига урадиган сўзлари янграйди:*

– *Охирги саҳифасигача Вертернинг Лоттаси эмас экансиз, унда Сиз охирги соч толангизгача Гётенинг Лоттасисиз!*

Гёте улуғлиги ва Лотта сиймоси шуҳрати қаршисида Магер ҳайратлари Томас Манн томонидан муболаға қилинган, дея олмайман. Чунки “Ёш Вер-

тернинг изтироблари” романи босилиб чиққандан кейин асарни ўқиган бир инглиз сайёҳи Ваймарга келганида кўчада тирик Гётени кўриб хушидан кетгани айна ҳаётий ҳақиқат.

Олтмиш тўрт ёшли бева аёлнинг “балки шундай бўлиши мумкин эди-ку” деган хаёл қанотида Геслер шахридан Ваймарга келиши, адабиётшунослик тилида айтганда, асарнинг тугунидир. Ушбу романни ўқий бошлаган китобхон тўққизинчи бобгача Гёте монологи ва унинг меҳмонга таклиф қилгани воқеаларига келгунга қадар интиқлик билан жонини ҳовучлаб, асарни: “Энди нима бўларкин? Собик ошиқ-маъшукларнинг кексаликдаги учрашувлари қандай кечаркин? Гёте Лоттани қандай қарши оларкин? Лотта не кўйларга тушар экан-а? Даҳо Гёте-чи? Кейин нима бўларкин? Чунки Гётенинг хотини Кристиана Вулпиус ва Лоттанинг эри Ҳанс Христиан вафот этиб кетишган-ку? Икковларининг ҳам “боши очик-ку?”, деган ўй-хаёллар ичида ўқийди.

Томас Манн бадиий услубининг яна бир қирраси шунда кўринадики, одатда унинг бошқа асарларида ҳар хил, яхши ва ёмон типлар мутгасил тўқнашади. Ушбу зиддиятли тўқнашувлар силсиласи асар жозибадорлигига, ўқувчининг зерикиб қолмаслигига асос бўлади. Бу ҳодиса адабиётшуносликда “конфликт” истилоҳи билан юритилади. “Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти” романида эса қаҳрамонлар ўртасидаги зиддият, кураш, тўқнашув яққол кўзга ташланмайди. Бундаги конфликтлар асосан персонажларнинг дунёқарашлари, феъл-атворлари, хатти-ҳаракатларидагина кузатилади.

Масалан, Лоттанинг Ваймарга ташрифидаги ҳамроҳи – қизи Лотхен (онасининг ҳам, қизининг ҳам исми – Шарлотта; Лотта, Лотхен шу исмнинг қисқаргани, эркалатиб айтилгандир). Лотхен ёши ўттизга қоралаган қиз. Онасининг ҳар бир хатти-ҳаракати, кишилар билан муносабати, ҳатто кийим танлашигача Лотхеннинг эътирозли қараши билан талқин этилади. Ўзидаги фазилатларнинг қизида йўқлигидан она норози. Шарлотта ўзини эҳтиросли, меҳрибон, бағрикенг ҳисоблайди-ю, қизини совуққон ва меҳрсизликда айблашга мойил. Ҳатто она бўлатуриб қизининг сўққабошлиги, оила қурмагани сабабини унинг шу иллатларидан бири деб билади.

Қизига эса, онасининг – 64 яшар, боши қалтираб турадиган аёлнинг имконият бор жойда ўзини кўз-кўз қилишга уриниши эриш туюлади. Шунинг учун у онасининг ушбу сафаридан ҳам норози ва бу ҳақдаги фикрини очик айтади. Шунда она ноилож, қизининг фикрига ичида тан берса ҳам, ўз сўнгги маънавий тамаъгирлигидан асл мақсадини ошкор этишга мажбур бўлади: – Қизим, – дейди у, – жаҳон мулкига айланган чекдан фойдаланишга ҳаққим бор-ку...

Кампиршо “Вертер” туфайли нечоғлик буюкликка етишганидан доктор Ример олдида очикчасига фахрланади: “Китоб (“Ёш Вертернинг изтироблари”) келди ва мен барҳаёт маҳбубага айландим. Битта эмас, Худо сақласин, улар бутун бир рўйхат, аммо энг машҳури, одамлар ҳаммадан кўп қизиқадигани мен эдим. Мана энди адабиёт тарихига, илмий изланишлар манбаига, зиёратгоҳга, Мадонна ҳайкалига айланаяпман, башарият ҳарамида унинг пойидан мудом халқ қадами узилмайди”.

Ҳатто севишган, эрта-индин тўйлари кутилаётган Август фон Гёте – Гётенинг ўғли ва Оттилия Погвиш образлари талқинида ҳам муаллиф персонажларнинг ғоявий қарашларидаги кескин тафовутларга алоҳида аҳамият



беради. Август пацифист<sup>1</sup> – ватан хизмати, ҳарбий ишларга эътиборсиз, Оттилия эса, илғор ватанпарвар, ватан мудофааси жонбози. Ҳаракатчан, ватанпарвар ёшларга Август кулги бўлади, Оттилия, аксинча, илғор жанговар немис ёшлари тарафдори, керак бўлса, қўлига қурол олишга ҳам шай.

Бундай ўзига хос конфликтнинг яна бир оҳорли намунаси бор. Бу – бир кишининг ўзидаги икки хиллик, очикрок айтсак, адабий тип иккиюзла-мачилигидир. Жаҳон адабиётида доктор Ример образи каби иккиюзлама-чининг ёрқин намунаси ҳам топилади. Яна шуниси ҳам борки, персонаж иккиюзламачилиги тутуриқсизлик даражасига етади-ю, муаллиф бунга фақат Римернинг Шарлотта билан диалоглари орқалигина эришади. Ример образи ўз нутқи орқали индивидуаллаштирилади.

Доктор Ример – коллеж ўқитувчиси, олим. У Гёте хизматида тўққиз йил котиблик қилган, айти пайтда ҳам шу хизматдан бўшамаган. *“Мен шундай хилқат билан юзма-юз турибманки, – дейди Ример, – унинг ҳузурига жамиятнинг барча бўғинлари – болаларча содда оммадан тортиб зиёли инсонларгача юраклари ҳис-ҳаяжондан тўлиб-тошиб, чексиз ҳурмат-эҳтиром билан интиладилар. Бу аёлнинг номи даҳо тарихининг бошида, деярли бошида турипти. Бу ном муҳаббат илоҳаси томонидан даҳо номига, шунингдек, ватан маънавиятининг шаклланиш тарихи ва немис гоэвий дунёсининг империясига абадий қўшиб қўйилган”*.

Бу сўзларни айтаётган киши ҳақиқий олим эканига ўқувчи шубҳаланмайди. Шарлотта ва Фридрих Ример Йоханн Вольфганг Гёте шахси, ижодий улуғлиги хусусида фикр юритади. Ҳар гал улар Гёте сиймоси ва адабий даҳоси мислсизлигини сўзда таъкид ва иқроор этадилар-у, Ример гап орасида жуда усталик билан Гёте шахси ва ижодидан талай нуқсон ва адабий заифликлар кузатганини очиб солади. Шу тариқа шахсий қарашлар ўртасидаги ўтиб бўлмас чоҳлар кўрсатилади ва доктор Ример иккиюзламачи шахс сифатида яққол намоён бўлади.

Ажойиби шундаки, бу усулнинг ўзи муаллифга даҳо Гёте шахсининг бутун мураккабликлари билан очиб беришда қўшимча катта имкониятлар ҳам яратади.

Томас Манн Шарлотта ва Лотхен, Гёте ва ўғли Август муносабатлари талқинида оилавий ички зиддиятларнинг ранг-баранг кўринишларини намоён қилади. Тўғри, биз Гёте ва Август муносабатларида Шарлотта ва Лотхен муносабатларининг тескарисини кузатгандай бўламиз. Аслида эса, бундай эмас. Отасининг сояси бўлишга рози Августда ҳам, ўғлим деб суянадиган Гётеда ҳам сезилар-сезилмас ўзаро норозилик бор. Ахир Гётенинг ички монологида айтилган: *“Менинг ўғлим – энгилтак зарурият ҳосиласи, беадабона тўшакдаги беадабона алоқалар меваси, у мақсаддан ташқари нарса”*, деган фикр бежиз эмасдир.

Асардаги бош ва иккинчи даражали кахрамонлар Шарлотта, Гёте, Август, доктор Ример, Роза Гэзль, Магер, Жон, Адель Шопенхауэр, Оттилия образлари, портрет чизгилари шу даражада ҳар бирининг ўзига хос қилиб индивидуаллаштирилганки, ҳар қандай талабчан адабиётшуноснинг ҳам бунга тан бермай иложи йўқ.

Гёте “Ёш Вергернинг изтироблари” романида Лотта образида янгича кашфиётчилик – новаторлик юз кўрсатган. У жаҳон адабиётида биринчилардан бўлиб ўз қалбини жиловлай оладиган маъшуқа тимсолини яратди.

<sup>1</sup> Пацифист – ҳар қандай урушларга, жумладан миллий озодлик урушларига ҳам қарши чиқадиган, тинчликни пассив равишда тарғиб қиладиган шахс.

Аслида Шарк адабиётида аёлларнинг муҳаббатда фаоллиги устун эди. Юсуф ва Зулайҳо сюжетда юзлаб дoston ва қиссалар яратилган ва уларда аёллар ишқининг зўрлиги тантанаси кузатилган.

Томас Маннинг тетралогияси<sup>1</sup> – “Юсуф ва унинг акалари” романида ҳам Зулайҳо муҳаббатда энг фаол аёл тимсолидир. Маъшуқалар ҳамisha ўз ошиқлари учун жонларидан кечишган. Лайли ҳам, Ширин ҳам, Зухро ҳам.

Лотта эса Вертерни севса-да, қисматим деб тан олган Албертдан (хаётдаги прототипи Ханс Христиан Кестнер) воз кечмайди. Ошиғи Вертер ўлиб кетади, Лотта “Алберт”ига ўн битта бола туғиб беради.

Томас Манн Оттилия образида худди Лотта қисматини ўзига хос равишда такрорлайди. У жароҳатланган жангчига жон фидо қилишга шай хатти-ҳаракатлар қилса-да, Гётенинг ўғли бўлмиш бадавлат Августга қисматим деб қарайди. Ўз қисмати йўлида муҳаббатини, юрагини жиловлай оладиган иккинчи тимсол ана шу Оттилия Погвишдир. Энди маъшуқалар – Лотта ва Оттилия Погвиш ошиқларига фидо бўлмайдилар, бойлик, табақа ҳисоб-китоби билан турмуш курадилар.

“Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти” романида Гётенинг индивидуаллаштирилган образи бутун мураккабликлари билан тўла-тўқис намоён этилган. У адабий даҳо, Ҳерцогга содиқ монархистик қарашдаги зодагон, ҳатто Ҳерцог ҳарбий ҳаракатлар ўчоғида жонсарак бўлаётганида ҳам у Наполеон суҳбатига ноил бўлганидан фахрланиб, унинг “Фахрий легион” орденини хузур қилиб тақиб, ўзини дунёвий, халқаро кескин муносабатларга бетараф, тинчлик тарафдори бўлган арбоб сифатида тутади.

Гётенинг ички монолоғида нима учун унинг сиёсий ишларга аралашмаслиги сабаблари очиб берилган: “Афсуски, мен фожиали тўқнашувлар учун эмас, муроса учун яратилганман. Ахир менинг бутун фаолиятим муроса, зиддиятларни бартараф қилишдан иборат тасдиқлаш, тан олиш, барча инсонларнинг онгига яхши ғояларни сингдириш, бағрикенглик, фикрлар уйғунлигига интилиш эмасми? Ҳамма кучлар бирлашгандагина дунё барқарор бўлади”. Чунки, унингча, агар немислар ҳам, кўп жиҳатдан шоирнинг ўзи бурчли бўлган француз маданияти билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйсалар, руҳий-маънавий оламда кўтарилиш ва тиниқлашув юзага келган бўларди.

Шу ўринда Гётенинг доҳиёна узокни кўрабилганини алоҳида таъкидлаш лозим. У ўз замонидаёқ жаҳон ҳозир ва яна узок йиллар лаънатлайдиган зўравон фашизм шарпасини ўз миллатида кўра олган эди. Томас Манн ва Гёте бир нуқтада фикрдош: улар ваҳший фашизмга ёв, аммо ўз халқларининг дунё халқлари ўртасидаги буюклигини маърифатда, маънавиятда кўрадилар.

Томас Манн Гёте образини шунчалик кўп қиррали қилиб тасвирлайдики, масалага кўпинча бирёқлама қарашга мойил бўлган биз – ўқувчилар тез-тез буюк даҳога қойил қоламиз, гоҳ унинг хатти-ҳаракатлари, қилиқларидан энсамиз қотади, ҳатто тамоман ахлоқий антиподимизга дуч келганимиз бизни қийнаб ҳам юбориши мумкин.

Томас Манн Шарлотта шарафига бу улуғ хонадонда берилган расмий зиёфатда зодагон Гётени шунчалик нозик чизгиларда хатти-ҳаракатлар қилдирадими, меҳмонлар унинг сўз муносабатларини бемалол икки хил талқин қила олади:

<sup>1</sup> Тетралогия – ғояси ва мазмуни бир бўлган тўртта адабий ёки мусиқий асар.



биринчидан, курук; яъни расмий меҳмоннавозлик, улуғ амалдорнинг бир хурматли хоним ва унинг фарзандини ўз хонадонидида илик қабул қилиш маросими, холос;

иккинчидан, Шарлотта ва унинг қизига нисбатан меҳр ва самимият маъракаси.

Аммо ҳар иккала ҳолатдаги вазиятда ҳам муаллиф бу маъракада бош фигуралар шу икки меҳмонгина эмаслигини Гёте сўзлари ва юриш-туришларида яхши ифодалай олган.

Қолаверса, ўқувчи Гётенинг ушбу меҳмондорчилик арафасида Шарлоттани чарлаш масаласидаги Августга айтган гапини эсга олмай қололмайди: “Гёте: Ҳа, тўғри, уларникига (синглиси Амалияникига, демоқчи. – А.С.) келган, чучуктомоқ кампир. Шон-шуҳратнинг мазасини татиб кўрмоқчи бўлган. Аслида, шон-шуҳрат ва ғийбат афсусланарли бир тарзда бири-бирига чатишиб кетган. Қабулда мулоҳазали, сипо, бардошли усулни қўллаш жоиз... Учрашувни унчалик ҳам узоққа чўзмастик, уларни тезроқ бошимиздан оширишимиз лозим”.

Бу гаплар таассуротидаги ўқувчи Гётенинг зиёфат олдидаги ушбу гапини ҳазм қилиши қийин ва даҳо самимиятига шубҳа билан қарайди:

“Кадрли хонимлар, – деди у ўнг қўлини Шарлоттага, чап қўлини Лотхенга узатиб, кейин уларнинг қўлларини бирлаштириб, ўз қўллари орасида тутганча сўзида давом этди, – ниҳоят ўз оғзим билан сизларга Ваймарга хуш келибсизлар, дейман. Сиз бу ерда, мана шу лаҳзаларгача вақтни зўрға ўтказган одамни кўриб турибсиз. Бу чинакам ажойиб, ҳаётбахш ҳодиса... Ёшлик ҳам, – деди у энди фақат Лотхенга, қизга томон бурилиб, – куёшнинг тилларанг нурлари янглиғ қоронғи уйимизга кириб келди... Гўзал, гўзал, гўзал! – деди у, – бу кўзлар йигитлар дунёсига анча-мунча ғалаён солган бўлса керак!”

Лекин синчиклаб қаралса, Томас Манн Гёте сиймосини юз киррала олмосни намойиш этгандай ҳар томонлама санъаткорона кашф этганига, мислсиз маҳоратига лол қоламиз. Гёте – даҳо шахсининг Ватан тақдиридаги роли ҳақида унинг ўғли Август тилидан шундай эътироф қайд этилади: “Фахмладимки, улуғ шоир ҳукмдор ҳам экан. Унинг тақдири, унинг ижоди, ҳаётий режалари шахсий чегарадан чиқиб, миллатнинг шаклланиши, характери ва истиқболини белгилаб беради”.

Томас Манн илгари буржуача қарашлар тарафдори бўлиб, акаси – адиб Ҳайнрих Манн таъсирида нацизмга қарши турувчилар сафига ўтади. Ҳатто олдинги қарашларига мутлақо зид бўлган антифашистча нутқи “Мушоҳадага чақириқ” билан немис халқига мурожаат қилади (1939). Роман эса худди шу йили ёзилган. Қизиғи шундаки, муаллифнинг ана шу янги ғоявий қарашини Гёте адабий даҳосини Гёте сиёсий даҳоси билан чамбарчас боғлаш имконини берган. Асарнинг бир неча жойида фашистча майллар немисларда Гёте замонидаёқ жунбушга келганини даҳо Гёте билганлиги ва муҳити мафкурачилари ҳамда улуғларини бу ҳақда огоҳлантиргани маълум.

Чунончи, профессор Пассовнинг антик дунё эрксеварлик руҳини немисларга сингдириш истагини Гёте рад этиб ташлайди: “Гапимни эшитинг! Антик дунё ҳақида нималаргадир ақлим етади. Аммо улардан ўрганмоқчи бўлганингиз эрксеварлик ва ватанпарварлик тушунчасининг ҳар дақиқада карикатурага айланиш хавфи бор! Немислар ўз қобилигига ўралашиб ўтирмасдан бутун дунёни ўз бағрига олмоғи ва кейин унга таъсир ўтказмоғи лозим. **Мақсадимиз ўзимизни бошқа миллатлардан четга тортиш эмас, балки бутун дунё билан дўстона алоқа ўрнатиш,**

**хатто туғма ҳис-туйғулар, ҳақ-ҳуқуқлар ҳисобига бўлса-да, ўзимизда ижтимоий фазилатларни тарбиялаш бўлмоғи зарур.**

Жаноб доктор<sup>1</sup>, биламан, ниятларингиз холис. Аммо ниятларнинг тоза ва холис бўлишининг ўзи етарли эмас. Одам ўз интилишларининг натижаларини олдиндан кўрабилиши лозим. **Сизнинг ниятларингиз эса, мени даҳшатга солади. Чунки улар бир кун келиб немисларни энг шармандали бебошликларга олиб келадиган ярамас қилмишларнинг ҳозирча олийжаноб содда кўринишларидир. Агар улар Сизнинг қулоғингизга етиб борадиган бўлса, ўзингиз ҳам гўрингизда бир ағдарилиб тушган бўлардингиз!”**

Гёте бадиий образи башорати юз берди: фашизм XX асрда Германияда жунбушга келди ва жаҳонга шарманда бўлди.

**Томас Манни интеллектуал наср устаси сифатида тавсифлаганда унинг ўзини – мухтасар таъриф билан – инсоншунос, асарини эса инсоншунослик талқини, деб айтиш мумкин. Персонажлар ташқи қиёфасини чизишда Рембрандтга хос мукамаллик, ички дунё кашфида ҳам теран мумтоз идроклилик барқ уриб туради. Шунинг учун ҳам агар бадиий асардаги муаллиф ҳикматларини таомга солинадиган туз деб қарасак, Томас Манн асарида туз ҳамиша расо бўлади.**

Унинг қуйидаги ҳикматлари кимни ўйлатмайди? Айниқса, ўз немис миллатига баҳо беришидаги ҳикматнавислигини айтмайсизми:

• “Бизнинг улуғлигимиз – маънавиятимизда”.

• “Немис миллати – бу озодлик, маърифат, ҳар томонлама билимдонлик ва муҳаббат дегани”.

Энди турли мавзулардаги ҳикматлари шодасига назар ташлайлик:

• “Ҳаёт олдинга силжияпти, хатто буюклик олдида ҳам тўхтамаяпти”.

• “Албатта, одам ўз мақсадига қийинчилик билан етса, унинг кадри ошади”.

• “Нимани ўйламасанг, ўшанга дуч келасан”.

• “Бизлар вақт синовига бардош бердик, қандай бўлсак, шундайлигимизча қолдик. Қариган бўлсак, жисмонан, зоҳиран қариганмиз, ҳеч нарса ички дунёмизни ўзгартиришга, йиллар тўфони оша олиб ўта олган телбаларча “мен”имиз устидан ҳукмронлик қилишга қодир эмас”.

• “Ҳаёт ва ёшлар ҳамиша тепада бўлишди, ҳаёт ҳамиша ёшлигича қолаверди”.

• “Бировнинг қисматиға ҳасад билан қараш – қанчалар тубанлик! Чинакам жирқанч, нолойиқ туйғу”.

• “Вақт кўзга кўринмайдиган бебаҳо бойлик. Агар сен уни кадрласанг ва тиришиб банд этсанг, у жимгина бунёд этаверади, у илоҳий кучларни уйғотади”.

• “Қахрамонлик – сабр-бардошда”.

• “Кўрслик ва қайсарлик ҳукмрон бўлган жойда вазминлик ва камтарлик анқонинг уруғи”.

• “Маданият – бу бир-бирини жилмайишиданок тушунадиган имтиёзли кишилар жамоаси”.

• “Кексайганда улуғ бўлганинг яхши, иззат-хурмат муҳим нарса”.

• Ҳақиқатни ёмон кўришлари – бу тўғри эмас. Ҳақиқатнинг жозибасини пайқамаганлари – ачинарли ҳол, қалбаки нарсаларни, ҳар қандай бебошликларни кадрлашлари – даҳшат”.

<sup>1</sup> “Доктор” деган хитоб ҳозирги магистр, фан номзоди тушунчасини ифодалайди.



- “Асар – реаллашган виждон... эришилган ютуқдан қувониш – мана, у нима!”
- “Дин ва унинг бутун тимсоллар дунёси маданиятнинг таркибий қисмлари ҳисобланади”.

Энди икки оғиз сўз “Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти” романи таржимони ҳақида. Мархума Янглиш Эгамова XX асрнинг 70-йилларида Йоханн Вольфганг Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” романи таржимони сифатида китобхонлар ўртасида машхур бўлди. Бунинг сабаби иккита: биринчиси, асарнинг ёшлар онгу шуурини алғов-далғов қилгани; иккинчиси, асарнинг биринчи марта немис тилидан ўзбек тилига бевосита ўғирилгани эди.

Қизиқ ўхшашликлар: Гёте бу асарини йигирма тўрт ёшида бир ой ичида ёзган. Таржимон эса, орадан 200 йил ўтиб, Самарқанд Давлат университетининг ёш немис тили ўқитувчиси сифатида романни 40 кунда ўзбек тилига таржима қилган.

Томас Манн “Гётенинг Вертери” мақоласида Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” романи ҳақида шундай ёзган: “Бу – шоҳ асардир. Унда ҳис-туйғулар ва барвақт етилган истеъдод бир-бирига ғаройиб тарзда қоришиб кетган. Унинг предмети – ёшлик ва даҳо. У ёшлик ва даҳодан дунёга келган”. Шубҳасиз, бу сўзлар муаллифга ҳам, таржимонга ҳам тегишли.

Таржима (1975 йилда) босилиб чиққач, ҳамма ҳайратга тушган. Чунки оддий университет ўқитувчиси қандай юксак истеъдод соҳибаси ва қандай соҳир сўз санъаткори экани яққол кўзга ташланган эди. Шу вақтгача бирорта ҳикоя ёзмаган, бирорта мўъжаз бадиий асарни таржима қилмай туриб, бирданига машхур романни ўзбекчалаштиришга қўл урган таржимон шундай улкан муваффақият қозонганди.

Бу бежиз эмас. Аслида ҳам, Янглиш Эгамовада ушбу асар таржимаси учун етарли иқтидор ва адабий тайёргарлик захиралари мавжуд эди. Ахир, адабиётни теран тушунадиган инсонлар ўша пайтдаёқ: “Агар Гёте бу китобни ўзбек тилида ёзганида, худди шундай ёзган бўларди”, деб бежиз эътироф этмаган.

Я.Эгамова русча, ўзбекча китобларни кўп ўқир, шу жумладан, Николай Богословскийнинг Иван Тургенев ҳақидаги “Ажойиб кишилар ҳаёти” туркумидаги китобини, ўзбекчага таржима қилинган И. Тургеневнинг кўп жилдлик асарларини бирма-бир синчиклаб меҳр билан мутолаа қилган. Опа И.Тургенев услубига хос баёндаги равонлик ва ширалиликни теран ўрганган. Тинимсиз мустақил адабий мутолаа ва хушманзара юрти Форишдаги баҳаво муҳит унинг таржималаридаги сўз бойлиги ҳамда ифода ширадорлигининг асоси бўлса, ажаб эмас.

Я.Эгамова олий ўқув юртида немис тилидан дарс бериш билан бирга илмий иш билан ҳам, бадиий таржима амалиёти билан ҳам бирдек шуғулланган. 1974 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Аввал Самарқанд Давлат университетиде, кейин Сирдарё Давлат пединститутида (1992 йилдан Гулистон Давлат университети) талабаларга немис тили сир-асрорларини ўргатган. Кейин ҳам йирик-йирик асарлар таржимасига қўл урган. Немис тили ва адабиётининг Ўзбекистондаги фаол тарғиботчиси сифатида, жумладан, Бруно Апицнинг “Қашқирлар чангалида” антифашистик романини немис тилидан таржима қилган. Китоб 1986 йилда босилиб чиққан.



Кейинги ўн беш йил давомида Я.Эгамова таржима қилган асарларнинг сони ва салмоғи янада ортди. У Гётенинг “Ҳамроз диллар” романини (“Шарқ”, 2013, 2016), Фриц Вюртленинг “Бобур – йўлбарс” (“Андижон шаҳзодаси”. “Ўқитувчи”, 2011, 2013) қиссасини, Й.Эккерманнинг “Гёте билан гурунглари” (“Ўзбекистон”, 2016) асарини, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асарини (Ваҳоб Раҳмонов билан ҳамкорликда) (“Шарқ”, 2010) таржима қилиб халқимизга тақдим қилган.

Булардан ташқари, у немис ёзувчилари Вольфганг Борхерт, Маргарита Нойманн, Мария Луиза Кашнитс, Вольфганг Хилдесхаймер ҳикояларини, Гёте ҳақидаги замондошларининг хотиралари, Гёте ва Шиллер ёзишмаларидан намуналарни таржима қилиб, газета-журналларда эълон қилган. У таржимашунос олима сифатида немис адабиётидан ўзбек тилига қилинган таржималар, ўзбек тилидан немисчага қилинган таржималар (Ойбек Остонов ижоди маҳсуллари), шунингдек, ўз таржималари, уларнинг дунёга келиш жараёни, таржимонлик тажрибалари ҳақида қатор илмий мақолалар ёзган. Немис тилидан бевосита ўзбек тилига таржима қилувчи таржимонлар билан Гёте институти воситасида яқин алоқада бўлиб, улардан ўз ёрдам ва маслаҳатларини аямаган.

Я.Эгамова ҳаёти давомида нимага эришган бўлса, ўзидаги тиришқоқлик, меҳнатсеварлик, қатъийлик, қийинчиликлардан чўчимаслик, ҳалоллик фазилатлари билан эришган. У ҳамиша “Одамнинг кўлидан келмайдиган иш йўқ, фақат истак керак” деган қоидага амал қилган. Афсуски, шуҳрат шуълалари ёғилиб турган бу заҳматкаш аёл бошига фалак ўз зулмини ҳам ўтказди. 36 ёшли фозил фарзанди Тўлқинжондан жудо бўлди. Фарзандининг зурёдлари – икки норасида гўдак – Муборак ва Нуриддинни камолга етказиш, келини Камолахонга далда бўлиш масъулияти Янглиш Эгамовадан метин ирода, буюк сабр-бардош талаб қиларди.

Я.Эгамова нажотни яна қаламдан, ижоддан излади ва топа олди. У бир йил ичида Томас Маннинг “Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти” романини таржима қилди. Томас Манн ёзганидек: “Юрак тўлиб кетса, ҳаммаси тилга кўчади. Одамни руҳан эзадиган ҳолатларни енгиб ўтиш, гуноҳкорлик туйғуларидан халос бўлишнинг яхши усули ижодий истеъдод, поэтик истиғфор ҳисобланади. Ундай пайтда хотиралар жонланади, умуминсонийлик даражасига етиб, бир умр қалбни қувонтирадиган асарларга айланади”.

Мен ушбу романи аввалроқ рус тилида ўқиган эдим. Томас Манн услуби жуда мураккаб. Шундай бўлса-да, ўзбекча таржима силлиқ, ўқишли чиққан. Уни мароқ билан икки марта ўқиб чиқдим. Зотан, бундай мураккаб асарлар қайта-қайта ўқилмаса уларнинг моҳиятига етиш мушкул.

Я.Эгамовани навбатдаги йирик муваффақияти билан кутлаш учун сим қоққанамда, фарзанд доғида ўртанган опамизнинг ёруғ оламини бевақт тарк этганидан хабар топдим. Шу тариқа “Лоттанинг Ваймардаги ҳаёти” романи таржимасини китоб ҳолида кўриш асар таржимонига насиб этмади.

Аминманки, ушбу таржима ҳам “Ёш Вертернинг изтироблари” романи сингари ўзбек ўқувчиларининг севимли китобига айланади. Зеро, бу – моҳир таржимон Янглиш Эгамованинг ўз китобхонларига сўнгги видоси ва мангуликка ассалому алайкумидир.

Акмал САИДОВ,  
академик

*Этсин сени сарафроз  
Амударё оҳанги.  
Йўлларингга пойандоз,  
Қўшигимиз жаранги.  
Сен борки, қўрқув абас!  
Бахт жоминг доим тўлсин.  
Умринг боқий бўлсин, бас,  
Давлатинг боқий бўлсин!<sup>1</sup>*

**“Ғарбу шарқ девони”дан**

## БИРИНЧИ БОБ

Ваймардаги “Фил” меҳмонхонасининг эшикоғаси, анча-мунча билим эгаси Магер, 1816 йил сентябрь ойининг охирларидаги илиққина кунда ҳаяжонли, қувончдан эсанкиратадиган воқеанинг гувоҳи бўлди. Ҳарқалай одатдан ташқари воқеа содир бўлмаган бўлса-да, бироқ, айтиш мумкинки, гўё Магер туш кўраётгандек эди.

Ўша куни эрталаб соат саккизларда бозор майдонидаги нуфузли бино олдида тўхтаган, Готадан келаётган почта извошида учта аёл келди. Бир қарашда, ҳатто такрор қараганда ҳам диққатни тортадиган нарса йўқ эди. Уларнинг бир-бирларига муносабатларини аниқлаш қийин эмас эди: булар она, қизи ва оқсоч қиз эди. Хуш келибсизлар, дея таъзим қилишга тайёр Магер йўлак панжараси олдида турганча хизматчининг она билан қизига извошдан тушишга кўмаклашаётганини кузатарди. Бу пайтда Клерхен исмли оқсоч қиз извошчи билан хайрлашар, афтидан йўл бўйи ёнида ўтириб, анчагина тил топишиб қолганга ўхшарди. Извошчи бўлса унга кўз остидан қараб қўйди, ҳамсафар қизнинг ўзига хос лаҳжада гапириши ёдига тушди шекилли, уни ўйчан кулимсираб кузатиб турди, қиз ўзича қилпанглаб, ноз-қарашмалар билан юбкасини йиғиштириб баланд ўриндикдан пастга тушди. Кейин почтачи елкасида осилиб турган карнайининг ипидан тортди-да, йўлдан ўтиб бораётган болалар, тонгги йўловчиларга қарата қизикчиликка дудутлатиб юборди.

Хонимлар камтарона юқларини извошдан туширишларини кузатиб, бинога орқа ўгириб турар, Магер уларнинг кўч-кўронларидан кўнгиллари хотиржам бўлиб, ниҳоят эшик томон бурилишларини кутиб тураркан, устида тугмалари охиригача қадалган фрак, тик ёқасига ранги ўчган бўйинбоғ боғлаб олган, узун оёқларига ёпишиб турган тор панталонда, қизғиш бакенбард қоплаган, пишлоқ тусли юзида илтифотли, шу билан бирга, биров тарадудланган табассум билан, чинакам дипломатлардек уларга шоша-пиша пешвоз чиқди.

– Салом, дўстим! – деди аёллардан энг кексаси, ёши тахминан олтмишлар атрофидаги, тўлагина, оқ кўйлакли, шол рўмолни елкасига ташлаган, қўлига оддий ипдан тўкилган ярим кўлқоп, бошига баланд чепец<sup>2</sup> кийиб олган аёл. Бош кийими остидан қачонлардир малларанг бўлган, ҳозир эса кулранг-кўнғир жингалак сочлари кўриниб турарди. – Бизга уч кишилик

<sup>1</sup> Немис тилидан Садриддин Салим Бухорий таржимаси.

<sup>2</sup> Чепец – аёлларнинг енгил, иссиқ бош кийими. (Шу ва бундан кейинги изоҳлар Эркин Раҳмоновники).

хона керак, икки кишилик хона мен билан қизимга, (қизим дегани ҳам у қадар ёш эмас, чамаси ўттиз ёшлардаги, қизғиш-қўнғир тусдаги жингалак сочлари чаккасига тушиб турган, бўйнини ўраб турган бурма хошияли кўйлакли, онасининг чиройли бурни унда андак ўткирроқ тарзда такрорланган аёл), бизга яқинроқ жойдан оқсочимизга. Бунинг иложи бўладими?

Аёлнинг хийла толиққан кўк кўзлари эшикоға оша меҳмонхона биноси томон йўналди. Қарилик таъсирида мийиқлари буришган кичкина оғзи ғалати ёқимли қимирлаб турарди. Афтидан ёшлигида ҳозирги қизига нисбатан ёқимтойроқ бўлган бўлса керак. Бошининг енгил қалтираб туриши дарҳол кўзга ташланарди, бироқ бу кўпроқ ўз фикрини маъқуллашга ёки унга рози бўлишларига кескин чақирикқа ўхшаб кетар, шунинг учун бу ҳолатни унинг ожизлиги деб эмас, балки феъл-атворидаги жўшқинлик ё бўлмаса униси ҳам, буниси ҳам деб қабул қилса бўларди.

– Бош устига, – жавоб берди Магер, она ва қизини ичкарига бошларкан. Оқсоч қиз шляпа қутисини кўтарганча уларнинг ортидан эргашди. – Тўғриси, бизда ҳаминиша мижозлар кўп бўлади, ҳозирча ҳурматли меҳмонларни ҳам қайтариб юборишимизга тўғри келади, шекилли. Аммо Сиз азизларнинг истакларингизни бажо келтириш учун бор кучимизни ишга соламиз.

– Ундай бўлса, яхши, – деди хоним ва унинг тюрингия-саксония лаҳжасининг нуқси урган баландпарвоз сўзларига ишора қилиб қизи билан маъноли кўз уриштириб олди.

– Қани, марҳамат қилинг! Ўтинг, марҳамат, – деди Магер уларга тавозе билан эшикни кўрсатаркан. – Қабулхона ўнг тарафда. Меҳмонхона бекаси Элменрайх хоним сизларни кўриб боши осмонга етади. Марҳамат қилинглар!

Соч турмагига камон ўқини санчиб олган, кириш эшиги яқинлиги туфайли бўлиқ кўкрагини иссиқ нимча билан ўраб олган Элменрайх хоним гумбазсимон ишхонани йўлақдан ўзига хос тарзда ажратиб турган пештахта орқасида ручкалар, қумдон, ҳисоблагич асбоблар орасида ястаниб ўтирарди. Ёнидаги баланд ёзув столи олдида турган иш юритувчи пелеринали<sup>1</sup> пальто кийган киши билан инглиз тилида сўзлашарди, кираверишда турган бир гала жомадонлар чамаси шу одамга тегишли эди. Бека келувчиларга эътибор қилишдан кўра лоқайдлик билан кўпроқ тепага назар солганча кекса аёлнинг саломига ва қизнинг сезиларли тиз букиб таъзим қилишига виқор билан бош ирғаб жавоб қайтарди, кейин меҳмонлар талаби ҳақида эшикоғаннинг маълумотларини диққат билан тинглади-да, чизиб кўйилган режани кўлига олиб, қалам учини юргизиб уни кўздан кечирди.

– Йигирма еттинчи, – деди у хонимларнинг юклари билан кутиб турган яшил пешбандли хизматчига юзланиб. – Афсуски, алоҳида хонам йўқ. Оқсоч қиз Эрфуртдан келган графиня Лариш деган қиз билан бирга турса бўлади. Ҳозир бизда ўз хизматкорлари билан келган меҳмонлар кўп.

Клерхен бекасининг орқасида туриб афтини бужмайтирди, аммо бека рози бўлди. Бир иложини қилишар, деган қарорга келди у ва кетишга чоғланаркан, белгиланган хонага юкларни олиб киришларини сўради.

– Бир дақиқа, хоним! – деди Магер. – Узр, яна бир расмиятчиликни бажариш лозим бўлиб қолди. Биз одат бўйича меҳмонлардан эсдалик учун икки-уч сатр гап ёздириб қоламиз. Жонга тегадиган бу одатни биз эмас,

<sup>1</sup> Пелерина – елкага ташлаб юриладиган кийим.



балки Муқаддас Ҳермандад жорий қилган. Уни рад қилиб бўлмайди, ахир. Қонун ва удумлар худди ирсий касалликдек наслдан наслга ўтиб келаверади. Илтифот ва марҳаматингизни дариғ тутмайсиз, деб ишонсак бўладими?

– Ҳа, албатта, – деди хоним, – ёдимдан кўтарилибди. Эътирозга ўрин йўқ. Сезишимча, У оқил одам кўринади (у Магерга ёшлигида расм бўлган учинчи шахсда мурожаат қилди), ўқимишли, билимдон. Қани берсин-чи!

У стол олдига қайтиб келиб, нозик бармоқлари билан ипга боғлаб осиб қўйилган бўрни авайлаб олмоқчи бўлган эди, бека бўрни унга тутқазди, хоним кула-кула бир неча меҳмоннинг номлари ёзилган тахта устига энгашди.

Секин-аста ёзаркан, бора-бора кулиши ҳам сустлашди, фақат сал-пал ўйноқи, хўрсинишга ўхшаган товушлар ундаги кувнокликнинг босилиб бораётганидан дарак берарди. Ҳолатнинг ноқулайлигидан бўлса керак, бошининг қалтираши анчагина кучайди.

Уни кузатиб туришарди. Бир томондан қизи, онасиникига ўхшайдиган чиройли қайрилма қошларини чимириб, лабларини масхараомуз буриб унинг елкаси оша қараб турар, бошқа томондан Магер, қизил билан белгиланган ойларни аёл тўғри тўлдираяптими-йўқми деган хавотирда, шу билан бирга, кичик шаҳарликларга хос қизиқсиниш ва мана энди, шу пайтгача номаълум бўлган яхши номини элга ёйиш учун кимгадир имкон туғилди, деган ҳасад аралаш қониқиш билан ёзувдан кўз узмасди. Иш юритувчи билан инглиз саёҳатчиси ҳам негадир суҳбатни тўхтатиб, бошини қалтиратганча ҳарфларни болаларча синчиклаб ёзаётган аёлни кузата бошлашди.

Магер кўзларини қисиб ёзувни ўқиди: “Сарой маслаҳатчисининг беваси Шарлотта Кестнер, асли Буфф, Ҳанновердан, охирги яшаш жойи Гослер, 1753 йил 11 январда Вецларда туғилган, қизи ва хизматкори билан”.

– Шу етадими? – сўради хоним, ҳеч ким унга жавоб қайтармагач, ўзи хулоса қилди: – Шу етса керак.

У кескин ҳаракат билан бўрни стол устига қўймоқчи бўлди ва унинг металл тиргакка боғлаб қўйилгани ёдидан кўтарилиб, тиргакни кулатиб юборди.

– Вой, қўполлигимни қаранг-а! – деди у қизариб ва кинояомуз лабини буриб, ерга қараб турган қизи томонга шоша-пиша назар ташлади. – Ҳа, ҳечқиси йўқ, буни бирпасда тузатса бўлади. Қани энди юринглар, хонамизга борайлик! – деди-да, эшик томонга жадал йўл олди.

Қизи, оқсоч, эшикоға ва жомадонлару сафар халталарни кўтариб олган ялтирбош хизматчи даҳлиз орқали унинг ортидан зинапоя томон силжишди.

Магер йўл бўйи тинмай кўзини қисар, ора-орада уч-тўрт маргалаб киприк қоқиб қўяр, кейин бир муддат қизарган кўзлари билан бир нуқтага тикилиб қолар, шу орада ҳарҳолда тентакнамо бўлмаса-да, хаёли қочган одамга ўхшаб оғзини очиб турарди. Иккинчи қаватга чиққан жойдаги майдончада у ҳаммани тўхтатди.

– Маъзур тутасиз! – дея хитоб қилди у. – Минг бора узр сўрайман, борди-ю, саволим... бу шунчаки ноўрин қизиқсиниш эмас... Наҳотки биз... сарой маслаҳатчисининг хоними, Шарлотта Кестнер хонимни, вецларлик асли Буфф хонимни кўриш шарафига муяссар бўлиб турибмиз?..

– Ҳа, шу мен, – жилмайиб жавоб қайтарди қартайган хоним.

– Мен демоқчиманки... Жуда яхши, ҳа, албатта, демоқчиманки... Нахотки сўз, Шарлотта, қиска қилиб айтсак Лотта Кестнер, асли Буфф ҳақида бормоқди?... Ҳалиги... Вецлардаги Немислар уйи, Немис диний жамоасига қарашли уйдаги... собиқ...

– Ҳа, гап худди ўша ҳақда, азизим. Лекин мен ҳечам собиқ эмасман, мана ҳозир ҳам борман, тезроқ бизга ажратилган хонага...

– Албатта, ҳозирок! – хитоб қилди Магер ва бошини эгиб, югуришга ҳозирланган киёфага кирди, аммо қайтадан жойида михлангандек туриб колди-да, қўлларини чапак чалгандек бир-бирига урди. – Буни қаранглар-а! – деди у чуқур ҳаяжон оғушида. – Буни қаранг-а, хурматли хоним! Худо ҳақи, хурматли хоним, мени маъзур тутинг, мен айни ҳолатни, кўз олдимизда намоён бўлаётган истиқболни дарҳол пайқаёлмабман... Ахир бу... айтиш мумкинки... худди осмондан тушгандек... меҳмонхонамиз демак... ҳақиқий, асил тимсолни... қабул қилиш шарафига, бахтига мушарраф бўлди... агар шундай дейиш мумкин бўлса. Қисқаси, ҳозир мен Вертернинг Лоттаси олдида турибман-а...

– Адашмадингиз, дўстгинам, – хотиржам, виқор билан жавоб берди хоним, ҳингир-ҳингир кулаётган оқсочига маъноли назар ташларкан. – Агар шу нарса Сизга қулай имкон яратган бўлса, йўл азобини тортган биз аёлларни хонамизга тезроқ кузатиб қўйсангиз, беҳад миннатдор бўлардим.

– Кўз очиб юмгунча! – кичқирди Магер ва жойидан шошилинч кўзгалди. Йигирма еттинчи хона, вой худойимей, ахир у учинчи қаватда-ку. Марҳаматли хоним, бизда зинапоялар қулай, сезган бўлсангиз керак... Лекин олдиндан билганимизда эди... Меҳмонлар кўп бўлишига қарамай, топсак бўларди... Ҳарҳолда хона дуруст, деразалари бозор майдонига қараган, Сизга ёқади деб ўйлайман. Яқинда у ерда холаси, яъни обер-камерхер<sup>1</sup> хонимниқига меҳмонга келган ҳаллелик майор Эглофштайн рафиқаси билан туришган эди. Ўн учинчи йилнинг октябрида улуғ князь Константин зоти олийларининг генерал-адъютанти шу хонада тўхтаган эди. Буни эслашга арзигулик тарихий воқеа деса ҳам бўлади... Вой, худойимей, нималарни жавраяпман, қанақа тарихий воқеа! Ҳиссиётли қалб учун буларнинг тариқча аҳамияти бормикан... Тагин уч-тўрт қадам колди, хоним! Зинапоя майдончасидан йўлак бўйлаб бир неча қадам ташласак бўлди. Хоним кўриб турганларидек, ҳамма деворлар янги оҳакланган. Ўн учинчи йилнинг охирида дон казаклари келиб кетишгандан сўнг ҳаммаёқни, зинапоялар, хоналар, йўлаклар, дам олиш хоналарини таъмирладик, бу гаплар энди ортиқча бўлса керак. Жаҳон тарихига молик зўравонлик ҳаракатлари бизни шунга мажбур қилди, бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳаётдаги янгилашларга зўравонлик катта туртки бериши мумкин экан. Шубҳасиз, биздаги таъмирлашлар фақатгина казаклар туфайли бўлди, демоқчи эмасман. Улардан ташқари, бизда прусслар, венгер гусарлари ҳам яшашди, французлар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади...

У таъзим қилганча эшикни катта очиб уларни хонага таклиф қилди. Аёллар иккала деразадаги оҳорланган пардалар, деразалар орасида турган олтин гардишли, унча-мунча доғ босган трюмо, устига гулдор чодир тортилган иккита оппоқ кровать ва бошқа анжомларга синовчан назар ташлаб чиқишди. Антик давр қабрини акс эттирувчи мисга ўйиб ишланган ландшафт деворнинг бир томонини безаб турарди. Топ-тоза пол худди ёғ суртилгандек ялтирарди.

<sup>1</sup> Обер-камерхер – юқори мартабали сарой амалдори.

– Жуда яхши, – деди хоним.

– Агар бу ер хонимлар дидига мос келса, биз ўзимизни беҳад бахтли ҳис этардик! Бирор нарса керак бўлиб қолса, мана қўнғироқ ипи. Шубҳасиз, иссиқ сув ғамини ейман. Агар ардоқли хонимнинг қўнглини тополсак, ниҳоятда мамнун бўлардик.

– Ҳа энди, айланиб кетай, биз оддий одамлармиз, талтайганлардан эмасмиз, – омон бўлинг, яхши инсон, – деди у юкларни елкасидан тушириб, бурчакка қўяётган хизматчига юзланиб. – Сизга ҳам раҳмат, – дея мурожаат қилди у Магерга бош силкиб, – биз беҳад хурсандмиз, мамнунмиз, энди бироз дам...

Лекин Магер қўлларини ковштирганча, кип-қизил кўзларини хонимдан узмай қаққайиб турарди.

– Худо шоҳид! – деди у, – марҳаматли хоним, бир умр эсдан чикмайдиган ҳодиса! Мутлақо кутилмаган бир тарзда бунақа ҳис-ҳаяжонли воқеанинг бор бўй-басти билан бир одам елкасига тушгандаги ҳолатини марҳаматли хоним тасаввур ҳам қилолмасалар керак... Бундай ҳодисаларга, ҳурматли хоним, демокчиманки, биз учун муқаддас бўлган бундай ҳолатларга кўникиб кетган бўлсалар керак, буни одатдаги ҳол ҳисоблаб, эътибор ҳам қилмасалар керак, шунинг учун, шеърят нурларига чулганган, оловли қўлларини абадий шон-шуҳрат кўки томон чўзган кимса билан танишган, узр, кимсани кўрган лаҳзаларда ёшлигидан адабиётга меҳр қўйган ҳиссиётли қалбдан нималар кечишини тушунмасалар ҳам керак.

– Менга қаранг, дўстгинам, – дея хоним жилмайганча уни гапдан тўхтатди, шу аснода Магернинг сўзлари таъсирида гўё уларни маъқуллагандек, бошининг қалтираши сезиларли даражада кучайди. (Оқсоч қиз унинг орқасида турганча Магернинг йиғлаб юбориш даражасида таъсирланган юзига ёқимли қизиқсиниш билан қараб турар, қизи бўлса намойишкоро-на бепарволик билан хонанинг тўрида нарсаларни жойлаштириш билан шуғуланарди) – Дўстгинам, мен, ҳеч бир эътирозларсиз, оддий, кекса бир аёлман, ҳамма қатори одамман. Сиз бўлсангиз, дабдаба билан шунақа ошириб-тошириб сўзляяпсизки...

– Менинг исмим Магер, – деди эшикоға аниқлик киритиш учун. У ўрта немис лаҳжасига монанд “Маахер” деб талаффуз қилди, бу товушда аллақандай ялинчоклик ва кўнгилини юмшатувчи нарса бор эди. – Мақтанчокликка йўйманг-у, тўғриси, мен бу уйда ишончли шахс, бу дегани, меҳмонхона бекаси Элменрайх хонимнинг ўнг қўлиман. У бева, бунга анча бўлди. Жаноб Элменрайх 1806 йилда, бизга алоқаси бўлмаган фожиали тўқнашувларда ҳалок бўлган. Менинг вазифамда, ҳурматли хоним, шахримиз бошдан кечиришга мажбур бўлган қийин даврларда ҳам ҳар хил одамлар билан муносабатда бўлишга тўғри келган, кўплаб эътиборга молик, насл-насаби ёки хизматлари орқасида обрў қозонган инсонлар билан алоқада бўлишга тўғри келади, шундай бўлгач, баланд мартабали, жаҳон аҳамиятига молик воқеаларга дахлдор шахслар, ўй-хаёлларингни титратадиган нуфузли номларга дуч келганинда у қадар ҳаяжонга тушмай ҳам қоласан, киши. Шунақа, мухтарама хоним! Бутун умрим давомида, очиғини айтсам, бугунгидек бир умрга татигулик учрашув насиб қилмаган. Ўша мудом суюкли кимсанинг прототиби бўлган энг табаррук аёл ҳаёт эканлиги, Ҳанновер шахрида яшаши кўп одамлар қатори менга ҳам маълум эди. Буни билганлигимга мана энди қатъий ишонаяпман. Аммо менинг билимим

аниқ бир асосга эга эмас эди, бирор кун келиб бу илоҳий хилқат билан юзма-юз тураман, деган фикр етти ухлаб тушимга кирмаган эди. Ҳатто буни орзу қилашга ҳам журъатим етмаган бўларди. Бугун тонгда уйқудан турганимда, бундан бор-йўғи бир неча соат олдин, бугунги кун ҳам бошқа юзлаб кунлардек идора ва стол олдида ўтадиган одатдаги ташвишлар билан тўла кун бўлади, деган ишонч менда ҳукмрон эди. Менинг рафиқам – мен уйланганман, ҳурматли хоним – хотиним Магер хоним, бу ердаги ошхона мутасаддисси ҳам бугун бирон ғайриоддий воқеани ҳаёлимга келтирмаганимга гувоҳлик бериши мумкин. Эрталаб қандай ҳолатда уйқудан турган бўлсам, кечкурун худди ўша ҳолатда тўшагимга ётишимга имоним комил эди. Энди бўлса! Нимани ўйламасанг, ўшанга дуч келасан, деган мақол бор халқда. Ҳурматли хоним мендаги ҳис-ҳаяжонни ва тинмай жаврашимни маъзур тутсинлар. Юрак тўлиб кетса, ҳаммаси тилга кўчади, дейди халқ, у қадар адабий бўлмаса-да, ҳар ҳолда ўринли қилиб. Агар таъбир жоиз бўлса, марҳаматли хоним, шоирлар қироли бўлган буюк Гётега болалиқдан қандай муҳаббат ва ҳурмат билан қарашимни билсангиз эди, мен Ваймар фуқароси сифатида уни ўзимизники, дея олишимдан фахрланаман... Билсангиз эди, хоним... “Ёш Вертернинг изтироблари” менинг қалбим учун нимани ифодалаганини... Бироқ мен жимман, марҳаматли хоним, буни таҳлил қилиш менинг вазифам эмас... Шундай бўлса-да, ҳақиқатни тан олиш керак, бундай сентиментал асар бутун инсониятга тегишли, ёшу қари ҳамманинг қалбини ҳаяжонга солади, “Ифигения” ёки “Никоҳсиз туғилган қиз” сингари асарларни эса, фақат жамиятдаги олий табақа вакилларигина тушунишади. Ўйлаб қарасам, Магер хоним икковимиз неча марталаб кечалари хира шам нурида китобчанинг илоҳий саҳифаларига юрагимиз сув бўлиб тикилган лахзаларда, мана ҳозир романнинг жаҳонга машҳур, ўлмас қаҳрамони бор бўй-басти билан, худди мендек... оддий одам сифатида кўз олдимда намоён бўлади, деган ўйга... Худо ҳақи, марҳаматли хоним! – қичқирди у ва қўли билан манглайига бир урди. – Тинмай жаврайверибман, жаврайверибману, ардоқли хоним ҳазратлари бугун қаҳва ичадиларми-йўқми, ҳатто сўрамабман ҳам, шу нарса ҳозир миямга урилди!

– Миннатдорман, дўстим, – деди кекса хоним самимий инсоннинг дил изҳорларини хотиржам нигоҳ ва лаблари бироз титраб тинглаб тураркан. – Қаҳвани керакли пайтда ичгандик. Умуман олганда, ҳурматли жаноб Магер, мени ёки бир вақтлар ёш бўлган пайтимни ўша шов-шувларга сабаб бўлган китобчанинг қаҳрамони билан тенглаштириб, жуда ошириб юборяпсиз, менимча. Мен бу гапларни айтаётган биринчи одам Сиз эмас. Буни мен қирқ тўрт йилдан бери эслатиб келаман. Ўша романтик тимсол шу даражада ҳаётга сингишиб, тугал машҳурлик касб этдики, бирорта одам келиб менга, икковларингни солиштира, у ҳақиқий бўлиб чиқади, дейиши мумкин, мен бўлсам, буни инкор қилмоқчи бўламан: роман қаҳрамони ўша пайтдаги мандан кескин фарқ қилади, ҳозирги ҳолатим ҳақида-ку гап бўлиши мумкин эмас. Масалан, ҳар қандай одам ҳам кўриб турипти: менинг кўзларим кўк, “Вертер”даги Лоттанинг кўзлари эса тим қора.

– Бу поэтик эркинлик! – хитоб қилди Магер. – Поэтик эркинлик нима эканлигини ким билмайди! Бу нарса, марҳаматли хоним, мавжуд ўхшашликнинг юзига зинҳор парда тортмайди! Бу билан изни бироз йўқотиш учун шоир шунақа усуллардан фойдаланган бўлиши мумкин...

– Йўқ, – деди хоним бошини чайқаркан, – қоп-қора кўзлар бутунлай бошқа нарса.



– Майли, нима бўпти! – гапни кесди Магер. – Эҳтимол, шу йўл билан ўхшашлик озроқ чекинишлар билан юмшатиш мумкин.

– Оз эмас, анчагина, – қатъий таъкидлади Кестнер хоним.

– ... ахир бошқа ўхшашлик умуман қўл урилмай қолмоқда-ку, яъни, демоқчиманки, ўша афсонавий хилқатнинг ўзи билан ҳеч бир ажратиш бўлмайдиган айнан ўхшашлиги, унинг қиёфасини буюк инсон яқиндагина ўз хотираларида илиқ бир илҳом билан тасвир этган эди. Ахир, ҳурматли хоним, охириги саҳифагача Вертернинг Лоттаси эмас экансиз, унда Сиз охириги соч толангизгача Гётенинг Лот...

– Менга қаранг, ҳурматли жаноб! – деди Кестнер хоним унинг гапини бўлиб. – Бизга меҳрибонлик қилиб хонангизни кўрсатмоқчи бўлганингиздан бери анча-мунча вақт ўтди. Энди хонадан фойдаланишимизга халакит бераётганингизни унутиб қўйдингиз, шекилли.

– Қимматли хоним! – хитоб қилди “Фил” меҳмонхонасининг эшикоғаси қўллари ковуштириб. – Мени кечиринг! Шунақа... одамни кечиринг! Менинг қилигим кечириб бўлмайдиган, буни ўзим биламан – шундай бўлса-да, Сиздан узр сўрайман. Зудлик билан кетаман, бу билан... бусиз ҳам ўзим айтай деб турувдим, ҳа, айтай деб турувдим, муомала маданияти қоидаларига биноан, аллақачон бу ердан, у ёққа кетишим керак эди, чунки ўйлаб кўрсам, Элменрайх хоним ҳалигача ҳеч нарсани билмайди, аниқки, у ҳозиргача меҳмонлар ҳақидаги маълумотлар ёзилган тахтага бир қур назар ташлашни ўйлаб ҳам кўрмаган, назар ташлаган тақдирда ҳам унинг фаросати... Магер хоним-чи, ардоқли хоним! Ошхонага шунақаям тезроқ югуриб боргим ва унга бунақа шаҳар миқёсидаги муҳим адабий янгиликни биринчи бўлиб етказгим келаяптики... Айни чоғда, муҳтарам хоним, шундай ҳаяжонли хабарни янада тўлдириш учун Сизга яна битта савол билан мурожаат қилишга журъат этсам... Қирқ тўрт йил! Мана шу қирқ тўрт йил ичида хоним яширин маслаҳатчи жаноблари билан бирор марта ҳам учрашмадиларми?

– Йўқ, дўстим, – жавоб берди у. – Мен Вецлардаги ёш амалиётчи адвокат доктор Гётени биламан, холос. Ваймарлик вазир, Германиянинг буюк шоирини бирор марта ҳам кўрмаганман.

– Лолман! Лол қолмай илож йўқ, ҳурматли хоним! Демак, қимматли хонимнинг Ваймарга келишлари сабаби ҳам...

– Ваймарга келишимнинг сабаби, – унинг гапини кескин бўлди хоним, – узоқ йиллардан бери кўрмаган синглим, камерал маслаҳатчи Риделнинг рафиқасини кўриш, мана шу сафарда менга ҳамроҳлик қилиш учун Эльзасдан келган қизим Шарлоттани айлантириш, холос. Биз оқсочимиз билан уч кишимиз, синглимникида тунаб, унга юк бўлишни истамаймиз, унинг оиласи катта. Шу туфайли меҳмонхонада тўхтадик, лекин тушликни қадрдонларимизникида қиламиз. Хўш, коникдиларми энди?

– Жуда, қадрли хоним, жуда коникдим! Бундан чикди, хонимларни табльдот<sup>1</sup>да кўришдан маҳрум бўл... Жаноб ва хоним Риделлар, Эспланада олти, ҳа-а, биламан! Камерал маслаҳатчи хонимининг асл фамилияси... эҳ, буни билардим! Шарт-шароитлар, муносабатлар менга маълум эди, фақат ҳозир эслолмаяпман... Ё меҳрибон Танграм! Ахир, демак, камерал маслаҳатчининг хоними овчилар уйининг кираверишида, Вертер у ерга

<sup>1</sup> Табльдот – Европа мамлакатларида ҳамма меҳмонларнинг бир умумий стол атрофида овқатланиши.



илк бора қадам қўйган пайтда ҳурматли хонимнинг атрофини ўраб турган болаларга хоним нон улашаётганларида у ҳам нонга қўлчаларини узатиб турган экан-да...

– Дўстгинам, – гапни бўлди Шарлотта, – у пайтда овчилар уйида ҳеч қанақа сарой маслаҳатчисининг хоними бўлмаган. Сизни кутиб турган Клерхенимизга унинг хонасини кўрсатишдан олдин айтинг-чи, Эспланада бу ердан узоқми?

– Унчаликмас, ҳурматли хоним, яқингина. Ваймаримизда узоқ масофалар йўқ ҳисоби, бизнинг улуғлигимиз маънавиятимизда. Хонимларни камерал маслаҳатчининг уйигача кузатиб қўйишни ўзим учун фахр деб ҳисоблайман, борди-ю улар извош кира қилишни афзал кўришмаса, шаҳримизда извошлар тақчил эмас... Тағин бир оғиз сўз, қимматли хоним, бир оғиз сўз айтсам! Сарой маслаҳатчиси хоними Ваймарга биринчи навбатда сингилларини кўриш учун келган бўлсалар, унда ҳурматли хоним ҳеч шубҳасиз имкон топсалар керак, Фрауенпланга...

– Бўлиши мумкин, дўстим, бўлиши мумкин! Энди оқсочимни пастга, хонасига олиб бора қолинг, чунки у ҳадемай менга керак бўлади.

– Ҳа, йўлакай менга айтинг-чи, – шипшиди қизгина, – “Ринальдо”ни, шундай ажойиб романни ёзган одам қаерда яшайди. Мен уни беш марта ўқиб чиқдим, уни кўчада учратиб қолиш бахтига муяссар бўлишим мумкинми?

– Мумкин, мамзель, мумкин бўлганда қандок, – паришонхотирлик билан жавоб берди Магер у билан эшик томон йўналаркан. Аммо у кўққисдан бўсағада тўхтаб қолди, бир оёғини полга тираб, мувозанатни сақлаш учун иккинчисини кўтарди.

– Яна бир оғиз сўз айтсам, қимматли хоним! – ўтинди у. – Охирги сўзим. Унга жавоб қайтариш қийин эмас! Қадрли хоним мени тушунадилар... Кутмаганда кишига асил қахрамон рўпарасида пайдо бўлиб қолиш насиб этса – ахир буни эътибордан соқит қилиб бўладими, бундан фойдаланиб қолиш керак-ку – мухтарама хоним, Вертер жўнаб кетишидан олдинги ҳув охирги суҳбатни айтаман, уч кишининг юракларни ўртаб юборадиган сахнасида марҳум онангиз, абадий жудолик ҳақида сўз борганда Вертер Лоттанинг қўлини маҳкам тутиб: **“Биз қайта кўришамиз, биз топишамиз. Ҳар қандай қиёфада ҳам бир-биримизни таниймиз”** дейди. Бу ростдан ҳам бўлган, шундайми? Жаноб яширин маслаҳатчи буни ўзидан тўқимаган-а? Худди шундай бўлган-а?

– Ҳа ҳам, йўқ ҳам, дўстим, ҳа ва йўқ, – деди ҳолдан тойган шўрлик аёл боши қалтираб. – Кетинг энди, кетинг!

Ҳайратланган Магер ювош мушукдек Клерхен билан бу ердан узоқлашди.

Шарлотта шляпасини ечаркан, чуқур уф тортди. Бутун суҳбат давомида қўйлақларни жавонга илиш, жомадондан ювиниш анжомларини олиб жой-жойига қўйиш билан шуғулланаётган қизи унга кинояомуз назар ташлади.

– Мана, – деди у, – юлдузингиз яна порлади. Таъсири чакки эмас.

– Ҳаҳ болагинам-а, – жавоб қайтарди она, – сен юлдуз деб атаган нарсани хоч десак тўғри бўларди, диний жамоадан берилган хоч... у менинг иштирокимсиз юзага чиқаверади, мен уни рад ҳам қилолмайман, беки-толмайман ҳам.

– Сал чўзиб юбордингиз, ойижон, агар биз мана шу андак ғайриоддий саёҳатимиз давомида меҳмонхонада эмас, Амалия холамникида тўхтаганимизда, мана шу шов-шувлар бўлмас эди.

– Бунинг мумкин эмаслигини ўзинг яхши биласан, Лотхен. Гарчи поччанг, холанг, жиянларинг асилзодалар маҳалласида яшашса-да, эҳтимол шу боисдандир уларда ортиқча хоналар йўқ. Уларникига уч кишининг бирданига бостириб бориб ноқулай вазиятни вужудга келтиришимиз, бир неча кунга бўлса-да, мумкин эмас. Поччанг Ридель хизматчининг маошига кун кўради, лекин 1806 йилда бошига оғир кун тушди: ҳамма нарсасидан айрилди, ҳозир у бой одам эмас, уни харажат тортишга мажбур қилишга ҳечам ҳаққимиз йўқ. Шунча йиллар ўтиб сингилгинам Малини бағримга босгим келган ва унинг муносиб умр йўлдоши билан бахтли яшаётганидан қувонгим келган бўлса, бунинг учун мени айблаш керакми? Мана шу меҳрибон туғишганларимга анча фойдам тегади, деб ўйлайман, буни унутма. Поччанг буюк ҳерцогликнинг камер-коллегияси директорлиги лавозимида кўтарилди орзусида, эҳтимол мен бу ердаги танишларим ва дўстларим ёрдамида унинг орзулари ушалишига ўз ўрнида нафим тегиб қолар. Ўн йиллик айрилиқдан кейин тагин мен билан бирга эканлигинг, қариндошларникига сафар чоғида менга ҳамроҳлик қилаётганинг айти қулай фурсат эмасми, қизгинам? Наҳотки менинг бошимга тушган ғаройиб қисмат табиий юрак амрига бўйсунимизга тўсқинлик қилса?

– Йўқ, ойижон, албатта йўқ.

– Ким ўйлабди дейсан, – сўзида давом этди хоним, – келибоқ бакенбардли Ганимед<sup>1</sup>га ўхшаган мана бу жонбознинг кўлига тушишимизни? Гёте ўз хотираларида одамларнинг “ҳақиқий Лотта ким, у қаерда яшайди?” деб сўрайверишларидан қийналаиб кетганидан шикоят қилади, бунақа саволлардан қочиб ҳатто бошқа ном билан юриши ҳам уни кутказолмаган. Менимча, буни у ҳақиқий жазо деб ўйлайди ва агар шу китобча туфайли гуноҳ қилган бўлсам, гуноҳимни юз бора ошириб ювдим, деб ҳисоблайди. Бундан кўриниб турибдики, эркаклар, айниқса шоирлар, фақат ўзлари ҳақида қайғуришади: бизга ҳам шунақа қизиқувчиларга бардош беришга тўғри келганини у ўйлаб ҳам кўргани йўқ, устига устак шеърят ва ҳақиқат аралашиб кетган қип-қизил ёлғонлари билан мен ва раҳматлик отанг иккимизнинг бошимизга ёғдирган кўргиликларини айтмайсанми.

– Қора ва кўк кўзлар туфайли демоқчисиз-да.

– Бошига ташвиш тушган одам пичинглардан ҳам қутулолмайди, аввало ўз қизиникидан. Манави, мени нақ Вертернинг Лоттаси деб қабул қилган жинни одамни қара, унинг тилини тийиб қўйишга мажбур бўлдим-а.

– Сизни Гётенинг Лоттаси деб аташга айрим жиҳатлар тўғри келмайди, дея юпатишга ҳам журъат қилди.

– Менимча, худди шу гапларини ҳам эътибордан четда қолдирмай, норозилик билан сўзини кескин бўлдим. Сенинг қатъий қарашларингга мувофиқ бу одамнинг жоловини бошиданок қаттиқ тутишим кераклигини сезмаганимда, болагинам, сени яхши тушунмаган бўлардим. Айт, қандок қилиб? Ўз-ўзимдан воз кечайми? Ўзим ва ўз чекимга тушган воқеаларни билишни ҳам истамайман, деб уни ишонтирайми? Бироқ ана шу жаҳон мулкига айланган чекдан фойдаланишга ҳам ҳаққим бор-ку. Сен эса,

<sup>1</sup> Ганимед – қадимги юнон мифологиясида Зевс ўғирлаб кетиб, ўзига косагул қилиб олган чиройли йигит.

болагинам, бутунлай бошқа табиатли одамсан, шуни билиб қўйки, шу нарса сенга бўлган муҳаббатимни зинҳор-базинҳор камайтирмайди. Сени киришимли деб бўлмайди – бу ўз ҳаётини бошқалар учун фидо қилишга тайёрлик хислати билан ҳечам қовушмайди. Гоҳида ҳатто шундай туюладики, гўё ҳаёт бошқалар учун ўзини фидо қилишдан, меҳнатдан, қийинчиликдан иборату бунда бирор кишини на мақташ, на айбланинг кераги йўқ ёки айбланидан кўра кўпроқ мақташ лозим: одатда маълум қаттиққўллик киришимлиликка кам таъсир кўрсатади. Болагинам, менинг сенга бўлган эътиборим ва меҳр-муҳаббатимга ҳечам шубҳа қилма. Мана ўн йилдирки, сен Эльзасда хотини ва бир оёғидан жудо бўлган шўрлик акагинанг Карлни қўриқловчи фариштадек хизматидасан, бахтсизлик қўшалок келади, дейишади-ку. Шўрлик бемор боламнинг куни сенсиз қандай кечарди! Сен унинг ҳамшираси, кўмакчиси, уй бекаси, болаларининг боқувчисан. Бутун ҳаётинг меҳнат ва фидойиларча муҳаббатдан иборат, бундай ҳаёт тарзи қалбингда ўзингдаги ва ўзгалардаги бемаъни хиссийатлиликни маъқулламайдиган жиддийликни туғдириши турган гап. Ҳаётдаги мушкулликларни ундаги байрамларга нисбатан афзал кўрасан ва тўғри қиласан! Улкан дунёдаги эҳтиросларга ва гўзал маънавиятга алоқадорлик бизнинг ҳам елкамизга тушган...

– Бизнинг? Менга бунақа алоқадорлик керак эмас.

– Қизгинам, истаймизми-йўқми, бу нарса биз билан бирга ва бизнинг номимизга учинчи, тўртинчи авлодимизгача тутшиб бораверади. Самимий инсонлар тўлқинланибми ёки қизиқувчанлик биланми – буни қандай фарқлайсан? – бизни безор қилиш даражасига етишса, бундан аччиқланишга ёки хира одамларнинг кўкрагидан итаришга ҳаққимиз борми? Табиатимиздаги фарқ худди мана шу ерда намоён бўлади. Менинг ҳаётим осон кечмади, кўп нарсалардан воз кечишимга тўғри келди. Сенинг меҳрибон, унутилмас отанга яхши хотин бўлдим, деб ўйлайман, унга ўн битта фарзанд туғиб бердим, шулардан тўққизтасини муносиб инсонлар қилиб ўстирдим, иккитасини эгасига топширдим. Мен ҳам машаққат ва азобларга ўзимни қурбон қилдим. Лекин сен нафрат билан тилга оладиган киришимлилик ёки очикқўнгиллик менга халақит бермаган, машаққатли ҳаёт мени жоҳилга айлантормади, шунинг учун мен қандайдир Магердан юз ўгириб, унга: “Аҳмоқ, тинч қўй мени!” деёлмайман, нима десанг де, лекин мен бунга қодир эмасман.

– Мен билан шундай гаплашяпсизки, ойижон, – эътироз билдирди кичик Лотта, – гўё мен Сизга танбеҳ беришга ёки беодоблик қилишга журъат этгандек. Оғзимни ҳам очмадим-ку билсангиз. Одамлар Сиздаги сабр-бардош ва очикқўнгилликни синовга солиб безор қилишса, ўз ҳис-ҳаяжонлари билан Сизни чарчатишса аччиғим келади, нима энди шунга мени айблани керакми? Манави кўйлакни, – деди у онасининг пуштиранг бант қадалган оқ кўйлагини жомадондан оларкан, – кийишингиздан олдин дазмоллаш керакми дейман-да, анчагина ғижим бўлипти.

Хоним қизариб кетди, бу унга ниҳоятда ярашди. Чехрасига ҳайратланарли тарзда ёшлик-қизлик гўзаллигини ато этди: у йигирма ёшида қандай бўлганлигини дарҳол тасаввур қилса бўларди. Текис қошлари остидаги майин боқувчи кўзлари, бежирим бурунчаси, ёқимли кичкина оғзи мана шу қизиллик таъсирида бир неча сонияга бутун тароватини юзага чиқарди. Кекса хоним юзига инган қизиллик туфайли амтманнинг ёқимтой қизи,

етимларининг онаси, Вольпертсхаусдаги балнинг маликаси бирданига кўзга ташланди.

Кестнер хоним қора ёмғирпўшини ечди, энди қизи кўрсатган анави кўйлакка ўхшаган, ундан-да башангроқ оқ кўйлакда турарди. Ҳаво иссиқ кунларда (ҳозир кунлар худди ёздагидек эди) у ўзига хос ҳавас билан фақат оқ кўйлакда юрарди. Аммо қизининг кўлидаги кўйлак оч пуштиранг бант билан безатилган эди. Икковлари ҳам юзларини беихтиёр четга буришди: онаси кўйлақдан, қизи эса, онасининг юзидаги қизилликни кўриб, бу уни шу қадар лобар қилиб юборганидан ҳасади келди.

– Э, йўк, – деди хоним қизи Шарлоттанинг таклифига жавобан, – ортиқча ташвишнинг кераги йўк! Бу креп жавонда осилиб турса, ўзи текис бўлиб қолади. Ким билсин, ҳали мен уни кияманми-йўкми.

– Нега энди киймас экансиз? – деди қизи, – унда буни нега олиб келдингиз? Шунинг учунки, имкон туғилиб қолса, сўзсиз уни киясиз, ойижон. Тагин битта савол беришга ижозат беринг, кўйлакнинг кўкраги ва енгидаги очиқ рангли бантларни сал тўқроқ, масалан, нафармон ранглисига алмаштирмайсизми? Бирпасда алмаштириб тикардик...

– Қўйсанг-чи, Лотхен! – шоша-пиша эътироз билдирди хоним. – Сен, қизгинам, ҳазилни тушунмайсан. Менга айт-чи, қизим, мен ўйлаган мана шу кичкина маъноли ҳазил, эътиборни тортишга енгил ишоранинг нимаси сенга ёқмайди? Айтишга изн бер: юморни бу даражада, яъни сендек тушунмайдиган одамларни кам учратганман.

– Одам ўзи билмайдиган ёки кам биладиган кишиларда бу туйғуни тахмин қилиши тўғри эмас, – жавоб берди қизи.

Катта Шарлотта тагин нимадир деб эътироз билдирмоқчи бўлган эди, Клерхен кириб уларнинг суҳбати бўлинди. У иссиқ сув келтирди ва графиня Ларишнинг оқсочи яхшигина қиз эканлигини, улар биргаликда бемалол тил топишиб кетишларини қизгин тушунтира кетди. Бундан ташқари, анави ғалати жаноб Магер уни ишонтирган эмишки, “Ринальдо” деган ажойиб асарни ёзган одам, яъни жаноб Гётенинг қайниси кутубхоначи Вульпиусни албатта кўришим мумкин экан. У кутубхонага бораётганда бунга кўрсатаркан, ҳатто исми ўша роман қаҳрамони шарафига қўйилган, Ринальдо деган ўғлини ҳам мактабга кетаётганида кўрса бўларкан.

– Жуда яхши, – деди хоним, – вақт анча кеч бўлди, икковларинг, сен Лотхен, Клерхен ҳамроҳлигида Эспланадага, Амалия холангникига бориб, бизнинг келганимиз ҳақида хабар беринглар. У етиб келганимизни билмайди, Готада, Либенауникида ушланиб қолишди, деган ўйда тушдан кейин ёки кечқурун бизни кутади, биз у ерда тўхтамадик. Бор, болам, Клерхен йўлни яхшилаб билиб олсин, холагинангни мен учун ҳам ўп, жиянларинг билан шу орада дўстлашиб ол. Мен, кекса аёл, бир-икки соат дам олишим зарур, сал ўзимга келиб олай, орқаларингдан бораман.

У гўё ярашиш белгисидек қизини ўпди, оқсоч қизнинг таъзимига бош ирғаб жавоб қайтарди ва ёлғиз ўзи қолди. Кўзгу олдида сиёҳдон билан ручка бор эди. У ўтириб бир варақ қоғоз олди, ручкани сиёҳдонга ботирдида, боши қилтиллаганча олдиндан ўйлаб қўйган сўзларни тез-тез ёзди:

“Юксак мартабали дўстим! Синглимни кўриш учун қизим Шарлотта билан шахрингизга бир неча кунга келган эканман, истагим қизимни Сизга кўрсатиш билан бирга, ҳар биримиз ўзимизга насиб қилганича яшаганимиз

мана шу узоқ йиллар мобайнида жаҳонга машҳур бўлган чехрага яна бир бора назар ташласам бахтиёр бўлардим. Ваймар, “Фил” меҳмонхонаси, 16 йилнинг 22 сентябри. Шарлотта Кестнер, асли Буфф”.

У хат устига кум сепди-да, бир зум кутди, кейин варақнинг чеккаларини ичига қайириб, яхшилаб бекитди ва манзилни ёзди. Шундан кейингина кўнғироқ ипини тортди.

## ИККИНЧИ БОБ

Шарлотта анчагача тинчлана олмади, тўғриси тинчланишга унчалик интилмади. Кўйлагини ечиб, катта жун рўмолни устига тортди-да, кичкина чодир остидаги кроватлардан бирига чўзилди, ўткир ёруғликдан ҳимояланиш учун – деразаларга қора парда тутилмаган эди – кўзларини рўмолча билан бекитди-да, киприкларини юмди. Шу аснода у ақл билан иш тутиб, яхшиси уйқуга кетиш ўрнига қалбини яна-да ларзага солувчи ўйлар билан банд бўлди, айти мана шу ёшликка хос мулоҳазасизлик орадан йиллар ўтган бўлса-да, унда сақланиб қолган қатъийликнинг белгиси ва исботи бўлиб туюлди, бундан у мамнун бўлиб ўзича жилмайиб кўйди. Қачонлардир ўша йигитнинг унга қолдирган хайрлашув хатчасида ёзилган: **“Мен эса, севимли Лотта, кўзларингизда менинг ҳеч қачон ўзгармаслигимга бўлган ишончни ўқирканман, бундан бахтлиман”** деган сўзлари ёшлигимизда ичган онти бўлиб, аслида биз бундан ҳеч қачон юз ўгиrolмаймиз. Бу вақт синовиға бардош берди, бизлар қандай бўлсак, шундайлигимизча қолдик, қариган бўлсак, жисмонан, зоҳиран қариганмиз, ҳеч нарса ички дунёимизни ўзгартиришга, йиллар тўфони оша олиб ўтаолган телбаларча “мен”имиз устидан ҳукмронлик қилишга қодир эмас. Ёшимиз бир жойга бориб қолганда кузатувлар қилиш юракка таскин, негаки бу қарилик рутбамиздаги ёруғ ва иболи сиримиз ҳисобланади. Мана энди қари аёл бўлиб ўтирибсан, ўзингни масхаралаб шундай деб атайсан ва эрингга туғиб берган тўққизинчи фарзанд – йигирма тўққиз яшар қизинг билан сафарга чиққансан. Бироқ манави ерда ётибсан, ўқувчи қизнинг юраги жинниларча шўхлик олдидан қандай ҳаяжонга тушса, сенинг ҳам юрагинг шундай дукиллаб урмоқда. Шарлотта бундай ҳолатга мафтун бўладиган одамларни кўз олдига келтирди.

Кичик Лотхеннинг бундай қалб ҳаяжонига гувоҳ бўлишини яхшиси тасаввур қилмаган маъқул.

Ярашиш белгисидек ўпганига қарамасдан, она унинг ҳазилни тушунмаслиги, кўйлак ва ундаги бантга пичинг қилгани, айниқса, шундай арзирли мақсадни кўзлаган сафарни “ғайриоддий” дея танқид қилгани учун кизидан ҳалиям хафа эди. Ҳаддан ташқари сезгир одамни бирга олиб юриш ноқулай, унинг назарида бу саёҳат фақат “Ўша одам” учунгина ўйлаб топилган, у ниқобдан бўлак нарса эмас, деб гумон қилади. Сенга дилингни оғритадиган даражада назар солишса, тўғрироғи, кўз остидан қарашса янада ёқимсиз туюлади, ҳаракатларингнинг турли-туман кўринишлари ичидан фақат мулойимлик билан кўз юмиб ўтиладиганларини кўришади, фақат ўшаларнигина тан олишади, очиқ айтиладиганларини эса, улар харқанча арзирли бўлмасин, қуруқ гап деб ҳисоблашади.



Шарлотта бу тахлит фикрлашнинг, эҳтимол, ҳар қандай таҳқирловчи хўрликларини алам билан ҳис этди ва буни фақатгина қиздаги бошқаларга эл бўлолмаслик қусуридан излади.

Ўша “сезгирлар”, ўйлади у, ҳеч нарсадан кўрқишмайдими? Буни найза деб тасаввур қилсак-да, уни тескари айлантурсак, улардаги “сезгирлик”нинг асл сабаблари кўзга ташланиб қолади ва бунинг ҳақиқатпарварлик эмаслиги аён бўлади. Кеккайган Лотхендаги совуққонликни зийрак назар билан кузатилса, унда ҳам унчалик ёқимли бўлмаган хилма-хил фикрларни уқиш мумкин. Онасининг қисматига ёзилган ташвишлар бу арзанда қизнинг бошига ҳали тушмаган, феъл-атвори шу бўлса, бундай қисмат унга насиб этиши ҳам даргумон. Машҳур учликнинг бошига тушган, шундай қувнок, шундай хотиржам бошланган ташвишлар кейинчалик биттасининг жиннилиги боис изтиробли бесаранжомликни келтириб чиқарган, улуғ, саховатпеша қалбнинг сабот билан енгиб ўтган синовларига айланиб кетди ва бир кун келиб – о, мағрурона умидсизлик! – бутун дунёни забт этиб, кўкларга кўтарилди, мавжудликнинг олий шаклига эга бўлди, қизнинг қалби бутун инсониятни ларзага келтирди, бунинг устига ўша пайтда жар солганларидек, уни хавф-хатарли ҳайрат тўрига ўради.

Фарзандлар қаттиққўл, ўйлади Шарлотта, онанинг шахсий ҳаётига тоқатлари йўк: худбинларча билдирилган ҳурмат-эҳтиром муҳаббатни нафратга айлантиради, агар унга аёлларга хос ҳасад аралашса, яъни онанинг қалб кечинмаларига, бу кечинмаларнинг жаҳоний шон-шухратига нисбатан масхараомуз норозилик кўринишидаги ҳасад аралашса, бу, албатта, кўнгилга унчалик ўтиришмайди. Йўк, расмиятчи Лотхен, ўша куни эри хизмат сафарига кетганда кечқурун у келгани, гарчи у рождество байрамигача кўринмаслиги лозим бўлса-да, барибир келганида онаси ҳис этган даҳшатли ажойиб ва жинойткорона ширин туйғуни ҳеч қачон ҳис этолмайди, ўшанда у беҳудага дугонасини чақиртирмоқчи бўлган, ўша билан ёлғиз қолишга мажбур бўлган, у Оссиан кўшиқларини ўқиётди, ўз азоблари устига қахрамонларнинг изтиробларидан қийналиб ўқишдан тўхтаган, чорасизликдан бунинг оёқларига йиқилиб, кафтларини ўз кўзларига, шўр пешонасига босган, бу ҳам ич-ичидан унга ачиниби, унинг қўлларини қаттиқ қисганида ёнаётган ёноқлар бир-бирига тегиб кетган маҳалда борлик гўё ғойиб бўлган, у буни бағрига босганича нималарнидир шивирлаётган лабларини қайноқ бўсаларга кўмиб ташлаган...

Шунда Шарлотта, бу нарсани ўзи ҳам тушуниб етмаганини эслади. Бу буюк ҳақиқат эди, у кўзини рўмолча билан бекитганча ўша воқеаларни майда-чуйдалари билан аралаштириб юборди ва буларда ҳеч қандай жўшқинликни кўрмади. Ўша телба йигит ундан фақат битта бўсани ўғирлаган эди ёки агар шу ифода икковларининг ҳам ўша пайтдаги ҳолатларига тўғри келса. Ўшанда куёш тиғи остида малина тераётганларида у буни ярим бепарво, ярим жўшқин эҳтирос билан ўпган эди, у тез ва юракдан, илҳом ва ғайриназокат билан ўпган, бу ҳам қаршилиқ кўрсатмаган эди. Лекин шундан кейин бу ўзини бу дунёда ҳам худди нариги дунёдагидек тутди, – ҳа, айнан шу боис у ерда мудом яхши хулқли сиймо бўлиб қолавериши мумкин, чунки бу ерда ўзини инжиқ қизга маъкул келадиган даражада яхши тутди. Чунки у ҳарқанча юракдан чиққан бўлмасин, кишини хижолат қиладиган, бемаъни, ман этилган, ишончсиз, бошқа

дунёдан келган бўса эди, дайди шахзоданинг бўсаси эди, унинг учун қиз ҳам беҳад яхши, ҳам беҳад ёмон эди. Дайдилар дунёсидан келган шўрлик шахзоданинг кўзларида, бунинг кўзларида ҳам кейин ёш айланган бўлса-да, қиз унга беғараз норозилик билдирди: “Вой, уятсиз! Бунақа қилиқ ортиқ такрорланмасин, акс ҳолда дўстлигимиз барҳам топади! Билиб қўйсин, бу гап орамизда қолмайди, бугуноқ ҳаммасини Кестнерга айтаман!” Йигит қанча ялинмасин, қиз ўша қуниёқ буни суюқлисига етказди, негаки у билиб қўйсин: бунга анави сабабчи эмас, балки бунинг ўзи рухсат берди. Альберт буни алам билан тингласа-да, улар кейин суҳбат жараёнида ўзларининг оқил, ажралмас жуфт эканликларини эътиборга олиб, ардоқли учинчининг жиловини қаттиқроқ тутиш ва унга ҳақиқий вазиятни тушунтириб қўйиш лозим, деган қарорга келишди.

Бўса олган куннинг эртасига, тўғрироғи, учинчи кунида унаштирилган жуфт уни қуруққина кутиб олган лаҳзадаги афт-ангорини Шарлотта мана ҳозир шунча йиллардан сўнг юмуқ киприклар оша ҳайратомуз аниқ кўриб турарди. Ўшанда у кечқурун соат ўнда, улар икковлари уй олдида ўтиришганда гул кўтариб келган, улар гулни шу қадар илтифотсиз қабул қилишган эдики, у гулларни отиб юборган ва қулоқ эшитмаган беҳуда гапларни пичинг аралаш тўкиб ташлаган эди. Пудра сепилган, қулоқлари устига ёйилиб тушган сочлари остида юзи ғалати бўзариб кетган эди: катта ғамгин бурни, аёлларникидек оғзи ва майин иягидаги мўйлабнинг ингичка сояси-ю, бурнига нисбатан кичик кўринадиган маъюс боқиб турган кўзлари, уларнинг устидаги фавқулодда чиройли, шоҳимисол ялтироқ қора қошлари ҳамон кўз олдида.

Бўса олган кундан кейин учинчи куни қиз уни шу ҳолатда кўрган ва қуёви билан келишиб олишганидек, шуни эсингда тут, мендан яхши дўстликдан ортиқ бирор нарсани умид қилма, дея қуруққина қилиб тушунтирган эди. Буни ўзи ҳам билмасмиди? Унда нега қиз шу гапларни айтганида юзлари шалвираб, оқариб кетдики, кўзлари ва шоҳисимон қошлари оқарган юзида янада қорароқ бўлиб, кескин кўзга ташланди? Ушбу умидсиз, содда юз ифодасини ёдга оларкан, Шарлотта ҳаяжонли табассумини рўмолча остига яширди. Бу воқеани у ўша куни кечқуруноқ Кестнерга айтиб берган, шундан сўнг икковлари келишиб, эркатой девоанага, икки кишининг, унинг ва Кестнернинг таваллуд кунлари, яъни абадиятга дахлдор йигирма саккизинчи август муносабати билан Ҳомернинг чўнтак наشري ва унда ҳам бирор нарса бўлсин, деган мақсадда қўйлақдаги бантни юборишган эди...

Сарой маслаҳатчиси хоними рўмолча остида қизариб кетди ва ўқувчи қизнинг олтмиш уч ёшли юраги дуқиллаб ура бошлади. Онаси ишни пухта ўйлаб қилганини, “Лотта қўйлаги”нинг такрори, яъни янги тайёрлаган қўйлагидаги бант ўрнини атайлаб бўш қолдирганини кичик Лотхен ҳали билмайди. У ерда бант йўқ эди, ўша жой бўш эди, у анави хаёлпаршон йигитда эди, қиз қуёви билан келишиб, таскин бўлсин, дея бантни унга жўнатган, у бўлса бундай бебаҳо тортиқни минглаб бўсаларга кўмган эди... Ақаси Карлнинг ҳамшираси онасининг бундай сир-асрорларидан хабар топса, кинояомуз лабини буриб қўйган бўларди! Ахир буларнинг ҳаммаси ҳалол, садоқатли отасининг хотираси учун қилинган эди-да, бир вақтлар у бу ҳадяни на фақат маъқуллаган, балки ўзи шунга ундаган, инжиқ шахзода туфайли қанча азобларга бардош берган бўлса-да, сал бўлмаса унинг су-



юкли бойлигини ўғирлаб кетмоқчи бўлган кимса жўнаб кетгач, Лотхенга қўшилиб йиғлаган эди.

“У кетди” дейишди улар бир-бирларига, кечаси ва тонгда ёзилган хатчани ўқишгач: “Сизларни бахтли ҳолда қолдираман, дилларингизда яшаб қоламан... Хайр, минг бора хайр!” “У кетди” дейишди улар навбатма-навбат ва болалар ниманидир йўқотгандек хонама-хона юришар, “у кетди” дея тинмай такрорлашарди. Хатчани ўқиганда Лоттанинг кўзларига ёш қалқди, у куёвидан бекитмасдан бемалол йиғлайвериши мумкин эди, негаки Кестнернинг ҳам кўзлари намланди, у кун бўйи дўсти ҳақида гапирди: гоҳида ғалати одатлари бўлса-да, қандай ажойиб инсон, баъзи ҳолларда ёқимсиз, аммо турган-битгани даҳо, хайратланарли даражада ўзига хослиги билан кишини қайғуришга, унга ғамхўрлик қилишга, чин дилдан олдида бош эгишга мажбур қилади.

Кестнер мана шундай одам эди. Шарлотта миннатдорлик билан унга интилди, унга янада қаттиқроқ суянди, чунки у жўнаб кетган кимса учун Лотта йиғлаганида буни табиий ҳол деб ҳисоблади! Мана ҳозир, кўзларини юмиб ётаркан, унинг бесаранжом қалбидаги миннатдорлик туйғуси бор илиқлиги билан янгиланди. Гўё ишончли суянчиққа интилгандек унинг танаси ҳаракатга келди ва лаблари ўшанда айтилган сўзларни такрорлади: “Унинг кетгани яхши бўлди” такрорлади у, “у четдан келган ортиқча учинчи, барибир у хоҳлаган нарсани мен унга беролмасдим”. Унинг Альбертига бу сўзлар ёқди, чунки у кетган кимсанинг афзаллиги ва табиий шукуҳини худди Лотта сингари кучли ҳис этган, ҳатто биргаликда бахтли бўлиш ҳақидаги оқилона қарорларидан ҳам шубҳаланишгача бориб, ўзини танлайдими ёки шахзоданими, буни ўзи ҳал қилсин, деган мақсадда, менга берган сўзингни қайтиб олишинг мумкин, дея хат ҳам ёзган эди. Ва бу танлади, бу танлаш эдими! Айнан уни, ўз тенгини, ўзига аталган қисматдошини, Ҳанс Христианини танлади. Бунинг сабаби фақат севги ва садоқатнинг алданиб қолиш устидан ғолиб келгани эмас, балки учинчининг сирли феъл-атвори олдидаги, табиатидаги аллақандай ғайриоддийлик ва ишончсизлик олдидаги кўрқув кучи ҳам уни тутиб қолди, бунга у аниқ ном тополмади ва кейинроқ унинг ўз-ўзидан норози бўлган шикоятдаги “мақсадсиз ва қўнимсиз дайди...” сўзларини топди. Қизиқки, мана шу дайди шундай ёқимтой, очиққўнгил, самимий йигит бўлиши мумкин эканки, болалар тинмай уни қидиришиб, “у кетди” дея хафа бўлиб юришди.

Ўша кезлардаги кўплаб ёзги манзаралар рўмолча остида Шарлоттанинг тасавурида жонланди, янги, нурли бир кўринишда ярқ этиб кўзга ташланди-да, яна хиралашди. Бир куни Кестнер хизматдан бўш бўлган пайтда булар билан биргаликда учовлашиб сайрга чиққанларида, тоғ чўққисидан туриб қамишлар оралаб буралиб оқаётган дарёни, қалин дарахтлар билан қопланган тепаликларни, бутун гуллаётган водийни, кичик-кичик қишлоқларни, қоровул минораси, монастырь деворлари-ю, қаср харобаларини томоша қилиб, биргаликда табиатнинг қайноқ нафасидан ҳузур-ҳаловат топган пайтларда у бепоён олам ҳақида сўзлар ва кулгили қилиқлар қилар, шунда келин-куёвлар кулгидан ҳатто юролмай қолишарди. Ўтлоқда ёки уйда китоб ўқишган соатларда у севимли Ҳомеридан ёки “Фингал кўшиғи”ни ўқиётиб бирданига кўтаринки илҳом оғушида кўзлари ёшга тўлар, китобни улоқтириб юбориб, столга мушт туширар, кейин булар-



нинг ҳайрон бўлганларини кўргач, хоҳолаб кулиб юборарди... Икковлари, Вертер ва Лотта ёлғиз қолганларидаги қилиқлари-чи, – у қизга хўжалик ишларида кўмаклашиб, томорқада ловия териб, Немис диний жамоасига қарашли боғда олма узиб юрганларида яхшигина бола, меҳрибон дўст дейсиз, борди-ю, ички аламларини тўкиб сола бошласа, уни тартибга чақириш учун биргина назар ёки бир оғиз қаттиқ сўз кифоя қиларди. Шарлотта ҳозир ҳаммасини, уни, ўзини кўриб турар, унинг қилиқларини, юз ифодасини, ҳайқиришларини, кўрсатмаларини, ҳикоялари-ю, ҳазил-хузулларини, “Лотта!”, “Азизам Лоттен!” дея мурожаат қилишларини, ўзининг “Бунақа қилиқларини бас қилсин! Яхшиси дарахтга чиқиб олмаларни саватимга ташласин!” деган овозларини аниқ эшитарди. Лекин ажабланарлиси шу эдики, бу манзаралар ва хотираларнинг бениҳоя аниқлиги ҳамда ёрқинлиги, деталларнинг тўлақонлилиги, агар таъбир жоиз бўлса, бевосита эмас эди; хотира дастлаб буларнинг ҳаммасини сақлаб қолишга қодир бўлмаганидан, вақт ўтиб уларни қисмма-қисм, сўзма-сўз қайта дунёга келтиради. Улар таҳлил қилинади, қайта таъмирланади, майда-чуйда қисмларигача авайлаб тикланади, ялтиратиб пардозланади, ҳар қандай шубҳа-гумонларга қарамасдан гўё келажакда ҳеч бир кутилмаганда эга бўладиган маъноси шарафига ёқиладиган машғалалар нурига чўмади.

Ўша хотиралар таъсирида юзага келган ва ёшлик дунёсига саёҳатнинг табиий ҳосиласи бўлган юрак уриши остида ҳаммаси бир-бирига аралашаиб, маза-матрасиз тушларга айланиб кетди ва эрта бошланган кун ҳамда йўлдаги силкинишлар натижасида ҳолдан тойган олтмиш уч яшар аёлни ширин мудроқ икки соат давомида ўз бағрига олди.

Ўз ташвишларини, ўзи ётган бегона меҳмонхона бўлмасини, ёшлик дунёсига бораётган йўлдаги бу оддий бекатни бутунлай унутиб ухларкан, муқаддас Яъқуб саройи черковининг соати ўн ва ўн яримга занг урганда ҳам Шарлотта ухлашда давом этарди. У биров уйғотмасидан олдин, гўё кимдир уни огоҳлантиришга шошилиб бу ёққа яқинлашаётгандек ўзи хушёр тортиб уйғониб кетди, эҳтимол уйқусининг бузилиши кутиб қолган синглиси туфайли эмас, балки уни ҳаяжонга солган бошқа томондан хабар келганми, деган ярим қувончли, ярим ташвишли туйғу туфайли бўлмаганида у бунчалик безовталанмасди.

У ўтириб соатга қаради, вақт анча кеч бўлиб қолганини билиб кўрқиб кетди ва миясини фақат тезроқ қариндошларникига йўл олиш керак, деган ўй эгаллади. Эндигина пардоз-андозини тузатиб олишга киришган ҳам эдики, эшик тақиллади.

– Нима гап? – сўради у эшик олдига келиб шикоят ва норозилик оҳангида. – Кириш мумкин эмас!

– Бу менман, холос, ҳурматли хоним! – дейишди эшик ортидан. – Мен, Магерман. Безовта қилганим учун узр, қимматли хоним, гап шундаки, мисс Гэзл деган битта хоним, ўн тўққизинчи хонадан, англиялик хоним, бизнинг меҳмонимиз...

– Хўш, ундан кейин-чи?

– Мен тинчингизни бузишга журъат қилмаган бўлардим, – гапида давом этди Магер, – бироқ мисс Гэзл қимматли хонимнинг шу шаҳарда, бизнинг уйимизда эканликларидан хабар топиб, у билан учрашувга атиги бир неча дақиқага вақт ажратишларини ўтиниб сўрайди.

– Ўша хонимга айтингки, – деди Шарлотта ичкаридан туриб, – мен хали кийинмаганман, тайёр бўлганим заҳоти кетишим зарур, беҳад афсусдаман.

Шу сўзларнинг тасдиғи учун атайлаб енгил ёмғирпўшини елкасига ташлади, шу йўл билан бостириб киришларини қатъий даф қилишни кўзда тутган, бироқ бу қўлидан келмаган тақдирда ҳам тўсатдан кириб қолишса тайёргарликсиз ўтиришни истамади.

– Бу гапни мисс Гэзлга айтишим шарт эмас, – жавоб берди Магер йўлакдан туриб, – ҳамма гапни ўзи эшитиб турибди. Мана, у ёнимда. Гап шундаки, мисс Гэзл атиги бир дақиқага бўлса ҳам хурматли хонимни кўрмоқчи.

– Лекин мен у хонимни танитайман! – хитоб қилди Шарлотта бироз норози оҳангда.

– Айнан мана шунинг учун, – эътироз билдирди Магер, – ардоқли хоним агар изн берсалар, мисс Гэзл улар билан бирров танишиб олишни ниҳоятда муҳим деб ҳисоблайди. “She wants to have just a look at you, if you please”<sup>1</sup> деди у сунъий товушда гўё ўзга тилда илтимос қилувчига айлангандек, афтидан бу ҳолат ихтиёрни воситачи қўлидан олиб, ўзи ҳаракат қилишга туртки берди шекилли, шу заҳотиёқ ташқаридан болаларча баланд овоздаги ҳаяжонли бидир-бидир эшитилди, сўзлар оқими тинай демас, балки аниқ талаффуз қилинган “most interesting, highest importance”<sup>2</sup> сўзлари тўхтамай жаранглар эдики, аста-секин қамалдаги кимса яхшиси ён бериш ва унга кўриниш керак, деган қарорга келди. Шарлотта унга инглиз тилида жавоб қайтариб, вақтини ўғирлашига имкон яратиш ниятида эмас эди. Шундай бўлса-да, у ўзининг енгилганини ярим ҳазил оҳангида: “well, same in, please”<sup>3</sup> дейиш билан ҳақиқий немислигини кўрсатди ва Магернинг “Thank you so very much”<sup>4</sup> деганига кулиб юборди, шу сўзларни айтarkan, у эшикни катта очиб, таъзим қилганча мисс Гэзлни ичкарига олди.

– Oh dear, oh dear!<sup>5</sup> – деди қувноқ ва ўзига хос кўринишли жиккаккина аёл. – You have kept me waiting – Сиз мени куттириб қўйдингиз, but that is as it should be<sup>6</sup>. Мақсадимга етиш учун бундан ҳам кўпроқ тоқат қилишимга тўғри келган. I am Rose Cuzzle. So glad to see you<sup>7</sup>. Оқсоч қиздан эшитганим заҳотиёқ, тушунтира кетди у, Кестнер хоним шу шаҳарга бугун келгани, айна шу меҳмонхонада, ундан икки хона наридаги хонада яшаётганини билгани заҳотиёқ у ҳеч иккиланиб ўтирмай югуриб келганмиш. Кестнер хонимнинг “In German literature and philosophy”<sup>8</sup> қандай роль ўйнагани унга кундек равшан эмиш (“I realise”<sup>9</sup>). “A celebrity, and that is my hobby, you know, the reason I travel”<sup>10</sup> Кестнер хоним гўзал чехраларини мана шу хотиралар альбомига тезгина чизиб олишимга рухсат берадиларми?

У кенг форматли, бўз муқовали альбомни қўлтиқлаб олганди. Қип-қизил, жингалак сочлари хурпайган, сепкил босган қирра бурунли юзи ҳам қип-қизил, бўлиқ, аммо хушбичим лаблари орасидан оппоқ, соғлом

<sup>1</sup> Рухсатингиз билан у Сизга бир назар ташламоқчи, холос (инг.).

<sup>2</sup> Жуда қизиқ, беҳад муҳим (инг.).

<sup>3</sup> Яхши, қираверинг (инг.).

<sup>4</sup> Самимий ташаккур билдираман (инг.).

<sup>5</sup> О-о, азизам, азизам (инг.).

<sup>6</sup> Лекин бу муҳим эмас (инг.).

<sup>7</sup> Мен Роза Гэзлман, Сизни кўрганимдан хурсандман (инг.).

<sup>8</sup> Немис адабиёти ва фалсафасида (инг.).

<sup>9</sup> Биламан (инг.).

<sup>10</sup> Машҳурлик – бу менинг жону дилим, Сизга айтсам, саёҳатларимнинг мақсади (инг.).

тишлари кўриниб турар, кўзлари кўк-яшил, гарчи улар гоҳида ғилайдек туюлиб кетса-да, ёқимлигина эди. Устида енгил, гулдор матодан антик услубда тикилган кўйлак, унинг бурмали ортиқча қисмини шлейф<sup>1</sup>дек кўлида тутиб турар, худди бурнига ўхшаб сепкил босган кўкраги кўйлак ёқасидан сакраб чиқиб, думалаб тушадигандек туюларди. Елкасига юпқа шол рўмол ташлаб олган эди. Шарлотта уни кўринишдан йигирма беш ёшларда деб ўйлади.

– Қизгинам, – деди қизнинг ғайриодатий дадиллигидан соддалигига бориб бироз дили оғриган Шарлотта, шундай бўлса-да, асилзодаларга хос тоқатни намоёиш қилишга қарор қилди. – Қизгинам, мендек оддий бир аёлга шунчалик қизиқиш билдираётганингиздан миннатдорман. Сиздаги қатъийликдан мамнунлигимни ҳам қўшиб қўйишимга рухсат беринг. Кўриб турибсиз, менинг меҳмон кутиб олишга, буни қўятурайлик, портрет чиздириш учун киёфада туришга мутлақо имконим йўқ. Мен кетмоқчиман, меҳрибон туғишганларим кутиб қолишди. Сиз билан, ўзингиз айтганингиздек, қисқа фурсатга бўлса-да, танишганимдан хурсандман, афсуски, ўзим ҳам шуни талаб қилишга мажбурман. Бир-биримизни кўрдик, ортиқчаси келишганимизга монелик қилади. Энди хуш келибсизнинг ортидан дарров хайр-хўшлашишга рухсат этинг.

Мисс Роза унинг сўзларини тушундими-йўқми, билмаймизу, ҳарқалай у бунга заррача ҳам эътибор қилмади. Шарлоттани “dear” билан кўкларга кўтараркан, ғалати бўлиқ лабларини тўхтовсиз кимирлатиб, ўзининг эркин, кулгили-аслзодача тилида бу ерга келишдан мақсадини Шарлоттага тушунтиришга уринар, уни ҳам ҳақиқий изқувар ва коллекционернинг жўшқин ҳаётига олиб кириш ниятида эканлигини изҳор қиларди.

Аслида у ирланд эди. Саёҳати давомида расмлар чизарди, бундан мақсад ва кетадиган харажат орасидаги тафовутни фарқлаш қийин эди. Чамаси объектнинг машхурлиги туфайли мададдан воз кечмасликка унинг таланти етарли эмас эди, лекин жўшқинлик ва амалий идрок кучли эдики, шу орқали ўз санъатини чидам билан такомиллаштиришга интиларди. Шунинг учун у давр тарихи юлдузлари кетидан чопар, донғи кетган жойларни излаб топиб, уларнинг суратини альбомига киритар, имкони борича уларни моделларнинг имзолари билан тасдиқлатиб оларди. Шарлотта уни тинглаб ўтириб ҳайрон қолди: бу қиз қаерларда бўлмаган дейсиз. У Арколь кўпригини, Афинадаги Акрополни, Кёнигсбергдаги Кант туғилиб ўсган уйни кўмир билан чизган эди. Эллик фунт тўлаб прокатга олган шалок қайиқда ўтириб Плимуд рейдида “Беллерефон” кемасининг палубасида император Наполеоннинг қиёфасини қоғозга туширган, ўшанда у тантанали тушлиқдан сўнг кўлида тамакидон билан палубага чиқиб келган эди. Сурат унча ўхшамаган, буни ўзи ҳам тасдиқлади: атрофида тикилиб ётган қайиқлар, улардаги “урра” деб кичқираётган эркалар, аёллар, болалар, тўлқинда чайқалиш, шу билан бирга, императорнинг палубада қисқа муддат бўлиши оқибатида расм чиройли чиқмаган эди, қахрамон учбурчак шляпа, этаклари ҳилпираб турган сюртукда худди қийшиқ ойнада акс этгандек: тепадан босиб яссилаб қўйилгандек кулгили бир тарзда энига чўзилиб кетгандек эди. Шунга қарамасдан, рассом тарихий кемадаги таниш зобит орқали унинг дастхатини, ёки тўғрироғи, дастхат деб ҳисобласа бўладиган

<sup>1</sup> Шлейф – аёллар кўйлагининг узайтириб тикилган орқа этаги.

ажу-бужи ёзувини олишга муваффақ бўлган эди. Ҳерцог Веллингтон уни шундай шарафга муяссар қилган эди. Вена конгрессидан ҳам яхшигина ўлжа унган эди. Мисс Розадаги фавкуллода тезкорлик ҳар қандай банд одамга ҳам иш орасида унинг талабларини кондиришга имкон яратарди. Князь Меттерних, жаноб Талейран, лорд Кестерри, жаноб фон Ҳерденберг сингари Европанинг кўплаб вакиллари шундай қилишган. Шоҳ Александр ялтирбоши атрофида диккайиб турган сийрак сочларидан рассом гўё дафна япроғидан қилинган чамбар ҳосил қилгани учун уни тан олган ва ўзининг пучук бурун билан безанган қиёфасини имзо қўйиб тасдиқлаган. Рахил фон Варнхаден, профессор Шеллинг, князь Влохер фон Вальштадтнинг портретлари бу қиз Берлинда вақтини бекорга ўтказмаганидан дарак бериб турарди. У ҳамма жойда вақтдан унумли фойдаланган. Бўз муқовали альбом яна анча-мунча ўлжаларни ўз бағрида яширган эдики, буларни у эсанкираб қолган Шарлоттага кўрсатиб изоҳларди. Ваймарнинг шон-шухрати, “of this nice little place”<sup>1</sup> донғи кетган немис маданиятининг ўчоғи ўзига мафтун қилгани учун бу шаҳарга келибди, унинг учун бу ер машхурларни овлашнинг қулай манзили эмиш. Бу ерни кеч топганидан афсусланди. Кекса Виланд, шунингдек, улар “great preacher”<sup>2</sup> деб атайдиган Ҳердер ва “the man who wrote the “Räuber”<sup>3</sup> ўлиб кетиб, унинг қўлидан чиқиб кетишган. Унинг қайдларига қараганда бу ерда овлашга арзийдиган жаноб Фальк ва Шютце сингари ёзувчилар ҳам ҳаёт эканлар. Шиллернинг бевасини, шунингдек, Шопенхауер хонимни ва сарой театрининг икки-учта таниқли актрисалари – Энгельс ва Ларцингни альбомга туширишга улгурган. Ҳайгендорф хоним, яъни Ягеманнга ҳали етолмабди, шу мақсад сари у шунчалик тиришиб интилибдики, бир дилбар аёл орқали ҳатто саройга ҳам йўл топишдан умидвор экан – буюк княгиняга, яъни валиаҳд шахзоданинг рафикасига йўл олиш учун алоқа ипларини топишга муваффақ бўлганмиш. Энди Гётега келсак, унинг номини у кўпчилик қатори шунақа кўрқинчли талаффуз қилдики, Шарлотта дастлаб ким ҳақида гап бораётганини англаб етмади, рассом унинг изига тушгану, бироқ ўлжа ҳали тутқич бермаяпти. Машхур роман қаҳрамони, таниқли “модель”нинг бугун эрталабдан бери шу шаҳарда, шу меҳмонхонада, деярли қўшни хонада эканлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, уни ток ургандек бўлди – нафақат объектнинг ўзи қўлга тушди, балки бу билан танишлигидан фойдаланиб, – бу гапни у очикчасига айтди – икки, ҳатто учта куёни бирданга қўлга туширса бўлади: шубҳасиз, Вертернинг Лоттаси “Фауст” муаллифи томон йўл очади, кейингиси бир оғиз сўз айтса кифоя, Шарлотта фон Штайннинг эшиклари ланг очилади. Мазкур хонимнинг Ифигения тимсолига муносабати ҳақида ёзиб қўйган, German literature and philosophy бўлимидаги қайдлари эшлашга арзигулик нарсалар бўлиб, рассом қиз уларни Штайн хонимнинг тимсоллар подшолигидаги отдошига жон-жон деб кўрсатди.

Шундай бўлдики, Шарлотта, енгил оқ ёмғирпўшида мисс Роза Гээл билан олдиндан келишиб олганларидек, бир неча дақиқа эмас, балки қирқ беш дақиқани биргаликда ўтказди. Жиккаккина қиздаги содда жозиба ва қувноқ шижоатга маҳлиё бўлиб, у қўлга киритган, қайнаб-тошиб намойиш қилаётган ўлжаларнинг улуғворлигидан лол бўлиб ўтираркан, Шарлот-

<sup>1</sup> Бу ажойиб гўша (инг.).

<sup>2</sup> Буюк тарғиботчи (инг.).

<sup>3</sup> “Қароқчилар”ни ёзган одам (инг.).

та тушунолмасди, бундай санъат спортини арзимас бир машғулот деб ҳисоблаш керакми ёки унга шунчаки қўл силтаб қўяқолган маъқулми, нима бўлганда ҳам, юксак доираларга дахлдорлик шарафли туйғу, бунинг нафаси мисс Гэзлнинг “Ов китоби”дан келиб турипти, шу китоб саҳифаларидаги улуғлар қаторидан жой олиш ҳам фахр. Хуллас, қиздаги қувноқликнинг қурбони – Шарлотта кретон<sup>1</sup> қопланган иккита оромкурсилардан бирида жилмайиб ўтирганча жаҳонгашта рассомнинг бидирлашларини тинглар, бу бўлса унинг рўпарасида ўтирволиб суратини чизарди.

Қиз бу ишни маҳорат билан, нозик чизиқларда бажарар, ҳаракатлари дадил бўлса-да, чизгани ҳамиша ҳам дидига мос келавермасди чоғи, катта ўчирғич билан ўчириб ташлар, бироқ бундан зинҳор асабийлашмасди. Гапираётган гапларига дахли бўлмаган сал ғилайроқ кўзларига қараш Шарлоттага ёқарди. Узоқ юртлар ҳақида, машҳур кишилар билан учрашувлари ҳақида гапираётганда чўччайган лаблари ва улар орасидан кўриниб турган оппоқ тишларининг ялтираши, юм-юмалоқ кўкраklarининг кўриниши кишига қувноқ тетиклик бағишларди. Бу ҳолат ҳам беозор, ҳам қизиқарли эди, шунинг учун Шарлотта аллақачон кетиши лозимлигини бир муддат унутди. Агар бу ташрифдан кичик Лотхеннинг дили хира бўлганида ҳам, онасининг руҳий хотиржамлиги ҳақида қайғуришини норозилигининг асосий сабаби қилиб кўрсатолмасди. Англосаксон уруғига мансуб бу кизгинадан хавфсираш жоиз эмас: у бундай нарсдан йироқ. Бу кишига хотиржамлик ва у билан мулоқотга ўзига хос жозибадорлик бағишлар эди. Фақат у гапирди, Шарлотта уни берилиб тинглади. Роза иш асносида валдираб ҳикоя қилган бир воқеадан ҳузур қилиб кулди, бир куни у Абрucia тоғларида қароқчиларнинг Боккаросса исмли атаманини ўз коллекциясига киритишга муваффақ бўлган, ботирлиги ва шафқатсизлиги билан ном қозонган боскинчи ўзига кўрсатилган эътибордан кўнгли юмшаб, ўз жанговар қиёфаси тасвирдан болаларча қувониб кетиб, воронка шаклидаги милтиқлардан ўқ узиб, мисс Роза шарафига салют беришни қароқчиларига буюрган ва тўдаси ҳаракат қиладиган ҳудуддан кузатиб қўйишни тайинлаган экан. Альбомдаги ҳамроҳининг ёввойи, унинг фикрича, хийла мағрурона мардлиги Шарлоттага жуда хушёқди. Воқеаларга берилиб кетганидан Магернинг қаердан пайдо бўлиб қолганига ҳайрон бўлишга ҳам ақли етмаган Шарлотта унга тикилиб қолди, улар суҳбат ва кулги билан бўлиб, унинг бир неча бор эшикни тақиллатганини эшитишмаган экан.

– *Вег уоур пардон*<sup>2</sup>, – деди Магер. – Халақит берганим учун узр. Бироқ жаноб доктор Ример қимматли хонимга ўз ҳурмат-эҳтиромини изҳор қилишдан беҳад мамнун бўлишини етказиб қўйишимни сўради.

## УЧИНЧИ БОБ

Шарлотта шоша-пиша оромкурсидан турди.

– Магер, Сизмисиз? – сўради у гангиган алфозда. – Нима бўлди? Жаноб доктор Ример дейсизми? Ким у жаноб доктор Ример? Нима, яна меҳмон олиб келдингизми? Эс-хушингиз жойидами? Ахир бу мумкин эмас! Соат нечи бўлди? Вақт жуда кеч бўлди-ку! Болагинам, – мурожаат қилди у мисс

<sup>1</sup> Кретон – қалин ип-газлама тури.

<sup>2</sup> Узр сўрайман (*инг.*).



Розага, – дўстона гурунгимизни тугатишимиз зарур. Аҳволимни қаранг! Тезроқ кийинишим ва кетишим керак. Мени кутиб қолишди! Хўп, хайр! Сиз эса, Магер, анави жанобга айтингки, мен меҳмон қабул қиладиган ҳолатда эмасман. Мени кетди, денг...

– Хўп бўлади, – деди Магер, бу орада мисс Роза бемалол ўз иши билан машғул эди. – Хўп бўлади, қимматли хоним. Бироқ ҳурматли хоним ушбу жаноб ҳақида бирор нарса биладиларми-йўқми, шунга ишонч ҳосил қилмагунимча буйруғингизни бажаролмайман.

– Нимани билишим керак! – қичқирди Шарлотта жаҳли чиқиб. – мени ҳар қанақа танишларингиз билан тинч қўясизми-йўқми? Менинг мутлақо вақтим йўқ. Айтинг ўша жаноб доктор...

– Ҳозироқ айтаман! – жавоб берди Магер итоаткорлик билан. – Аммо қимматли хонимни хабардор қилиб қўйишни ўз бурчим деб биламан: гап жаноб Ример, доктор Фридрих Вильхелм Ример, жаноб яширин маслаҳатчи зоти олийларининг котиби ва ишончли кишиси ҳақида бормокда. Эҳтимолдан ҳоли эмаски, жаноб доктор элчи бўлиб...

Шарлотта довдираганча Магерга тикилди, юзлари қизариб, бошининг калтираши кучайди.

– Ҳа, шундайми, – деди у бўшашиб. – Барибир, у жанобни қабул қилолмайман, ҳеч кимни кўришни истамайман, менга айтинг-чи, Магер, мен жаноб докторни қабул қилишим мумкинлигини тасаввур қилганингизда нимани ўйладингиз? Мисс Гээлни бу ерга зўрлаб тиқиштирдингиз, энди эса, дуруст кийинмаганим етмагандек, манави тартибсизлик устига доктор Римерни ҳам қабул қилайми?

– Бу ноқулайликнинг иложини топамиз, – жавоб берди Магер. – Иккинчи қаватда суҳбатхонамиз бор. Мен қимматли хонимнинг розилигига умид боғлаб, қимматли хоним пардоз-андозини тўғрилаб олгунларича жаноб доктор ўша ерда кутиб туришларини илтимос қилган эдим, кейин эса, қимматли хонимни ўша ерга бир неча дақиқага кузатиб қўйиш учун рухсат сўрамоқчи эдим.

– Ишонаманки, – деди Шарлотта, – манави гўзал қизга бағишланган дақиқалар ҳақида сўз бормаяпти. – Қизгинам, – мурожаат қилди у мисс Гээлга, – ҳалиям ўтириб чизаяпсизми... Аҳволимни кўриб турибсиз. Ёқимли учрашув ва суҳбат учун Сизга чин дилдан ташаккур, аммо чизиб улгурмаган жойларни энди хотирадан тиклайсиз...

Унинг тавсияси ортиқча экан. Мисс Роза тишларини кўрсатиб жилмайганча, бўлдим, деди.

– I'm quite ready!<sup>1</sup> – хитоб қилди у қўлларини олдинга чўзганча ўз асарини кўзларини қисиб томоша қиларкан. – I am ready<sup>2</sup>. Кўрасизми?

Биринчи навбатда буни Магер кўришни истади ва яқин келди.

– Ниҳоятда зўр сурат, – баҳо берди у билимдон киши қиёфасида. – Аҳамиятга молик ҳужжат.

Ўзини тартибга келтириш билан банд Шарлотта янги асарга бир кўз қирини ташлади.

– Ҳа, ҳа, жуда яхши, – деди у. – Шу менми? Ў, ҳа, албатта, ўхшашлик бор. Имзом керакми? Беринг бу ёққа, фақат тезроқ...

<sup>1</sup> Бутунлай тайёрман (инг.).

<sup>2</sup> Тайёрман (инг.).

У тик турганча альбомнинг бурчагига тезкорликда Наполеонниқидан қолишмайдиган имзо чекди. Ирланд қизнинг хайр-хўшига шошилинич бош қимирлатиш билан жавоб қайтарди. Магерга эса, жаноб доктор Ример яна бир неча дақиқа сабр қилиб турсин, дея тайинлади.

Кўчалик кийимларини кийиб, пардоз-андозини қилгач, шляпа ва мантилья<sup>1</sup> да, кўлида сумка ва соябон билан хонани тарк этди, Магер уни йўлакда кутиб турарди. У хонимни иккинчи қаватга бошлаб тушди-да, ўз одатига кўра эшикни очиб, уни суҳбатхонага ўтказди, у ерда кутиб турган меҳмон стулдан турди ва цилиндрини стул ёнига қўйди.

Доктор Ример – қирқ ёшлардаги, ўрта бўйли, қалин, жигарранг, яккам-дуккам оқ оралаган сочлари чаккаларига ёйилган, бир-биридан узоқ жойлашган кўзлари салгина бўртиб турган, гўштдор тўғри бурни, юмшоқ оғзи атрофида шикоятомуз, норози ифода акс этган одам эди. Устида тўғри ёқаси бўйнига ёпишиб турган сюртук, пике<sup>2</sup> нимчаси орасидан бўйинбоғи кўриниб турарди. Оппоқ кўрсаткич бармоғини мухрли узук безаб турган кўли чарм шокилалли ҳассанинг тутқичидан ушлаб турарди. Боши бир томонга қийшайган эди.

– Камина кулингиз, қимматли хоним, – деди у эгилиб жарангдор бурун товушида. – Бесабрлик қилиб ҳузурингизга югуриб келганим мутлақо кечириб бўлмайдиган ҳолат, бунинг учун ўзимни гуноҳкор деб биламан. Бу тахлит ўзини тутолмаслик, айниқса, ёшлар мураббийсига тўғри келмайди. Нимаям қилардик, ахир вақти-вақти билан ичимда шоир “қани тезроқ бўл” деб турса. Сизнинг ташрифингиз ҳақидаги хабар шаҳарга тарқалгани заҳотиёқ қалбимда енгиб бўлмайдиган истак пайдо бўлди, тезроқ бориб марҳаматли хонимга ўз эҳтиромимни изҳор қилгим, номи ватанимизнинг маънавияти тарихи билан, таъбир жоиз бўлса, руҳиятимизнинг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган инсонни шаҳримизга хуш келибсиз, дегим келди.

– Жаноб доктор, – деди Шарлотта унинг таъзимига муносиб тарзда тантанавор жавоб қайтараркан, – Сиздек хизмати сингган инсоннинг эътибори, шубҳасиз, бизни мамнун қилмасдан қолмайди.

Унинг қандай хизматлар қилгани Шарлоттага бирмунча қоронғи бўлгани боис бироз саросимада қолди. У Римернинг ёшлар мураббийси эканини эслатганидан қувонди, аммо унинг шоир эканлиги янгилик эди. Шу билан бир вақтда бу маълумотлар унда ўқиниш ёки нотинчлик туйғусини уйғотдики, булар унинг энг асосий, энг муҳим хислатини – унга қилган буюк хизматини гўё кўздан яшираётгандек эди. Ўз шахсининг қиммати ва улуғворлиги фақат шу хизмат билан чекланмаслиги лозимлигига у катта аҳамият бераётганини Шарлотта дарҳол сезди ва бу унга тантиқлик бўлиб туюлди. Ҳарҳолда у тушуниб етиши керак, Шарлотта учун унинг аҳамияти муҳим савол билан боғлиқ: у анави ёқдан бирон хабар билан келганми ёки йўқми? Шарлотта суҳбат йўсинини устомонлик билан шу саволнинг ечими томон буришга қарор қилди, унинг кийиниши шу мақсадга йўналтирилганлигидан мамнун бўлиб сўзида давом этди:

– Сиз ўзингизнинг бетоқатлигингиз деб атаган нарсани мен олийжаноб шижоат сифатида қадрлайман, бунинг учун Сизга миннатдорчилик билдиришга руҳсат этинг. Ростини айтсам, менинг Ваймарга келишимдек

<sup>1</sup> Мантилья – елкага солиб юриладиган енгсиз узун кийим.

<sup>2</sup> Пике – ғижим қилиб тўқилган бир хил мато.



ғайрирасмий воқеа ҳақидаги хабар Сизнинг қулоғингизга етиб боргани мени ҳайрон қолдирмоқда. Ўз-ўзимдан сўрайман: ким Сизга бу хабарни етказиши мумкин? Эҳтимол, синглим, камерал маслаҳатчининг хонимидан эшитгандирсиз? – шоша-пиша қўшиб қўйди у, – ўшаникига кетаётгандим, кечикканимни кечиради, деб ўйлайман, чунки мен унга шундай дилкаш ташриф ҳақида гапириб бераман-да, бундан ташқари, узримни қабул қилиши учун, бошқа унча муҳим бўлмаган, бундан олдинги учрашувни ҳам айтиб бераман: битта жаҳонгашта рассом қиз мендек кекса аёлнинг портретини тезгина чизишни истаб қолди, назаримда, у бу ишни қойилмақом қилиб бажара олмади. Ахир ўтирсак бўлмайдими?

– Ҳа, ҳа, – жавоб берди Ример ҳалиям стул суянчиғини тутиб тураркан, – афтидан қимматли хоним, бир неча чизик тортиш билан катта нарса яратишни хоҳлайдиган, истак ва амали мос келмайдиган табиатли кимсалардан бирига йўлиққан кўринасиз.

*Ҳамма нарсани чизгиларда бериши*

*Менинг одатим*

дея у шеър ўқиди. – Демак, кўряпманки, мендан олдин ҳам келишган экан, агар бошқалар ҳам мендек бетоқат бўлганларини билгач, ўзимни маълум маънода таскин топгандек ҳис этсам, унда менга насиб қилган қимматли лаҳзалардан тежаб-тергаб фойдаланиш зарурлигини янада кўпроқ англайман. Албатта, одам ўз мақсадига қийинчилик билан етса, унинг кадри ошади, иқроор бўламанки, қимматли хоним, Сизнинг хузурингизга йўл топиш мен учун осон кечмади, шунинг учун Сизни кўришдек бахтдан ҳам осонликча воз кечолмайман.

– Осон кечмади? – ҳайрон бўлиб сўради Шарлотта. – Менимча, бу ерда улаш ва ечиш ҳукуқи берилган одам, Магерни айтаман, кўринишдан ҳечам цербер<sup>1</sup>га ўхшамайди.

– Эҳтимол, – деди Ример. – Аммо хурматли хоним ўзлари ишонч ҳосил қилсинлар!

Шу сўзларни айтиб, у хоним ётоқхонасининг деразаси сингари бозор майдонига очиладиган дераза олдида Шарлоттани бошлаб борди-да, крахмалланган пардани кўтарди.

Тонгда ўзи келган пайтда бўм-бўш бўлган майдон ҳозир тўда-тўда бўлиб меҳмонхона деразасига кўз тиккан одамлар билан лик тўла эди. Айниқса, меҳмонхонага кираверишда кўп одам тўпланган, иккита фельдфебель кириш йўлагидан одамларни нари итаришга ҳаракат қилишар, ҳунармандлар, ёш савдо ходимлари, бола кўтарган аёллар, шунингдек, обрўли жаноблар тирбанд бўлишган, уларга ёш йигит-қизлар келиб қўшилишмоқда эди.

– Худо ҳаққи, – деди Шарлотта, унинг боши қаттиқ қалтирай бошлади, – ким керак уларга?

– Сиздан ўзга ким ҳам керак бўларди, хоним, – жавоб берди доктор. – Сизнинг келганингиз ҳақидаги хабар яшин тезлигида тарқалган. Сизни ишонтириб айтаманки, марҳаматли хоним ўзлари ҳам бунга гувоҳ бўлиб турибдилар, шаҳар худди чумолининг бузилган уясига ўхшайди. Ҳар бир киши Сиздан таралаётган нурдан бир чимдим баҳраманд бўлишдан умидвор. Дарвоза олдидаги одамлар Сизнинг чиқишингизни кутиб туришипти.

Шарлотта оромкурсига беҳол чўқди.

– Ё Парвардигор, – деди у, – буларни менинг бошимга йиққан ана

<sup>1</sup> Цербер – юнон мифологиясида жаҳаннам дарвозасини кўриқловчи қопагон ит.



шу ярамас Магердан ўзга ҳеч ким эмас. У бизнинг келганимиз ҳақида ҳаммаёққа бонг урган. Анави кўчманчи расмчини айтмайсизми, йўл очик пайтида чиқиб кетишимга тўсик бўлди. Манави пастдаги одамлар, жаноб доктор, нахотки кекса бир аёлнинг уйини қамал қилишдан ўзга ишлари йўқ, ахир мен ўзимни ғаройиб бир ҳайвон қилиб кўрсатмаган бўлсам, ўз шахсий юмушларимдан бошқа ниятим бўлмаса.

– Улардан ранжиманг! – деди Ример. – Бундай ур-сур оддий қизиқувчанликдан кўра анчайин улуғвор туйғуларни, чунончи, халқимиздаги миллатнинг олий интилишларига соддаларча садокатни, маънавиятнинг юксаклигини англатадики, борди-ю бу ерга иқтисодий мақсадлар аралашаиб қолган тақдирда ҳам юксак маънавият ўзидаги шодлик ва меҳр туйғусини йўқотмайди, – сўзида давом этди у Шарлотта билан хона ичкарасига қайтаркан, – агар оломон ўзининг соддаларча ишончи туфайли азалдан маънавиятдан нафратланган бўлса-ю, энди маънавиятни қадрлаш, унинг фойдали эканлигини англаб етиш учун ўзига мос йўл топган бўлса, бундан биз қувонишимиз керак эмасми? Одамлар кўп келиб кетадиган шаҳарчамиз немис даҳосининг обрў-эътибори орқасида сезиларли фойда кўради, бутун дунё даҳо деганда шахримизни тушунса, бизлар, яъни шу ерлик аҳоли учун битта шахсда мужассамлашган. Агар халқ қачонлардир беҳуда ҳисоблаган нарсани энди аста-секин қадрлай бошласа, бадиий маҳсуллар ва улар билан боғлиқ ҳамма нарсани ўз мулки деб қабул қилса, бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Бошқа оломон сингари буларга ҳам маънавият мевалари етиб бормаса, улар биринчи навбатда, шу асарлар ким учун ёки ким туфайли яратилган бўлса, ўшаларга ҳурмат бажо келтиришади.

– Назаримда, – жавоб берди Шарлотта, – Сиз бир қўлингиз билан уларга берган нарсани иккинчи қўлингиз билан тортиб оляпсиз. Чунки Сиз шундай нохуш қизиқувчанликни юксак истаклар деб асосламоқчи бўлдингизу, бир вақтнинг ўзида ана шу яхши томонларни моддий-таъмагирлик асосларига буриб юбордингиз, бу нарса мени заррача ҳам хурсанд қилмайди, аксинча, дилимни оғритади.

– Ҳурматли хоним, – деди у, – одамдек дудмал зот ҳақида очик-ойдин гапиришнинг ҳеч иложи йўқ, бундай баҳо бериш унинг инсонийлигига хиёнат қилиш бўлмаса керак. Менимча, агар одам ҳаётнинг фақат қувончли ва ижобий томонларинигина кўрмасдан, унинг ички томонидаги кўримсиз, чалкаш жиҳатларига ҳам назар ташласа, бундай одамни тирноқ остидан кир қидирувчи эмас, балки ҳаётнинг қадрига етувчи деб ҳисобламоқ лозим. Анави пастда турган бекорчиларнинг ёнини олишга барча асосларим бор, негаки юксак ижтимоий мавқеим билангина мен улардан фаркланаман, борди-ю ҳавас қилгулик даражадаги тасодиф туфайли ҳозир Сизнинг ҳузурингизда ўтирмаганимда эди, мен ҳам ана шу қора оломон орасида турган бўлардим. Одамларни бу ерга олиб келган шижоат мени ҳам, – назаримда анча кўтаринки ва такомилига етган ҳолатда – ҳаракатга келтирди, бундан бир соат олдин сочимни текислайтуриб сартарош менга шаҳардаги шов-шувли хабарни, эрталаб соат саккизда почта извошида Шарлотта Кестнер келиб “Фил” меҳмонхонасида тўхтаганини маълум қилди. Худди сартарош сингари, худди бутун Ваймар аҳли сингари мен ҳам бу ном нимани ифодалашини яхши биламан, эшитдим, тўрт девор



ичида қамалиб ўтиролмадим. Ўзимга ҳисоб бериб улгурмасданоқ дарҳол кийиндим-да, Сизга ўз ҳурматимни изҳор этиш учун бу ёққа шошилдим – бу бегона бўлса-да, қисмат орқали қариндошнинг, ҳатто уканинг, ҳаёти эркакларга хос йўсинда дунёни лол қолдирган улуғ ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ инсоннинг, – келгуси авлод буюк даҳонинг беқиёс хизматларини тилга олганда бунинг номи ҳам, унинг дўсти, ёрдамчиси сифатида тилга олинадиган кимсанинг укалик ҳурматидир.

Кўнгли бироз хижил бўлган Шарлоттага Ример бу мағрурона сўзларни айтганда мийиқларидаги ажинлар қуюқлашгандек туюлди, гўё бундай баландпарвоз талабни келажак авлод бажармаслиги мумкин деган ишончсизлик унда ҳукмрон эди.

– Ҳа, энди, – деди Шарлотта докторнинг тоза қирилган юзига боқиб. – Сартарошингиз, чамаси, вайсақи одамга ўхшайди. Бу унинг касб-корига мос келади. Бир соат олдин дейсизми? Бундан чиқадики, жаноб доктор, ғирт уйқучи билан танишиб турган эканман-да.

– Бўйнимга оламан, – жавоб берди Ример хомуш жилмаяркан.

Улар Буюк ҳерцог портрети остидаги стол олдида турган суянчиғи ўйма нақшли стулларга ўтиришди. Ҳерцогнинг ҳали ёш пайтидаги сурати эди, у узун кўнжли этикда, кўкрагида орден лентаси, турли-туман ҳарбий эмблемалар осиб ташланган қадимий постаментга суяниб турарди. Оддий жиҳозланган, бой мифологик нақшлар билан оро берилган хонани енгсиз, узун бурмали кўйлакдаги Флора<sup>1</sup>нинг ганч ҳайкали безаб турарди. Мармар безаклар билан қопланган, чўзинчоқ оқ печка қаршидан гўё Флоранинг жуфтига ўхшарди.

– Бўйнимга оламан, – сўзида давом этди Ример, – тонг уйқуси – менинг жону дилим. Агар заиф томонга **риоя қилмоқ** деб айтиш мумкин бўлса, мен шу иборани қўллаган бўлардим. Биринчи хўроз қичқириғидаёқ тўшакни тарк этмаслик – имтиёзли ижтимоий мавқедаги эркин кишига хос бўлган белгидир. Мен кун ёришиб кетгунча ухлашни ўзимга эп кўраман, ҳатто Фрауенпланда яшаганимда ҳам шундай қилардим. Хўжайин менга шунақа эркинликни бериб қўйган эди, ўзи бўлса, аниқ белгиланган – расмиятчи демайман – вақтда мендан бир неча соат олдин ўрнидан турарди. Биз, одамларнинг феъл-атворимиз ҳар хил. Бири ҳаммадан олдин туриб ишни бошлашдан ҳузур-ҳаловат топади, бошқаси эса, ҳатто ҳожат қистаётган бўлса ҳам, Морфей<sup>2</sup>нинг кучоғида эркаланиб ётавергиси келади. Энг муҳими, одамларнинг бир-бирига сабрли бўлиши, тан олиш керак, гарчи сабрлилик ҳамиша ҳам яхшилик келтирмаса-да, устоз буюкликни сабрдан топади.

– Яхшилик келтирмайди, дейсизми? – сўради Шарлотта ташвишланиб.

– Наҳотки шундай деган бўлсам? – ҳайрон бўлди Ример хонани парижонхотир кўздан кечираркан, бир-биридан узоқ жойлашган, салгина бўртиб турган кўзлари билан Шарлоттага тикилди. – Унинг ёнида ўзингни аъло даражада ҳис этасан, акс ҳолда мендек таъсирчан одам деярли тўққиз йил давомида узлуксиз у билан бирга ишлашга тоқат қила олармиди? Ҳа, ҳа, аъло даражада ҳис этасан. Маълум бир фикрлар борки, улар дастлаб ошириб-тошириб изҳор қилишни талаб қилишса, кейин худди шундай қатъий чеклашни талаб қилади. Бу – ўзига зид томонни ўзида мужассам этган зарурият. Ҳақиқат, марҳаматли хоним, ҳамиша ҳам мантиқ билан

<sup>1</sup> Флора – қадимги Рим мифологиясида гуллар, баҳор ва ёшлик маъбуди.

<sup>2</sup> Морфей – қадимги Рим мифологиясида уйқу ва туш маъбуди, Ҳипноснинг ўғли.

қаноатланмайди, ҳақиқатга содиқ қолиш учун гоҳида ўз-ўзинга қарши чиқишинга тўғри келади. Шу гапларни мен ҳозир сўз юритганимиз инсоннинг шогирди сифатида айтаяпман, холос, ҳа, шундай. У баъзан ўзига қарши мулоҳазалар акс этган гапларни айтади, бу энди ҳақиқатга садоқатми ёки ўзига хос аҳдидан қайтишми, ҳазилкашликми, нима бўлганда ҳам буни билмайман ва билишга қудратим ҳам етмайди. Менимча, биринчисини тўғри десак маъқул бўлади, чунки унинг фикрича одамларни йўлдан оздиришдан кўра келиштириш қийинроқ ва тўғрироқ... Мен бундан четга оғишдан қўрқаман. Менга келсак, унинг хузурида ҳис этадиган улкан бахтни таъкидлар эканман, ҳақиқат тарафида бўламан, шуниси борки, бунда ҳам оғир қарама-қаршиликка дуч келасан киши, бу шундай оғир туйғуки, жойингда ўтиролмай қочиб қолгинг келади кишининг. Қимматли хоним, булар мустаҳкам зиддиятлар, улар тўққиз йилдан бери, ўн уч йилдан бери сақланиб келмоқда, чунки уларнинг ўрнини, Муқаддас ёзувларда айтилганидек, ҳар қандай ақлдан юқори турувчи муҳаббат ва ҳайрат эгаллади.

У тўхтаб қолди. Шарлотта жим эди, биринчидан, гапнинг давом этишини истаётган бўлса, иккинчидан, унинг ҳам мужмал, ҳам ранжиган-илмоқли хабарларини ўзининг узоқ ёшликдаги хотиралари билан қиёсларди.

– Ундаги бардошлиликка келсак, – яна гап бошлади Ример, – ундаги беғамлик демаслик учун, – кўриб турибсиз, мен мантиқий фикр юрита-япман, калаванинг учини йўқотмаяпман, – демоқчиманки, бунда насронийликка хос, кенг маънодаги насронийликка хос итоаткорликдан келиб чиқадиган бағрикенглик билан, кенг маънодаги насронийликка хос бўлган ўз гуноҳқорлигини ҳис этиш ва шу гуноҳларнинг кечирилишига умид боғлаш туйғусини фарқлаш лозим ёки бу ҳам эмас, аслида мен, муҳаббатдан келиб чиқадиган бағрикенглик билан бефарқлик, нописандлик келтириб чиқарган бағрикенгликни кўзда тутган эдим, бу нарса кишига қаттиққўллик ва мурасасизликдан ҳам кўра кўпроқ таъсир қилади, ҳатто уни Тангри юборган тақдирда ҳам унга тоқат қилиб бўлмасди ва у вужудингни тилка-пора қиларди. Ҳатто ўшанда ҳам, бизнинг тушунчамизга кўра, бир чимдим муҳаббат сақланиб қоларди, бу ерда эса ўша ҳам йўқ, аслини олганда, бардошлилик муҳаббат ва нафрат билан чамбарчас боғлиқ бўлади ва унда ҳеч қандай илоҳийлик сезилмаса-да, у Худо томонидан юборилганлиги учун унга на фақат тоқат қилишади, балки бир умр унга сиғинишади... Бу билан нима демоқчиман? Нега биз бу ҳақда гап бошладик, менга эслата оласизми? Мен бир зумга калавамнинг учини ҳарқалай йўқотганимга икрорман.

Шарлотта унга қаради, у нозик қўлларини ҳасса тутқичига суяб, бақрайган ҳорғин кўзларини бўшлиққа тикканча ўтирарди, шунда Шарлотта аниқ-равшан тушуниб етдики, Ример бу ерга унинг учун келмаган, балки устози, хўжайини ҳақида гапириш мақсадида ундан фойдаланиб қолмоқчи бўлган, эҳтимол шу йўл билан ҳаёти давомида юк бўлиб келаётган кўп йиллик жумбоқни ечишга яқинлашмоқчи бўлгандир. У бирданига ўзини, ҳамма далил-исботларни кўриб турган ва ўзини-ўзи алдашлардан нафратланадиган кичик Лотхен ўрнида ҳис этди ва ҳатто ундан узр ҳам сўрамоқчи бўлди, негаки у ўз-ўзига, биз иродамиздан ташқари бўлган зийраклигимиз учун айбдор эмасмиз, бундай зийраклик гоҳида панд беради, деярди. Сендан бор-йўғи восита ўрнида фойдаланаётганлари ҳам ёқимли туйғу эмас, шу билан бирга, у бу одамга таъна қилишга ҳаққи ҳам йўқ эди,



чунки Ример уни деб келмагани сингари бу ҳам уни деб учрашувга розилик бермаган. Ахир Шарлоттани ҳам бу ерга бошлаб келган нотинчлик, ўтмиш ҳақидаги ҳал этилмаган, бирданига кучайиб кетган, мудом безовта қилиб келган хотиралар, уларни қайта жонлантириш ҳамда ғайриоддий усулда ҳозирги кун билан боғлашга бўлган бетайин истак эди. Икковларининг ҳам, меҳмон ва унинг ҳам мақсадлари бир эди, аслида келишиб олгандек, бу ерда топишишларининг сабаби икковларига азобли бахт ато этувчи, асабларини таранг ҳолга олиб келган жумбоқли учинчи киши бўлиб, бу жумбоқнинг тубига ҳар икки томон биргаликдаги ҳаракат билан бир илож қилиб етишлари мумкин эди. Шарлотта зўрма-зўраки жилмайиб деди:

– Хурматли жаноб доктор, калаванинг учини йўқотиб қўйганингизга ҳеч ҳам ҳайрон қолмаса бўлади, чунки Сиз инсонга хос бўлган шунчаки оддийгина одат – уйқучилигингиздан сўз очиб, уни бу қадар кенг қамровли, одоб-ахлоққа доир муҳокама-ю мунозарага айлантириб юбордингиз. Ичингиздаги олим Сиз билан қаттиқ ҳазиллашди. Хўш, нимада тўхтаган эдик? Сиз аввалги тўққиз йиллик лавозимингиздаги уйқучилигингизни нима деб атасангиз ихтиёрингиз – мен уни шунчаки одат деган бўлардим – ҳозир адашмасам, давлат хизматидасиз, гимназияда ўқитувчилик қиласиз, тўғрими? Сиз кўринишдан катта аҳамият берадиган аввалги қизиқишингизни ҳозирги фаолиятингиз билан қандай қўшиб олиб борасиз?

– Ҳарҳолда амаллаяпмиз, – жавоб берди у оёқларини чалиштириб, энди икки учидан ушлаб турган ҳассасини тиззаси устига қўяркан, – ҳарҳолда аввалги, янгисига нисбатан беқиёс маълуму машҳур вазифамга хурмат юзасидангина унга эгалик ҳуқуқини талаб қилмасликка интилаяпмиз. Хурматли хоним тўғри тушунибдилар, – деди у қаддини ростларкан, чунки олдинги ҳолатда ўтираверишни ноқулай деб ҳисоблади ва шахсан ўзларига хурмат юзасидан бир дақиқа шу ҳолатда турди, – тўрт йилдан бери шу гимназияда хизмат қиламан, ўз уйимда яшайман. Яшаш тарзини бу тахлит ўзгартириш зарурият бўлиб қолди. Буюк инсон хонадонидagi менинг хаётим ҳарқандай моддий ва маънавий афзалликларга қарамасдан ўттиз тўққиз ёшдаги одам учун гап маълум маънода энг нозик туйғу бўлган эркаклик ғурури масаласига бориб тақалади, хурматли хоним, демак, нима бўлганда ҳам ўз кучим билан оёққа туришим керак эди. Мен, нима бўлганда ҳам деяпман, негаки менинг орзу-истакларим бунақа ўртамиёна ўқитувчиликдан кўра хийла юқорироқ эди, мен устозликнинг юксакроқ поғонасини – университетда фаолият юргизишни, хурматли устозим, ҳаллелик машҳур мумтоз филолог Вольф изидан боришни кўзлаган эдим. Аммо бундай бўлмади, мана ҳалигача аҳвол шу. Бу ғалати туюлиши мумкин, шундайми? Менинг яширин маслаҳатчи билан кўп йиллик ҳаммага маълум ҳамкорлигим олий орзуимга етишишда энг қулай трамплин вазифасини ўташи мумкин, деган фикрга ҳам борса бўлади – шундай улуғ ва нуфузли дўстлик ва ҳомийлик орқасида немис олий ўқув юртларидан бирида ўзим истаган ўринни осонгина эгаллаб олишим мумкин, деса бўлар? Адашмасам, Сизнинг кўзларингиздан худди шу саволни ўқияпман. Нима ҳам деялардим. Фақат бир нарсани айтишим мумкин: қанча кутмайин, қанча ҳисоб-китоб қилиб кўрмайин, бундай имтиёз, бундай мадад, бундай ўз сўзимни айтиш имконияти менга насиб қилмади. Ортиқча куйиб-ёнишлардан энди нима наф? Тўғри, гоҳида – эҳ афсус! – кечаю кундуз шу ҳақда ўйлаб бош қотираман,

бирок бу пуч хаёллардан фойда йўқ, улар ҳеч қандай натижага олиб ҳам бормайди. Улуғ инсонлар ўз ёрдамчиларининг шахсий ҳаёти ва шахсий бахти ҳақида, ёрдамчилар уларга ва уларнинг ишларига ҳарқанча фойда келтирган тақдирда ҳам, қайғуриб ўтиришмайди. Афтидан, улар аввало ўзлари ҳақида жон куйдиришади, агар борди-ю улар ва уларнинг ижоди учун бизнинг хизматимизнинг муҳимлиги тарозу палласини босиб кетса, биздаги шахсий қизиқишларга зид ҳолда, бизга бўлган эҳтиёж, ноёблигимиз ғалаба қилади ва бу бизга шунчалик ғурур бағишлайди, шунчалик ёқимли бўладики, истасак-истамасак уларнинг нуқтаи назарига, уларнинг иродасига аччиқ, аммо фахрли қувонч билан бўйсунамиз. Мана, масалан, яқинда менга Росток университетида бўш ўринни таклиф қилишди, мен рад қилишга мажбур бўлдим.

– Рад қилдингиз? Нега?

– Негаки мен Ваймарда қолишни истадим.

– Унда, жаноб доктор, шикоят қилишингизга ҳожат йўқ.

– Нима, мен шикоят қилаяпманми? – яна ҳайрон бўлиб сўради Ример. – Ниятим зинҳор бу эмас эди, Сиз мени нотўғри тушундингиз шекилли. Мен бор-йўғи ҳаётдаги, кўнгишлардаги қарама-қаршиликлар ҳақида мулоҳаза юритаяпман, холос ва у ҳақда ақлли аёл билан гурунглашишни ниҳоятда қадрлайман. Ваймардан кетиш? Йўқ, йўқ! Мен уни яхши кўраман, унга боғланиб қолганман, ўн уч йил давомида бу шаҳарнинг ўз кишисига айландим. Ўттиз ёшимда Римдан келдим, у ерда элчи жаноблари фон Хумболднинг болаларига тарбиячилик қилардим. Унинг тавсияси билан бу ерга келганим учун ундан миннатдорман. Камчиликлари ва қоронғи томонларими? Ваймарда ҳам бани башарга, биринчи навбатда кичик шаҳарликларга хос бўлган камчилик ҳамда қоронғи томонлар мавжуд. Эҳтимол саройдаги калтафаҳмларнинг, калондимоғ ва қоқоқ кимсаларнинг ини ярамасдир, бу ерда ҳам ҳамма одамга бошқа ҳамма жойдагидек яшаш қийиндир, эҳтимол янада қийинроқдир, юкорида одатдагидек ўғрилар ва фирибгарлар, эҳтимол яна ҳам баттарлари ўтиришипти. Аммо Ваймар равақ топишга имкон бераоладиган шаҳар, гапнинг рост, ўзим яшай оладиган ва яшашни истайдиган бошқа жойни тасаввур қилолмайман. Унинг диққатга сазовор жойларидан бирортасини кўрдингизми? Саройни? Экзерцирплац<sup>1</sup>ни? Театримизни? Паркдаги дарахтларни-чи? Э, ҳали буларни кўришга улгурасиз. Торгина кўчаларимизнинг кўпчилиги кинғир-қийшиқлигига ҳайрон бўласиз. Четдан келган одам ёдда тутмоғи керакки, биздаги диққатга сазовор жойлар шунчаки ўз-ўзидан эмас, балки Ваймарники бўлганлиги учун диққатга сазовордир. Меъморий нуқтаи назардан қаралса, сарой мактагулик эмас, театрни янада салобатлироқ кўргимиз келади, экзерцирплац энди бемаъниликтан ўзга нарса эмас. Бундоқ қараганда, нима сабабдан мендек одам бутун умрини мана шунақа жинкўчалар ва ҳаракатдаги декорациялар ичида тентираб ўтказаяптганига, ўзини шуларга боғлиқ деб ҳисоблаётганига тушунолмайсан киши, шуларни деб ҳатто ёшлиқдан қалбимда ардоқлаб келган орзу-истакларим рўёбидан ҳам воз кечдим. Росток масаласига қайтаман, негаки, Сиз, қимматли хоним, менинг бунга рад жавоби берганим сабабларини унча яхши англамаган кўринасиз. Биласизми, мен буни маълум бир тазйик, яъни вазият тазйиқи

<sup>1</sup> Экзерцирплац – аскарларга сафда юриш ўргатиладиган майдон.



остида рад қилдим. Ушбу таклифни қабул қилиш менга ман этилган эди – онгли равишда номаълум шахсни қўллаяпман – шундай нарсалар борки, ҳеч ким уларни бировга ман қилмайди, улар ўз-ўзидан ман қилинган бўлади, ҳарҳолда ман этиш сен боғлиқ бўлган одамнинг назари ва юз ифодасида намоён бўлиши мумкин. Ҳурматли хоним, ҳар ким ҳам ўз йўли билан кетиш учун, ўз ҳаёти билан яшаш учун, ўз бахтини ўзи яратиш учун туғилмаган ёки тўғрироғи, одам ҳеч нарсани олдиндан билмайди, ўзича режалар тузади, умид-орзулари кетидан югуради, бир кун келиб қарайдики, унинг ўз шахсий ҳаёти, шахсий бахти барча орзу-истаклардан воз кечишдан иборат экан. Бундай одам учун мантиққа зид равишда, шахсий жиҳатлар – ўзлигидан воз кечиш, ўзига ҳам, ўз ишларига ҳам дахлдор бўлолмайдиган ишга хизмат қилишдан иборат. Сабаби, бу мутлақо шахсий иш, бу шундай шахски, унга ғайриихтиёрий, итоатгўйларча хизмат қилинади, устига устак, бу фавқулудда юксак эътибордан келиб чиққан ҳолат бўлиб, бу замондошлар ва келгуси авлод назарида шундай ҳайратангиз ишга хизмат қилиш билан боғлиқ бўлади. Ғайритабиий обрў-эътибор! Одамнинг обрў-эътибори ўз шахсий ҳаёти билан яшашида, майли, оддийгина бўлса-да, ўз иши билан шуғулланишида, деб эътироз билдириш мумкин. Бироқ қисмат менга икки хил, яъни аччиқ ва ширин обрў-эътибор мавжудлигини ўргатди, мен бўлсам мардларча аччиғини танладим, аслида қисмат инсон учун бирор йўлни танлаб, унга бошқа илож қолдирмаганидан кўра одам ўз йўлини ўзи танлагани маъқул. Такдирнинг бу тахлит амрига мослашмоқ, у раво кўрган йўлга кўникмоқ учун, агар таъбир жоиз бўлса, аччиқ ва ширин обрў-эътибор ўртасида бир битимга келиш лозим, гарчи биздаги мағрурлик ширинини хоҳлаб турса ҳам. Биздаги эркакларга хос худбинлик шу томонга тортиб туради, худди мана шу нарса менинг ўша хонадондаги ҳаётимга чек қўйган келишмовчилик ва норозиликларга сабаб бўлди ва менда ҳечқачон интилиш бўлмаган гимназияда ўқитувчилик қилишга кўникишга мажбур қилди. Мана Сизга битимлардан бири – ҳарҳолда буни бошлиқларимиз ҳам тан олишади, лотин ва юнон тили дарслари жадвалга, у ердан кетган бўлсам-да, ҳалигача давом этиб келаётган фахрли хизматим ҳисобга олинган ҳолда қўйилади, масалан, бугунгига ўхшаган кунларда у ерда менга зарурият бўлмайди, шунда мен тонгда тўйиб ухлашдек дунёвий имтиёздан фойдаланаман. Ҳатто мен аччиқ ва ширин обрў-эътиборни мувофиқлаштирувда – буни эркак обрў-эътибори деса ҳам бўлади – анча ютуқларга эришдим, яъни ўз хонадонимни барпо қилдим. Ҳа, икки йил бўлди уйланганимга. Лекин, ҳурматли хоним, бу ерда ҳам, айниқса, менинг мисолимда, ўзига хос ҳаётий битимнинг гувоҳи бўласиз! Уйланишим менинг мустақиллигимни таъминлаш ва мени анави аччиқ обрў-эътибор масканидан қутқозиш ўрнига, аксинча, унга янада қаттиқроқ боғлаб қўйди, тўғрироғи, шундай бўлдики, бу кадамим мени ўша манзилдан заррача ҳам узоқлаштирмади, демак, кадам деган тушунча ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Гап шундаки, Каролина – менинг рафиқам, асли Улрих, ўша хонадоннинг боласи, етим қиз, бундан бир неча йил олдин яширин маслаҳатчининг марҳума хоними уни хизматкор қилиб олган эди. Орадан бирмунча вақт ўтиб маълум бўлдики, хонадон соҳиблари етим қизни узатиш ҳаракатига тушиб қолишгану мени энг муносиб жуфт сифатида танлашган ва бу истак менинг мустақил бўлишга интилишим билан мос тушган, қизга ўзим

хам бефарқ эмас эдим... Буни қаранг, мухтарама хоним, Сиздаги чидам ва кўнгилянликка қойилман, ўзим ҳақимда тинмай гапираверибман-а...

– Йўқ, йўқ, илтимос, – шоша-пиша жавоб қайтарди Шарлотта, – мириқиб тинглаяпман.

Аслида у бироз норози бўлиб, ҳарҳолда аралаш туйғулар билан тинглаётган эди. Бу одамнинг эътироз ва оғриниши, мағрурлиги ва кучсизлиги, ўз кадр-қиммати учун ожизона кураши уни довдирашиб қўйди, унда дастлаб нохайрихоҳ ачиниш билан бирга нафрат ҳиссини уйғотди, бу аста-секин меҳмон билан бирдамлик туйғусига айланди ва бундан маълум бир коникиш ҳосил бўлди: Римернинг сўзлаш тарзи гўё унга юрагида борини тўкиб солиш ҳуқуқини берди, у бу ҳуқуқдан фойдаланадими-йўқми, фарқи йўқ.

Шунга қарамасдан, гўё Ример унинг фикрларини уққандек суҳбат маромини ўзгартирганидан кўрқиб кетди.

– Йўқ, – деди Ример, – мен фахрли қамалнинг, синчковлик қамалининг қурбони бўлиб турган ҳолатимизни суиистеъмом қиляпман, ҳарбий воқеалар ҳали хотирамиздан унчалик ўчиб улгургани йўқки, биз бундай вазиятга хотиржам, ҳатто юмор билан мослаша олмаёпмиз. Айтмоқчиманки, агар ўзимни Сизга танитишдек вазифамга ҳаддан ортиқ киришиб кетган бўлсам, демак, унда қулай имкониятдан ёмон фойдаланибман. Ахир мени бу ерга етаклаб келгн нарса гапириш эмас, балки кўриш, эшитиш истаги эди. Мен бу лаҳзани қулай дедим, аслида уни бебаҳо дейиш жоиз эди. Мен шундай хилқат билан юзма-юз турибманки, унинг хузурига жамиятнинг барча бўғинлари – болаларча содда оммадан тортиб зиёли инсонларгача – юраклари ҳис-ҳаяжондан тўлиб-тошиб, чексиз ҳурмат-эҳтиром билан интиладилар, бу аёлнинг номи даҳо тарихининг бошида, деярли бошида турипти, бу ном муҳаббат худоси томонидан даҳо номига, шунингдек, ватан маънавиятининг шаклланиш тарихи ва немис ғоявий дунёсининг империясига абадий қўшиб қўйилган... Мана шу тарихда ўз навбатида ўзига хос роль ўйнаб, унинг қаҳрамонига эркакчасига мадакор бўлиш, яъни масалан, ўша қаҳрамонона ҳаводан биргаликда нафас олиш насиб этган мендек одам қандай қилиб бу ерга келганингиз ҳақидаги хабар қулоғимга етгани заҳотиёқ, Сизга таъзим қилиш истагини туймайин, қандай қилиб Сизда ўз туғишган опамни, онамни, энг яқин кишимни кўрмайин, мен унга кўп нарсаларни айтиб беришни, шу билан бирга, ундан янада кўпроқ эшитишни истаган эдим... Мен Сиздан сўрамоқчи бўлганим – савол аллақачон тилимнинг учида айланаяпти – айтинг-чи, ҳурматли хоним, ҳарҳолда менинг наридан-бери изҳор қилган иқдорларим эвазига айтинг-чи... Биз биламиз, ҳамма билади, бутун инсониятга маълумки, Сиз ва Сизнинг Худо раҳмат қилгур турмуш ўртоғингиз даҳонинг ножаъи иши туфайли анча қийналдинглар. У оқлаш жуда қийин бўлган йўсинда Сизнинг шахсингиз, сизларнинг ўзаро муносабатларингизни ҳеч ўйлаб ўтирмасдан бадий асар қилиб, бутун дунёга, бутун ер юзига намойиш қилди, бунинг устига ҳақиқат билан тўқимани аралаштириб, ҳақиқатга поэтик тимсол тусини бериш билан тўқимага ҳақиқат тамғасини босиш санъати воситасида ҳақиқат ва тўқима ўртасидаги фарқ умуман сезилмай қолди. Хуллас, унинг беандишалиги, садоқат ва ишончни писанд қилмаслиги сабаб анчагина азоб чекдинглар, дўстларига билдирмасдан секин-секин уч кишини бирлаштириши мумкин бўлган нарсани бир вақтнинг ўзида ҳам кўқларга кўтариб, ҳам



ерга урганида албатта у айбдор эди. Буни ҳамма билади, марҳаматли хоним, ҳамма сизларга ачинади. Ўтинаман Сиздан, айтинг-чи, Сиз ва раҳматлик сарой маслаҳатчиси кишини довдиратиб қўядиган бундай воқеага, зўраки курбонлик қисматига қандай дош бердинглар? Айтмоқчиманки, еткизилган жароҳатнинг оғриғини, озорни енгишга, асарга мавзу бўлган ҳаётингизнинг иштирокчиси бўлиб кузатишга, мавжудлигингизнинг юксак эъзозланиши, улуғланиши Сизда кейинчалик уйғонишга туртки бўлган туйғуларни ҳамоҳангликка келтиришга қандай ва қай даражада муваффақ бўлдинглар? Агар мумкин бўлса шу ҳақда Сиздан эшитсам...

– Йўқ, йўқ, жаноб доктор, – шоша-пиша деди Шарлотта, – ҳозир гапиролмайман. Бошқа пайт, бирор кун мавриди бўлар. Сизни берилиб тинглаяпман, десам, бу зинҳор *façon de parler*<sup>1</sup> эмас, гапимга ишонинг. Ахир Сизнинг даҳо билан муносабатларингиз, шубҳасиз, жуда муҳим ва диққатга сазовор, буни яхши биламан.

– Бу жуда баҳсталаб, хурматли хоним.

– Келинг, мақтовларни бир четга қўяйлик! Сиз асли Шимолий Германиядансиз-а, шундайми, жаноб профессор? Мен буни талаффузингиздан билдим.

– Силезияликман, – деди Ример фахр билан бироз сукут сақлаб туриб. Уни ҳам икки хил туйғу эгаллади. Хонимнинг гапни чалғитиши уни хижил қилди, аммо, ўз ҳақингизда гапиришда давом этинг, дея қилган илтимоси маъқул бўлди.

– Менинг хурматли ота-онам тўкин-сочинликда яшашмаган, – сўзида давом этди у. – Мендаги Худо берган қобилиятни ривожлантириш учун улар ҳамма шароитларни яратишганидан чексиз миннатдорлигимни айтиб тугатолмайман. Устозим, ҳаллелик яширин маслаҳатчи Вольф менга катта умид боғлаган эди. Унинг ишларини давом эттириш азалий орзуим эди. Университет ўқитувчиси деган ном нуфузли, у ерда дилга илҳом бағишловчи инсонлар билан кўнгилочар учрашувлар қилиш мумкин, уларга ихлосим жуда баланд – ўша лавозим мени ўзига тортади. Бироқ бу муқаддас маскан остонасида узоқ муддат кутиш учун маблағни қаердан оламиз? Мен тузган катта юнон тили луғати – унинг илмий доврўғи Сизга ҳам, эҳтимол, етиб боргандир – мен уни тўртинчи йилда Йенада нашр қилдирган эдим, у ўша пайтда бутун ҳаёлимни банд қилган эди. Даромадсиз шон-шуҳрат, хоним. Буни мен Римга элчи қилиб тайинланган жаноб фон Хумболднинг болаларига ўқитувчилик қилган чоғимда бўш вақтларда тузган эдим. Шу лавозимда бир неча йил Боқий шаҳарда яшадим. Сўнгра дипломатик ҳомийим Ваймардаги машҳур дўстиникига мени тавсия қилди. Бу 1803 йилнинг кузи, мен учун эсда қоларли, эҳтимол, немис адабиётининг мукамал тарихи учун ҳам эсда қоларли воқеа эди. Келдим, ўзимни танитдим, менга ишонч билдиришди, Фрауенпландаги хонадон аҳли қаторига қўшилишга таклиф қилинишим улуғ инсон билан биринчи марта мулоқотда бўлишимга йўл очди. Унинг этагидан маҳкам тутмасликка ҳаддим бормиди? Бошқа иложим ҳам йўқ эди. Истикболимда бундан ортиқ, бундан яхшироқ йўл йўқ эди. Мактабда ўқитувчилик қилишни, ҳақмидим ёки ноҳақмидим, билмайман, ўз салоҳиятим, ўз обрў-эътиборим учун номуносиб деб билдим...

<sup>1</sup> Куруқ сўз, мулозимат (фр.).



– Аммо, жаноб доктор, мен Сизни тўғри тушундимми? Ахир ҳар қандай бошқа фаолиятдан кўра фахрлироқ ва ёқимлироқ бўлган бу ишдан Сиз бахтли эмасмидингиз, мактаб ўқитувчилигини-ку қўятурайлик?

– Худди шундай, ҳурматли хоним, мен бахтли эдим. Бу мен учун шараф эди. Ўйлаб кўринг: шундай улуғ зот билан кундалик учрашувлар, кундалик мулоқотлар! Унинг мислсиз даҳолигини англаб етиш учун ўзимда поэтик салоҳият етарли эди. Унга ўз маҳоратим намуналарини кўрсатдим ва улар, сирасини айтганда, унинг ўзига хос кўнгилчанлигини эътибордан соқит қилганимизда ҳам, ёқди деб ўйлайман. Бахтлиям гапми? Бошим кўкка етганди! Бу яқинлик мени илмий ва аслзодалар дунёсининг кўзга кўринган, ҳа, ҳавасни келтирадиган босқичига олиб чиқди! Бироқ, очиқчасига гапиришга изн беринг, бунда ҳам қандайдир тиканак бор эди, яъни бошқа танлаш йўли йўқ эди. Миннатдор бўлишга мажбурлик ўша миннатдорлик туйғусини ва у бахш этадиган қувончни бироз емиради, шундай эмасми? Хулласи калом, агар биз минг бора миннатдор бўлишимиз лозим бўлган одам бизнинг унга тобе эканлигимиздан бирон фойда кўзласа, бу бизни ранжитади. Бунда у айбдор эмас, ўз ҳадыларини нотекис тақсимлаган қисмат бунга жавобгар, лекин у бу вазиятдан фойдаланади... Буни одам ўзи бошдан кечириши лозим... Келинг, муҳтарама хоним, вақтимизни бу тахлит панду ўғитларга сарфлаб ўтирмайлик! Энг фахрли ва олийжаноб иш ҳарҳолда шу эдики, улуғ дўстимизга мен керак бўлганман. Расмиятчилик юзасидан менинг вазифам Вульпиус хонимдан қолган ягона ўғил Августга лотин ва юнон тилларини ўргатиш эди, аммо унинг бу соҳадаги билими шу қадар саёз эдики, тез орада мен бундай номухим вазифани йиғиштириб қўйиб, отасининг бундан кўра қизиқарлироқ, мазмундорроқ хизматига ўтиш лозимлигини тушундим. Шубҳасиз, бошиданоқ режа шундай бўлган. Ҳарҳолда, Ҳаллега, устозим ва валинеъматимга ўз вақтида ёзган мактубидан ҳам хабарим бор эди, унда мени таклиф қилишдан мақсади болада классик билимлар етарли эмаслиги, энг ёмони, унга ўзи ёрдам беролмаётгани баён қилинган эди. Бироқ бу улуғ филологга нисбатан шунчаки ҳурмат эди. Аслида устозимиз узлуксиз мактаб таълими ва тарбиясига кам аҳамият беради, аксинча, ёшларнинг ўзлари хоҳлаганча эмин-эркин билим олишларига шароит яратиб бериш тарафдори. Мана, ундаги бепарволик, бағрикенгликнинг яна бир кўриниши, инкор қилмайман, эҳтимол бу унинг меҳрибонлиги, кенгфёллиги, кўнгилчанлигидир, у мактаб таълимидаги зўрма-зўракилик, расмиятчиликка қарши ёшлар тарафини ёқлайди, бунга энди майли деймиз. Бироқ бунга тағин бошқа нарса аралашади, бироз эътиборсизлик, ёшларни ва уларнинг ички дунёсини назарга илмаслик, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунмаслик ва ҳоказо, буни энди маъқуллаб бўлмайди. Гарчи у бу нарсаларни инкор қилмаса-да, унинг фикрича, болалар фақат ота-оналар учунгина керак, уларнинг ягона вазифаси ота-оналарга тенглашиб, аста-секин уларнинг ҳаётларини ўзларига сингдириш...

– Ҳурматли жаноб доктор, – гапга аралашди Шарлотта, – ҳамиша ва ҳамма жойда, ҳарқанча яхши кўрса ҳам, ота-оналар билан фарзандлар ўртасида маълум тушунмовчилик ва келишмовчиликлар бўлиб туради, шунингдек, болаларда ота-оналарнинг шахсий ҳаётига нисбатан мурасизлик, ўз навбатида фарзандларнинг алоҳида ҳуқуқларига ота-оналарнинг ҳам менсимай қараш ҳоллари мавжуд.

– Шубҳасиз, – деди меҳмон юзини шифтга буриб паришонхотирлик билан. – Мен у билан педагогика мавзуларида извошда ёки унинг ишхонасида кўп суҳбатлашганман, айнан суҳбатлашганман, баҳслашмаганман, чунки ўз нуқтаи назаримни ўтказишдан кўра унинг фикрларини эҳтиром билан ҳузур қилиб тинглаш мен учун қизиқарлироқ эди. Боланинг шаклланиши деганда у қулай шарт-шароитларда вояга етиш жараёнини тушунади, ўғли ўсиб-улғаяётган шарт-шароитларни у қулай деб ҳисоблайди, негаки бу ерда фақат отаси кўзда тутилади, энди унинг онасига келсак... ҳа, энди, майли... ана шундай қулай шароитларда унинг бемалол камол топиши таъминланган, деб ўйлайди. Август унинг ўғли, назарида шу тушунча бола ҳаётининг бутун мазмун-моҳиятини ташкил этади. Гўё йигитчанинг ягона вазифаси фақат унинг ўғли бўлиш ва бир кун келиб елкасидаги ҳаёт юкидан уни халос қилиш, холос. Бу нарса болага кичиклигиданоқ сингдирилган. Ундаги феъл-атворнинг шаклланиши, унинг келгуси мақсадларидан келиб чиқиб тарбиялаш ҳақида ҳеч ким қайғурмаган. Шундай бўлгач, зўрлаб узлуксиз таълим беришнинг нима кераги бор? Шуни ҳам унутмаслик керакки, ота ҳам ёшлигида шундай нарсани билмаган. Ҳамма нарсани ўз номи билан атайлик: у болалигида ҳам, ўсмирлик палласида ҳам узлуксиз мактаб таълимини олмаган, фақат айрим соҳаларни чуқур ўзлаштирган. Буни ҳеч ким осонгина пайқаёлмайди, фақат узоқ вақт шунга яқин соҳада бўлгандагина ёки чинакам чуқур илмий билим соҳиби бўлсагина сезиши мумкин, чунки ўз-ўзидан маълумки, у ўзидаги ўткир идрок, мустаҳкам хотира, руҳиятидаги фавкулудда ҳаракатчанлик билан билимларни дарҳол илиб олар, ўзлаштирар ва бошқа фазилатлари – зукколик, жозибадорлик, рағбат, сўзга чечанлик – кўмагида ўша билимлардан ҳар қандай чуқур билимли олимдан кўра юксакроқ муваффақият билан фойдаланарди.

– Мен Сизни, – деди Шарлотта, бошининг янада қаттиқроқ қалтирашини унинг сўзларини маъқуллаш белгиси деб англатишга зўр бериб уринаркан, – мен Сизни жон қулоғим билан тинглаяпман, бунинг сабабини тушунтиришга сўз тополмаяпман. Сизнинг сўзлаш усулингиз оддий, бироқ унда алланечук ҳаяжонли нимадир бор, ҳаяжонлиси шуки, улуғ инсон ҳақида тўлиб-тошиб эмас, балки хотиржам, куруққина, амалий, кундалик оддий мулоқотларга асосланиб сўзлаётганга ўхшайсиз. Мен эски воқеаларни хотирлаб, улар узоқ ўтмишда кечган бўлса-да, ўз кузатишларимни бундоқ тарозуга солиб кўрсам, Сиз айтганингиздек, ҳаммаси ўз-ўзини эркин тарбиялайдиган ёш йигитга дахлдордир. Назаримда унинг ўша пайтдаги хатти-ҳаракати қаттиққўлларча тизимли тарбиялашга нисбатан ўз ҳақ-ҳуқуқларини афзал кўрганининг исботидир. Ҳарҳолда ўша йигитни, йигирма уч яшар йигитни мен яхши билардим, уни узоқ муддат кузатган эдим, аниқ айтишим мумкин: унда ўқишга, хизматга интилишни, меҳнатсеварликни ҳечам сезмаганман. Вецларда у айтарли ҳеч иш қилмаган, бу ерда ҳам, таъкидлаб айтаман, унинг барча ҳамкасблари, амалиётчилар, суд назорати ходимлари, Кильмансегге дейсизми, легацион котиб Готгер, бу ҳам шеърлар ёзарди, Борн ва бошқалар, ҳатто шўрлик Иерузалим, Кестнер ҳақида-ку гапирмай қўяқолай, ҳамма-ҳаммаси тинмай ишлашарди. Бир куни Кестнер у ва ўзлари ўртасидаги фарқ ҳақида гапириб, мени ўйлашга мажбур қилди, айтдики, Худо яратган дунёда унга яшаш шундай осон, хотинларнинг бошини айлантиришга уста, давраларнинг гули

бўлиб, гулдек очилиб, қувнаб-яйраб, ҳаммани оғзига қаратиб, ҳузур қилиб эмин-эркин яйрайди, бошқалар бўлса, маҳбубаси ёнига серташвиш ўтган кундан сўнг хориб-чарчаб келади-да, унга бир оғиз ширин сўз айтишга кучи етмай қолади. Гарчи бошқа йигитлар бўш вақтларида – уларда ҳам бўш вақт бўларди ахир! – очилиб-сочилиб, дўстимиз сингари самимий ҳазил-ҳузил қилиб ўтиришларига гумоним бўлса-да, бу ерда тенгсизлик борлигини ҳаммани билиб турардим ва буни Ҳанс Христианим фойдасига буришга уринардим. Бироқ бошқа томондан ундаги жўшқинликнинг бир қисми бекорчилиги туфайли, шунингдек, бутун борлигини дўстликка бағишлашга мойиллигидан, деб ўйлардим, фақат бир қисмини, холос, чунки унинг қалбидаги гўзал куч-қудратни – буни нима деб атасам экан – ҳаётини жозибани тушунтиришга сўз тополмайман. Ҳатто у хафа, ранжиган, бутун оламдан, одамлардан норози бўлган ҳолатда ҳам анави якшанба кунлари ҳам ишдан бош кўтармайдиганлардан кўра дилтортарроқ бўларди. Буни ҳозир ҳам аниқ-тиниқ эслайман. Кўпинча у менга Дамашқ қиличини эслатарди, қайси жиҳати билан, ҳозир ёдимда йўқ, уни Лайден банкаси<sup>1</sup>га ҳам ўхшатардим, бу ҳам энди куч-қувват, заряд билан боғлиқ-да, чунки у мудом худди зарядлангандек, ғайратга, энергияга тўла бўларди. Гўё унга бе-хосдан бармоғини тегиб кетса, бирхил балиққа тегиб кетгандагидек, худди ток ургандек бўларди. Бошқа, аъло даражадаги десак ҳам бўлади, одамлар унинг ҳузурини, ҳатто у бўлмаса ҳам бўшанг туюлишарди. Хотираларимни қовлаштириб эсласам, унинг нигоҳи ўзига хос очик эди, “очик” дейишимга сабаб кўзлари жигаранг ва яқин жойлашганлиги, айниқса, катта-катта бўлганлиги эмас, айнан нигоҳи очик, жонбахш эди, худди шундай эди, агар уларда самимият балқиб турса қора бўлиб кетарди. Ҳозир ҳам унинг кўзлари шунақами?

– Кўзлари, – деди доктор Ример, – кўзлари гоҳида қудратли бўлиб кетади.

Ўзининг шишадек ялтироқ, бўртиб чиққан, қаттиқ ўйга толганлигидан орасига чизикчалар тушган кўзларидан сезилиб турардики, у гапга диққат билан қулоқ солмас, ўз хаёллари билан банд эди. Сухбатдоши бошининг қалтирашини сезди-йўқми, номаълум эди, чунки катта оппоқ қўлини ҳасса тутқичидан олиб, хушхулқ одамларга ўхшаб бурнидаги енгил қичишишни бартараф қилиш мақсадида юзи томон кўтарганида унинг қўли ҳам қалтирарди. Шарлотта буни сезиб, кўнгли алланечук бўлиб кетди ва ўзидаги шундай ҳолатни иложи борица тўхтатишга уринди, астойдил уринса бунга кучи етарди.

– Гап феномен ҳақида боряпти, – хаёл оғушида давом этди Ример, – унинг ичига чуқур кириб боришга арзийди, у одамни соатлаб чуқур ўйга толишга мажбур қилишга қодир, майли, бу самарасиз, бирор мақсадни кўзламайдиган ўй-хаёл бўлсин, бу машғулот ҳақиқий мулоҳазадан кўра кўпроқ хаёлпарастлик, орзулар кетидан қувишга ўхшаса ҳам майли: бошқача айтадиган бўлсак, бу илоҳийлик тамғаси, шакл ва жозоба, бунақа нарсани табиат ёқимли табассум билан, – шундай деб тасаввур қиламиз – суюкли руҳга сингдиради, натижада у дилбар руҳга айланади, бу битта сўз, битта ном, уни биз инсоният учун одатга айланган ёқимли категория сифатида тилга оламиз, аммо уни яқиндан туриб, диққат билан кузатсак, бундай феномен ақл бовар қилмайдиган, юракка ғулғула соладиган, шах-

<sup>1</sup> Лайден банкаси – электр энергияси тўплайдиган асбоб, конденсаторнинг бир тури.



сан олиб қарасак, дилни оғритадиган жумбоқ бўлиб қолаверади. Агар хотирам панд бермаса, биз ноҳақлик ҳақида сўз юритдик-а? Бу ерда ҳам, шубҳасиз, ноҳақлик кўзга ташланади, бу табиий, шу жиҳатдан ҳурматга лойиқ, гапнинг рости, ажойиб ноҳақлик, буни ҳар куни кўрадиган ва сезадиган одам учун унинг тикони ҳам йўқ эмас. Бунда кадр-қимматнинг ўзгариши, пасайиб кетиш, ошиб кетиш ҳоллари юз бериши мумкин, буни ҳам сен жон-жон деб, чексиз қувонч билан қарши оласан, агар шундай қилмасанг Худога ва табиатга қарши чиққан бўласан, аммо барибир, ҳақиқат нуқтаи назаридан айтганда, ўзингга, ҳеч кимга билдирмасдан бундан норози ҳам бўлиб қўясан. Ўзингни қаттиқ меҳнат, илмга бўлган соф муҳаббат орқасида эришилган билим қайта-қайта синовлардан ўтган яхшигина илмий бойлик эгаси эканлигингни сезасан. Бунинг охири қанчалик ўзига хос ёқимли бўлса, шунчалик аччиқ кулгили хулосага келасанки, ўша комил ва Худо ярлақан рух, ўша ҳаммадан афзал деб ҳисобланган ақл тасодифан қўлга киритилган ёки сен ўзинг унга етказиб берган – пайти келганда илмий билимларни унга етказувчи ҳам бўласан – билимларнинг арзимаган бир бўлагига кабинетидан чиқмай ишлайдиган бутун дунё, бутун бир авлод олимларининг ҳаммаси фанга қўшадиган ҳиссадан икки-уч қарра ортиқроқ қиммат ато қилади, бунинг сабаби яна ўша шакл ва жозиба, – лекин булар қуруқ сўзлар – йўқ, шунчаки у тасодифан қўлга киритилган билимга ўзидан нимадир қўшиб, шу билан бирга, унга сайқал бериб, ўз киёфасини унда муҳрлаб дунёга қайтадан тортиқ қилади. Амалда одамлар тоғларни портлатишади, ерни қазиишади, рудаларни қазиб олиб тозалашади, қирол эса, булардан тангалар зарб қилади... Бу нима, қироллик ҳуқуқими? Бунда шахс ҳақида кўп гапиришади, унинг ўзи ҳам бу ҳақда гапиришни яхши кўради, маълумки, у буни бани башарнинг олий бахти деб билади. Бу унинг қарори, бинобарин, бу инсоният учун лозим бўлган қарор. Умуман олганда, бу таъриф эмас, бу шунчаки тасвир, холос. Сирли ибодатга қандай таъриф берса бўлади? Сирли ибодатларсиз одамнинг куни ўтмайди, борди-ю насронийликдан кўнгли қолса, у мажусийлик ёки шахснинг сир-асрорлари билан ўзини овутади. Бизнинг донишмандимиз насронийлик ҳақида эшитишни ҳам хоҳламайди, насронийлик мистикасига берилган шоир ва рассомни хуш кўрмайди. Табиат сир-асрорларини беҳад қадрлайди, чунки бу унинг ўзиники... Аслини олганда, биз оддий бандаларнинг бу сир-асрорларни паст даражада қадрлашга ҳам қурбимиз етмаслиги қатта бахт, акс ҳолда қандай изоҳлаб бўладик, ҳақиқий зиёлилар ва илм аҳли зўр даҳо, жозибали инсон атрофида тўпланишни ўзлари учун улуғ шараф деб биладилар, унинг хузурида, мулозимлари қаторида туришни, унга ўз билимларини тортиқ қилишни, унинг учун жонли луғат бўлиб оғирини енгил қилишни, уни ортиқча қоғозлар орасида кўмилиб ўтиришдан қутқизишни истайдилар, мендек одам ёқимли табассум билан – бу ўзимга баъзан аҳмоқона бўлиб туюлади – йиллар давомида унга бор-йўғи котиблик қилиб юрган-нимни қандай изоҳлаш мумкин?

– Менга қаранг, ҳурматли жаноб профессор! – деди айтилган барча гапларни қулоғига олган Шарлотта ҳайрат оғушида унинг сўзини бўлиб. – Сиз шунча муддат устоз хузурида хизмат қилиб, нуқул ўзингизга муносиб бўлмаган арзимас ёзув-чизувлар билан шуғулландим, демоқчи эмасмисиз?

– Йўқ, – жавоб берди Ример бироз тўхтаб, фикрларини жамлаб олгач, – бундай демоқчи эмасман. Агар шунга ўхшаш нимадир деган бўлсам, демак, унда ҳаддан ошибман. Ҳар бир нарсани ўз маъносида тушунмоқ керак. Биринчидан, улуғ ва қимматли инсонга кўрсатиладиган холисона хизмат унвон ва даражаларга қарамайди. Бунда каттаю кичик ҳамма тенг. Гап бу ҳақда эмас. Бундан ташқари, унинг айтиб тургани бўйича ёзиш оддий бадхат одамга тўғри келмайдиган иш. Бундай одам учун бу иш ҳайф. Аллақандай Жон, Кройтер деган котибга ёки бирорта хизматкорга бу вазифани юклаш – бефаҳм одамга гап уқтириш билан тенг. Бу ҳақда ўйлашнинг ўзиёқ маърифатли, фикр доираси кенг, олийжаноб одамни виждонан қийнайди. Фақат олимга, фақат ишнинг жозибадорлигини, ноёблиги-ю кадр-қимматини мендек ҳис этишга кодир одамгагина бу вазифани ишонса бўлади. Матнни айтиб тургандаги дабдабали, ёқимли, жарангдор овознинг эшилиб чиқиши, соатлаб давом этадиган, ҳис-туйғулар бостириб келгандагина бироз узиладиган ижод жараёни, белга тиралган кўллар, ранго-ранг кенгликларга тикилган нигоҳ, тимсол ва сўзнинг ам-рона, шу билан бирга, бетакаллуф сеҳри, эркинлик ва дадиллик ҳукмрон бўлган руҳий муҳитда перони шоша-пиша ҳўллаб олиб қисқартиришлар билан ёзишга улгуриш, кейин буни терлаб-пишиб рисоладагидек қилиб қайта кўчириш – ҳурматли хоним, қилаётган ишинга авайлаб муносабатда бўлиш ва уни дуч келган одамга ишонмаслик учун буни ҳис этмоқ, таҳсинлар ўқиб бундан завқланмоқ лозим. Шуниям эслатиб ўтиш керакки, бу ерда гап лаҳзалик ижод тўғрисида бормаяпти, бунда осмондан мўъжиза ёғилаётгани йўқ, булар йиллар, эҳтимол, ўн йилликлар давомида қалб тубида асраб, ардоқлаб келинган, бир қисми ёздиришдан олдин муфассал қайта ишлаб чиқилган ижод маҳсулидир. Шуни эсда тутиш лозимки, бу ерда биз жўшқин феъл-атворни эмас, балки иккиланишларга мойил, қилаётган ишини тинмай мулоҳаза элагидан ўтказувчи, орқага сурувчи, қатъиятсиз, энг ёмони тез толиқадиган, фикрини бир нуктага тўплаёлмайдиган, битта вазифа устида узоқ вақт ишлаёлмайдиган, хаёлини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга тортадиган инсонни кўрамиз, серташвиш фаолият туфайли ўйлаб қўйган битта асарини ниҳоясига етказиш учун унга узоқ йиллар керак бўлади. У табиатан сезилмай ўсадиган, жимгина ривожланадиган бирор асарини узоқ, жуда узоқ муддат, эҳтимол ёшлик йилларидан қалбида алла-лаб, кейин дунёга келтирадиган инсон, унинг тиришқоқлиги сабри билан теппа-тенг, яъни агар кўнгли жудаям хилма-хилликни тилаб қолса, битта асар устида ниҳоятда узоқ вақт давомида қунт ва чидам билан ишлаш қобилиятига эга. Ҳаммаси рост, менга ишонинг, мен мана шу қаҳрамонона ҳаётга шайдо бўлган бир гувоҳман. Айтишадикки, унинг ўзи ҳам айтади, у қалбида ниш уриб келаётган режа-ниятларини сир сақларкан, унга зарар етмасин деярган, бу ҳақда ҳеч кимга гапирмас экан, чунки бошқа бирорта одам етилиб келаётган ҳосилнинг жозибасини ҳис этолмайди ва моҳиятини тушуниб етмайди, бунинг мафтункорлигини фақатгина қалбида ардоқлаб юрган одамгина тушунади. Аммо бу жимлик у қадар ҳам мустаҳкам эмас. Бизнинг сарой маслаҳатчимиз Мейер, устоз унга, Худо билади, қанча хизматларни нисбат беради, хуллас у, муаллиф ҳали “Ҳамроз диллар” романи режасини ичида тузиб юрган пайтидаёқ менга у ҳақда батафсил айтиб берган, деб мақтаниб юради, бу гап рост бўлиши ҳам мумкин, чунки бир



куни ҳали Мейерга айтмасидан олдин у менга роман режасини берилиб баён қилган эди, фарқи шундаки, мен унга ўхшаб дуч келган жойда бу гапни дoston қилиб юрганам йўқ. Бу тахлит ўз сирини очиши, бошқалар билан бўлишиши, таъбир жоиз бўлса, маҳмадоналигида мени ҳайратга соладиган, ёқадиган томони – кўнглини ёзиш учун соф инсоний истак, оддий ишонувчанликдир. Улуғ даҳода шунақа инсоний хислатларни кўриш, уни майда-чуйда қувликлар ва такрорларда қўлга тушириш, ҳатто кўзга кўринмайдиган руҳий-маънавий хўжаликда ҳам юз берадиган тежамкорликда қўлга тушириш кишига таскин беради ва ҳайрат даражасида қувонч бағишлайди. Бундан уч ҳафта бурун, ўн олтинчи август куни гап орасида у менга немислар ҳақида анчагина аччиқ гапни айтди, маълумки, у ўз миллати ҳақида ҳамиша ҳам мақтовли сўз айтмайди: “Севимли немисларимизни яхши биламан, – деди у, – улар аввал жим туришади, кейин айблашади, кейин рад қилишади, ундан кейин тунаб кетишади-да, лом-мим демай тура-веришади”. Худди шундай деди, мен буни суҳбатдан кейиноқ дарҳол ёзиб олдим, биринчидан, буни зўр фикр деб ҳисобладим, иккинчидан, бу унинг жонли ва ўта аниқ сўзлаш санъатининг ёрқин намунаси бўлиб туюлди, у немисларга хос аҳмоқона феъл-атворни жойида ўткир ва ёрқин таъриф-лаб қўйди. Кейин Целтердан эшитдимки, – Берлинда яшайдиган Целтер деган мусиқачи ва хормайстер, устоз унга, негалиги номаълум, ўзига яқин олиб “сен”лаб мурожаат қилади, бундай танловлар билан ҳисоблашишга мажбурсан киши, шундай пайтда беихтиёр Гретхеннинг “Ҳеч тушунмайман, бунга унинг нимаси ёқади?” деган сўзларини эслайсан, – ҳуллас, ўша Целтердан эшитдимки, мен ўн олтинчи август куни сўзма-сўз ёзиб олганим ўша жумла шу ойнинг тўққизинчисида Теннштедт санаторийсидан Целтерга юборилган мактубда қайд этилган экан. Бу гап унга ўта маъқул бўлган шекилли, аллақачон қоғозда аниқ-равшан қайд этиб қўйган, мен билан суҳбат чоғида гапнинг даромади сифатида айтиб юборган эди – бу кичкина фирромликни табассум билан *ad potam*<sup>1</sup> тарзида қабул қиласан киши. Умуман олганда, шундай улкан ақл эгасининг дунёси ҳам, барибир, чегараланган дунё, яхлит бутунлик, унда мотивлар ва тимсоллар, гарчи катта узилишлар билан бўлса-да, такрорланиб туради. “Фауст”да, боғдаги машҳур суҳбат чоғида Маргарита севгилисига сингилчаси, бир бурдагина гўдак ҳақида гапириб, уни онаси кўкрак сути билан боқолмаётганини, ўзи уни “сут ва сув” билан парвариш қилаётганини айтади. Оттилия Эдуард билан Шарлоттанинг боласини “сут ва сув” билан меҳр оғушида тарбиялаши билан юқоридаги воқеа орасида қанчалар узок ҳаётий масофа ётибди? Сут ва сув. Шишадаги ана шу суюққина кўкиш ичимлик шундай улкан бошга нечоғлик мустаҳкам ўрнашиб қолди экан! Сут ва сув. Ёдимга со-лолмайсизми, нега мен сут ва сув ҳақида гап бошладим, менимча, мавзуга алоқаси йўқ, бекорчи деталларга мени нима бошқарди ўзи?

– Хурматли доктор, менинг ёшлиқдаги дўстимнинг асарларини тайёрлашдаги тарихий хизматингиз туфайли Сизга кўрсатилган хурмат-этибор ҳақида гапирдингиз. Сиз айтган сўзларнинг қизиғи йўқ, бекорчи эканлигидан уларга қўшилмаслигимни изҳор қилишга руҳсат беринг.

– Рад қилманг, хурматли хоним! Ўта улкан, ўта қайноқ мавзу борасида сўз борганда одам беихтиёр беҳуда фикрларни гапириб юборади, сўзини

<sup>1</sup> Белгилаб қўйиш (лот.).

йўқотиб нима дейишни ҳам билмай қолади ва на фақат энг муҳим, энг қайноқ нуқтага етолмасдан, довдираб уни унутиб қўяди, балки ўзинг ҳам барча айтганларинг энг зарур ва ҳаяжонли нарсани четлаб ўтиш учун бир баҳона эканлигини тушуна бошлайсан. Билмайман, бу ерда қанақа бемаъни, беҳуда гаплар айтилди! Ҳарҳолда буни ҳаммага маълум тажриба билан қиёсласа бўлади: тўла шишанинг бўйнини паст томонга қилиб тезлик билан тўнтаринг, гарчи оғзи очиқ бўлса-да, ундаги суюқлик бирданига тўкилмайди, идиш ичида ушланиб қолади. Бу ердаги фикрий боғланишнинг қовушмаслиги мени яна хижолатга соляпти. Аммо барибир! Менга нисбатан кўпроқ, мислсиз кўпроқ одамлар беҳуда таассуротларга ортиқ даражада берилишади! Сизга ўзимнинг гўё иккинчи даражали, аслида эса асосий ишимдан мисол келтирай: ўтган йилдан бери йигирма жилдлик асарлар тўпламининг янги нашрини тайёрламоқдамиз, штутгартлик Котта уни босиб чиқариб, ўн олти минг талер ҳисобида яхшигина қаламҳақи тўлайди, у жуда бағрикенг, мард одам, у кўп нарсани қурбон қилади, менга ишонинг, гапим ҳаммаси рост, чунки даҳо шоир асарларининг кўпчилиги ҳақида одамлар билишни ҳам истамайди. Хуллас, мана шу тўплам устида у ва мен, биргаликда ишларканмиз, “Вильхелм Майстернинг таҳсил йиллари”ни қайта кўриб чиқдик, шу аснода мен айрим нозик грамматик нуқсонларни кўрсатдим, имло ва тиниш белгилари борасида маслаҳатлар бердимки, бу соҳада шоиримиз айтарли кучли эмас. Шунингдек, унинг услуби хусусида ҳам анчагина суҳбатлашдик, менинг бу соҳадаги таҳлил ва талқинларим уни қизиқтириб қолди. Чунки у ўзи ҳақида кам билади, шундай пайтлар бўлганки, ўзининг эътироф этишича, масалан, “Вильхелм Майстер”ни ёзаётганида уйқусираган ҳолатда бўлган экан. Шунинг учун ўзини ўзига маромида изоҳлаб берсангиз ёш боладек мириқиб тинглайди. Бу ҳам энди на Мейернинг, на Целтернинг иши, бу – филологнинг иши. Давримизнинг фахри, ғурури бўлган, ҳар қадамда ҳайратланишга имкон берадиган романи ўқирканмиз, қанчалар ажойиб лаҳзаларни бошдан кечирганимиз фақат Худога аён, бироқ унда табиат манзаралари тасвирига деярли ўрин берилмагани шундоққина сезилиб туради. Биз бемаъни таассуротлар ҳақида сўз юритдик, хурматли хоним, ушбу китобда қандай совук, зерикарли милжирашларга ҳам гоҳида дуч келамиз! Тез-тез учраб турадиган узук-юлуқ фикрларни айтмайсизми! Кўпинча – буни одам аниқ тушуниб олиши керак – бунинг жозибаси ва қимматини илгаридан юрак тубида асраб келинган ва тилга чиқарилмаган фикрларнинг ўткир ва жонли ифодаланишидан қидирмоқ жоиз, бундай тасвирга ўз-ўзидан янгилик белгилари ва жозибаторлиги хаёлий дадиллик ҳамда юксак таваккалчилик билан қоришиб кетадики, ҳаяжондан нафасинг бўғзингга тикилади, – ҳа, оқилона батартиблик ва жасорат, шу билан бирга, телбанамо ҳаракатлар биргаликда ширин эсанкирашлар манбаи бўлиб, тенги йўқ муаллиф бизни шу жараёнга олиб киради.

Бир куни мен унга эҳтиёткорлик билан бу ҳақда айтган эдим, у кулиб жавоб қайтарди: “Болагинам, – деди у, – менинг ичимликларим сизларнинг бошларингни айлантурса ҳам мен буни ўзгартиролмайман”. Айрим масалаларда унга маслаҳатлар берадиган қирқ яшар одамни “болагинам” деяр экан, эҳтимол ғалати туюлиши мумкин, бироқ бу менинг қалбимни юмшатиб, фахр туйғусига тўлдиради, негаки бунда харҳолда ишонч му-



жассам, юкори ва қуйи, лойиқ ва нохойиқ хизматлар ўртасидаги фарқ ҳам унга қўшилиб кетади. Оддийгина котибликми? Бейхтиёр кулгим қистайди, ҳурматли хоним. Ахир котиблик ишим шундан иборат эдики, узоқ йиллар давомида мен унинг ёзишмаларини юргиздим, на фақат у айтиб туриб ёздирди, балки ўзим мустақил унинг учун, тўғрироғи, унинг ўзи бўлиб, унинг ўрнида, унинг номидан, унинг руҳида ёздим. Мана энди кўряписизки, нима юз беради: мустақиллик ўрнини ўз-ўзидан унинг тескариси эгаллайди ва мустақиллик деган нарсадан ном-нишон қолмайди, ана энди мен умуман мавжуд бўлмай қоламан, менинг гапларимни у айтади. Чунки мен уларда мулоийм, таъсирчан, кўтаринки-илмоқдор бирикмаларни қўллаб ташлайман, натижада мен битган хатлар у айтиб туриб ёздирганларидан кўра ҳам кўпроқ Гётеники бўлиб туюлади. Менинг фаолиятим жамоатчиликка таниш бўлганлиги боис маълум бир мактубни мен ёзганманми ёки уми, деган одамни қийнайдиган иккиланишларга дуч келамиз – кеккайган кимсаларнинг аҳмоқона саволи бу – ким ёзгани бирибир эмасми, дея норозилик билан таъкидлаб қўйгим келади. Тўғриси, иккиланиш менда ҳам бўлади, бу энг оғир, энг ҳаяжонли муаммолардан бири бўлиб қолаётган иззат-обрў муаммосига дахлдор. Умуман олганда, ушбу муаммо нуқтаи назаридан бу ишда қандайдир уятли бир нарса бордек, ҳарҳолда баъзан менга шундай туюлади. Агар шундай йўл билан Гётега айланиб, унинг хатларини ёзсанг, бундан ортиқроқ шарафни тасаввур қилиб бўлмайди. Ким у ўзи, айтингчи? Аввал-охир у ким бўлдики, бутун ҳаётингни унга қурбон қилиб, унинг ичида йўқолиб кетишни ўзинг учун шон-шараф деб билсанг? Шеърлари, Худо ҳаққи, шеърларини айтмайсизми! Мен ҳам шоирман, аммо ундан жуда-жуда паст туришимни афсус билан қайд этаман. “Юрагим уриб кетди” ёки “Ганимед”ни ё бўлмаса “Ўлкани сен биласанми”ни, атиги шулардан бирортасини ёза олсам эдим, о, қимматли хоним, бунинг эвазига нима берса бўлади, берадиган ниманг бор ўзи, демайсизми! Унинг шеърларида Франкфурт лаҳжасидаги қофиялар тез-тез учраб туради, у ўйлаб ҳам ўтирмасдан “zeigen” (кўрсатмоқ)ни “weichen” (четга тортмоқ)қа қофия қилаверади, чунки у сўзлаганида “zeichnen” деб (агар “zeischen” деб юбормаса) талаффуз қилади, менда бунақа қофиялар учрамайди, биринчидан, мен франкфуртлик эмасман, иккинчидан, бунақа ҳолатларга йўл қўймайман. Нима, булар унинг асарларида учрайдиган инсон йўл қўядиган ягона ҳолатми? Йўқ, шубҳасиз, йўқ, сирасини айтганда, унинг асарлари ҳам инсон қўли билан ёзилган, ҳаммаси ҳам шоҳ асарлар эмас ахир. Унинг ўзи ҳам бундай алдоқчи хаёлларга берилмайди. “Ким нукул шоҳ асарлар ёзади” дейишни яхши кўради ва бунда у ҳақ. Унинг ёшликдаги дўсти, тўғриси Мерк – Сиз уни билсангиз керак – “Клавиго”ни ярамас асар деган эди, унинг ўзи ҳам шу фикрда бўлса керак, “Ҳамиша ҳам ҳаммадан яхши бўлавермайсан-ку” деб қўярди. Бу камтарликми ёки бошқа нарсами? Бу шубҳали камтарлик. Барибир у қалбининг тубида чинакам камтар, шундай камтарки, унинг ўрнида бошқа одам бундай бўлмас эди, мен уни ҳатто журъатсиз деган ҳам бўлардим. “Ҳамроз диллар” романини ёзиб тугатгач, у ростакамига журъатсиз бўлиб қолди. Фақат анча кейинроқ у ушбу роман сўзсиз лойиқ бўлган юксак фикрларни изҳор қилди. У мактовларга тез учади, гарчи илгари бу асар борасида турли шубҳа-гумонлар ичини кемирган бўлса-да, шоҳ асар яратдим, деган фикрни ўзига сингирди. Шуни ҳам унутмаслик керакки,



ундаги камтарлик гоҳида энсани қотирадиган даражага етадиган ўз-ўзига ишонч билан тенг туради. У ўзига хос феъл-атвори, табиатидаги заифлик ва мураккабликлар ҳақида гапираркан, соддадиллик билан: “Буларни мендаги юксак афзалликларнинг тескари томони деб қарамоқ жоиз” деб кўшиб кўяди. Ишонасизми, бунақа гапни эшитгач, оғзинг очилганча қолаверасан киши, гарчи фавкулудда истеъдод ҳамда шу даражада соддаликнинг уйғунлиги сени қойил қолдирганига ўзингни ишонтиришга уринсанг-да, барибир, бунақа соддаликдан даҳшатга тушасан. Шу билан хотиржам бўлиб қўяқолса бўладими? Ўзини қурбон қилишни шу йўл билан оқлаб бўладими? Нега у ҳаммадан юксакда? – сўрайман ўз-ўзимдан, бошқа шоирларни: камтаргина Клаудиусни, нафосатли Ҳелтини, мағрур Маттисонни ўқирканман, наҳотки уларда табиатнинг ёқимли саси эшитилмаётган бўлса, наҳотки мусиқийлик, немисларга хос самимийлик фақат унинг шеъриятида бўлса? “Тагин водийлар бағрида...” – бу инжу, шу шеърнинг атиги икки мисрасини ёзолсам эди, эвазига докторлик дипломимни берган бўлардим. Вандсбеккернинг “Кўкда ой чиқди” шеърининг нимаси ёмон? У Ҳелтининг “Май кечаси” шеъри олдида уялса бўлармиди: “Кумушранг ой нури буталар орасидан мўралаганда”! Уялиш қаёқда дейсиз! Аксинча! Шунга хурсанд бўлиш мумкинки, у билан бир қаторда бошқалар ҳам бемалол ўзларини намоён қилишмоқда, на фақат унинг улуғлиги олдида ўзларини енгилиб, синиб қолишдан асрашмоқда, балки соддалигига ўзларидаги шу хислатни қарама-қарши қўйиб, гўё у мавжуд эмасдек баралла куйлашмоқда. Шу боисдан уларнинг овозларини янада юксакроқ кадрлаш жоиз, негаки асарнинг фақат мутлақ кадр-қиммати баҳо бериш керак эмас, балки унга маънавий ўлчов нуқтаи назаридан қарамоқ ва яратилган шарт-шароитни ҳам ҳисобга олмоқ керак. Савол туғилади: Нега у ҳаммадан юқори? Қандай куч ундан ярим худо ясаган, уни осмону фалакка кўтарган? Улкан характери? Унинг қахрамонларида – Эдуард, Тассо, Клавиго, ҳатто ўша Майстер ва Фаустда қани ўша характер? Ўзини тасвирлайман дейди-ю, муаммоли, бўшанг, омадсиз қахрамонларни яратади. Гапнинг рости, муҳтарама хоним, гоҳида улуғ бритт<sup>1</sup>нинг “Цезарь” асаридаги Кассийнинг сўзларини ёдга оламан: “Худолар! Ҳайронман, бунақа бўшанг табиатли одам қандай қилиб дунёда олдинги қаторни эгаллаб, ғалабани қўлга киритди?”.

Жимлик чўқди. Кўрсаткич бармоғига олтин узук таққан Римернинг қўли ҳасса тутқичини тутиб турган бўлса-да, сезиларли титрарди, кекса хонимнинг боши ҳам тез-тез калтирарди. Шарлотта сўз бошлади:

– Жаноб доктор, раҳматли эримнинг ва менинг ёшликдаги дўстимизни, “Вертер”нинг яратувчисини ҳимоя қилишга ўзимни бурчли деб биламан, гарчи бу асар унинг шон-шухратининг асоси бўлган, у яратган ижод маҳсуллариининг энг гўзали бўлиб қолган бўлса-да, Сиз буни ҳатто эсламадингиз ҳам, назаримда, унинг улуғлигига раҳна соладиган таъна-маломатларни ёғдирдингиз. Бироқ мен бундай васваса ёки вазифадан тийилманман, айтмоқчиманки, Сизнинг бу улуғ инсон билан ўн уч йил давомида унинг дўсти, ёрдамчиси сифатида ҳамкорлик қилганингиз меникидан кам эмас. Сизнинг танқидингиз, буни бошқача қандай айтса бўлади, қисқаси, Сизнинг фаҳмлаш йўсинингиз унинг қарашларига нисбатан садоқатли ҳайратга асосланган, бунинг олдида менинг ҳимоям кулгили туюлиши ва

<sup>1</sup> Бритт – бриттлар (қадимги Англияда яшаган кельт қабилалари).

Ўзаро тушунмовчиликка олиб келиши мумкин. Мен оддий аёлман, бироқ кўп нарсалар чуқур тушуниб етиш орқали изхор қилинишини, танқид қилинаётган нарса таъналарга осонгина дош беришини яхши тушунаман, бунда қойил бўлиш – заҳар тил билан, ғийбат эса, ҳамду сано шаклида ифода этилади. Гапларим тўғрими?

– Сиз жуда самимийсиз, – жавоб берди Ример, – кўмакка мухтожнинг ёнини оляпсиз, менинг гапларимни тўғри талқин қиляпсиз. Очиғи нималар деганим ёдимда йўқ, аммо Сизнинг сўзларингиздан англаяпманки, афтидан, анча-мунча ортиқча гапларни гапириб юборганга ўхшайман. Баъзан тилимиз майда-чуйда сафсаталарни бехосдан гапириб, бир-икки сўзга комик тус бериб юборамиз, натижада тингловчининг кулгисини маъқуллаб тураверамиз. Лекин катта мавзуларда сўзлаш кенг кўламли бўлади, сўзнинг оғиздан дарҳол чиқиб кетишига Худо йўл бермайди, шунда сўкиниш керак бўлган жойда маломат ёғдирамиз. Виждонан айтадиган бўлсак, назаримда, буюк нарса ҳақида гап кетганда, ҳамиша “Буюк! Буюк!” деявериш ва ярамас нарса ҳақида мафтункорлик чўққисидан туриб жилмайиб гап сотиш бефойда ва нотўғри. Гап айнан шу ҳақда, яъни ер юзиди буюк нарса кўзга ташланиши мумкин бўлган энг нозик шакл: поэтик даҳо ҳақида – буюкликни олий мафтункорлик тимсолида, мафтункорликни эса, олий буюклик шаклида тасаввур қилиш ҳақида бормокда. Даҳо худди шу йўсин орамизда яшайди ва фаришталарникидек оғзи билан гапирди. Ҳа, хоним, фаришталарникидек оғзи билан! Унинг ижод маҳсуллари дунёсидан истаган биттасини очинг, мана, масалан, “Театрдаги пролог”ни, мен бугун сартарошни кутиб ўтириб уни қайта ўқиб чикдим ёки мана бу, пашшанинг ўлими ҳақидаги йўлакай ёзилган чуқур мазмунли, қувноқ масални олайлик:

*Тумишқчаси илк сўришдаёқ  
Етса ҳамки заҳарга шундоқ.  
У маст эди, митти вужудин,  
Қопласа-да, акашак мутлоқ.*

Бироқ бу кулгили бир тасодиф, кўр-кўрона эркинлик, мен қўл остимда бўлган мўл-қўл асарлар орасидан бошқасини эмас, айнан шуни танладим – қисқаси, булар ҳаммаси фаришталарникидек оғиздан, етукликнинг олий даражасидаги илоҳий оғиздан чиққан-ку, ҳар бир тимсол, ҳар бир драма, ҳар бир қўшиқ, ҳар бир ҳикояга қандай зарб билан безак берилган, ҳар бирида соф индивидуал жозибаторликнинг – Эгмонтга хос жозибаторликнинг муҳри акс этган! Уларни шундай деб атайман, “Эгмонт” драмаси ёдимга тушади, қаҳрамон ҳам ва у иштирок этадиган асар ҳам мутлақо бөнуксон жозибаторликлардан холи эмас. Ёки унинг насрий асарларини, ҳикоя ва романларини олинг – бу мавзунини тилга олгандик шекилли – назаримда мен бу ҳақда нималарнидир гапиргандим. Бундан дилбарроқ латофат, бундан соддароқ ва жонлироқ тасвир бўлмайди. Уларда на дабдабалилик, на баландпарвозлик бор, гарчи ички томондан ҳаммаси фавқуллодда улуғвор, бошқа ҳар қандай баён услуби, хусусан, кўтаринкилик бу услубга нисбатан босиқ туюлса-да, ташқи кўтаринкилик, тантанаворлик, ваъз-хонлик оҳангидан, ясамалик ва эҳтирослар бўҳронидан асар йўқ, бу ерда, хоним, сокин, енгил шивирлаш оғушидаги илоҳийлик ҳукмрон. Агар бу

тил ҳамиша чегара билмаслигини ёддан чиқарсак, унда мулоҳазакорлик, ҳақиқий нафосат ҳақида гапирса бўлади, бироқ тил хотиржам, нозик бир оддийлик билан ўрта йўлни танлайди, унинг журъати ҳам одоб доирасида, етук поэтик мароми ҳам беҳато. Эҳтимол мен ортиқча гапларни гапираётгандирман, аммо, онт ичаманки, гарчи эҳтиросли қасамларим кўтарилган мавзуга дахлдор бўлмаса-да, тескари фикрларни кўллаган чоғимдаги каби ҳақиқатни гапиришга ҳаракат қиламан. Мен айтаманки, айтишга уринаманки: у ҳамма нарсани ўртача пардада айтади, ғоятда босиқ, ғоятда прозаик, бу ёруғ оламдаги энг ғаройиб ўйноқи проза бўлиб, унда янги яратилган сўз аллақандай жилмайиб тургандек сеҳрли жило касб этади, қувноқ-хаёлий, шу билан бирга, тилларанг, мутлақ кўтаринки, беҳад ёқимли-вазмин, ажиб ўзгарувчан, болаларча сеҳрли доноликка тўла мулойим дадиллик билан тақдим этади.

– Сиз жуда чиройли гапираяпсиз, жаноб Ример. Сўзларингизни тингларканман, чин кўнгилдан миннатдорлик туйғусини ҳис этаяпман. Фикрлаш тарзингиз билимингиз кенг қамровли эканлигидан, мавзу ичига чуқур кириб бориб, узоқ ва қаттиқ шуғулланганингиздан дарак беради. Бундан ташқари, кўнглингизга олманг-у, ушбу ғоят муҳим мавзу устида фикр юритатуриб яна ортиқча нарсаларни гапириб юбордим, дея хавфсирашингиз, менимча, асосли. Инкор қилмайман, Сизни диққат билан, ҳузур қилиб тинглаётганим фикрларингиздан қониқдим, уларни тўлиқ маъқуллаيمان, деганим эмас. Мақтов сўзларингизда – балки уларнинг ниҳоятда аниқлиги сабабидир – қандайдир камситиш, мени зимдан ваҳимага соладиган, мен дилдан қабул қилишни истамайдиган қандайдир ғийбат белгилари борга ўхшайди. Юрагим менга, Сиз ҳақиқатни гапирмаяпсиз, демокда. Даҳо ҳақида: “Буюк! Буюк!” деб қичқириш кулгили бўлса бўлаверсин, Сиз у ҳақда ўта расмиятчилик билан гапирсангиз ҳам майли, мен унинг феъл-атворини яхши биламан, менга ишонинг, мен биламан, ҳис этаман, у муҳаббат фарзанди. Лекин саволимни тўғри тушунинг, шоирона илҳомни қуруқ расмиятчилик билан изоҳлаб бўладими?

– Илҳом, – такрорлади Ример. У ҳасса тутқичи устида турган қўллари томон бошини секин, гўё қийналиб эгди. Беҳосдан сапчиб тушди-да, йўк, дегандек бошини чайқади. – Сиз адашаяпсиз, – деди у, – у илҳомланмайди. Унда аллақандай бошқа нарса бор, эҳтимол, ундан-да юксакроқ, айтайлик, Тангри марҳамати мададқорми, ҳарҳолда у илҳом эмас. Тангри таолони илҳомланган ҳолда тасаввур қилиб бўладими? Йўк, бўлмайди. Худо илҳом манбаи, аммо унинг ўзига бу ҳолат бегона, унда ўзига хос совуққонлик ва емирувчи бепарволикни сезмасликнинг иложи йўк. Худо нимадан илҳомланиши керак? Кимнинг томонини олиши лозим? У ҳамма нарса, унинг томони ҳам ўзиники, ўз томонида туради, афтидан, унинг иши ҳамма нарсани қамраб олувчи киноя. Мен теолог ҳам эмасман, қимматли хоним, файласуф ҳам эмасман, бироқ ҳаётий тажриба мени тез-тез ҳамма нарсанинг ҳеч нарса – nihil билан боғлиқлиги, уйғунлиги ҳақида ўйлашга мажбур қилади, агар менга мана шу мавҳум сўздан фикрлаш тарзини, дунёқарашни ифодаладиган сўз ясаш имкони берилса эди, унда ҳамма нарсани қамраб олувчи руҳни бемалол “ниҳилизм” руҳи деб атаса бўлади. Бундан келиб чиқадики, Худо ва иблис қарама-қарши тамойиллар, аслини олганда, иблис, таъбир жоиз бўлса, Худонинг тескари томони – нега энди



шундай? – дейиш хато қараш бўлади. Бошқача қандай бўлиши мумкин? Агар Худо ҳамма нарса бўлса, унда у ўз навбатида иблис ҳам, демак иблисга яқинлашмай туриб, Худога яқинлашиш мумкин эмас, айтиш мумкинки, унинг бир кўзидан само ва муҳаббат балқиб турса, иккинчи кўзидан совуқ инкор ва емирувчи бепарволик қараб туради. Аммо иккала кўзда ҳам, қимматли хоним, улар бир-биридан узоқ жойлашганми ёки яқинми, барибир, битта нигоҳ мавжуд, мана шуни Сиздан сўрамоқчи эдим: бу қандай нигоҳки, унда ҳар иккала кўзлар ўртасидаги ихтилоф йўқ бўлиб кетади? Бунинг жавобини Сизга ва ўзимга ҳозир айтаман. Бу санъатнинг, мутлақ санъатнинг нигоҳи, бир вақтнинг ўзида бу мутлақ муҳаббат ва мутлақ қирилиб кетиш ёки бепарволик ҳамда илоҳий-шайтоний тушунчага яқинлашишни билдирувчи, биз “буюклик” дейдиган нарса. Мана Сизга жавоб. Шуларни айтарканман, Сизнинг келганингиз ҳақида сартарошдан хабар топганим заҳотиёқ Сизга шу гапларни айтаман, деб қарор қилган эдим чамаси, чунки бу фикрлар Сизни қизиқтиради, деб ўйладим ва ўзимни ҳам бу ерга юрагимни бўшатиб олиш истаги бошлаб келди. Ўйлаб қаранг, бу шунчаки майда гаплар эмас, шундай туйғу билан Худонинг берган уни шундай феномен қаршисида яшаш – бу маълум даражада асабларнинг зўриқишига олиб келади, бундан қутулиш учун сени бунга ўхшаган нарса кутмаётган Ростокка кетиш мутлақо мумкин бўлмай қолади. Сизга аҳволни яхшироқ тушунтирадиган бўлсам, бекорга Сизнинг диққатингизни шу нарсага қаратишни ният қилмадим, ўйлайманки, Сиз мени жон қулоғингиз билан тинглайсиз, қисқаси, агар менга бу ҳодиса ҳақида икки оғиз сўз айтишга изн берилса, шуни изҳор қилмоқчи эдимки, бу ҳодиса “Таврот”да Ёқуб пайғамбарга оқ фотиҳа берилгани ҳақида кўп бора ўйлашга мажбур қилган, у ерда айтилишича, Худо Юсуф пайғамбарни “кўкдаги кучлар ва ер қаърида ётган кучлар номи билан дуо қилган”.

Мени кечиринг, бу Муқаддас битикдан келтирган сўзларим бор-йўғи чекинишга ўхшаган нарса, аслида фикрларим тарқоқ эмас, гапимни йўқотиб қўйишдан ҳечам қўрқмайман. Ахир биз буюк маънавий қудратнинг ўта соддалик билан ягона инсоний қомусда бирлашиши ҳақида гапирдик ва бунақа бирлашиш инсониятнинг олий ҳайратига сабаб бўлишини таъкидладик-ку. Гап фақат боя айтганимиз дуо ҳақида эмас. Гап қўшалок дуо, яъни руҳий олам ва табиат дуоси ҳақида бормоқда, бундай ўйлаб қаралса, бу дуо умуман бутун инсониятнинг ҳам дуоси, ҳам қарғиши ҳисобланади, негаки одам бу дунёда омонатлиги билан табиатга, бошқа томондан эса, айтиш мумкинки, энг ҳал қилувчи томондан руҳий оламга дахлдордир. Буни бироз кулгили, бироқ ишнинг моҳиятини яхши очиб берадиган тимсол орқали тушунтирса бўлади: айтайлик, бир оёғимиз билан бир дунёда, иккинчиси билан бошқа дунёда турибмиз – мияни қотирадиган ҳолат – бунинг қийинлигини ниҳоятда чуқур ва жонли ҳис этишни бизга насронийлик ўргатган, агар одам мана шу хавфли, гоҳида уятга қолдирадиган ҳолатда ўз-ўзига ҳисоб берса ва табиат ришталаридан ўзини озод қилиб руҳий оламга интилса, у насронийдир. Насронийлик – бу чексизликни қўмсашидир, бу таърифим тўғрилигига ишончим комил. Афтидан мен юзинчидан мингинчига томон сакрадим, бироқ Сиз бундан ташвишланманг! Мен мингинчида туриб юзинчини, ҳатто биринчини ҳам унутмайман ва калаванинг учини маҳкам ушлаб турибман. Мана энди яна айтиб

ўтилган буюклик феноменига – буюк инсонга қайтамыз, у баравар мақомда: ҳам буюк, ҳам инсон, чунки анави қарғиш аралаш дуо, ўша тан олинган инсоний икки хил кайфият унда бир вақтнинг ўзида ҳам сўнгги чегарага етган, ҳам мавжуд эмас, мавжуд эмаслиги шу маънодаки, кўмсаш, соғинч сингари майда-чуйда ҳис-туйғуларга бу ерда ўрин бўлиши мумкин эмас, икки томонлама, яъни ҳам кўкдаги кучлар, ҳам ер қаърида ётган кучлар номидан дуо қилинса, қарғиш зарбасидан асар ҳам қолмайди ва итоаткор бўлмаса-да, таслим бўлмайдиган ўта олийжаноб уйғунлик ва заминий хузур-ҳаловат формуласига айланиб кетади. Буюк инсонда руҳий томон етакчилик қилади ва бу табиий томонга ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмайди, яратувчи руҳ ўзига қандай ишонса, табиат бу руҳга ундан ортиқ ишонади, чунки руҳ қандайдир йўсинда яратувчи руҳ билан боғлиқ ва унинг ишончли руҳи, табиатнинг акаси ҳисобланади, табиат унга ўз сир-асрорларини тўлиқ ишонади, ахир яратувчилик – руҳ ва табиатни чамбарчас боғлайдиган қон-қардошлиқ риштаси. Буюк руҳга дахлдор бу феномен, табиатнинг суюкли ва ишончли кишиси, одамларга хос буюкликка ва насронийлик гармониясига мувофиқ келмайдиган бу феномен одамни на фақат тўққиз, на фақат ўн тўрт йил, балки умрбод ўз ёнидан жилдирмасликка қодир ва ҳар қандай иззатталаблик, эркалик агар у билан мулоқот қилишдан бош тортишга тенг бўлса, унинг ихтиёрига зид ўлароқ одам ўз шахсиятининг аҳамиятини намоён қилолмайди. Мен ширин ва аччиқ обрў-эътибор тўғрисида гапириб, унинг фарқини асослаб ҳам берганим ёдимда. Бироқ шу феноменга муҳаббат билан хизмат қилишдан ҳам, унинг ҳузурида яшаш, ҳар куни нигоҳига кўзинг тушган заҳоти жойингда қотиб қолишдан ҳам ширинроқ обрў-эътибор борми? Унинг ёнида одам ўзини яхши ҳис қиладими, деб сўраган эдингиз. Элас-элас ёдимда, унинг ҳозирлигидан ҳосил бўладиган фавқулудда ҳузур ҳақида гапирган эдим, шунингдек, бунда маълум даражада зўрма-зўракилик, тортиниш ҳам йўқ эмаски, баъзан жойингда ўтиришинг қийин бўлиб, қочиб кетгинг келиб қолади. Ҳозир аниқ эслаяпман, биз бу ҳақда ундаги сабр-бардош билан, бепарволик билан, ройишлик билан боғлиқ ҳолда гаплашган эдик, менимча, ройишлик тушунчаси бехосдан оғзимдан чиқиб кетган эди, аслида бу тўғри эмас, чунки у гапни кўнгил юмшоқлиги, насронийлик ва шунга ўхшаган жиҳатларга буриб юборади, бу эса бемаънилик, аввало, шунинг учунки, ройишликнинг ўзи феномен бўлолмайди, аммо у ўз навбатида ҳамма нарса ва ҳеч нарсани биргаликда қамраб олувчи nihil, Худо ва иблис бирлиги билан алоқадордир. Аслини олганда, ройишлик бирликнинг натижаси, шунинг учун кўнгилбўшликка унинг ҳеч қандай дахли йўқ, кўпроқ ўзига хос совуққонликда, емирувчи лоқайдликда, бетарафликда, мутлақ санъатга бепарволикда намоён бўлади, бу дегани, ҳурматли хоним, унинг томони ўзиники, бир шеърда айтилганидек, “мен ҳеч нарсага буюртма бердим”, ҳуллас, ҳамма нарсани қамраб олувчи кинояга буюртма бердим. Бир куни у извошда менга шундай деган эди: “Киноя, – деган эди у, – бир чимдим туз, у овқатга таъм киритади”. Бу сўздан мен на фақат оғзимни очганча қолдим, балки танамни совуқ музлатиб юборгандек бўлди, чунки менинг киёфамда шунақа одамни кўряпсизки, у халқ эртагидаги, кўркувни ўрганиш учун йўлга чиққан кўркмас аҳмоққа ўхшайди... мени кўрқитиш осон, буни бўйнимга оламан, аммо шубҳасиз бу ерда кўрқитишга етарли асос бор эди.



Ўзингиз ўйлаб кўринг, киноя, *id est*<sup>1</sup> ниҳилизм аралашмаса, ҳамма нарса-нинг таъми бузилармиш. Агар илҳомнинг мутлақ санъатга дахлдорлигини ҳисобга олсак, агар шуни илҳом деб аташ мумкин бўлса, бу – ниҳилизмнинг ўзи, илҳомнинг кушандаси. Мен бу сўзларни ҳечам унутолмадим, ҳарҳолда аллақачон хулосага, биров ёқимсиз хулосага келдим, яъни унинг айтган сўзлари осон унутилади, Ҳа, осон унутилади. Бунинг сабаби, қисман, одам уни севганидан, у ёки бу сўзни айтаётгандаги товуши, нигоҳи, юз ифодасига беҳад маҳлиё бўлиб кетганидан бўлса керакки, сўзларнинг маъносига диққат қилишга фурсат ҳам етмай қолади, тўғрироғи: маънонинг ажралмас қисми бўлган товуш, нигоҳ, юз ифодасини чиқариб ташласак, эҳтимол айтилган фикрдан кўп нарса қолмаслиги мумкин, унинг сўзларидаги маъно қамровининг шахсият билан боғлиқлигини ҳеч ким билан қиёслаб бўлмайди. Ишонтириб айтишим мумкинки, мана шу шахсият ундаги ҳақиқат билан шу қадар алоқадор бўладики, шахсиятнинг қўшимча кўмагисиз ҳақиқат ўз кучини йўқотади. Майли, шундай бўлақолсин, бунга ҳеч бир эътирозим йўқ. У айтган сўзларнинг осон унутилиши сабабини фақат шу билан изоҳлаб бўлмайди, бунинг сабаби ўша сўзларнинг ўзида бўлиши ҳам мумкин, назаримда бу сабаб сўзлар маъносидagi қарама-қаршилик, талқин қилиш қийин бўлган ҳам табиий, ҳам мутлақ санъат моҳиятидан иборат бўлган, унинг мустаҳкамлиги ва ярқилилигига зарар етказадиган иккимаънолиликда кўзга ташланади. Шўрлик инсон онги учун фақат маънавий томони ярқили ва фойдали. Маънавий бўлмаган нарсани, балки стихияли, бетараф, ғазабни кўзғатадиган, хуллас, эльф<sup>2</sup>ларга хос жиҳатни – келинг, шу атамани қабул қилайлик – яъни ҳамма нарсани тан оладиган ва сабр-бардошни емирадиган дунёдан, ёвузлик ва яхшилик кинояли бир тарзда тенглаштирилган сабабсиз ва мақсадсиз дунёдан келадиган нарсани одам қабул қилолмайди, чунки у бунга ишоналмайди, фақатгина эльфларнинг одамга сингдирадиган чексиз ишончи, яъни одамнинг зид нарсаларга фақат зид муносабатда бўла олиши бундан мустасно, холос. Чунки, ҳурматли хоним, бу чексиз ишонч эльфларнинг табиатига хос бўлган, шу билан бирга, зид бўлган чексиз кўнгилчанлик билан боғлиқ, зидлиги шу даражадаки, у: “Одам нимага муҳтож, буни биласанми?” деб сўрайди-да, ўзи жавоб қайтаради: “Яхши сўз хайрли ишларга даъват қилади, бандаси буни биледи ва бу сўзларга жиддий қулоқ солади”. Шундай қилиб, биргина кўнгилчанлик орқасида эльфларга хос табиий асос ва ҳамма нарсани қамраб олувчи киноя барибир маънавий асос бўлади, бироқ, очиғини айтсак, унга нисбатан чексиз ишонч мутлақо маънавий эмас, акс ҳолда у чексиз бўлолмасди. Ишонч ўз навбатида стихияли, табиий ва ҳамма нарсани қамраб олувчидир. Бу маънавиятга зид, аммо одамларни борлиғича қамраб оладиган, буюк инсоннинг кўнгилчанлигига ишонч бўлиб, у одамни ҳақиқий тавбаларни қабул қилувчи руҳонийга айлантиради. У ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма нарсани биледи, унга ҳамма нарсани айтгинг келади ва айта оласан, чунки сезиб турасан: у одамларга яхшилик қилишга интилади, уларга ҳаёт гўзаллигини очиб беради, яшашга ўргатади, буни уларга ҳурмат юзасидан эмас, балки меҳр-муҳаббат юзасидан, тўғрироғи, уни ёқтиргани туфайли қилади. Мана шу сўзни алоҳида уқтиргим келади, чунки шу сўз унинг хузурида чуқур ҳис этадиган фавқулудда оромбахшликни

<sup>1</sup> Яъни (лот.).

<sup>2</sup> Эльф – қадимги Скандинавия мифологиясида руҳ, пари каби афсонавий мавжудот.

беради – унга яна қайтишимнинг сабаби ҳали бу ҳақда мириқиб гапиролганим йўқ – менимча, “ёқтириш” сўзи бу ерга яхшироқ мос келади, бошқа ҳаяжонли сўздан кўра яхшироқ очиб беради. Оромбахшлик ҳам ҳис-ҳаяжонли сўз эмас, айтмоқчиманки, руҳий эмас, кўпроқ... қаранг, шу сўзни тополмаяпман! – фаол, ақлий оламга дахлдор, гарчи у ўзида зиддиятларни, яъни ҳаддан ортиқ торганиш ва хавотирни мужассам этган бўлса ҳам. Агар қочиб кетиш ҳақидаги талвасали истак туфайли ўрнимда ўтиролмай қолиш борасида гапирган бўлсам, бу ҳам сўзсиз ўша оромбахш ҳис-туйғунинг руҳсиз, ҳаяжонсиз, номаънавий моҳияти билан боғлиқ. Аввало шуни эслатиш лозимки, бунақа торганиш бизга боғлиқ эмас, балки оромбахшлилик қаердан келаётган бўлса, ўша муҳитга, яъни ҳамма нарса ва ҳеч нарсанинг айнан ўхшашлигига, мутлақ санъат ва ҳамма нарсани камраб олувчи кинояга боғлиқдир. У ерда **бахт** истиқомат қилмайди, буни, қимматли хоним, аниқ-равшан биламан, шундан гоҳида юрагим қинидан чиқай дейди. Турлича қиёфага кира оладиган, лекин ҳаммиша Протей<sup>1</sup> лигича қолаверадиган, шунингдек, яна мудом ўзгача ва ўзлигини йўқотмаган ҳолда такомиллашиб боровчи хилқатни, сўрашга изн беринг, шуни бахтли деб ҳисоблайсизми? У Худо ёки Худо янглиғ зот, ундаги илоҳийликни дарҳол ҳис этамиз, қадимгиларнинг айтишича, илоҳийлик ўзидан ажиб бир ёқимли ифор таратиб туради, биз нафас оладиган ана шу ёқимли ифордан Худони ва илоҳийликнинг яқинлигини сезамиз – бу сўз билан ифодалаб бўлмайдиган дилтортар туйғу. Биз “Худо” дейиш билан насронийликка зид нарсани айтамыз, бунда насронийликдан асар ҳам йўқ, бунга шубҳа йўқ, дунёдаги яхшиликка ишонч, шу яхшилик учун курашга истак йўқ; айтмоқчи эдимки, кўнгилда шавқ-завқ йўқ, чунки завқ-шавқ идеал нарсага тегишли. Табиатнинг ўзига айланган руҳ эса, идеал нарсани ҳам қадрлайди: бу эътиқодсиз, қалбсиз руҳ, у фақат ёқтириш тарзида ва маълум даражадаги шўхликда намоён бўлади, аслида унинг қисмати ҳамма нарсага шубҳа билан қараш – Протей қисмати. Биз ҳис этадиган ғаройиб ёқимли туйғу, бу ерда бахт истиқомат қилади, деган ишончни бизга сингдирилмайди. Негаки бахт, агар мен тамоман адашмаётган бўлсам, ишонч ва завқ-шавқ бўлган жойда, тортишувлар бўлган жойда яшайди, эльфларга хос киноя ва емирувчи лоқайдлик билан келишолмайди. Яратганнинг ифори, ҳа, ҳа! Бундан нафас олиб тўймайсан киши! Тўққиз йил, яна тўрт йил давомида бу флюидлар<sup>2</sup> билан ўзингни овутолмайсан-ку, ҳеч нарса кўрмасдан, кўплаб ҳодисаларга дуч келмасдан яшаб бўлмайди-ку ахир, ҳодисалар ҳам шунақаки, мен бахт деб атаган нарсанинг даҳшатли исботи сифатида уларни баҳолаган тақдирдагина эҳтимол тўғри тушунтирган бўларсан: бадқовоқлик, норозилик, умидсиз сукут – мана шундай кўнгилисизликдан одамлар ҳаммиша сиқилади – мезбон тарафдан эмас бу, уй эгаси сифатида у ўзига буни раво кўрмайди, аммо мехмон чуқур сукутга чўмиб, лабларини қимтиганча у бурчакдан бу бурчакка бориб келаверади. Бунақа зимистон ва тушқун ҳолатни тасаввур қилиб кўринг! Ҳамма жим, ахир у лом-мим демаса кимнинг ҳам гапиришга журъати етади? Улар у хонадан-бу хонага сандироқлашиб: “Унинг кайфияти ёмон” дея шивир-шивир қилишади. Бу

<sup>1</sup> Протей – қадимги юнон мифологиясида денгиз илоҳаси, у беихтиёр ўз туси ва шаклини ўзгартира олган.

<sup>2</sup> Флюидлар – одам ёки ҳайвонлар танасидан чиқадиган ёхуд бошқа бирор нарсада нурланадиган аплақандай “руҳий тоқлар”.



ҳолат тез-тез содир бўлиб туради. Бундай пайтда қанчалар совуқ расми-ятпарастлик, ниқобланган сертакаллуфлик ундаги тушуниксиз тортинчоқликни, ниҳоятда тез толиқиб қолишини, чарчоқни, бир хил доирадаги ҳаёт тарзини: Ваймар-Йена-Карлсбад-Йена-Ваймар – бекитиб туради, ёлғизликка, мутаассибликка, золимона бетоқатликка, мижғовликка, ғалати қилиқларга, афсунгарликка хос одатларга кучайиб борувчи иштиёқ, ҳурматли, қимматли хоним, буни кексалик аломати деб бўлмайди, кексаликда бундай бўлиши шарт эмас. Бунақа ҳолатларда мен тугал ишончсизликнинг, эльфларга хос ҳамма нарсани камраб олувчи киноянинг сезилмас, даҳшатли белгиларини кўрганимдан сўнг англаганим шуки, завқ-шавқ ўрнини ишни ўз вақтида бажариш, ўта ҳайратлантирувчи ажиб бир фаоллик, ғайритабиий батартиблик эгаллайди. Эльфларга хос ҳамма нарсани камраб олувчи киноя одамларни қадрламайди, одамлар гўё ҳечқачон ақли кирмайдиган ҳайвонлар. У озодлик, ватан тушунчаларига ишонмайди, булар унинг учун табиийликдан йироқ қуруқ хашак. Лекин у мутлак санъатнинг моҳияти бўлатуриб лоақал шу санъатга ишонадими? Мутлақо ишонмайди, муҳтарама хоним. Аслида у бунга бетараф.

Бир куни шоирнинг мана бу гапи қулоғимга чалинди: “Шеър, аслини олганда, ҳеч нарса эмас. Биласизми, шеър дунёга тортиқ қилинган бўсага ўхшайди. Бироқ бўсадан болалар туғилмайди”. Бунга у ҳеч қандай кўшимча қилмади. Адашмасам, бир нарса демоқчи эдингизми?

Шарлоттага гўё сўз бермоқчи бўлгандек унга томон чўзилган Римернинг қўли кишини ташвишга соладиган даражада титрарди. Аммо унинг ўзи афтидан буни сезмасди, гарчи у қўлини пастга туширишини Шарлотта жуда хоҳлаган бўлса-да, у бунга эътибор ҳам қилмасдан ўша қўлини, худди зилзила пайтидагидек титраётган, силкинаётган бармоқларини ҳавода анча вақт ушлаб турди. У кўринишдан ҳолдан тойган, бунга ҳайрон қолмаса ҳам бўларди. Ахир одам бир нафас билан шундай узоқ, кўнгилга яқин олинадиган нарсалар ҳақида, узлуксиз, ҳаяжон билан, бирор соат нафас ростламасдан гапирадими! Шарлотта бунинг натижасини ташвиш билан унинг ташки қиёфасида пайқади: ранги оқариб кетган, манглайи тер билан қопланган, бўртиб турган кўзлари бўшлиққа маъносиз тикилган, мудом вайсақилиги сезилиб турган оғзига фожиали ниқоб тутилганга ўхшар, оғир, тез-тез нафас олар, нафас олиши эшитилиб турарди.

Пишиллаш ва қалтираш аста-секин йўқолди, ҳеч бир хиссиётли аёл кўз олдида бирорта эркакнинг нафаси қисилиб турганини кўрса – ҳатто бу оддий йўтал бўлса ҳам – бепарво қараб туришни ўзига муносиб кўрмайди. Шарлотта ҳам, ундаги ҳаяжон ва асабларининг таранглигига қарамасдан, бўсага дахлдор ҳазил-хузил сўзлар билан кула-кула уни юпатишга ҳаракат қилди. Ҳақиқатан ҳам, “бўса” унинг учун қалит сўзга айланди; бунга у ҳаракат билан муносабат билдирган эди, Ример буни гўё у нимадир демоқчи, деб тушунган, ҳарҳолда бу ҳам асоссиз эмас эди, гарчи у нима демоқчи эканлигини ўзиям яхши билмаса-да, миясига нима келса сўзлай бошлади:

– Нима қиласиз энди, қимматли жаноб доктор! Бўса билан қиёслаш шеърятни мутлақо камситмайди. Аксинча, бу ғоят гўзал қиёслаш, бу унинг шеърят деган номига ярашиқли, уни энг муносиб тарзда ҳаётга ва борлиққа қарама-қарши кўяди... Биласизми, – сўради у тўсатдан, гўё



рўпарасидаги қаттиқ ҳаяжонланган одамни чалғитиш ва фикрини бошқа мавзуга тортиш мақсадида, – мен нечта болага ҳаёт бағишлаганимни айттайми? Ўн биттага, Худо қайтариб олган иккитаси ҳам шу ҳисобда. Мақтанчоқликка йўйманг-у, мен жуда куюнчак онаман, ўз бахтини кўз-кўз қиладиган ва Яратганининг марҳаматига шукрона айтиб чарчамайдиганлар сирасиданман. Бутпарастлар қироличаси бошига тушган жазодан насроний аёл хавфсирамаса ҳам бўлади. Унинг исмини эсимга сололмайсизми, негадир ёдимдан кўтарилипти? – Ҳа, Ниобия<sup>1</sup>. У она сифатида кибрланиб кетганлиги учун шафқатсизларча жазоланган эди. Умуман олганда, оиламизда серфарзандлик одатий ҳол, бу менинг шахсий хизматим эмас. Немис диний жамоасига қарашли уйда агар бештаси вафот этмаганида эди, ўн олтита бўлардик. Ўзим она бўлгунимга қадар мен бу кичкина тўданинг онаси ўрнида эдим, ўшандаёқ анчагина машҳур бўлиб қолган эдим, Вертер ҳақидаги китоб етиб келиб, уйимизда қўлдан-қўлга ўтганда Гёте билан яқин алоқада бўлган укам Ҳанснинг қувончи еру кўкка сиғмагани худди бугунгидек ёдимда. Китоб иккита эди, биз уни бир вақтда ўқиш учун варақлар ва саҳифаларга бўлиб олган, болалар, айниқса, тинмасак Ҳансимиз уйимиздаги бутун икир-чикирларнинг романда муфассал ёритилганидан қувонишар, меҳрибон эрим билан менинг қандай ранжиганимиз, шахсиятимизнинг элга дастурхон қилинганидан, ҳақиқатга ундан кўпроқ нарса ёпиштириб ташланганидан хавотирга тушганимиз хаёлларига ҳам кириб чиқмасди.

– Айнан шу ҳақда, – ўзини эндигина босиб ола бошлаган Ример фурсатдан фойдаланиб гап қўшди, – аини шу ҳис-туйғулар ҳақида билмоқчи эдим-да.

– Мен бу ҳақда шунчаки сўз очдим, холос, – давом этди Шарлотта, – негалигини ўзим ҳам билмайман, бу ҳақда тўхталиб ўтиришни хоҳламайман. Булар чандикқа айланган жароҳатлар, эски оғриқларни фақат чандиклар эслатиб туради. “Ёпиштириб” сўзи хаёлимга келиб қолди, чунки бу сўз ўша пайтдаги муносабатларимизда катта роль ўйнаган эди ва дўстим ўз мактубларида буни кескин рад қилган, қўнглига жуда яқин олган эди: “Ёпиштириб” эмас, “сингдириб” дейиш керак” деб ёзган эди. Хўп майли, сингдириб бўлақолсин. Бундан аҳвол на яхши, на ёмон бўлиб қолмасди. У Кестнерни, сен Альберт эмассан, мутлақо бундай эмас, деб юпатарди, лекин одамларни бунга қандай қилиб ишонтирасиз? Тўғри, мени Лотта эмассан, деб исбот қилмади, бироқ эримдан, менинг қўлимни қисиб, қуйидаги сўзларни унинг номидан айтишини илтимос қилди: “Сенинг номинг минглаб муқаддас оғизларда эҳтиром билан тилга олиншини англаш ҳарҳолда оғзига кучи етмаганларнинг ғийбатлари ўрнини босади”. Бунда у чинакам ҳақ эди. Мен аввал бошиданок ўзим ҳақимда эмас, ранжиган эрим ҳақида кўпроқ қайғурдим, унинг гўзал хислатлари эвазига ҳаёт унга ато этган яхшилиқлар учун чин дилдан қувондим, айниқса, у фарзандларимнинг отаси бўлди, у ҳам, бу ҳам уларга ҳамиша меҳр кўрсатишганини тан олмаслик мумкин эмас. Бир куни у бизга, ҳамма фарзандларимизга исм қўйишни хоҳлашини, негаки биз қандай бўлсак, улар ҳам унга шундай яқинлигини ёзган эди. Биз ростдан ҳам етмиш тўртинчи йилда тўнғичимизни чўқинтиришини илтимос қилдик, бу болага Вольфганг деб исм қўйишимизни жуда истаган, бироқ биз бундай исмни хоҳламай ўзимизча уни Георг деб атаган эдик. Аммо саксон учинчи йили Кестнер ўша пайтда нечта боламиз бўлса,

<sup>1</sup> Ниобия – юнон мифологиясида Лидия қироли Танталнинг қизи.

хаммасининг силуэтини унга юборган, у бундан беҳад шодланган эди. Бундан олти йил бурун у, франкфуртлик Липперт фамилияли қизга уйланган врач ўғлим Теодорга ўша ернинг фуқаролигини олишга ва Тиббиёт-жарроҳлик академияси профессори лавозимини эгаллашга ёрдам берган эди. Ҳа, кечирасиз-ку, у бунда ўзининг барча имкониятларини ишга солди. Ўтган йили Теодор укаси, легацион маслаҳатчи Август билан бирга Гербермюлда, доктор Виллемерникада уни кўргани борганида уларни очик чеҳра билан кутиб олган, менинг аҳволимни сўраб суриштирган, ҳали шўх болакайлик чоғларида марҳум оталари юборган силуэтлардан уларни танишини айтган. Август билан Теодор бу ташриф ҳақида менга батафсил сўзлаб беришган эди. У силуэтлар ҳақида гапириб, илгари ўзи ҳақида эсдалик қолдириш учун қулай бўлган усул урфдан қолганидан афсусланибди. Ўғилларимнинг айтишларича, у жуда илтифотли бўлган, фақат беш-олтита одамлар йиғилган боғдаги суҳбат маҳалида қандайдир безовталаниб, майсалар устида, бир кўли чўнтагида, иккинчиси кўкрагида у ёқдан-бу ёққа юрган, тўхтаганда эса, оёқларида маҳкам туролмай дарахтга суянган.

– Ҳа, бу ўз-ўзидан тушунарли, – деди Ример. – Унинг кайфияти ёмон бўлган. Силуэтлар ҳақидаги гап шунчаки, нимадир дейиш баҳонасида айтилган. Буни таъкидлаб ўтирмаса ҳам бўлади.

– Билмадим, ҳурматли жаноб доктор. Ўз вақтида у қайчида ишлаш санъатининг нафосати ва афзалликларини қадрлашни биларди. Агар биз унга юборган силуэтлар бўлмаса, у менинг фарзандларим ҳақида қандай тасаввур ҳосил қилган бўларди? Ахир уларга ҳарчанд ихлоси баланд бўлса-да, улар билан танишишга, эски дўсти Кестнер билан қайта учрашишга имкон топмади ҳам, имкон қидирмади ҳам. Силуэтлар шу маънода унга жуда кўл келди. Сиз билсангиз керак, Вецларда Гётеда менинг силуэтим бўлган эди (ҳозир ҳам унда ўша силуэт сақланганми-йўқми, жуда билгим келади), у Кестнердан ўша ҳадяни олганида қанчалар жўшқин қувонч ва миннатдорчилигини изҳор қилган эди. Эҳтимол, унинг бу санъатга ихлоси ҳам шундандир.

– О, ҳа, албатта. Бу нодир буюм бошқа шунга ўхшаш буюмлар орасида турибдими-йўқми, ҳозир аниқ айтолмайман. Бу жуда муҳим нарса, бирор қулай фурсат бўлганда буни аниқлашга ваъда бераман.

– Ўзим ундан бу ҳақда сўрашни истардим. Нима бўлганда ҳам, у қачонлардир бу шўрлик сояга нечоғлик сиғингани менга аён... “Мен уни минг-минг марталаб ўпганман, кетаётганимда ва уйга қайтиб келганимда минг марталаб унга кўл силкиганман”. Худди шундай ёзган у. “Вертер”да айтилишича, у силуэтни менга қайтарган. Худого шукурки, ҳаммамизнинг бахтимизга у ўз жонига қасд қилмади, демак, агар силуэт вақт ўтиши билан йўқолиб кетмаган бўлса, ҳалиям унда тургандир. Бундан ташқари, у расми менга қайтаролмасди, негаки уни Кестнердан олган эди. Айтинг-чи, жаноб доктор, шу совғани ҳатто мендан эмас, менинг турмуш ўртоғимдан, тўғрироғи, икковимиздан олган лаҳзадаги унинг қайноқ қувончи ва унга фавқулодда меҳр кўйиши озгина нарсага ҳам қаноатланишидан дарак бермайдими, нима деб ўйлайсиз?

– Бу шоирона қаноатланиш, – деди Ример, – Сиз айтган нарса, шоирлар учун улкан бойлик, оддий одамлар учун арзимас нарса.

– Афтидан мана шу нарса, – маъқуллади Шарлотта, – болалар билан ростакамига танишишдан кўра уларнинг силуэтлари билан кифояланиб

кўяқолишга ундаган бўлса керак, акс ҳолда бирор ёққа сафари чоғида йўлакай бурилиб кирса бўларди-ку. Агар Август билан Теодор ташаббус кўрсатиб, Франкфуртдан Гербермюльга уни кўргани ўтишмаганда, у бу одамчалардан бирортасини ҳам кўрмаган бўларди, ҳолбуки болаларимнинг ҳаммасини ўзи чўқинтиришни истаган эди, чунки уларни ҳам худди биздек ўзига яқин оларди. Худди биздек. Унинг эски дўсти Кестнер, менинг Ҳанс Христианим, бундан ўн олти йил бурун уни бирор марта ҳам кўрмасдан мени ёлғиз ташлаб абадиятга кетди, у болалардан менинг ахволим ҳақида ижиклаб сўрабди, бироқ узок умримиз давомида бу ҳақда ўзимдан сўрашга озгина бўлса ҳам уринмади. Агар энди, умримиз охирлаб қолганда ташаббусни ўзим қўлга олмаганимда, – эҳтимол бундай қилмаслигим керакмиди, ахир мен синглим Риделникига келганман, қолган ҳаммаси а пропос<sup>1</sup> қилинган.

– Қимматли хоним, – доктор Ример Шарлоттанинг юзига қарамасдан унга томон эгилди, айтмоқчи бўлган гаплари таъсиридами юзида қотиб қолган ифода билан овозини пасайтирди, – қимматли хоним, мен Сизнинг а пропосингизни хурмат қиламан, сўзларингиздаги таъсирчанликни, ташаббус бўлмаганлигидан ҳатто енгил афсусни тушунаман, бу ҳолат у қадар табиий эмас ва одамгарчиликка тўғри келмайди. Илтимос, гапларимдан хайрон бўлманг. Бундоқ ўйлаб кўрсак, аслида завқланишга сабаб топилган жойда хайрон бўлишга ҳам сабаб топилмай қолмайди. У Сизни, қачонлардир қалбини забт этган ва ўлмас ҳис-туйғу бағишлаган инсонни бирор марта ҳам бориб кўрмабди. Бу ғалати ҳол. Агар хайрихоҳлик ва миннатдорликка нисбатан табиат алоқаларига кўпроқ аҳамият берилса, шунақа фактлар юзага чиқадики, улардаги очиқ-ойдин кўриниб турган ғайриодатийлик Сизнинг тажрибангиздаги совуқ ўй-фикрларга таскин бўлиши мумкин. У ерда қандайдир ғалати бадқовоқлик бор, таърифлаш қийин бўлган руҳий тўсик, инсоний қонун-қоидаларга зид, одамни кўкрагидан итарадиган нимадир мавжуд. У бутун умри давомида ўз туғишганларига қандай муносабатда бўлди? Ҳеч қандай, улар ҳақида тилининг учиди гапирарди-ю, аммо хиёнаткорона бепарволик кўрсатарди. Ёшлигида, ҳали ота-онаси, синглиси ҳаёт чоғларида, ундаги биз қоралашга журъат қилолмайдиган аллақандай тортинчоқлик уларни бориб кўришга, уларга хат ёзишга монелик қиларди. Синглиси, шўрлик Корнелиядан қолган биттаю битта болани эсламайди ҳам, ҳатто уни танимайди ҳам. Франкфуртдаги тоғалари-ю холалари, жиянларини-ку бирор марта эслаб ҳам қўймайди. Мархума онасининг кексайиб қолган опаси ўша ерда ўғли билан яшайди, агар улар бунга беришлари керак бўлган, мархума онасидан қолган озгина меросни ҳисобга олмаганда, улар билан ҳеч қандай алоқа риштаси йўқ. Ўз онаси-чи, ўзи таъкидлаганидек, унга “одамларнинг кўнглини ёзадиган қувноқ феъл-атворни” юктирган бечора онагинаси-чи? – доктор Ример янаям пастга эгилди, нигоҳини пастга қаратганча овозини пасайтирди. – Хурматли хоним, бундан саккиз йил олдин у абадиятга рихлат қилганида (у ўшанда мазза қилиб дам олгандан сўнг Карлсбаддан ўз муҳташам уйига қайтаётган эди), улар ўн бир йил кўришмаган эдилар. Ўн бир йил-а, бу айтишга осон, одамнинг ақлига сиғмайдиган ҳолат. У эзилиб кетган, жуда чуқур қайғуга ботган эди, буни ҳаммамиз кўриб, билиб

<sup>1</sup> Шунчаки (фр.).



турдик ва Эрфуртда Наполеон билан учрашуви уни тушкун аҳволдан олиб чиққач, хурсанд бўлдик. Аммо ўн бир йил давомида у бирор марта ота юртига, туғилиб ўсган уйига бирров кириб чиқишни хаёлига келтирмади ёки бунга фурсат топмадими? Э-э, бунга узрли сабабларни истаганча топса бўлади: касалликлар, уруш, курортларга бориш зарурияти... кейингиларни шунчаки ўзни оқлаш учун келтирдим, аммо ўринсиз бўлди, аслида ана шу сафарлар асносида йўлни буриб, ота-она хонадонига кириб чиқиш учун имкониятлар бор эди. Лекин у бундай қилмади, ҳафсаласизлик қилди – нега, деб мендан сўраманг! Эсимда бор, илоҳиёт дарсида устозимиз биз ўғил болаларга Исо Масихнинг ўз онасига қарата: “Аёл, сен билан нима ишим бор?” деган гапларини изоҳлашга беҳуда уринарди. Буни шундай ҳолда тушунмаслик керак, дея уқдирарди у, бу юзаки қараганда гўё хурматсизларча мурожаат ҳам, Худонинг ўғли, барчамиз учун муқаддас бўлган нарсани ўзини гуноҳдан халос қилиш мақсадига бўйсундиришга уриниш ҳам эмас. Бироқ устозимиз бу сўзларнинг маъносини оқлашга бекорга уринган эди, чунки ўша сўзларнинг ибратли томони биз учун шунчалик кам эдики, ҳеч ким уларни тилга олишни истамасди. Фикрдан чалғиганим учун маъзур тутинг! Шу муносабат билан бу гапни тез-тез ёдга олиб тураман, ҳозир ҳам унинг бегоналашиб кетганлигини оқлаш ва Сиздан умуман хабар олмай қўйганлигини изоҳлаш учун келтирдим. Ўн тўртинчи йилнинг кузида, Райн ва Майн бўйлаб сафари чоғида Франкфуртга борганида, она шахри уни ўн етти йил кўрмаган эди. Бу нима? Даҳонинг ўз она шахрига, деворлари уни эмбрион ҳолатида кўрган, туғилиб вояга етган, уни кенг дунёга чиқишга йўллаган шахрига бўлган туйғуларини қанақа журъатсизлик, қанақа тийиб бўлмас тортинчоқлик ёки кекчил уятчанлик белгилайди? Нима, улардан уяладими ёки уларга кўрингиси келмайдими? Биз фақат сўраймиз ва тахмин қиламиз. Аммо на шаҳар, на меҳрибон онаси бундан заррача ҳам ранжimasди, Франкфуртда чиқадиган “Почта хабарлари” газетаси унинг келишига бағишлаб мақола эълон қилган эди (мен уни сақлаб қўйганман); энди онасига келсак, қимматли хоним, ўғлининг буюклиги олдида бош эгиши ва дунёга шундай даҳо инсонни тортиқ қилганлигидан фахрланиши ҳамиша тенг эди. Ўғли узоқда бўлса-да, ҳар бир янги чиққан асарини, тўла асарлар тўпламининг ҳар бир жилдини юбориб турар, биринчи юборган шеърлар тўпламини онаси мудом қўлидан қўймаган. У вафотига қадар саккиз жилдни олишга улгурган ва уларни ярим чарм муковада муқовалатиб қўйган...

– Хурматли жаноб доктор, – унинг гапини бўлди Шарлотта, – шуни эслатиб қўяйки, Сиз менга бекорга она шахрининг кечирувчанлиги ва она муҳаббатининг чексизлигини уқдиришга уриняпсиз. Агар Сизни тўғри тушунган бўлсам, уларни менга намуна қилиб кўрсатмоқчи бўляпсиз, ҳолбуки мен бунга муҳтож эмасман! Мен мутлақо хотиржам, тўғри, унинг қилиқларидан таажжубланган, биров ранжиган ҳолда камтарона хулосага келдим. Кўриб турибсиз, мен худди пайғамбар айтгандек иш тутаяпман: тоғ менинг олдимга келмаса, мен тоғ олдига бораман. Агар пайғамбарнинг таъби нозик бўлса, келмаган бўларди. Шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, пайғамбар тоғ олдига фурсати топилганда боради, тўғрироғи, у тоғни четлаб ўтмоқчи эмас, таъби нозиклик айни мана шунда кўзга ташланади. Мени тўғри тушунинг, Худо раҳмат қилгур хурматли хонимнинг оналарча

ройишлиги менга тамоман маъқул, деб айтолмайман. Мен ҳам онаман, бир гала ўғилларни ёруғ дунёга келтирдим, ҳаммаси одобли, фаол инсонлар бўлиб вояга етишди. Борди-ю шулардан ҳеч бўлмаса биттаси ўзини империя маслаҳатчиси хонимининг ўғилчасидек тутсами, ўн бир йил давомида атиги бир мартагина эшигимдан бош суқмаса ва мен турган шаҳар ёнидан ўтиб-қайтиб, курортма-курорт юрсами, мен унга ўғил қандай бўлиши кераклигини ўргатиб, ишонинг менга, доктор, яхшилаб адабини бериб қўйган бўлардим.

Кўринишдан Шарлоттани зардали-қувноқ кайфият чулғаган эди. Бу аччиқ-тизиқ сўзларни айтarkan, соябонини ерга уриб дўқиллатиб қўяр, кулранг-қўнғир жингалак сочлари остидаги пешонаси қизариб кетган, лаблари табассум қилмоқчи бўлгандагидек эмас, балки бошқача бир тарзда бурилган, кўк кўзларида қизиққонликданми ёки бошқа сабабданми ёш йилтиллари. Гапида давом этаркан, улар киприкларида илиниб турарди:

– Йўқ, гапнинг очиғи, оналарга хос бунақа кўнгилянлик менинг табиатимга тўғри келмайди; юксак фазилатларнинг тескари томонини, яъни ўғилга хос сипоҳликни ҳам кечирмаган бўлардим. Кўрардингиз, пайғамбар тоққа ўзи борганидек, ўзим югуриб келардим-да, унинг ақлини киргизиб қўйган бўлардим. Гапимга ишонаверинг, тоққа нима бўлганини билиш учун мана ҳозир келган эканман, унда қандайдир ҳақим бўлгани учун эмас, Худо сақласин, мен унинг онаси эмасман, у менга нисбатан истаганча бепарво бўлаверсин, бироқ инкор қилмайман, мен билан тоғ ўртасида эски, узилмаган ҳисоб-китобимиз бор, эҳтимол, ана шу эски, узилмаган, қийнайдиган ҳисоб-китоб мени бу ёққа етаклаб келгандир...

Ример Шарлоттани диққат билан кузатарди. У талаффуз қилган “қийнайдиган” сўзи лабларидаги ифода-ю кўзларидаги ёшга мос келадиган биринчи сўз эди. Зеҳни паст эркак-аёлларнинг нималарга қодирлиги ва ҳатто ҳис-туйғуларда ҳам муғомбирлик қила олишларидан ҳайрон қолди ва завқланди: у азоблари, эҳтимол, бир умрлик азобларини ифодалашга, кўз ёшлари ва бурилган лабларига бошқача маъно юклашга хизмат қилувчи матнни олдиндан ўйлаб қўйган эди. Бу матнни шунчалик нотўғри намоён қилдики, гўё буларнинг ҳаммаси унинг зардали-қувноқ нутқи билан боғлиқ эди ва аллақачон, ўша фош қилувчи сўз оғзидан чиқиб кетгунгача гўё шундай эди, у айтган сўзларини ҳеч ким ўша азобларга олиб бориб боғлашга ва айниқса, ўзини олдиндан юрагини тўкиб солиш ҳуқуқи билан таъминлайдиган, бундан олдин айтган сўзлари нуқтаи назаридан қабул қилишга бирор кишининг журъат қилишини, шундай қила олишини истамасди. Ўта айёр мавжудот, ўйлади Ример, учига чиққан муғомбир, макр ва самимиятни бир бутунликда намоён қилиш маҳоратини эгаллаган, дунёга ишқий саргузаштлар учун келган. Биз – эркаклар, қўпол айикполвонлармиз, уларга қиёслаганда лапашангмиз.

Мен унинг қартасига қарашга ва ҳийла-найранглариани англаб етишга муваффақ бўлганимнинг боиси шуки, мен ҳам худди у тортган азобларни бошдан кечирдим, чунки биз шерикмиз, азобларда шерикмиз... Ример унинг сўзини бўлишдан сақланди. Бўртиб чиққан кўзларини унинг бурилган лабларига тикканча гапнинг давомини кутди. Шарлотта сўзида давом этди:

– Қирқ тўрт йил, қимматли жаноб доктор, агар унга ўша пайтдаги менинг ўн тўққиз ёшимни қўшсак, мен учун жумбоқ бўлиб қолди, азобли жумбоқ,



Сиздан яшириб ҳам нима қилдим, силуэтлар билан кифояланиш, шеърят билан кифояланиш, ўзи айтганидек, болаларни дунёга келтирмайдиган бўса билан кифояланиш, аммо улар дунёга келишди, агар иккита ўлганларини ҳам ҳисобласак, ўн битта бола Кестнернинг ҳақиқий, соф муҳаббатидан туғилишди. Яхшилаб ўйлаб, тасаввур қилишга уриниб кўринг, бутун умрим давомида нега бу шубҳалардан халос бўлолмаганимни тушуниб оласиз. Билмадим, ўша пайтдаги ҳолат Сизга маълумми-йўқми... Олий суд тафтиши бошланган пайтда Кестнер, Фалькнинг шахсий котиби сифатида олтмиш саккизинчи йилда Ҳанновердан Вецларга келди. Фальк – Бремен ҳерцогининг элчиси эди, буни билсангиз керак. Буларнинг ҳаммаси вақт-соати етиб тарихий аҳамият касб этади, ўзини зиёли ҳисоблаган ҳар бир одам буни билиши жоиз, буни хаёлдан соқит қилмаслигимиз зарур. Демак: Кестнер – ювош, хушахлоқ, тарбияли ёш йигит, Бремен миссиясининг котиби сифатида шахримизга келди. Мен, ўн беш яшар қизалоқ – ўшанда эндигина ўн бешга кирган эдим-да, – дарҳол унга ишонч билдирдим, у ишидан имконият туғилган пайтларда Немис диний жамоасига қарашли уйимизда бўлар, гавжум оиламизнинг гўё аъзосига айланган эди, ўшандан бир йил олдин биз суюкли, қимматли, унутилмас онажонимиздан жудо бўлган эдик, “Вертер” романи орқали уни бутун дунё биледи. Отамиз, амтман, бир тўда болалар билан бева қолди, мен эса, унинг иккинчи фарзанди, ўзим ҳали деярли гўдак, бор кучим билан болаларни тарбиялаш, уй тутишда раҳматлик онамнинг ўрнини босишга ҳаракат қилдим, қўлимдан келганча уларнинг бурунларини артдим, қоринларини тўйдирдим, бошқарувни иложи борича ўз қўлимда тутишга уриндим, негаки энг каттаимиз Лина бу ишларга қизиқмасди ҳам, уқуви ҳам йўқ эди. Кейинчалик, етмиш еттинчи йилда у сарой маслаҳатчиси Дицга турмушга чиқиб, унга бешта баҳодир ўғиллар ҳадя қилди, улардан энг каттаси, Фрицхен, у ҳам ўз навбатида Империя олий суди архивида сарой маслаҳатчиси бўлди, буларнинг бари вақти келиб маълум бўлади, чунки бу маълумотлар таълим мақсадларида ҳали ўрганилади, шу боисдан мен уларни ёдимдан чиқармай юрибман. Бундан ташқари, Сизга айтиб қўймоқчиман, энг каттаимиз Каролина кейинчалик аъло даражадаги рафиқа ва она бўлди, тарих унга ҳам муносиб баҳо бериши учун қайғурмоқ керак. Аммо у кезларда ориққина, оқ-малла сочли, кўзлари кўм-кўк қизалоқ бўлсам-да, уй-рўзғор ишларига у эмас, кўпроқ мен моҳир эдим, ҳарқалай ҳамма шу фикрда эди. Фақат кейинги тўрт йилда аёл сифатида қаддимни анча ростладим – Кестнерга ёқиш ва уни севганим учун қатъий ишонч билан шундай қилдим. У анчадан бери, ҳарҳолда менга шундай туюлганди, менинг уй-рўзғор ишларига чечанлигимни кузатиб, ҳар нарсани ўз номи билан аташ керак, муҳаббат нигоҳи билан менга разм солиб юрарди. У ҳамма соҳада нима хоҳлашини биларди, бинобарин, бунда ҳам, дастлабки кунларданок у мени, Лотхенни, ўзига рафиқа, хонадонига бекаликка танлаб қўйган, фақат иши юришиб, тўй қилишга моддий аҳволи йўл берса бўлди эди. Бу меҳрибон отамиз қўйган шарт эди, Кестнер ҳаётда ўз ўрнини топиб, оиласини боқишга қурби етадиган бўлсагина отам тўйга оқ фотиҳа беришга ваъда берган, унгача бу ҳақда оғиз очмаслик лозим эди, бунинг устига у пайтда мен ҳали ўн беш яшар суяги қотмаган гўдак эдим. Шунга қарамасдан, ўшандаёқ унаштириш бўлган, ҳар икки тараф иштирокида сўзсиз аҳд тузилган эди: У, олийжаноб

Кестнер, менинг уй-рўзғор ишларига чечанлигим учун мени хоҳлашини, мен эса, у мени жуда хоҳлагани ва унга беҳад ишонганим учун уни чин дилдан хоҳлашимни айтдим, хуллас, биз бир умрга ахдлашдик, бутун ҳаётимизни биргаликда тасаввур қилдик, агар мен кейинги тўрт йилда жисмонан бироз тўлишиб, айтиш мумкинки, аёллик қиёфасига, жуда гўзал қиёфага эга бўлган бўлсам, албатта шундай бўлмоғи зарур эди: энди мен учун ўсмирликдан аёллик даврига қадам қўйиш, поэтик тил билан айтганда, гуркираб очилиш фурсати етган эди. Бу энди ўз йўлига, аммо менинг ҳис-туйғуларим ва тасаввурим бўйича бошқача бўлиши керак эди – ҳаммаси худди шундай аниқ бир ният билан пишиб етилди, фурсати етиб, у куёв деган номга, ўз навбатида мен келин ва бўлғуси она деган номга муносиб қадду бастга эга бўлишим менга етишишни истаган садоқатли одамга муҳаббат ва ҳурмат юзасидан амалга ошди. Ўша пайтдаги тушунчам бўйича, менинг балоғатга етиб, гўзал, келишган қиз бўлиб улғайишимни кутган олийжаноб, садоқатли йигитгагина аталганимни нега таъкидлашни жуда муҳим деб ҳисоблашимни тушунасизми-йўқми, билмайман.

– Тушунаёпман чоғи, – деди Ример нигоҳини пастга олиб.

– Ана энди, айни шу ишлар етилиб турганда учинчи киши, дўст, ёқимтой шерик келди, у четдан келди-да, мана шу муҳитга, ардоқлаб тайёргарлик кўрилган ҳаётга капалак мисол бостириб кириб келди. Уни капалак деганимга ҳайрон бўлманг, чунки у унчалик ҳам енгилтак йигит эмас эди, яъни масалан, енгилтаклиги ҳам бор эди, бироз телбанамо, кийинишлари кетворган, қизларга илакишишни хуш кўрадиган, кучини ва чакқонлигини кўз-кўз қилишни ёқтирадиган, давраларнинг гули эди, у энг қизиқ ўйинларни ўйлаб топар, энг яхши раққоса қизлар жон деб унга қўл узатишарди, булар энди ўз йўлига, ҳарҳолда виқор ва ясан-тусан ҳаммиша ҳам унга тўғри келавермасди, чунки бунинг учун у оғир, руҳияти бой ва фикри кенг эди, аммо чуқур мулоҳазакорлик ва буюк фикрлардан ғурурланиш ҳисси – мана шулар жиддийлик ва енгилтаклик, ўйчанлик ва ўз-ўзидан қониқиш ўртасидаги боғловчи восита бўлиб хизмат қиларди, умуман олганда, у мафтункор эди, буни тан олиш зарур: очикқўнғил ва олийжаноб, бирор хато иш қилиб қўйса, дарҳол бўйнига оладиган хилидан. Кестнер икковимиз уни бирдек ёқтирардик, уччаламиз ҳам чин юракдан дўстлашиб қолган эдик, чунки у, четдан келган кимса, бизнинг орамиздаги муносабатлардан ҳайратга тушган эди, у буларни қувонч билан қабул қилди, дўст ва учинчи киши сифатида унга аралашиб кетди. Бунга унинг вақти етарли эди, чунки Империя судида яхшими, ёмонми ҳеч вақо қилмасди, айни пайтда турмуш ўртоғим юқорироқ лавозим умидида, тағин мени деб кечаю кундуз элчининг идорасидан чиқмай ишларди. Ҳозир ҳам ишончим комил, келгуси тадқиқотчиларни ишонтириб айтаманки, дўстимиз ҳам бундан ҳайратга тушарди. Кестнернинг меҳнатсеварлигини айтмоқчиман, бу унга мен билан ёлғиз қолиш имконини туғдиргани учун эмас, йўқ, у садоқатсиз дўст эмас эди, ҳеч кимнинг бундай дейишга ҳаққи йўқ. Шу билан бирга, у бошиданок мени севиб қолгани йўқ, мени тўғри тушунинг, у бизнинг бир-биримизга аталганимизни, кутилаётган бахтимизни севиб қолди. Шу боисдан у меҳрибон Кестнеримни худди оға-инидек яхши кўрар, унга хиёнат қилишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Аксинча, иккимизни бир-галикда севиш ва бизнинг режали муносабатларимиздан ўз улушини олиш



учун садоқат билан унинг елкасига қўлини қўйган, менга эса кўзини тиккан эди. Бироқ шундай бўлдики, гарчи садоқатли қўлини елкадан олмаса-да, уни унутиб қўйди, менга томон йўналган нигоҳ эса ўзгача ифода касб этди. Доктор, менинг ҳолатимни кўз олдингизга келтириб кўринг, бутун ҳаётим давомида, фарзандларимни ичимда кўтариб, тарбия қилиб юрганымда ҳам шу ҳақда тинмай ўйладим, ҳозиргача ҳам ўйлайман! Меҳрибон Тангрим, унинг назари аста-секин садоқатига қарши бош кўтараётганини, энди у бизнинг унаштирилганимизни эмас, балки мени, бир умрга мени хоҳлаган, фарзандларимнинг отаси бўлишни орзу қилган одам учун тўрт йил давомида қандай ўзгарган бўлсам, шуни севишини сезиб қолдим, агар сезмасам, аёл бўлмасдим. Бир куни у менга аллақандай, ўз ҳолатини, менга бўлган ҳиссиётларини ифодалайдиган, ифодалаши лозим бўлган бир нарсани ўқишга берди, ҳалиям Кестнернинг елкасида турган қўлларига эътибор қилмади. Бу босишга берилган қандайдир асар эди, чунки у тинмай ёзарди, Вецларга ҳам “Темир қўлли рицарь Гец фон Берлихинген” драмасининг қўлёзмаси билан келган эди. “Кронпринц” қаҳвахонасидаги улфатлари шу драмани ўқиб, унга “Очикқўнгил Гец” лақабини беришган эди. У тақризлар ва шу сингари нарсаларни ҳам ёзарди, менга берган битиклари “Франкфурт илмий ахборотномаси”да босилган бўлиб, унда аллақайси поляк яҳудий шоири ёзиб эълон қилган шеърлар таҳлил қилинган эди. У ерда яҳудий ва унинг шеърлари ҳақида кам гапирилган, ўзини ортиқ тутолмаган шекилли, дарҳол қишлоқдаги тинч гўшада учрашган қиз билан йигит ҳақидаги ҳикояга кўчган, мендаги ҳарқанча ибо ва камтарликка қарамасдан, бу қизда мен ўзимни танимай қололмасдим. Матн менга, менинг муҳитимга, ўзаро меҳр-муҳаббатга йўғрилган хотиржам оила даврасига, уйдаги иккинчи она сифатида қиз қалбан ва жисмонан балоғатга етган хонадонга бағишланган дилтортар тасвирларга шу қадар тўлиб-тошган эдики, қизнинг муҳаббатга тўла қалби ҳар қандай юракни ўзига ром қилади (унинг сўзларини айнан келтиряпман), шоир ва олимлар ундаги туғма фазилатларни туғма жозиба билан уйғунликда ҳайрат билан томоша қилиш учун жон-жон деб унинг ҳузурига боришади. Қисқаси, бунақа ишораларнинг охири-кети йўқ, мақсади нима эканлигини пайқамаслик учун одам қип-қизил аҳмоқ бўлиши керак эди. Бу шундай ҳолат эдики, ҳақиқатнинг тубига етиш учун уятчанлик ва камтарлик халақит беролмасди. Бироқ энг ёмони, мени даҳшатга ва таҳликага солган нарса – йигитнинг қизга ўз қалбини таклиф қилгани, бу ёш, жўшқин қалб қиз билан бирга дунёнинг узоқ манзилларидаги сирли ҳузур-ҳаловатга (у худди шундай деган) интилиш, қайнаб-тошадиган бирдамликда (“қайнаб-тошадиган бирдамлик”ни мен қандай билмаслигим керак эди!), абадий яқинликнинг олтинга тенг умидларини (сўзма-сўз келтираяпман) ва бир умр сўнмас муҳаббат лаззатини тотиш учун яратилганини изҳор қилган эди.

– Менга қаранг, қимматли хоним, – унинг сўзини бўлди Ример. – Сиз беҳад муҳим гапларни айтяпсиз. Шунақа маълумотларни келтирдингизки, илм учун буларнинг қиммати нечоғлиги борасида афтидан ўзингизга ҳисоб бермаяпсиз. Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Бу гапларни мен илк бора эшитиб туришим, ишонгим келмайди. Аниқ, қария... бу маълумотларни мендан яширган. Менимча, булар унинг ёдидан кўтарилган ҳам бўлиши мумкин...



– Бунга ишонмайман, – деди Шарлотта, – бунақа нарса унутилмайди. “... қиз билан бирга дунёнинг узоқ манзилларидаги сирли ҳузур-ҳаловатга интилиш” – шубҳасиз, буни у худди мендек ёдида сакласа керак.

– Эҳтимол, – қизишди доктор, – бу ҳужжат Вертер ва унга асос бўлган хис-туйғулар билан боғлиқ. Қимматли хоним, бу бениҳоя муҳим аҳамиятга эга иш! Сизда ўша ёзувлар сақланганми? Уни топиш ва филологлар қўлига откашиш зарур...

– Шунақа кўрсатма билан фанга хизмат қилишни ўзим учун шараф деб биламан, – жавоб берди Шарлотта, – ҳарҳолда якка-ярим хизматлар билан диққатни ўзимга қаратиш жоиз эмасдир, деган фикрни ҳам қўшиб қўймоқчийдим.

– Гапингиз тўғри! Жуда тўғри!

– Яҳудий ҳақидаги тақриз менда йўқ, – давом этди у, – бу билан ҳафсалангизни пир қилишимга тўғри келади. Ўшанда у ёзувни менга дарҳол ўқиб чиқишга берган ва унинг кўзи олдида ўқишимни талаб қилган эди, агар мендаги камтарлик ва сезгирлик ўртасида қанчалик оғир ихтилоф келиб чиқишини билганимда эди, сираям бундай қилмаган бўлардим. Унинг афтига ҳам қарамасдан тақризни қайтариб берганим учун юзида қанақа ўзгариш бўлди, билмайман. “Сизга ёқдими?” – сўради у паст овозда. “Яҳудий унчалик мамнун бўлмайди” дея совуқ жавоб қайтардим мен. “Сиз-чи, Лотхен, Сиз мамнунмисиз?” “Руҳий осойишталигим жойида” жавоб қайтардим мен. “О, мен ҳам шундай деяолсам эди ўзим ҳақимда!” дея хитоб қилди у гўё тақризнинг ўзи камлик қилгану яна бу хитобга зарурият туғилгандек, бу билан Кестнернинг елкасидаги қўл унутилган, энди бутун тириклик Кестнерга тегишли бўлган унинг қайноқ севгисининг жонлантирувчи нигоҳи остида менда барг ёзаётган нарсага қарайдиган кўзларига йиғилганини билдирмоқчи бўлди чоғи. Ҳа, менинг борлигим, менда нима бўлса ҳаммаси, ўн тўққиз ёшимнинг жозибаси деб аташ мумкин бўлган ҳамма нарса суюкли турмуш ўртоғимга, бизнинг соф ҳаётий орзу-умидларимизга аталган эди, у “сирли ҳузур-ҳаловат” ва қанақадир “бир умр сўнмас муҳаббат”га бағишланмаганди, мутлақо. Лекин, доктор, Сиз мени тушунасиз, ишонаманки, ҳамма мени тушунади, сабаби, қиз бола унинг баҳорий гўзаллигини фақат бир киши эмас, у кимга аталган бўлса, айтиш мумкинки, ким учун дунёга келган бўлса, фақат ўшагина эмас, балки бу гўзалликка тағин бошқа биров, учинчи киши ҳам кўз тикса, бундан қувонади ва роҳатланади, бу биз учун ҳам, ўша гўзалликка эга бўлиш манглайига ёзилган киши учун ҳам қадримизни оширади. Меҳрибон Кестнерим менинг бошқалар наздидаги, айниқса, ўзининг беназир истеъдодли дўсти наздидаги ютуғимдан қувонганини кўриб мен ҳам беҳад қувонардим, у дўстидан ҳайратга тушар, менга ишонгандек унга ҳам ишонар ёки тўғрироғи, сал бошқача, унча чуқур ҳурмат билан эмас, чунки турмуш ўртоғим менга ишонарди, менинг ақл билан иш қилишимга, нима хоҳлашимни билишимга ишончи комил эди, унга ишонишининг сабаби, у нима хоҳлашини ўзи мутлақо билмас, мақсадсиз, довдираган бир ҳолда эди, уни шоир сифатида севарди. Қисқаси, доктор, ўзингиз кўриб турибсиз! Кестнер мени жиддий қабул қилгани учун менга ишонарди, унга ҳам ишонарди, гарчи ундаги шукуҳ ва улуғворликдан ҳайратга тушса-да, уни жиддий қабул қилмасди, шоирона муҳаббати орқасида тортадиган изти-



робларига ачинарди. Мен туфайли унинг азобланаётганидан, яхшигина дўстликдан кечиб бунақа аҳволга тушиб қолганидан мен ҳам қийналардим, бироқ Кестнернинг уни жиддий қабул қилмагани, уни у қадар ҳурмат қилмасдан ишониши мени икки карра хафа қилар, бундан тез-тез виждоним қийналарди, назаримда мен бунақа нолойиқ муносабатдан дўстим билан бирга ранжиб, турмуш ўртоғимга хиёнат қилаётгандек эдим. Шу билан бирга, бундай ишонгани мени хотиржам қилар, бунга панжа орасидан қарашга, учинчининг самимий дўстлиги шубҳали бир тарзда ўз тусини ўзгартиргани, Кестнернинг елкасидаги қўлини унутганини кўриб жуфтни тоқ дейишимга йўл очар эди.

Тушунасизми, доктор, бундай хафалик туйғуси менинг ўз бурчим ва мулоҳазакорликдан бегоналашишимнинг белгиси эканлиги ҳамда Кестнердаги ишонч, кўнгли кенглик мени андак мулоҳазасиз қилиб қўйгани Сизга равшан бўлди менимча-а?

– Юксак хизматларим туфайли, – жавоб берди Ример, – бунақа нозик масалаларни ечишда тажрибам бор, ўйлайманки, ўша пайтдаги ҳолатга ҳарҳолда фаҳмим етади. Шу ҳолат Сиз учун туғдирган қийинчиликлардан ҳам, ҳурматли хоним, кўз юмиб ўтолмайман.

– Бунинг учун Сизга раҳмат, – деди Шарлотта, – ишонтириб айтаманки, воқеалар қачонлардир бўлиб ўтган бўлса-да, бу нарса Сизга миннатдорчилик билдиришимга монелик қилолмайди. Бу ерда вақт одатга қарши умуман аҳамият касб этмайди. Айтишим мумкинки, қирқ тўрт йил давомида ўша пайтдаги ҳолат ҳалиям худди ҳозир бўлгандек эскирмаган ва янги-янги мулоҳазаларни келтириб чиқараверади. Ҳа, ўша ўтган йиллар қувончу ташвишларга ҳарқанча тўла бўлмасин, бирор кун йўқ эдики, ўша воқеалар ҳақида ҳаёлга толмасам, унинг оқибатлари, бутун онгли инсоният учун улар нималар келтириб чиқаргани кундек равшан.

– Кундек равшан.

– Гапимни тасдиқлаганингиз қандай яхши, жаноб доктор, бу билан мени беҳад руҳлантирдингиз! Бундай ёқимли сўзларни айтишга тайёр турган одам билан суҳбатлашиш дилга ёқади. Афтидан, Сиз “юксак хизматлар” деб атаган нарса кўп жиҳатдан ростдан ҳам Сизда акс этган ва одам ҳамма нарсани айта оладиган ва айтишни истайдиган истиффорни қабул қилувчи руҳоний хислатларини сингдирган, чунки буларнинг ҳаммаси унга “кундек равшан”. Ўшандаги ва анча кейинги воқеалар боис менда пайдо бўлган азобли мулоҳазаларнинг айримларини тўкиб солиш учун Сиз менга жасорат беряпсиз, булар анави четдан келган, биров курган инга ўз хис-туйғуларининг какку тухумини қўйган учинчи кишининг роли ва феъл-атвори ҳақидаги мулоҳазалардир, Илтимос, “какку тухуми” деган сўзимдан ҳайрон бўлманг, эслаб кўринг, бунақа дадил ва қўпол ибораларни қўллаб ўзингиз менга намуна бўлган эдингиз. Сиз “эльфларга хос моҳият” ҳақида эслатган эдингиз, “эльфлар” сўзининг “какку тухуми”дан ҳеч бир аъло жойи йўқ. Бунинг устига, бу сўз узоқ йиллар давомидаги узлуксиз ва чуқур ўй-хаёлларнинг ифодаси, мени тўғри тушунинг, мен: натижаси демаяпман! Натижаси, десак чиройли ва муносиб бўлмас эди, бу аниқ. Йўқ, таърифлар, маълум маънода, давом этадиган ўй-хаёллардир... Демак, мана бу гапдан ортиқ ҳеч нарса демоқчи эмасман: тузуккина бир йигит қизга севгисини бағишлаб, пойига сажда қилмоқчи – сажданинг ичида,

қизни хижолат қиладиган хиралик ҳам йўқ эмас, албатта. Йигит ўзини қанчалик ўзгача ва ёрқинроқ намоён қилса, у билан мулоқотлар қанчалик марокли бўлса, шубҳасиз, булар қизнинг қалбида ҳам жавоб ҳиссиётларини уйғотади. Менимча, йигит ўз дидидаги қизни ўзи танлаб, ўз ҳаёт йўлида ўзи топиб, унинг афзалликларига ўзи баҳо бериб, унга ўз қалбини тортиқ қилиш учун уни номаълумлик ботқоғидан олиб чиқиши жоиз эди. Мана шу қирқ тўрт йил давомида ўзимга берадиган саволни нега энди Сизга бермаслигим керак: бу йигит билан мулоқот нечоғлик гаштли бўлмасин, нега ўз жуфтини танлашда ва севишда унда мустақиллик етишмайди, нега учинчи бўлиб бошқага аталган ҳамда ўша туфайли куртак ёзаётган одамни афзал кўради? Ким бошқаларнинг севгисига бурнини тикади, бошқаларнинг ҳаётига бостириб кириб, ўзгалар насибасига кўл чўзади? **Унаштирилган қизни севиш**, мана шу нарса мени турмушга чиққанимдан кейин ҳам, бевалик йилларимда ҳам бошимни қотириб келди. Куёвга садоқатли дўстлик туйғуси билан йўғрилган севги, ҳарқанча хираликлар қилмасин, у севгисидан воз кечмайди, бўсани ҳисобга олмаганда куёвнинг ҳуқуқларини чеклашни ҳаёлига келтирмайди, барча ҳаётий ҳуқуқ ва мажбуриятларни дўстининг ихтиёрига қўяди, анави икковининг никоҳидан туғиладиган болаларни чўқинтиришни олдиндан ўз бўйнига олади, агар бу ҳам насиб қилмаса, силуетлар орқали улар билан танишади... Биласизми, бу нима дегани: унаштирилган қизни севиш – нега бу нарса узоқ йиллик оғир кечинмаларга сабабчи бўлиши керак? Охири шунга келдики, тилимнинг учида битта сўз тинмай айланадиган бўлди, ичдан ҳарқанча қаршилиқ кўрсатмайин, бундан ҳечам қутулолмадим. Бу – “текинхўрлик” деган сўз.

Жим қолишди. Кекса аёлнинг боши қалтирарди. Ример бир зумга кўзларини юмди ва лабини тишлади. Кейин ўзгача бир хотиржамлик билан гап бошлади:

– Шу сўзни айтишга ўзингизда куч топганингизда уни эшитишга менда ҳам жасорат бўлишини ҳисобга олган бўлсангиз керак. Фикримга қўшиласиз деб ўйлайман, иккаламизни ҳам бир зум жим қолишга мажбур қилган қўрқув ўша сўзнинг маъноси ва илоҳий аҳамияти билан боғлиқ қўрқув эди, уни айтаётганда бу Сизнинг ҳам эътиборингиздан четда қолмади. Мен бу фикрни бутун борлиғи билан тушунаман, бундан хотиржам бўлаверинг. Илоҳий текинхўрлик – илоҳийликнинг инсон даргоҳига тушиши, деган тушунча ҳам мавжуд, бу бизнинг тасаввуримизда янгилик эмас, заминий ҳузур-ҳаловатда илоҳнинг тасодифий иштироки, бандасига тегишли маҳбубанинг олий мақомда сайланиши, тақводор, Худодан кўрқадиган, бунақа аралашувлардан ўзини таҳқирланган, ҳақоратлангандек эмас, балки аксинча, ҳурмат-эҳтиромга сазовордек ҳис этадиган инсон завжасига Тангрининг ишқи тушиши демакдир. Унинг ишончи, хотиржамлиги шерикликнинг айнан шу қўнимсиз-илоҳий моҳиятидан келиб чиқади, бу шерикликка иззат-ҳурмат ва илоҳийлик уйғотадиган ҳайратга зиён етмаган ҳолда маълум бир реал аҳамиятсизлик хос – буни эслатаётганимнинг сабаби Сиз “жиддий қабул қилмаслик” ҳақида гапирган эдингиз. Аслида илоҳийликни тамоман жиддий қабул қилмаслик жоиз, албатта, чунки у инсонлар орасида истиқомат қилади. Заминий куёв тўла ҳуқуқ билан ўзига: “Ташвиш тортма, бу фақат Худо” дейиши мумкин, бунда “фақат” сўзи шерик-ошиқнинг олий табиатини самимий тан олиш билан тўлиб-тошган бўлади, шубҳасиз.



– Шунақа эди, дўстим, унинг ишончи мана шундай лиммо-лим, ҳатто ундан-да ортиқ эди, турмуш ўртоғим Кестнернинг кўпинча азобланганини сезардим: гарчи анави учинчининг эҳтиросларини жиддий қабул қилмасак-да, шундай буюк шахс олдида мен севгилимга эга бўлишга лойиқманми? Мен уни анавичалик бахтли қила оламанми, ҳарқанча қийналсам-да, яхшиси ундан воз кечиб кўяқолсаммикан? – дея иккиланарди. Иқрор бўламан, шундай вақтлар бўлардики, мен Кестнердаги шубҳаларни бар-тараф қилишга бутун қалбим билан тайёр бўлмасдим, буни истамасдим. Буларнинг ҳаммаси, доктор, эсингизда бўлсин! Гарчи биз иккаламиз ҳам ўзимизча сезардикки, унинг эҳтирослари изтиробларга қанчалик мубтало бўлмасин, қандайдир ўйинга ўхшаган, ишониб бўлмайдиган бир нарса эдими, қандайдир ғайриоддий, ғайриинсоний мақсадларни кўзловчи кўнгили воситасими, ишқилиб, охири шу хулосага келдик.

– Қимматли хоним, – деди доктор ҳаяжонланган ва огоҳлантирувчи оҳангда, у ҳатто узук безаб турган бармоғини баланд кўтарди, – шеърият – бутун илоҳиётлигига қарамасдан ғайриинсоний эмас. Тўққиз йил, яна тўрт йил мен шеъриятга мардикорлик ва котиблик қилдим, яқин алоқада бўлиб, у ҳақда кўп нарса ўргандим ва у ҳақда бемалол гапира оламан. Аслини олганда, у сирли ибодат, илоҳийликнинг инсонийликка айланиши; у тенг даражада ҳам инсоний, ҳам илоҳий – бизни насронийлик илмининг чуқур сир-асрорларига ва мажусийликнинг мафтункор мифларига йўлловчи феномен. Бунинг сабаби унинг илоҳий-инсоний икки тарафлилигида ёки у гўзалликнинг айни ўзи эканлигидами, майли, фарқи йўқ, у ўз-ўзига мафтун бўлишга мойил ва бу ўз аксига маҳлиё бўлган қадимги гўзал бола тимсолини эсга солади. У жилмайиб, ўз-ўзига қандай назар ташласа, сўзлар, ҳис-гуйғулар, фикрлар, эҳтирослар ҳам шундай ҳаракатланади. Ўз-ўзига мафтун бўлиш – бу оддий фуқарога хос эмас, аммо олий доираларда, муҳтарама хоним, бу сўз айб ҳисобланмайди – ахир гўзаллик, шеърият қандай қилиб ўз-ўзига маҳлиё бўлмасин? У энг эҳтиросли эҳтирос билан ўз-ўзига маҳлиё бўлади, у изтиробларда инсоний, ўзига маҳлиёликда илоҳийдир. У муҳаббатнинг турли шакллари ва кўринишларида ўзини намоён қилади, масалан олайлик, унаштирилган, яъни севиш мумкин бўлмаган қизни севиб қолади. Ўзида бегона, ноинсоний, ишқий олам белгисини ташир экан, шеърият ўз ихтиёри билан аралашиб қолган гуноҳлардан маст бўлиб, одамлар билан алоқага киришишни, уларнинг ишларига бош қўшишни ёқтиради, деб ўйлайман. У улуғ амалдордан кўп нарса юқтирган, бу эса ундан, шеърият аталмиш бу жаноб оддий халқдан чиққан, ақлини йўқотиб, унга топинадиган қиз олдида пальтосининг барларини ланг очиб, испан сарой аъёнининг ҳашаматли кийимида пайдо бўлишни ёқтиради... Шеъриятнинг ўз-ўзига маҳлиёлиги мана шундай...

– Бу ўз-ўзига маҳлиёлик, – деди Шарлотта, – назаримда, ўта камсуқумлилик билан боғлиққа ўхшайдики, унинг ҳақ-ҳуқуқларини бор бўйича англаб етиб бўлмайди. Ўша кезлардаги мендаги саросималик, узок давом этган саросималик – буни яшириб ўтирмайман – нисбатан ачинарли роль орқасида пайдо бўлган эди, ҳозир эса буни Сиз айтган илоҳийлик билан тенглаштираяпмиз. Сиз, қимматли доктор, оғзимдан чиқиб кетган кўпол сўзни ниҳоятда юксак даражада талқин қилишга муваффақ бўлдингиз, бунинг учун Сиздан миннатдорман. Аммо, гапнинг пўсткалласини айтганда,

илоҳий текинхўрлик деганингиз қанчалар ачинарли кўринишга эга эди, биз, бир-бирига аталган оддий инсонлар қалбида орамиздаги учинчига, дўстимизга, гарчи у оддий бандалардан беҳад юкори турса-да, аллақандай ачиниш ҳисси ҳукмрон эди. Лекин ўзини бечорадек тутиб, бошқалардан садақа қабул қилиши керакмиди унга? Кестнер унга совға қилган менинг силуэтим, кўйлагимдаги бант садақа бўлмай нима? Яхши биламан, улар ўз навбатида қурбонликка, яраштирувчи қурбонликка ўхшаган нарсалар эди, чунки мен, келин, ўзим буни хоҳлаган, совға менинг розилигим билан қилинган эди. Лекин барибир, доктор, бутун умрим бўйи, бу Худо қиёфасидаги йигитнинг камсуқумлигига ҳайратланишдан тўхтамадим. Ҳозир Сизга бир воқеани айтиб бераман, бу ҳақда қирқ йилдан бери бош қотириб келаман, лекин изоҳини тополмайман – буни менга Борн айтиб берган эди, Лайпцих бургомистрининг ўғли, уни университетда ўқиб юрганидан бери танийдиган, амалиётчи Борн, – уни Сиз биласиз. Борн у билан, биз билан ҳам, айниқса Кестнер билан яхши муносабатда эди. Ажойиб, яхши тарбия кўрган йигит бўлиб, ўта назокатли эди, айрим қилиқларни кўпам маъқуллавермасди. Кейинроқ билишимча, унинг ўзини тутиши, менга яқин олиши Борнни ташвишга солган экан, чунки буларнинг барини, яъни орқамдан эргашиб, мени умр йўлдошимдан тортиб олишга интилишини Кестнер учун зарарли бўлган бекорчи ишлар деб ҳисоблаган. Кестнер сафарга кетган пайтида Борн унга мана бу гапларни айтган. “Оғайни, – деган у, – бунақаси кетмайди, нима қиляпсан, бу ишнинг охири нима билан тугайди? Қизни ҳам, ўзингни ҳам ғийбат қилишларига йўл очяпсан, агар мен Кестнер бўлганимда, Худо ҳаққи, бу менга ёқмаган бўларди. Ақлингни йиғиб ол, оғайни!” Биласизми, у нима деб жавоб қайтарган? “Майли, мен аҳмоқман, – деган у, – лекин бу қизни ниҳоятда қадрлайман, агар у мени алдаса (агар мен уни алдасам, у шундай деган), агар у ўзини одатдагидек тутиб, ўз жозибасини янаям кўз-кўз қилиш учун Кестнердан ниқоб сифатида фойдаланса, мен буни пайқаган лаҳза, уни менга яқинлаштирган, яъни у турмуш ўртоғига хиёнат қилган лаҳза танишувимизнинг сўнгги лаҳзаси бўлади”. Хўш, бу гапга нима дейсиз?

– Жуда зўр, ўринли жавоб, – деди Ример кўзларини пастга олиб, – Сизга бўлган ишончидан, унинг Сизга эргашиб юрганини нотўғри тушунмаслигинизга умид боғлашидан дарак беради.

– Нотўғри тушунмаслигим? Ҳозиргача ҳам уни нотўғри тушунмасликка ҳаракат қиламан, айтинг-чи, уни қандай тўғри тушуниб бўлади? Йўқ, у хотиржам бўлаверсин, мен зинҳор гўзаллигимни кўз-кўз қилиш учун Кестнеримни ниқоб қилишни ўйламаганман, бунинг учун мен ҳаддан зиёд ақлсиз бўлишим ёки унинг сўзлари билан айтганда, ўзимни одатдагидек тутмаслигим керак эди. Бироқ унинг ўзи-чи, эрига хиёнат қилишни истамайдиган банд қизга нисбатан эҳтиросларига ва ўз ҳаракатларига ниқоб сифатида Кестнердан фойдаланмадимми? Ўзи мени алдамадимми, қалбимни ўзгарувчи илҳомбахш-жозибадор кўркемлиги билан мени қийнамадимми, ахир мен бу жозибадорликни хоҳламаслигимни, бунга ҳаққим йўқлигини, бунга интилмаслигимни ўзиям биларди-ку? Бир куни Вецларга дўсти, дароз Мерк келди, у таъбимга ўтирмасди, ҳамманинг устидан кулавера-диган, ғазабнок қиёфали, турқи совуқ кимса, қарасам юрагим сиқилади, лекин ақли ўткир, уни ўзига хос тарзда, чинакамига севарди, эҳтимол у



севадиган ягона киши шудир. Буни кўриб истасам-истамасам унга яхши муносабатда бўлдим. Хўш десангиз, ўша Мерк унга нималар дегани кейинроқ қулоғимга етиб келди. Прокуратур Брандтнинг қизлари Аннхен, Дортельхенлар билан бирга ракс кечасида ракс тушиб, фант<sup>1</sup> ўйнаб келиш учун боргандик, улар менинг кўшнилариим ва яқин дугоналариим бўлиб, Немис диний жамоаси ҳовлисидаги бир уйда ижарада туришарди. Дортель гўзал, бўйчан, менга нисбатан анча кўзга яқин эди, мен Кестнер учун очилиб кетганимга қарамасдан ҳали хийла нозик эдим, унинг кўзлари ҳам чаросдек қоп-қора бўлганидан кўпинча унга ҳасадим келарди, чунки унга қора кўзлар ёқишини, уларни кўк кўзларга нисбатан афзал кўришини билардим. Ана ўша дароз Гётени четга тортиб шундай деган: “Тентак, нима қилиб юрибсан, бировга унаштирилган қизга эргашиб, вақтинги елга соғуриб? Ундан кўра ана қоракўз Юнона – Дортелга назар солсанг-чи, ўшанинг этагидан тут, ана ишинг юришиб кетади, унинг боши бўш, халакит берадиган ҳеч нарса йўқ. Ҳа, сен ахир вақтни елга учуришга устасан-ку!” Дортелнинг синглиси Аннхен буни эшитиб қолиб, кейин менга айтиб берган эди. У Меркнинг сўзларига қулиб қўйди, деган эди Аннхен, унинг вақтни бекорга ўтказиш ҳақидаги таънасига парво ҳам қилмаган, менга сарфланган вақтини елга учди, деб ўйламагани, агар истасангиз, Дортелнинг банд эмаслигини менинг фазилатимдан кўра афзал деб ҳисобламагани менга ёққан эди. Эҳтимол, бу қизда бирор фазилат кўрган бўлса ҳам, бу унга керак бўлмагандир. Ҳар ҳолда, романда Лоттага Дортелнинг қора кўзларини берган, агар бу унинг қора кўзлари бўлса. Бироқ айтишларича, бу кўзлар Максимилиана Ларошга тегишли эмиш, у франкфуртлик баққол Брентанонинг ёш хотини бўлган, у ўшанинг ёнида “Вертер”ни ёзмасидан олдин уззукун ўтираркан, охири эри жанжал кўтаргач, бормай қўйган экан. Одамларнинг гапларига кўра, қора кўзлар ўшаники эмиш, айримлар уялмасдан, Вертернинг Лоттаси айрим нарсаларни ҳисобга олмаганда менга у қадар ўхшамаслигини уқтиришади ҳам. Бунга Сиз нима дейсиз, доктор, илм кишиси сифатида қандай баҳо берасиз? Ахир бу даҳшат эмасми, ўйлаб кўринг, бор-йўғи қандайдир қора кўз туфайли мен энди Лотта бўлмай қолсам, дилим оғримайдими?

Унинг йиғлаётганини кўриб, Римернинг кўнгли бузилиб кетди. Суҳбатдошининг назаридан қочиб, кескин четга бурилган кекса хонимнинг бурни қизарди, лаблари титраб, ингичка бармоқлари шоша-пиша сумкасида дастрўмолчасини қидира бошлади, у билан киприклари пирпираётган бўтакўзмонанд кўзларидан қуйилай деб турган ёшларини артмоқчи эди, бироқ у яна – Ример буни пайқади – аввал йиғлаганидек, маълум бир мақсадда йиғларди. Аёлларга хос макр-хийла эҳтиёжидан у аллақачон томоғига тиқилиб турган кўз ёшларига, ақлга сиғмайдиган сабаблар ҳақидаги, ўзи уялаётган кўз ёшларига бироз оддий, ҳарҳолда анча бемаъни маъно юклаш мақсадида тез ва айёрона ҳаракатлар қилди. Бир неча сония дастрўмолчасини кўзларига босиб турди.

– Қимматли, ҳурматли хоним, – деди Ример, – шундай бўлиши мумкинми? Арзимас бир иккиланиш Сизнинг обрў-эътиборингизга соя солиши, бир зумга бўлса-да, кўнглингизни хира қилиши мумкинми? Менинг назаримда, сабр-бардошли ва хуш кайфиятдаги қурбонлари бўлиб турганимиз

<sup>1</sup> Фант – қуръа билан танланган иштирокчи ҳазил топшириқни бажарадиган эрмак ўйин.

бизнинг ҳозирги қамал ҳолатимиз, миллатимиз кимда абадий барҳаёт қахрамон тимсолини кўришига Сизда зинҳор шубҳа уйғотмаслиги лозим. Бу гапни мен унинг ўзи – изн беринг! – хотираларининг учинчи қисмида айтиб ўтганидан сўнг гўё Сизнинг улуғлигингиз ҳақида умуман шубҳа бўлиши мумкинми, деган фикрда айтаяпман. Буни Сизга эслатишим жозими? Худди санъаткор ўз Венерасини кўплаб гўзаллар тимсоли асосида яратганидек, дейди у, у ҳам ўз Лоттасида бир қанча латофатли қизлар фазилатларини тўплаган, дея кўшимча қилади у, энг суюкли – энг суюкли киздан олинган, қимматли хоним! Тўхтанг, ҳозир айтаман, ўн иккинчи китобдамиди ёзилгани – кимнинг уйи, кимнинг оиласи, феъл-атвори, ташқи киёфаси, хушчақчақлигини у шундай бир меҳр билан, аниқ тасвирлайдики, бу ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайди. Вертернинг Лоттаси битта ёки бир нечта моделдан яратилганми, дея одамлар сафсата сотаверишсин, майли – буюк даҳо ҳаётидаги энг севимли, энг эҳтиросли эпизодлардан бирининг қахрамони, ёш Гётенинг Лоттаси, қимматли хоним, фақат битта...

– Буни мен бугун бир бора эшитгандим, – деди у табассум билан юзлари кизариб, рўмолча остидан назар ташларкан. – Анави эшикоға, Магер, гап орасида шу фикрни айтди.

– Бунга қарши эмасман, – эътироз билдирди Ример, – оддий одамлар ҳақиқат ичига кириб боришса, уларга қўшиламан.

– Аслини олганда, – деди Шарлотта енгил хўрсиниб, рўмолчасини кўзларига олиб бораркан, – бу анчайин диққатни тортадиган ҳақиқат ҳам эмас, буни ёддан чиқармаслигим керак эди. Битта эпизодга битта қахрамоннинг ўзи етади. Аммо эпизодлар кўп бўлган, айтишларича, ҳалиям топиларкан. Мен узун рўйхатга киритилганман...

– Бардавом рўйхат, – гапни тўлдирди Ример.

– Мени бу рўйхатга тақдир киритган, – гапини тўғрилади Шарлотта. – Бундан шикоятим йўқ. Кўпларимизга қараганда тақдир менга кулиб боқди, у менга, мен бир умр содиқ қолган меҳрибон эрим билан биргаликдаги бахтли ҳаётни тортиқ қилди. Орамизда ранги сўлгинроқ, ғамгинроқ тимсоллар ҳам бор, улар ёлғизликда кўз ёш тўкишдан мадорлари қуриб, эрта оламдан ўтиб кетишди. У менга изтиробларсиз кетмаганини, аммо Фредерикага нисбатан хийла тоза виждон билан кетганини ёзади, бироқ айтишим зарурки, менинг ҳолатимда виждони бироз қийнаган бўлиши керак, у ўзининг мақсадсиз хираликлари билан мени шу даражада жонимдан тўйдирган эдики, юрагим қинидан чиқиш даражасига етарди. У кетгач, ўзимиз, оддий одамлар, ўз даврамизда ёлғиз қолгач, кўнглимиз хира бўлиб, фақат у ҳақда гапирардик, холос. Лекин енгил тортиб ҳам қолдик, ҳа, ўзимизни енгил ҳис қилдик. Ўшандаёқ мен буни ўйладим, аниқ эсимда бор, мана энди, бир умрга ўзимизга мос, табиий, ҳақиқий хотиржам кунларимиз қайта тикланди, деб ўзимни ишонтиришга уринган эдим. Э, қаёқда дейсиз! Ҳаммаси шундан сўнг бошланди, китоб келди ва мен барҳаёт маҳбубага айландим, ягона эмас, Худо сақласин, улар бутун бир рўйхат, аммо энг машхури, одамлар ҳаммадан кўп кизиқадигани мен эдим. Мана энди адабиёт тарихига кирдим, илмий изланишлар объектига, зиёратгоҳга, Мадонна<sup>1</sup> ҳайкалига айландимки, башарият ҳарамидани унинг пойидан мудом халқ қадами узилмайди. Менинг қисматим мана шундай

<sup>1</sup> Мадонна – католикларда Биби Марьям номи.



бўлди, Сиз хайрон бўлманг, мен мудом ўз-ўзимга савол бераман: нега бундай бўлди? Ўша ёз кунлари менинг бошимни айлантирган йигит шунчалар буюк бўлиб кетгани сабаб мени ҳам ўз ортидан эргаштириб кетди-ми? Ўшандан бери ўзимни тахликада, оғриқли шон-шухрат оғушида ҳис этаманки, бунга сабаб унинг ўшандаги мақсадсиз хираликлари эмасми? Менинг оддий, маъносиз сўзларим қандай қилиб абадият учун айтилгандек бўлиб қолди? Жияним билан балга кетаётганимизда гап мавзуси аввал романларга, кейин рақсларга бориб тақалганда, мен нималардир деб валдираганимда, Худо ҳаққи, бу валдирашларим асрларга ошиб ўтишини, китобда абадий сақланиб қолишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Буни билганимда эди, ўшанда тилимни тишлаб ўтирган ёки абадиятга мос келадиган бирор гап айтган бўлардим. Эҳ, жаноб доктор, уларни ўқисам хижолат бўлиб кетаман, пойимдаги бутун инсоният олдида ўша сўзлар билан туришдан уялиб кетаман. Ахир ўша йигит, модомики у шоир экан, менинг сўзларимни сал чиройлироқ қилиб ўзгартирса бўларди-ку, шунда инсоният олдида Мадонна сифатида туришим ярашиқлироқ бўлармиди. Ахир унинг мақсади мени ихтиёримдан ташқари абадиятга дахлдор қилиш экан, бу унинг вазифаси эди-ку...

У яна йиғлади. Бир марта йиғлаган одамнинг кўзида ёши қуримайди. У қисмати олдида ожизона хайронликда боши қалтираганча яна рўмолчасини кўзига босди.

Ример унинг ярим қўлқоп кийган, сумкасини тутганча тиззаси устида ётган чап қўлига эгилди-да, унинг устига авайлабгина ўз қўлини қўйди.

– Ҳурматли, қимматли хоним, – деди у, – қачонлардир Сизнинг сўзларингиздан йигитнинг қалбида уйғонган ҳаяжон инсоният қалбини ҳам абадий ҳаяжонга солаверади. У шоир сифатида буни ҳисобга олган, бу ерда гап сўзларда ҳам эмас.

Эшик тақиллади. “Кириг!” деди Ример беихтиёр ўз ҳолатини ҳам, товушидаги мулойим юпатувчи оҳангни ҳам ўзгартирмасдан.

– Ройишлик билан қабул қилинг, – сўзида давом этди у, – Сизнинг номингиз унинг мислсиз ижодида тилга олинган аёллар орасида ҳаммиша ярақлаб туради ва илмли авлодлар Сизларнинг учрашувларингиз ҳақида худди Зевснинг муҳаббат саргузаштлари ҳақида гапиргандек гапириб юришади. Бунга кўникинг, ҳа, дарвоқе, Сиз бунга аллақачон кўниккансиз, мен каби Сиз ҳам унинг хизматлари туфайли тарих, ривоятлар, барҳаётлик нури тушадиган одамлар, эркаклар, аёллар, қизлар сирасига кирасизки, баайни Исо Масих атрофидагидек... Ким у? – сўради Ример қаддини ростларкан, ҳалиям ўша ҳаяжонли оҳангда.

Хонага Магер кириб келди. Гап Исо Масих ҳақида бораётганини эшитиб, у қўлларини ибодат қилаётгандек қовуштириб олган эди.

*(Давоми келгуси сонда)*





## ҚИРҒИЗ ШЕЪРИЯТИДАН

*Алиқул ҲСМОНОВ*

(1915–1950)

*Қирғиз тилидан  
Турсунбой АДАШБОЕВ,  
Қурбон САТТОР  
таржималари*

### ЭЛ ДАРДИН ЧЕК, ЯККА ДАРДИНГ ДАРД ЭМАС

Ҳар бир даврда миллий адабиёт вакилларининг қай бирови ўз истеъдодининг йўналиши, асарларининг руҳи ва ҳатто ижодий тақдирига кўра бошқа бир халқнинг шоири ё ёзувчисига монанд бўлиб қолади. Бундай “эгизак” адиблар ҳақида гап кетганда, “словен адабиётининг Пушкини”, “испан сўз санъатининг Шекспири” деган таърифлар қўлланади.

Ижодий йўналиши ва тақдири бизнинг маъсум шоиримиз билан бир хил бўлган Алиқул Ҳсмоновни қирғиз адабиётининг Усмон Носири деб аташ мумкин. Буларнинг бири атиги ўттиз икки йил (1912–1944) яшаган бўлса, ундан уч ёш кичик бўлган иккинчиси ўттиз беш йил умр кўрган (1915–1950).

Ажабки, ҳар иккови ҳам оғир турмуш шароити туфайли сил касаллигига дучор бўлган. Бири Магадан турмасида, иккинчиси эса Бишкекда, шеър ёзаётган чоғида столга бош қўйган ҳолда ҳаёт билан видолашган. Иккови ҳам миллий сўз санъатига ўта жўшқин ва ҳассос руҳ олиб кира олган. Шунинг баробарида, Усмон Носир “Боғчасарой фонтани”, “Демон” поэмаларини, Алиқул Ҳсмонов эса Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонини, Ш.Руставели, В.Шекспир, И.Крилов, А.Пушкин асарларини ўгириб, сўз санъатининг бу турини юксак даражаларга кўтара олишган. Қирғиз шеърий таржимачилигининг чўққиси деб тан олинган “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достони ҳозиргача саккиз бора босилган.

Биз кўпинча, узоқ-узоқ эллар адабиётига мафтун бўламиз, шундоқ ёнимиздаги халқлар шеъриятини, назминини эса “ҳаминқадар” деб биламиз. Кимнидир эътироф этар бўлсак, ўшанда ҳам узоқдагилар тасанно айтганидан сўнг қабул қиламиз. Мисол излаб ўтиришининг ҳожати йўқ – Чингиз Айтматов, Ўлжас Сулаймонов... Аслида, қардош адабиётлар бизнинг ўқувчига руҳан яқинроқ, унга кўпроқ таъсир этади. Масалан, худди шу сабабга кўра, Тоғай Мурод ижодини кўшнилариимиз пайқашмаётгандай.

Алиқулга қайтайлик. Қирғиз шоири Алиқул Ҳсмонов ҳозирги Панфилов туманидаги Қапталариқ қишлоғида туғилган. Ота-онасидан эрта етим қолиб, Пишпек ва Тўқмоқ шаҳарларидаги болалар уйларида тарбияланган. 1932 йилдан

бошлаб турли газета ва журнал таҳририятларида ишлаган. Илк шеъри 1930 йилда матбуотда босилиб чиқди. Дастлабки шеърий тўплами 1935 йилда чоп этилган. 1937 йилда ёш шоирнинг яна икки китоби босилади. Аммо 1945 йилда нашр этилган “Махабат” (“Муҳаббат”) тўплами Алиқул Ҳсмонов ижоди қирғиз сўз санъатида фавқуллодда ҳодиса эканини кўрсатди. Шоирнинг жуда кўп асарлари қирғиз адабиётининг дурдоналари ҳисобланади. Юзлаб шеърлар, кўплаб достонлар, драматик асарлар ана шулар жумласидан.

Қирғизистон ёзувчилар уюшмаси 1986 йилда Алиқул Ҳсмонов номидаги мукофот таъсис этган. Шоирнинг шеърлари А.Вознесенский, М.Синельников каби шоирлар томонидан русчага ўғирилган.

Алиқул ўта ҳассос шоир. У қирқинчи йилларда – миллий адабиётларимизни “бахт таронаси” руҳи буткул қоплаб олган бир замонда энг инсоний туйғулар инжа бир шаклларда ифода этилган юзлаб энг сара шеърларини ёзди ва адабиёт, энг аввало, инсон қалбининг таржимони эканини, ҳеч қандай сиёсат уни ўзи танлаган ушу бош йўлидан чалғита олмаслигини далиллади. Шу фазилати билан Алиқул Ҳсмонов, гарчи атиги ўн беш йил ижод қилган бўлса-да, қирғиз адабиётининг энг йирик вакилларида бирига айланди, унинг асарлари қирғиз шеъриятининг энг нодир, мумтоз намуналаридан ҳисобланади.

Шоирнинг асарлари кўплаб тилларга, жумладан ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, тўпламларда босилиб чиққан. Шоир таваллудининг юз йиллиги муносабати билан 2015 йилда унинг шеърлари Арслонбоблик шоир Қурбон Саттор томонидан унинг етмишга яқин шеъри ва бир поэмаси ўзбек тилига таржима қилиниб, “Кўл тўлқини” номи билан Бишкекда китоб қилиб чоп этилди. Алиқулнинг ўзбек адабиёти билан яна бир алоқадор томони – унинг хотини Зайнаб Савронбоева кейинчалик Тошкентга келиб яшаган ва ўтган асрнинг эллигинча-олтмишинчи йилларида Зайнаб тахаллуси билан қирғиз адибларининг бир қанча асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Қурбон Саттор шоир ва таржимон Турсунбой Адашбоев (1939 –2017)нинг шогирди ва издоши. Аслида, Алиқулнинг шеърларини ўғириш ҳам Турсунбой аканинг ташаббуси, рағбати билан амалга ошган эди. Бинобарин, Алиқул Ҳсмонов асарларининг таржималарини ҳавола этар эканмиз, қирғиз сўз санъатининг биздаги энг оташин тарғиботчиси Турсунбой Адашбоев (Аллоҳ раҳматига олсин) номини ҳам миннатдорлик билан ёдга оламиз. У киши бутун умри давомида икки халқ адабий алоқаларини ривожлантириш, жаҳон адабиётининг сара асарларини ўзбек тилига ўғириш ҳамда ўзбек болалар адабиёти ривожига баҳолиқудрат ҳисса қўшди.

Ушбу таржималар Сиз азиз ўқувчига ҳам маъқул келади, деб ишонамиз ва Қурбон Саттор бундан кейин ҳам Алиқул Ҳсмоновдан, бошқа қирғиз адибларининг асарларидан яна кўплаб асарларни она тилимизга ўғириб, ўзбек таржима адабиётини бойитишидан умидвормиз.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

## МЕН ЙЎЛОВЧИ

*Мен йўловчи, тугилгандан ўлгунча,  
Яёв юриб зерикмаган, эринмас.  
Олис экан чиққан йўлим қарасам,  
Юрган билан йўл адоғи кўринмас.*

*Мен йўловчи, улов насиб этмаган,  
Заҳмат билан кетмоқдаман пиёда.  
Ҳали-бери қаримайди сафарим,  
Олдимда йўл ҳали бисёр, зиёда.*

*Қирдан туриб кўз югуртсанг ортимдан,  
Отган ўқдек шиддатим зўр бегумон.  
Намоёндур гар қаршимдан кузатсанг,  
Елкасида тоғ кўтарган паҳлавон.*

## АРМОН

*Билмам, қандай ўйда экан дўстларим,  
Қисматимдан ранжиб, гамга ботурман.  
Замонамнинг бир корига ярамай,  
Эрта сўлиб, музлаб бораётирман.*

*Билмам, қандай ўйда экан дўстларим? Ҳазар қилдим доим ҳаром луқмадан,  
Тақдир мени яратмабди бус-бутун. Пок умрдан қаддим адл, сервиқор.  
Наҳот қуриб, эрта синган ниҳолдай, Ҳеч кимсага чоҳ қазмадим бахилдек,  
Иморатга бўлолмасам бир устун? Босган изим лойдан холи, оппоқ қор.*

## ТЕНГДОШЛАРИМГА

*Ярашмас феъли торлик мард йигитга,  
Сахий бўл, эш бўлиб саховатга.  
Разилу қитмир, худбин бўлсанг агар,  
То абад эришмайсан камолотга.*

*Яхшига йўлиқсанг гар, қадрин билгин,  
Ёмондан ҳам топиш мумкин яхши хислат.  
Эр йигит закий бўлар, ҳам валломат,  
Бандасидан қидирмайди фақат иллат.*

*Маррани кўзлаб чопар ҳар бир бедов,  
Соҳибчангал қуш умиди доим шикор.  
Биродар, ўз қадрингни унутма, лек,  
Ўзганинг қадрига ҳам етмоқ даркор.*

*Қозонингда доим бўлмас қази-қарта,  
Ошигинг гоҳи олчи, гоҳи чикка.  
Одам борки, бир-бирига йўлак-тиргак,  
Йиқилганга кўмак хосдир йигитликка.*

*Гоҳи лойқа, гоҳи зилол бу умрда,  
Ўлгунингча эсдан чиқмас ширинсухан.  
Йигит мисли ўсаётган чинор бўлса,  
Дуо, олқиш ҳаётбахш унга ўзан.*

*Бизга ёр шундай улуг тинчлик замон,  
Онадай, барчамизга тенг, меҳрибон.  
Лек, афсус, бирдек эмас беи панжамиз,  
Яхшиларнинг қаторида бордир ёмон.*



## НАСИБА

*Ким севмайди навқирон ёш фаслида?  
Севги ширин бир неъматдур чинданам.  
Ёш танламас ишқ, муҳаббат ор эмас,  
Биз севамиз, сочга қиров инса ҳам.  
Бу борада менда қизиқ саргузашт –  
Севганим бор икки қизни айни дам.  
Қандай кечди бу қиссанинг адоги,  
Қулогинг тут, сўйлаб берай сенга ҳам*

*“А” си доим мени кўриб қизарса,      Қўш соҳилга битта хавфли якка чўп,  
“З” сида-чи, бўзаради ранги-рўй.      Қўп қийнади мени икки зорманда.  
Бу қизариш, бу бўзариш – бир белги,      Мен янглишиб, бўз соҳилга ўтволиб,  
Иккови ҳам мен ҳақимда сураар уй.      Бир умрга қолиб кетдим армонда.*

## ЎТТИЗ ЁШ

*Умр нега неъматларнинг энг ози?  
Унга ҳоким тақдир деган тарози.  
Бироқ савил, озлиги ҳам майли-ю,  
Унинг ўқдек шиддатидан қотар бош.  
Кечагина анов қирда йўқ эди,  
Қайдан чиқди бу суворий ўттиз ёш?*

*Тулпориға қамчи босар дамба-дам,  
Манзил сари елдек учар бедов ҳам.  
Ажаб, шунча олисми ё бекати?  
Ўзандаги сувдай бедор одамзод.  
Шунинг-чунми тиним билмас умрда,  
Мени доим шошилтирар бу ҳаёт.*

*Бугун шодман, ўтган кунни унутдим,  
Шундай кетсам, индиним ҳам гафлатда.  
Ёшлик – шабкўр, ажал келса бир куни,  
Манглайимни силаб қўймас, албатта.  
Ўттиз йиллик умр мenden юз буриб,  
Ўтди-кетди, бир лаҳзалик фурсатда.*

*Шайтон кўрдим – бунча қайсар, бунча кож,  
Қаршисида инсон ожиз, беилож.  
Ҳаёт-мамот чегараси – ўртаси  
Мўъжизакор яшил яйлов-ўтлоқдай.  
Топилмайди бирон бўш жой, пучмоғи,  
Ризқ-рўзга кон, қайнаб турган булоқдай.*

*Умримизнинг гултожидир ёшлик дам,  
Баҳосига ожиз олтин, ёқут ҳам.*

Пешин ўпиб, бир бор тавоф қилиш-чун,  
 Бир лаҳзага тўхтатолмай мен ҳалак.  
 Ўттизимдан тониб ортга қайтишига,  
 Изн бермас, вақт – қайсар чархпалак.  
 Тонар эдим, тонганимдан не фойда?

Гижинглаган ўн саккиз ёш сен қайда?  
 Узоқ умр тилаб қилгин ибодат,  
 Ўттиздан ҳам кўпроги-ку яхшидир.  
 Ажал билан бас бойлашиб, эл учун  
 Хизмат қилсанг, ўтган умринг нақшидур.

Ўттиз ёшли бу суворий бетиним,  
 Фақат олга елаётир интилиб.  
 Оти чопар, қисмат уни беаёв  
 Таъқиб этиб, қамчи босаётгандай,  
 Олисдаги сирли уфқ қаърига  
 Сароб каби сингиб бораётгандай.

Тўхта умр, бир лаҳзага тўхтаб тур!  
 Кўзинг ваҳший, рангинг заҳил, бунча сур.  
 Сен ўжарга илтижолар икки пул,  
 Тошбағирсан, сенга хосдир бу қусур.  
 Сен қайсарни доғда қўйиб, минг ўлиб,  
 Минг тирилиб, ёшармасам қараб тур!

Умр нега неъматларнинг энг ози?  
 Унга ҳоким фурсат деган тарози.  
 Бироқ савил, озлиги ҳам майли-ю,  
 Унинг ўқдек шиддатидан қотар бош.  
 Кечагина анов қирда йўқ эди,  
 Қайдан чиқди, бу суворий ўттиз ёш?

## ЯНГАМГА

Йўл бўйида бизнинг овул Қайинли,  
 Намозгарда, ҳар кун пода қайтган дам,  
 Танлаганим йилқиларнинг ичидан  
 Менга улов етим тўриқ той илдам...

У дамларда ўпкам экан қўлтиқда,  
 Шаддод эдим мен полапон кезимда.  
 Той елдириб, поезд билан ёнма-ён,  
 Ким ўзарга баслашганим эсимда.



Учқур ёшлик у пайтларда манзилинг,  
Гулзор эди, каккуга ҳам ошиён.  
Ўсмирликнинг толедан сархуш, маст,  
Мен ҳам асов тойчоқ эдим бегумон.

Ҳаш-паш демай, ўн беш йиллар орадан,  
Ўтиб кетиб, уйга келсам таътилга.  
Янгам мендан “Амалинг не” деб сўраб,  
Таклиф этди бўза тўла сатилга.

Юрагимга тиздай ботди бу сўзи,  
Аросатда йиғлайми, ё қулайми?  
Ҳаволарда “Аканг шоир” деб юрсам,  
Бу саволдан мулзамликда ўлайми?

Тил айланмай, чапни буриб жўртага,  
Ҳолин сўраб, “Юрт омонми” деб қўйдим.  
Шоир бўлиб ёлчитмабман чамаси,  
Не-чун яна ўзга бино, зеб қўйдим?

Баландроқ ол парвозингни илҳомим,  
Дурлар терай шеър уммоним қаъридан.  
Қанча соҳир гўшалар бор кўрмаган,  
Ўттиз ёшнинг довонидан нарида.

## САХОВАТ

Оби ҳаёт оддийгина сувлардай  
Оқиб ётса қадам етмас хилватда.  
Ўзим ичмай, умри боқий бўлсин деб,  
Улашардим одамзодга, албатта.

Чунки, бу сув бир ўзимга ножойиз,  
Инсон зоти тез қариган бир ожиз.

Обизамзам мангу қайнар булоқдай,  
Тўхтамас, то қиёмат қайновин.  
Тани соғлом, филдай кучли бўлсин деб,  
Одамзодга бурар эдим пайновин.

Бу қарорга келганимга бир исбот —  
Одамийзод кўп ҳориган махлуқот.

Луқмон Ҳаким мерос қилган гиёҳлар,  
Сероб бўлса ҳар қадамда, ҳамиша.  
Улашмоқ-чун минг бир дардга даво деб,  
Ундар мени савоб деган андиша.

*Не-чун юргум бу хаёл-ла мен бедор?  
Одам борки, бир касалга гирифтор.*

*Инсон жони топилса гар аттордан,  
Иккиланмай, кўплаб харид қилардим.  
Узоқ умр, ҳам фаровон ҳаётни  
Ўзимгамас, ўзгаларга тилардим.*

*Ўзгартириб пича тақдир азални –  
Қолдирардим дорда савил ажални.  
Ангишвона, сақич, хуштак қатори,  
Гўдак умри сотилса-чи, растада.  
Ўзим олмай, улашардим одамга,  
Фарзанд доғи эзган, дили хастага.*

*Бола умри бўлди нечун харидим?  
Башар насли бола мунис, гарибим.*

*Ҳатто мени ёмон кўрган кимсанинг,  
Жони учун келган бўлса Азозил,  
Агар жоним жуфт бўлсайди, унинг-чун  
Берар эдим биттасини беҳазил.*

*Эл дардин чек, якка дардинг дард эмас,  
Эл ғамидан йироқ кимса мард эмас.*

## ҚАЛАМГА

*Сен ҳамроҳим, сен қувватим, сен бахтим,  
Мангуликка ҳамкорликка унатдим.  
Сени севиб қаллигимдан ҳам бурун,  
Юрагимнинг ярмисидан яратдим.*

*Эгизакмиз, тобутгача тотувмиз,  
Машъалимсан, зулматда ҳам раҳнамо.  
Вашингтоннинг долларига алишимам,  
Хазинамсан, қайнарбулоқ, бебаҳо.*

*Зиммангдадир эл номуси, ишончи,  
Йўлдан тоймай, одимлагин ҳақ сари.  
Ўрт оралаб бораётган, зувиллаб,  
Сен давримнинг танка минган аскар.*

*Замон девкор, беллашолмас барча ҳам,  
Замон дарё, қиёси йўқ, сели бор.  
Қанча қийин йўллар босдик, бақамти,  
Яна мушкул довон сероб, бели бор.*



Агар ватан керак деса, биз шаймиз,  
Эр эрки-чун жон беришига ҳам тайёр.  
Қалби дарё ботирлармиз, толели,  
Ер шарининг озод кунжи бизга ёр.

Шундай шонли йўлда тугаб сафарим,  
Тун ямласа, қундузни ўз комида.  
Қуним битиб, мангуликка бош қўйиб,  
Қазо етиб, қолсам ажсал домиди.

Шу заҳоти ҳаялламай қаламим,  
Ортмоқла-ю, кенг водийга дарҳол ет.  
Қўп йиғламай, тўлқинларга яқинроқ,  
Иссиқкўлнинг соҳилига дафн эт.

Қўл мавжлари қилиб турсин зиёрат,  
Сўнги ётган манзилимга бериб зеб.  
Тўлқинлари шивирлашсин: “Шоирнинг  
Юр, кўрайлик, ухлаб ётган ерин деб”...

Бизнинг турмуш, бизнинг давр гаройиб,  
Манглайларга ажсин солган ўқ-чизиқ.  
Қонлар тўкиб эришилган бу ҳаёт,  
Ҳаққи рости, гоят ширин, энг қизиқ..

Сен ҳамроҳим, сен қувватим, сен бахтим,  
Мангуликка ҳамкорликка унатдим.  
Сени севиб қаллигимдан ҳам бурун,  
Юрагимнинг яримидан яратдим.

## УМРИНГДА ДАРЗ БЎЛСА, ШЕЪРДИР ЧЕГАЧИ

Кашишоф эдик, янги замон фарзанди,  
Буйнимизда алвон бўйинбоғ эди.  
Давримизнинг сонияси – мўъжиза,  
Эркалатиб, димоғимиз чоғ эди.

Бир бор келган бу беш кунли дунёга,  
Бир кун берсак ўзимизга ҳисобот,  
Эсиз, умр елга кетган экан деб,  
Армон билан чекмасак бас, хижолат...

Умрингда дарз бўлса шеърдир чегачи,  
Шундай бўлгач, қиста илҳом тулпорин.  
Ярайлик биз замоннинг бир корига,  
Ҳеч ким билмас умр чекин, миқдорин.





*Тецуо МИУРА*

(1931–2010)

## ИДИШДАГИ ВАТАН

Ҳикоялар

*Рус тилидан  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
таржимаси*

*Адиб 1931 йилда Япониянинг Хатинохе шаҳарчасида туғилган. Токиодаги Васеда университетининг француз адабиёти факультетини тамомлаган. Дастлабки ҳикояси “Ўн беш ёшга тўлганимда” деб номланиб, у 1955 йилда эълон қилинган.*

*“Сабр дарёси”, “Юта ва унинг дўстлари” номли ҳикоялари адибга машҳурлик олиб келди. “Пистолет ва ўн беш ҳикоя”, “Адашган шуълалар” номли ҳикоялар тўплами япон насри тараққиётида ўзига хос ўрин эгаллади.*

*Адиб 2010 йилда вафот этди.*

### I

Дам олиш кунлари у шаҳарда сандироклаб юарди. Ҳаво очиқ бўлса кедасини олиб, ёмғир ёғаётган булутли кунларда резина этикда, ранги ўчиб кетган соябонда ташқарига чиқар, трамвай ёки автобусга тушиб, боши оққан ёққа қараб кетаверар эди.

Ўзи чекмаса ҳам тамаки дўконидан бир кути сигарета сотиб олгач, “яқин атрофда кўп қаватли уйлар борми?”, деб сўрарди. Кутилган жавобини олгач, уйга қандай борилишини суриштирар, уни топгандан кейин яна сўроқни давом эттирарди:

– Бу ерда Митобэ Миса исмли қиз яшамайдими?

Исмини нотўғри айтмадиммикин, деган хавотирда қизнинг қиёфасини икки-уч сўз билан таърифлар ва яна кўшиб кўярди:

– Ёши ўн саккизда. Қора мушук кўтариб юради.

Кўп қаватли уйда қора мушук кўтариб юрадиган қизлар кам учраса керак, кўпчилик йигитнинг таралмаган қўнғирсимон сочлари, кир босган тик ёқали кўйлагини кўриши биланок, “бундай қиз бу ерда йўқ” деб кўяқолишар эди. Баъзилари эҳтиёткорлик ила:

– Ўзингиз кимсиз? – деб қизиқсиниб сўрарди.

\* Манба: Миура Т. Блуждающий огонек. – М.: Радуга, 1985.

Йигит: – Айда Кохэй, – деб уларни алдамас, аммо Мисага ким бўлишини айтишга ҳар гал қийналиб қоларди. – Биз бир қишлоқданмиз... – гўлдирарди у, сўнгра кўчага чиқиб, йўлда давом этарди.

Кўпинча, у нима қилаётганию, кўчаларда, устига-устак, якшанбада нега дайдиб юганини ўзи ҳам билмасди.

Шаҳарда қош қорайгунча санғир, бу вақт ичида чўнтагида уч-тўрт қути сигарета йиғилиб қолган бўларди. Уйга келганда уларни кекса эшик оғасига берар, у эса патинко<sup>1</sup> ўйнаб ютиб олган деган хаёлда: “Совғангиз учун раҳмат. Қўлингиз енгил келибди-да”, дея хушомад қиларди.

## II

Шаҳарда дайдиб юриш жонига теккандан кейин Айда якшанба кунлари Фукагава кўчаларидан бирида кичкина боғчада узлуксиз арғимчоқ учишга одатланди.

У болаларга ўхшаб, ҳамиша тахта устида тик туриб учмасди. У ўн саккиз ёшга тўлган, баланд кўтарилиб учишни хоҳлаганда ҳам шундай қилолмасди, сабаби ўнг қўлида бош ва кўрсаткич бармоқлари йўқ, арқонни сиқиб ушлай олмасди.

Болалар оёғини қўядиган тахтача устига ўтиради-да, олдинга-орқага секин бориб келаверади. Арғимчоқда ўтириб, бу ўйинчоқ қишлоқ мактабида ўқитувчилар хонаси рўпарасида осилиб турадиган катта девор соати кафгирининг тебранишига ўхшайди, деб ўйлайди. Баъзан очиқиб, ҳолдан тояй деганда қишлоқ ёнидан оқадиган ирмоқда қайиқда сузганини эслайди. Арғимчоқ ҳам қайиққа ўхшаб тебранади.

Очликдан кўнгли айний бошлаганда боғ бурчагидаги қари ҳимолай кедри тагида жойлашган қаҳвахонага кириб, одэн<sup>2</sup> олиб ейди. У чап қўлида овқатланади, иккинчисини чўнтагидан олмайди, аммо қаҳвахона хўжайини ўнг қўлида икки бармоғи йўқлигини билади. Бир куни Айда қаҳвахонага кирганда одэн жуда ширин кўриниб, яна буюртма берди. Ниҳоят, у “Мана шунисидан бошқа емайман”, деб сихга қўл узатганда хўжайин лукма ташлади:

– Икки юз қирқ иен.

Айда беихтиёр қўлини чўнтагидан чиқариб, ҳамёнини излашга тушди.

– Бемалол еяверинг, пулингиз бўлса бас, – хўжайин кулимсиради. – Қўлингизга ачинаман. Нима бўлган ўзи?

Сезгир бўлса, айтишга тўғри келади. – Тўшак жилдлари чиқарадиган фабрикада ишлар эдим. Машина кесиб кетди, – деди йигитча соддалик билан.

– Тўшак жилди дейсизми?

– Худди шундай. Соч, жун, нейлон чиқиндилари суюқ резинкага аралаштирилади, йўғон-йўғон бўлақларга айлантирилиб, механик аррада бўлақ-бўлақ қилиб кесилади.

– Арра кесиб кетдими?

– Паришонхотирлигим туфайли.

Аслида бундай маълумотни Айдага хушига келганида фабрика эгаси ва уста айтган. Ўзи эса ҳеч нарсани сезмаган. Ҳақиқатни ҳамон билмайди. **Фақат арра ўйнаб кетиб, қўлига теккан дейиш мумкин.**

<sup>1</sup> Патинко – ўйинчоқ автомат.

<sup>2</sup> Одэн – батат, соя сузмасини думалоқлаб, сихга қадаб сувда пиширилган овқат номи.

– Майли, ҳаммаси ортда қолибди-ку. Лекин энг керакли бармоқлар кетипти-да, аттанг, – қаҳвахона хўжайини куйингандай бўлди.

Йигитни бу ташвишга солмасди, аммо келажагини ўйлаганда ғамга ботиб кетарди.

“Ҳатто каламни ҳам ушлай олмаганингдан кейин қандай қилиб нон топиб ейсан?”, – дерди у. Аввал бошданок идоралар ҳақида ўйламади. Оғир меҳнатга ярамайдиган қўл билан станок олдида туриш амри маҳол. Нозик юмушларга ҳам абжир эмас. Фақат ифлос ишларни бажариши мумкин, улар ҳам оғирлик қилишига йигитнинг ақли етади.

– Ҳозир ҳам шундай тўшакларни тайёрлайсизми?

– Йўқ, босмаҳонада ишлайман. Юк машинасида.

– Машинани бемалол ҳайдайсизми?

– Ҳайдаш қаёқда. Юк ортиб-туширишга ярайман, холос.

Қаҳвахона хўжайини тушундим дегандек бошини тебратди, кейин индамай ўнг қўлини кўрсатди. Жимжилоғи йўқ эди.

– Бармогимни арра кесмади. Пулемёт ўқи юлиб кетди, – тушунтирди у.

Эртасига қаҳвахона хўжайини:

– Яқин жойда турасизми? – деб Айдани гапга солди.

– Менми? Канда тураман.

– Канда дейсизми? Шунча узоқдан келасизми?

– Автобусда келаман. Токио метросининг жанубидаги ўн тўққизинчи чиқиш йўлидан юради.

– Қаранг-а! Шу яқин атрофда турасиз, деб ўйларканман.

Хўжайин уни ҳар якшанбада эрталабдан то кўёш ботгунча арғимчок учиб ўтирганини кўрарди.

– Бу ерда аёл танишим яшайди, – деди у хўжайинга кўзини қисиб.

– Доим ёлғиз юрасиз-ку?

– Танишим уйдаси-да...

Қаҳвахона хўжайини юзида ҳайрат ифодаси кўринди. Йўқ бўлса, пойлаб ўтирмасдан кейин келиш мумкин-ку, – деб хаёлидан ўтказди.

– Тохоку одамлари жуда сабр-бардошли бўлади-да.

Айда ҳайрон қолди, ахир қаҳвахона хўжайинига қаерда туғилгани ҳақида гапирмаган эди.

– Гап-сўзларингиздан билиб олдим. Армияда тохокулик йигитлар билан хизмат қилганман. Ҳаммаси ҳалок бўлди, шўрликлар.

Айда индамасдан арғимчоклар олдига қайтди. Бу ердан қарама-қарши томондаги кўримсиз тор кўча яхши кўринарди. Унга кираверишда – иморат пештахтаси орқасида – оқланган икки қаватли уйнинг учта деразаси яққол кўзга ташланади. Ўртадаги дераза Мисаники эди. Хонасига қимматбаҳо кароват қўйилган уйда Тама лақабли қора мушуги билан яшарди.

Миса мушукни қишлоқдан олиб келганди. Кароватини эса барда ишлаётганда сотиб олганди. Йигит бу кароватга биринчи марта ўтирган дақиқани яхши эслади. Оёғи ўз-ўзидан кўтарилиб кетган, бир олдинга, бир орқага бориб келар, худди ётса туриб кетаверадиган қўғирчоққа ўхшаб қолганди.

Айда жуда ҳайратга тушди. Тўшак билан тўлдирилган кароват ҳам шунчалик юмшоқ бўладими? Аввалига лоҳаслик сизди, кейин қовоғи осилди. Энди эса бу фалокат белгиси эканлигини яхши билади.



– Агар деразада қизил сочиқ илинган бўлса – ухляпман, безовта қилмаслик керак, – деди қиз.

Ёзнинг сўнгги кунларидан бирида, соат ўнда эшикни тақиллатган эди, Миса танбех берди:

– Деразада оқ сочиқ кўрсанг, олдимга чиқиш мумкин. Ҳеч қандай сочиқ кўринмаса, уйда йўқ бўламан.

Ўшанда Миса эшикни очмасдан сўраган эди:

– Ко-тян<sup>1</sup>, сенмисан? – сўнг бироздан кейин: – Боғда кутиб тур, – деганди.

Шундан кейин ҳатто капалак қанотидек ҳилпираб турган енгил кийимда бўлса ҳам эшикни очадиган бўлди. Аммо барибир гап қўшиб қўярди: “Мен ҳали ухляпман. Кирасанми?”, “Кўчада бўламан”, рад этарди йигит ва Мисанинг тор кўчага қараган ойнаси очилгунча кутиб ўтирарди. Ўша куни эрталаб эшикни очмагани етмаганидек, қаттиқ танбех берди. Қишлоқдан бирга келганидан бери яхши юришганди, кўз тегдими, нима бало?!

“Барда бирон нарса бўлганга ўхшайди ёки оғриб қолдимикан?” – у тайинлаган жойга борар экан, ўйга толди йигит. Салдан кейин бўялган кўнғир сочлари тўзғиганча югуриб чиқиб келди-да, шартта:

– Энди шундай қиламиз... – деди.

“Нималар демоқчи ўзи?” – кўнгилдан ўтказди йигит. Гап сочиқлар ҳақида экан.

– Акс ҳолда, тўйиб ухلامасдан йиқилиб қоламан. Иккимиз ҳам икки хил дунёда яшаймиз. Ҳатто дам олишимиз бир-бирига ўхшамайди. Мени тушунишинг керак.

Миса осон ўзлаштириб олган токиоликлар лаҳжасида тез-тез сўзлаб, кўнглида кўпдан бери тугун бўлиб келаётган гапларини очиқчасига тўкиб ташлади. Йигит шу кунгача унинг олдида бошини эгиб, таъна-дашном эшитишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Мисанинг бўёқ сурилмаган қонсиз лабларига тикилганича индамай турди. Қиз гапини тугатганидан кейин:

– Тушундим. Сен нима десанг шу, фақат биз ҳар хил дунёда яшаймиз дема.

Миса шишинқираган зилдай қовоқларини осилтириб жим тинглади. Айда вазиятни енгиллаштириш учун ўнг кўлида омон қолган бармоқларини букиб, қувноқ оҳангда гапни давом эттирди:

– Демак, қизил – тўхташни, оқ – юришни кўрсатар экан-да, ҳеч қандай белги ёнмаса, думингни хода қил, шундайми?

Бироқ Миса лоақал тишининг оқини кўрсатмади. Тескари қараб, совуккина:

– Нима деб ўйлаган эдинг, бу ер сенга қишлоқ кўчаси эмас, – деди. Шу куни ёшларнинг гап-сўзлари ковушмади, кўчада бир оз тургач, оддийгина хайрлашишди. Кейинги якшанбада Мисанинг деразасида ҳеч қандай сочиқ кўринмади. Бу уйда йўқлигини билдирар эди. “Балки сочиқ осиишни унутгандир? – ўйларди йигит тор кўчада турганча. – Ҳар қандай одамни бевақт уйғотсанг аччиқланади-да. Жаҳл устида гапириб қўйди.

Айда унинг эшигини тақиллатиб кўрмагунча тинчимасди. У зинадан кўтарилиб бораётганда ҳожатхона эшиги ғижирлаб, пахталик камзул кийган, тиш чўткасини тишлаган Мисанинг қўшниси Хаясида-сан кўринди.

<sup>1</sup> Ко-тян – Кохейнинг кичрайтирилган шакли.

– Миса-тян қаёққадир кетиб қолди, – деди.

Унга таъзим қилиб, жуфтаси ростлашдан бошқа илож қолмади. Демак, Миса шартлашилган белгини унутмаган. Тор кўчага чиққанда ўгирилиб қаради – Мисанинг деразасида ҳеч нарса йўқ эди. Миса гўё “Қорангни ўчир, мен уйда йўқман” – деб кулаётгандек туюлди.

У кўчани кесиб ўтиб, боққа қараб кетди. Дўкончилар йўқ эди. Арғимчоққа ўтирди. Унга тор кўча билан Мисанинг хонаси кўриниб турарди. Қаерга боришини билмасди. Уйда уни қаттиқ кўрпа-тўшак ҳамда бўм-бўш хона кутмоқда; у ёққа боргиси келмади. “Майли, шу ерда ўтириб, Мисани кутаман”, – ўйлади у.

Миса оқшом ҳам бўй кўрсатмади. Кейинги икки якшанба шу зайлда ўтди. Хонада ҳеч қандай сочиқ кўринмас, ғира-шира тушганда чирок ёқилмасди. Ундан кейинги якшанбада ҳам қайсарлигини қўймай боққа йўл олди. Йўл-йўлакай қалбан унинг бугун ҳам келмаслигини сезар, бироқ тўхтаб, ортга қайтишга кучи етмасди. У уйда бор ёки йўқлигини фақат деразага қараб билиши мумкин. Уйда бўлса-чи? Эҳтимол, деразага оқ сочиқ илгандир?

Бояқиш не-не умидлар билан боғда қоронғи тушгунча ўтирди. Ҳар якшанба асосий машғулотни кутиш бўлди. Кун ярмида арғимчоқда тебраниб ўтиришдан толиқар, лекин кайфиятини туширмасди. Қаҳвахона хўжайини унинг сабр-тоқатига қойил қоларди. Аммо гап бошқа ёқда. Айда Токиога келганидан бери ҳар якшанбани Миса билан ўтказар, бошқа кўнгилочар эрмаги йўқ эди.

У ёлғизлик ва бекорчиликдан зерикмас, аксинча, Мисани кутаётганидан илҳом ва қувват оларди. Қиз барибир қайтмас, йигит эса вақтини беҳуда совураётганидан ташвишланай демасди. Мисанинг деразалари ботаётган куёш шафағидан қизара бошлаганда йигитнинг димоғига хушхўр таомларнинг ҳиди урилар, маъюсланиб, кўзларига ёш қуюлгунча сабр қилиб, туфугини ичига ютиб ўтираверарди. У арғимчоқдан кўзгалар экан, “тезгина уч ҳисса овқат еб, яна қайтиб келаман”, – деган ўйни дилидан ўтказди.

Қаҳвахона хўжайини: – Бугун ҳам жуда интизор кутдингиз, – деб дардига шерикдай пешвоз чиқарди. Бундай гапни кўтаришнинг ўзи бўлмайди, Миса қаерга йўқолди? Тирикчилиги қандай кечаётганикин? Ҳатто якшанбада уйига келай демайди-я.

#### IV

Бир куни у: “Миса уйни бутунлай ташлаб кетмадимикан?”, деб ўйлаб қолди. Оҳиста юриб, зинапоядан юқори кўтарилди. Мисанинг эшиги тагида худди қоровулдек қора мушук ўтирарди. Тама шу ерда экан, Миса ҳам уйда бўлади.

У хотиржам эди. Мушукнинг бошига чертиб қўйганди, Тама пинагини бузмай, кўзларини ҳам очмай, аранг “миёв” деб қўйди.

Айданинг қишлоқда ҳам мушукларни жини суймасди. Таманинг меҳрини қозонишга уриниб кўрди, чунки у Мисанинг жону дили эди-да. Аммо уринишлар зое кетди. Мушук уни ёқтирмасди.

Улар Токиога келишганда у зўрға миёвлайдиган мушукча эди. Миса уни саватчага солиб олиб келганди. Йигит Мисанинг бошига тушган барча мусибатларга мана шу Тама айбдор, деб ҳисобларди. Миса бу кулфатлар уясини ўз қўли билан Токиога олиб келган эди.



Миса кишлоқдалигидаёқ заводга ёлланганди. Уч ой ўтгач дўконда ишлай бошлади. Тўрт ой ўтар-ўтмай ошхона хизматига ишга кирди. Ундан сўнг саргарошхона, қахвахона, тамаддихона ва яна қаерлардадир ишлаб, мана ҳозир майхонада хосутэсу<sup>1</sup>лик қилади. Уч йил ичида кам деганда ўн марта хизмат жойини ўзгартирди.

Ўзининг барча сарсон-саргардонликларига Тамани айбдор қилади. У туфайли гўё омадсиз, ишдан-ишга кўчиб, саёхатчи курбақа бўлиб юради. Эҳтимол енгил табиатли қиздир, деган фикр унинг етти ухлаб тушига кирмайди. Аслида Миса Токиога келиши билан бир зумда ўзгариб, у биладиган кишлоқ қизига ўхшамай қолганди. Йигит буни сезмасди. Ҳаммасига Миса эмас, мушук сабабчи деб ҳисоблар, гўёки Тама бекасининг пинжига кириб, бутун шаҳар бўйлаб етаклаб юрармиш.

Тўғри, ўзининг ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Дастлаб, суси сотадиган қахвахонада ишлади. У ерда таъна-дашномга қолди. Мижозлар олдида баланд овоз билан “Марҳамат, келинг”, деб етти букилиш кўлидан келмади. Айда индамай таъзим қилгандан кейин яна жилпанглаб гап қотишни беъманилик, деб ҳисобларди. Ўзи уятчанлиги туфайли бу ердан кетди-ку.

Қахвахонадан кейин европача ширинликлар тайёрлайдиган корхонада, Хитой ресторанида ишлаб кўрди. Ҳамма жойда уни хўрлашар, аммо ҳеч ким ҳунар ўргатай демасди. Ниҳоят, савдо корхоналарида туртинишни йиғиштириб, тўшак тайёрлайдиган фабрикага борди. Бу ерда ярим йил ўтар-ўтмас, ўнг кўлидаги энг зарур икки бармоғидан ажралди. Тамани Мисага ёмонлик келтирувчи ёвуз руҳ деб ҳисоблайдиган бу йигит ўз вужудига ҳам қандайдир ваҳший кучлар кириб олган ва ундан қутилиб бўлмаслигига қаттиқ ишонарди.

Ҳозир Тама тўрт ёшга яқинлашган, йўғон, сурбет мушукка айланганди. Йигит юмшоқ ўринда тиззасига мушукни қўйиб ётган Мисага қарар экан, хавотир ичида кўзини олиб қочар, оғир ҳаёлларга чўмар эди: “Наҳотки, мана шу қиз бундан тўрт йил аввал Токиога келган Миса бўлса?”

## V

Ноябрнинг ўртасида, якшанба куни тушликка яқин, у боғдаги қахвахона пештахтаси устида сусини<sup>2</sup> еб бўлиб, хўжайин билан ҳисоб-китоб қилаётган пайтда конгасури<sup>3</sup>дан тикилган калта кимоно кийган Хоясида-сан ёнидан ўтиб қолди. Кўринишига қараганда, Хоясида-сан ҳаммомга борганга ўхшайди. Кўлида сочиқ, сочлари хўл. Айда таъзим қилди. Хоясида-сан қадамини секинлатиб, хайрон бўлиб қаради.

Қахвахонада ишлаётганда ўрганган одатига кўра Айда яна бир марта таъзим қилгач, арғимчоққа қараб юрди.

– Кечирасиз, – хитоб қилди Хоясида-сан унинг орқасидан бориб. Маълум бўлишича, Миса уч кун аввал бошқа туманга кўчиб кетган экан. Айда оғзини очишга уринди. Аммо биронта сўз айтолмади.

– Уни кутаяпсиз деб ўйлаган эдим, – деди Хоясида-сан. – Майли, саломат бўлинг.

Хоясида уйига қараб юрмоқчи эди, Айда уни тўхтатди.

<sup>1</sup> Хосутэсу – майхонада мижозларга хизмат кўрсатувчи чўри қиз (инглизча hostess - бека).

<sup>2</sup> Суси – пиширилган гуручга балиқ, тухум ва сабзавотлар қўшиб, сиркалаб тайёрланадиган бўғирсоқ.

<sup>3</sup> Конгасури – пахтадан тўкилган, оқ нўхат гулли қорамтир-кўкиш газлама.

- Қаерга кўчиб кетди?  
 – Билмадим. Индамади-ку. Ҳеч ким билмайди. Ҳатто кекса эшик оғасиям. Хоясида-сан икки ҳафта олдин Миса “қатта уйга кетадиган бўлдим”, – деб хурсанд гапирганини айтди. Бундай уйлар Токиода кам дейсизми?  
 – Сизга хабар бермаганмиди?

Айда бошини чайқаб:

– Йўқ... – деди қишлоқча оҳангда.

У довдираб қолган эди.

– Ҳечкиси йўқ, тез орада қаерда эканини албатта хабар қилади. Кутишдан бошқа иложимиз қанча? Майли, мен борай. – Хоясида-сан боғ эшигидан тез чиқиб кетди. Айда секин орқасидан эргашиди. Шу дақиқаларда қахвахона хўжайини билан хайрлашиш зарурлигини ўйламади ҳам. Энди, чамаси, бу боғчага қайтиб келмайди. Бирдан совқотаётганини сизди ва жемпери ёқасини кўтариб қўйди.

У автобус бекатидан ўтиб, Монмаэ Никаматага келиб қолганини билмади. Автобусга ўтиришни хоҳламади. Бўм-бўш хонага қайтиш даҳшатли эди. Пиёда кетди.

Дарёдан Эньёбаис кўпригига қараб эсаётган кучли шамол уни ҳозир осмонга учуриб кетадигандек туюлди. Тўхтади ва номаълум томонга учиб кетишдан кўркиб, темир панжарага суянди. Аслида у эмас, Миса ундан кочиби, ипини узган варракдек ғойиб бўлган эди.

Нихонбаси туманигача яёв юриб келди. Уйга қайтай деса, ҳали эрта. Универмаг олдидаги катта йўлкада одамлар денгиздай чайқалиб ётибди. У ҳам анча шу денгиз ичида сузда. Чиқиш жойида “Япон бонсайи<sup>1</sup> дурдоналари” деган лавҳа осилиб турарди.

Ҳарфлар орасидаги “бон” иероглифига кўзи тушганда боши айланиб кетди. У жемпери энги билан кўз ёшини артиб, яна лавҳага тикилди. Нақадар дилга яқин ҳарф. Унинг юртида Бон<sup>2</sup> бошқа жойлардан бир ой кейин – ўн учинчи августда нишонланади. Қоронғи тушганда ҳамма тоғ этагига, қабристондаги ибодатхонага келар, қариндош-уруғлари қабри устида қарағай илдизларидан гулхан ёқишарди. Қоронғи тушганда тоғнинг қабристон томонида икки юздан кўпроқ машъала ёниб турар, қабристонга олиб борадиган тош зиналар ёнаётган кўл устидаги кўприкка ўхшаб қоларди.

Токиога кетганидан бери у бирон марта – Янги йилда ҳам, Бон байрамида ҳам юртига боргани йўқ. Тўғри, уйдан қочиб кетган эмас. Фақат қайтгиси келмайди. Отаси ўлганидан кейин дайди савдогар онасига илакишиб қолди, шундан бери уйдан бегонасирайди. Мактабни битириши биланок, қишлоққа қайтиб келмайдиган бўлиб кетиш ҳамда умуман қишлоғини унутиш тараддудига тушди. Аммо “бон” иероглифи қабристон оташкадаларида ёнадиган гулханлар тутуни димоғига ургандай эди. Лавҳадаги “сай” иероглифи қандай маъно беришини тушуна олмади. У кўргазмага қўйилган, Бон байрами Япониянинг турли жойларида ишлатиладиган буюмларни англамас керак, деб ўйлади. Бундай кўргазмани босиб ўтиш мумкин эмас.

Аммо эскалатордан чиқиб, залга кирганда ўнлаб чўзинчоқ идишларда ўстириладиган жажжи дарахтларга кўзи тушди. Улар оқ матога ўралган

<sup>1</sup> Бонсай – шиса идиш ёки патнис устида ўстириладиган пакана дарахт, жажжи боғча.

<sup>2</sup> Бон – марҳумларни хотирлаш байрами.



пастак тоқчаларга териб кўйилганди. Ҳайратга тушиб шох-бутоқлари яхши ўсган митти қарағайни томоша қилаётганда кимдир елкасига туртди.

– Айда-кун?

Ҳайрон бўлиб ўгирилибди қаради. Тўшак фабрикасининг қоровули – Цуру-сан экан. “Ғалати жойдаги кутилмаган учрашув”. Цуру-сан ҳам, чамаси, ҳайратга тушган эди.

– Сени бу ерда кўраман деб ўйламаган эдим, – қувониб хитоб қилди у.

– Бонсайга қизиқар экансан-да?!

Ана шунда Айда идишлар ичида ўсадиган жажжи дарахтлар бонсай деб аталиши ҳақида илк бор эшитди.

Улар кўргазмага келганларга халақит бермаслик учун бир чеккага чиқиб гаплаша бошлади. Цуру-сан кўлинг қалай деб сўради, у чўнтагидан кўлини билинтирмай чиқариб кўрсатди. Фабрикадалиги пайтида Айда бўрсиққа ўхшаган Цуру-санни ёқтириб қолган эди, Цуру-сан ҳам бир йўла бармоғидан ажралган бу йигитга хайрихоҳ эди.

Айда кўргазмага биринчи марта киргани учун Цуру-сан биргаликда томоша қилишни таклиф қилди, улар идишлар кўйилган тоқчалар олдига боришди. Бунгача Цуру-сан зални бир неча марта айланиб чиққан эди. Шунинг учун у кўргазманинг ўзига хос томонлари ва ташкилотчилар дуч келган қийинчиликларни батафсил гапириб берди. Айданинг қулоғига завк билан шивирлар, у эса ҳаяжон билан:

– Қойил, ҳаммасини билар экансан, – дер эди.

– Мен бир неча йилдан бери бу санъат билан шуғулланаман-да. Тўғри, асарларим кўргазмага кўйиладиган даражада эмас, лекин ажойиб ижод намуналарим бор. Ишонмасанг, бориб кўрамиз, – деди Цуру-сан.

Айда дарахтлар ўз табиий ҳолатида саклангани маъқул, – деган фикрда эди. Уларнинг тана ҳамда бутоқларини у ёқдан-бу ёққа эгиб, танасида бесўнақай бутоқлар чиқармаслик керак. Бутоқлари тарвақайлаб кетган япон арчаси ва уларнинг ёнида ўсган учта хиноки<sup>1</sup> унга ёқди. Идиш ичида кичкина ўрмонзор манзарасини ўзида мужассам этган қалин дарахтлар тўдасини ҳам завқланиб томоша қилди. Бир идишда ўстирилган аррасимон баргли элма дарахтларида ҳам жонли табиатнинг нафаси уфуриб турарди. Булар жажжи табиатнинг ҳақиқий бир бўлаги эди.

Кўргазмани айланиб чиқишгандан кейин Цуру-сан Айдадан нима кўпроқ ёққанини сўради. Йигит дарҳол:

– Табиат манзаралари, – деб жавоб берди.

– Буни қара-я! Ўйлаганимдай, – хурсанд бўлди Цуру-сан. – Мен ҳам манзарали бонсайларни ёқтираман. Уларни ўстиришга иштиёқим баланд. Чин сўзим, вақтинг бўлганда уйимга кел. Манзара услубида хилма-хил бонсайларим кўп.

Цуру-сан ён дафтаридадан бир варақ олиб, метро бекатидан уйигача қандай боришни чизиб кўрсатди.

– Кейинги якшанбада бора оласанми? – сўради у.

Бундай таклифни кутмаган Айда довдираб қолди, кейин Фукагавадаги боғчага бориб, кутиб ўтиришдан энди халос бўлганлиги, мулақо эркинлиги эсига тушди. Цуру-сан билан бирга бонсайни кўраётган чоғида Миса уни ташлаб, номаълум томонга кетиб қолганини эсламади ҳам.

<sup>1</sup> Хиноки – сарв дарахти.



## VI

У хафтани ғирт бекорчиликда ўтказди. Миса Фукагавада турганда куннинг ўтиши ниҳоятда кийин бўларди. Ҳозир эса ҳафта қандай тамом бўлганини сезмади ҳам, кўз очиб юмгунча якшанба келди. Одатга кўра, кўчага чикди, аммо қаёққа юришни билмай ўйланиб турди. Ниҳоят, Цуру-санникига йўл олди.

Цуру-сан чизиб берган ёзувга қараб, Аракава тўғони яқинидаги ифлос кўчалардан бирида жойлашган уйни жуда тез топди. Уй тор кўча ичкарасида бўлиб, кутганидан кўра кичкина экан. Ҳовлига киргач, кўзлари хайратдан чарақлаб кетди – тоқчалар жажжи дарахтлар ўсган идишларга тўла эди. Цуру-саннинг бунчалик бой хазинаси борлигини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Цуру-сан кадрдони яхшилаб кўрсин, деб манзарадор бонсайларини тоқчага алоҳида териб қўйган эди. Энг аввал унга шуларни кўрсатди. Бир манзара Айдага қаттиқ таъсир қилди. Чуқур талинкани эслатадиган чўзинчоқ идиш ичига тупроқ солиб, бир томони баланд, бир томони паст чинакам тепалик ясалганди.

Тепаликни майса-ўтлар ва шох босган, ана шу кўм-кўк майсалар ўртасида кадрдон қишлоғининг жануб томонидаги эманзор ўрмонни эслатадиган йигирмага яқин пакана, митти дарахтчалар гуркираб ўсиб турарди. Айда бу манзарани кўриб, хайратдан қотиб қолди.

– Хўш, қалай? Биронтаси ёқдими? – сўради Цуру-сан.

Айда индамасдан бир бармоғи билан шиша ичидаги ватанининг бир парчасини кўрсатди.

– Ҳа-а, эманларми? – деди Цуру-сан. – Ёмон эмас. Лекин арчалар яхшироқ, шундай эмасми?

Аммо Айда эман ўсган ўрмонзордан бошқа ҳеч нарсага қарамай қўйди. Ундан нари кетолмади, улар қишлоғидаги эманзорга ниҳоятда ўхшаб кетарди. Кўзига ёш қуйилиб келди. Хаёлида ҳозир ватанида кезмоқда эди.

Цуру-сан уни елкасидан туртиб қўйди. Айда шу заҳотиёқ Токио кўчаларига қайтди. Цуру-сан унинг юзига тикилди, Айда орқага ўгирилиб кўзларини артди, хижолат бўлиб, сочларини силади.

– Қишлоғимиздаги дарахтзорга жуда ўхшайди. Бизда ҳам худди шундай ўрмон бор. У ерда ўйнаб юрардик.

– Ёқиб қолган бўлса, майли ола қол. Бутунлай эмас, албатта, маълум муддатга. Умуман, бутунлай олсанг ҳам розиман, фақат парвариш қилиш кийин. Меъданга тегиб, кейин ўзинг қайтариб берасан. Кунига икки маҳал сув қуясан. Буни удаллашингга ишонаман.

Айда бошини тебратди. Кутилмаганда қимматбаҳо совға қўлига тегди. Уйига таксида қайтди, Миса ёнида бўлмаса, таксига кам тушар эди.

Шу кечаси гултувакни тўшагининг бош томонига қўйиб, жажжи манзараларни узоқ томоша қилиб ётди. Ухлаб қолганини ҳам сезмади. Шу кундан бошлаб ишдан қайтгандан кейин гултувак ёнига чўзилиб, жажжи дарахтлардан кўз узмайдиган бўлди.

Бонсай унинг учун кадрдон юртини эслатадиган мусаффо булоққа айланди. Унга қарар экан, юрагининг энг азиз хотиралари қайнаб чиқаётгандай туюларди. Кичкина ўрмончага тикилиб ўтириш севимли машғулотиغا айланди. Тепалик бағрида ўсган буталар, ўт-ўланларга қарар экан, у ҳали кичкина гўдаклик чоғларида майсалар орасида роҳатланиб ётган дамларни кўз олдида жонлантирарди. Бошини кафтлари устига қўяр, кўзларини

юмиб олар, назарида, ўзи ҳам кичрайиб, гугурт чўпидай бўлиб қолар эди. Эман кўчатлари ўсиб, улкан дарахтларга айланар, илдизлари уни чирмаб ўраб олаётгандай туюларди. Уларнинг ичида шамоллар шивирлар, дарё шовуллар, кушлар сайрарди. Олисдан буғдой янчаётган машинанинг гуриллаши, ибодатхона қўнғироғининг ёкимли жаранглаши эшитилар эди... у кўзларини охиста очиб, юқорига тикиларди. Кўм-кўк тиниқ осмонда эман бутуқлари бир-бирига чирмашиб турар, узилиб тушаётган япроқлари кўзга ташланарди. У ўрнидан турар, сўқмоқдан юриб, ўрмон ичига кириб кетар эди...

Бир куни кўзларини юмиб, ана шундай хаёл суриб ётганида аёл кишининг овози келди.

– Ко-тян!

У бошини кўтарди. Дарахт орқасидан Мисанинг ёшлик жозибасига тўлган қирмизи юзи кўринди.

– Э, сенмисан? Қаерга ғойиб бўлган эдинг? – ҳайрат ичида сўрарди у. Сакраб турмоқчи бўлганда уйғониб кетди.

“Мисани излаб топиш керак”, – ўйлади шунда. Хоясида-сан кутиш керак, ўзи бир энлик қоғоз юбориб, қаердалигини маълум қилади, деган эди. Маълум бўлдики, Хоясида-сан унга тасалли бериш учун шундай гапирган экан.

Якшанба кунлари Миса бирон ёққа борадиган бўлса, уни огоҳлантириб ўтирмас эди, ҳозир эса анчадан бери дараги йўқ, ўзи излаб топиши керак.

У Токиода қанча кўпхонадонли уйлар борлигини билмасди. Бир кунда икки-уч уйдан суриштирадиган бўлса, ҳаммасига кириб-чиқиш учун неча йил керак бўлади?

Ҳар якшанба, Бонсайни ҳам унутиб, яна шаҳарда тентираб юрадиган бўлди. Аммо ҳамма уринишлари фойдасиз эди.

## VII

Декабрнинг охирги якшанбасида, Янги йил арафасида кечкурун юраве-риб чарчаб холдан тойиб қайтиб келди-да, шундоқ ёнгинасидаги ҳаммомга борди. Кўлидаги эски яралар оғрир эди, чамаси, совуққа олдирган бўлса керак. Ҳаммомда яхшилаб ювинди ва тоза, енгил бўлиб уйига қайтди. Факер эшик орқасидан уй бошқарувчи аёлнинг овози эшитилди:

– Ухлаганингиз йўқми, Айда-сан?

– Йўқ, уйғоқман, – жавоб берди у ва еча бошлаган жун кўйлагини қайтадан кийиб, эшикни очди. Бошқарувчининг ёнида ўрта ёшлардаги қилтириқ, кўзлари титраб турадиган, кенг ёпинчиқ кийган нотаниш одам бор эди. Уй бекаси уни терговчи деб таништирди. Айда беихтиёр орқага тисарилди. Ўзича: “Уйма-уй юриб, Мисани суриштираётганим учун танбех беришга келдимикан?” – деб ўйлади.

– Айда Кохэй Сиз бўласиз, шундайми? – терговчи мулойимлик билан савол бериб, остонадан ўтди. – Сиз Митобэ Миса деган аёлни танийсиз, шундайми?

“Терговчи Мисани қаердан билади?” – ўйлади Айда ва танийман деб жавоб берди. У кимингиз бўлади, деган саволга жавоб бериши қийин бўлмади, чунки шаҳарда дайдиб, суриштириб юрганида ҳаммани шу савол кизиқтирарди.

Терговчининг: – Яқин ўртада Миса билан учрашдингизми? – деган саволига у сентябрдан бери кўрганам йўқ, деб жавоб қайтарди.

Терговчи бошини тебратди, Айда савол-жавоб тугади деб ўйлади, аммо терговчи мулойим жилмайди ва кеча қаерларда бўлгани, қандай ишлар билан машғул бўлганини сўради.

– Кечкурунми? Мана шу ерда. У полдаги татами<sup>1</sup>ни оҳиста босиб кўрсатди.

– Фақат шу ерда бўлдингизми? – терговчининг чехрасига табассум ёйилди, аммо кўзлари жиддий эди. – Нима иш қилдингиз?

– Нима иш дейсизми? Манзараларни кўриб ўтирдим.

– Қандай қилиб?

– Бонсай ичида.

– Ҳм! – хайратланди терговчи ва хонага тез кўз югуртирди.

– Қани улар?

– Мана шу ерда. – Айда ойнаванд эшикни очиб, дарчани сурди ва нам балкончада шундоқ оёқ остида турган бонсайни кўрсатди. Терговчи букилди, кўлларини тиззасига қўйиб, гул тувак устига энгашди.

– Шуларни манзара деяпсизми?

– Ҳа.

– Булар қанақа дарахтлар?

– Эманлар.

– Эманлар? Уларнинг илдизи борлиги хаёлга ҳам келмайди. Бутоқлари санчиб қўйилгандек.

Айда қалтираб кетди. Аҳвол ғалати тус олмоқда эди. Ҳеч нарса демасдан остонага ўтирди-да, битта эманни суғуриб олди.

– Митобэ Миса исмли қиз ўлди.

Кўрқиб кетган Айда қўлини эмандан тортиб олди.

– Газдан захарланган. Мэгуро туманидаги эски уйда, – деди терговчи.

Айда турмоқчи эди, аммо қандайдир даҳшат босиб, жойида ўтириб қолди.

– Ўзини ўлдирганмикан?.. кўлларини тиззасига қаттиқ тираб, нам босган балконнинг бесунақай бетон деворидан кўзини узмасдан сўради у. – Хат қолдирмаган. Ўзини ўлдирганга ўхшамайди. Газ колонкасидаги резина трубкаси қийшайиб қолган, оёғи билан суриб юборганга ўхшайди. Қаттиқ маст бўлган. Кеча янги йил байрами эди-ку!

Терговчи ҳамон эгилиб, тиззасига таяниб турарди.

– Миса-тян ёлғиз эканми?

– Ёлғиз. Мушуги бор эди, дейишади. Бу мушукни кўрмадик. Эшик ёпилмаган экан.

Айда ўгирилиб қаради. Терговчи ўрнидан турди.

– Янги йилда қишлоғингга борсанг, Миса-тяннинг қариндошларига хабар бер, – деди терговчи эшикка қараб юрар экан. – Безовта қилганимиз учун узр.

Шу куни кечаси Айда Кохэй ғойиб бўлди. Эрталаб иш юритувчи кампир у кўринавермаганидан кейин бирон нарса бўлдимикан, деб хабар олгани келди. Тўшак йиғиштирилган, аммо ҳеч ким йўқ эди. Чирок ёниб турар, ойнаванд эшик ва дарча очиқ қолган эди. Хонадаги ҳамма нарса кечкурун кампир ижарачига хайрли тун тилаш учун келганда қандай бўлса, шундай

<sup>1</sup> Татами – деярли барча япон уйларида полга солинадиган анъанавий бордон тўшама.



турар эди. Фақат Кохэй жажжи ўрмонзор ўрнашган гул тувак олдида – остокада кўринмасди.

Кампир хонадан жемпер ва пайпоқ топди. Оёқ кийимлари турадиган кутида гета ётарди. Демак, Кохэй қаёққадир оёқяланг, битта кўйлак ва жинсида кетганмикан? Иш жойига кўнғироқ қилди. Кохэй ишга келмади, деб айтишди. Кампир стол ғаладонини кўздан кечирди – хат йўқ эди.

У уйига эртаси куни ҳам, кейинги куни ҳам келмади. Янги йил таътиллари бошланди. Кампир юртига кетдимикан деган ўй билан, қишлоққа телеграмма жўнатди. Беш кундан кейин: “Кохэй келгани йўқ” деган жавоб кайтди. Орадан ўн кун, йигирма кун ўтди – Кохэй кўринмади.

Бонсай аввалгидек балконда турар эди. Ҳеч ким уни суғормас, тупроқ қуриб, майсаларни чанг босган, улар сарғайиб кетган эди. Ўрмон нобуд бўлганди. Чанг-тўзон эсган пайтларда бир дарахтнинг пастки бутоғига кўнган жажжи капалак оҳиста чайқаларди.

Ҳеч ким у капалак эмаслигини тасаввур ҳам қилолмасди.

У ерда жонсиз Кохэй осилиб турарди.

## ЎН БЕШ ЁШЛИГИМ

Бир вақтлар мен ўлим олдидан вилолашув мактубини ёзган эдим. Аслида, жонимга қасд қилиш нияти йўқ эди. Фақат мени ўлдиришлари мумкин, деган фикр тинчлик бермасди.

Умуман олганда, сал-пал муболаға қилияпман. Мен уни ўзим билиб-билмай, руҳий тушқунлик пайтида ҳеч қутилмаганда нариги дунёга жўнатишади, деб кўрққанимдан ёзганман. Шунда ўн беш ёшга тўлган эдим.

Бир куни тонгга яқин даҳшатли гумбур-гумбурдан уйғониб кетдим. “Ер қимирляпти”, деб ўйладим мен, ўрнимдан туриб деразани очдим. Шундоқ кўз олдимда осмонда ялтироқ қора шайтон қулоқни битирадиган даражада чинқириб, шиддат билан учиб келмоқда эди. Кўз очиб-юмгунимча у яқинимиздаги баланд уй орқасида ғойиб бўлди, биқинидаги оппоқ юлдузларни аранг пайқай олдим. Тунги кимономни маҳкам ушлаб деразага чиқдим, тунока устидан эмаклаб ўтиб, девор ёнига келдим ва боғчага сакраб тушиб, ўзимни бомбадан панага урдим. У ер жуда қоронғи эди, ҳеч нарса ни кўрмай, чуқурга думалаб тушдим ва деворга бошим билан урилдим.

Ўзимга келиб, дархол чуқурдан чиқиб, уйимиз томон қараб кичқирдим: “Ҳаво хужуми! Қочинглар!” Овозим борича бақирдим, деб ўйладим ўзимча. Аммо томоғимдан ҳеч қандай товуш чиқмади. Бу уруш тамом бўлишидан бир ой олдин бўлган эди. Шу пайтлар мен иккинчи қаватда чордоқда турар ва денгиз авиациясининг кичик зобити бўлиш учун зўр бериб тайёргарлик кўрмоқда эдим.

Мен кирмоқчи бўлган учувчилар мактаби Ички Япон денгизидаги кичик оролардан бирида жойлашган эди. Мен бу оролчани ҳеч қачон кўрган эмасман, аммо у икки марта тушимга кирган. Тоғда оқланган казарма ялтираб турар, томи устида шойи байроқ шамолда ҳилпирар эди. Тўғрироғи, менинг ҳаёлимда тушимдагилар билан ўнгимда бир мартагина кўрганим аэродромдаги манзаралар қоришиб кетганди. Мен ана шу мактабда ўқишни хоҳлардим. “Денгиз учувчиси бўламан – деб ҳаёл сурардим,

– ўйлаб ўтирмасдан кичкина самолётимни тўғри душман кемасининг дудбуронига ураман”.

Мен ўлишга тайёрланар эдим. Дастлаб ҳамма қатори ўлмоқчи бўлдим, аммо яхшилаб ўйлаганимдан кейин, бизга таълим беришганидек, муносиб ўлиш керак, деган тўхтама келдим. Ҳалокат дамлари яқинлашмоқда, юрагимда коним жўш уради. Мен ўлимдан қўрқмайдиган бўлдим. Кечалари тўшакда кўзларимни юмиб ётар эканман, қандай ўлишимни тасаввур қилардим. Булар ёрқин манзаралар бўлиб, вужудимни ҳаяжонга солар, руҳим тантана қилар эди.

Булутлар ичидан чиқиб, душман кемасига ҳужум қиламан. Туман. Ёруғлик. Мовий денгиз. Қамиш ёпилган қайик. Ўйинчоқ кема. Шиддатли шамол. Нурлар жозибаси. Оппоқ гуллар. Тутун устун. Қулоғимда сиренанинг увиллаши. У кучайиб боради. Кема. Оқ тутун. Қора тутун. Вулқоннинг ҳалқуми. Олов гирдоби. Ёрқин аланга. Ана шу дақиқада юмилган киприкларим устига паға-паға оппоқ қор учқунлари қўнгандек бўлади. Улар олчанинг гулкочаларига ўхшайди. Кулга ўхшайди. Ва албатта, вужудимдан қўшиқ отилиб чиқади: “Денгизга қарагин, мурдалар сузар”<sup>1</sup> бу қўшиқни ичимда куйлар эканман, ҳар сафар йиғлар эдим ва қушдай енгил тортиб, тинч ухлардим.

Уруш тамон бўлиши арафасида сўнги бир ой ичида денгиз авиацияси шахримизга тинимсиз ҳужум қилиб турди. Кейин хавф-хатар биздан узоқлашганини сеза бошладик.

Шаҳарнинг ғарбий чеккасида ҳарбий аэродром жойлашган эди. Қарама-қарши тарафида лахтак-лахтак шолиторлар орқасида ҳарбий завод ишлаб турар эди. Чамаси, барча ҳужумлар уларга қаратилганди. Денгиз томонидан катта тезликда учиб келган денгиз бомбардимончилари завод ҳудудига бомба ташлар, сўнг шаҳар устидан пастлаб ўтиб кескин бурилар ва яна цехларга қараб учар эди.

Улар худди ўпкасини тўлдириб нафас олаётганга ўхшаб, шаҳар устида катта доира ясаб, икки-уч марта айлангандан кейин қайтиб кетарди. Шаҳар осмони улар учун гўё дам олиш маскани бўлиб қолган эди. Баъзан самолётлар ғойиб бўлгандан кейин шаҳар устига автомат тўпларнинг снарядларидан бўшаган ялтироқ гильзалари ёғиларди. Ҳайриятки улар ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмади.

Ўн кун ўтди, ёнимиздаги баланд иморат тоmidан кўриниб турадиган заводнинг ярми вайрон бўлганини ҳисобга олмаганда шаҳарда катта талафот юз бермади. Айни замонда самолётлар турадиган бино ғалвирдек илма-тешик бўлиб кетгани ҳақида кўп гапиришарди. Яна бир ҳодиса менга жуда даҳшатли туюлди, буни бир ишчи айтиб берган эди: бомбардимон пайтида заводдаги катта цистерна ёрилиб, сульфат кислотаси бомбахона тўсиғидан ошиб ўтган ва бу ерга яширинган кишилардан йигирматаси бир зумда ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетган.

Ҳар ҳолда атрофимда яшайдиган одамлар соғ-омон, лекин бу ваҳимали туюларди. Қандайдир қувноқ рух ҳукм сурарди. Барча одамлар юракларни тоғдек босиб ётган дардни йўқотишга ўзича ҳаракат қиларди. Кўпчилик эса ўз қисматига шукур қилиб яшашга мойил. Улар томларнинг тепасига ёки баланд дараклар устига чиқиб олиб, қўни-қўшниларига шаҳарга ёмғирдек ёғаётган снарядлар ҳосил қилган манзараларни тинмай оғиз кўпиртириб сўзларди.

<sup>1</sup> Япон фидойилари – камикадзе (шаҳид)лари.

Мен хужум пайти хонамдан жилмасликка ахд қилдим. Агар баъзилар ўта қизиққонлиги ёки томошага ишқибозлиги туфайли офат билан ўйнашган бўлса, камина ўлишга иштиёқим зўрлигидан ҳамма нарсага тупурган эдим. Дастлаб, кутилмаган ҳолатлардан чалғидим, сўнгрок ҳаво хужумига қарши мудофаа кучайиб, ташаббусни қўлга олгач, ваҳимали хужумлардан кўркмайдиган бўлдим. Душман самолётлари, одатда, эрталаб учиб келар, гоҳида кунботарда пайдо бўлиб қоларди. Сиреналар увиллаб, ҳаво хужумидан огоҳлантирарди. Биз бўшашмасдан: “Келиб қолишди!” – деб сакраб турардик-да, дуч келган томонга тарқалиб кетардик. Кимдир пана жойга, кимдир баланд темир-бетон уйнинг ертўласига югуриб қолар, мен ғижирлаб турадиган зинапоялардан иккинчи қаватдаги хонамга югуриб чиқардим. Тўғриси айтсам, хонамни бомбапанага айлантириб олгандим. Токча билан девордаги шкаф орасини иккита бордон билан тўсиб, фусума<sup>1</sup> орқасига икки табақали китоб жавонини суриб қўйгандим, ўртада ўзим ўтадиган тор йўлак қолган. Шундай қилиб, бошим устида татами, ёнбошимда тахта мени ҳимоя қилар, девор шкафнинг ости айвон тагидаги ертўлага ўхшаб кетарди. Бу ерга кичкина стол, стол чироғи ўрнатиб, яна бир қанча буюмларни тахлаб, хоҳлаганимча ишлашим мумкин бўлган уя ясаб олдим. Инглизча китобларни ўқир, хандаса масалалари устида бош қотирар, хужум маҳали овозим борича қичқириб, ҳарбий кўшиқларни айтар, тахтага мушт туширардим.

Шу куни ҳам одатдагидек ҳаво хужуми бўлди. Боғ бурчагидаги салқин жойда қуриган исаго гули уруғларини кафтимда ўйнатиб ўтирар эдим. Ногоҳ ҳаво хужумидан хабар берувчи сирена увиллаб қолди. Одатдаги хужумлардан бири бошланди. Ҳаво иссиқ. Иккинчи қаватга кўтарилишдан олдин юқорига қарайдим, баланд бинога кўзим тушди. Унинг қаватлари силлиқ кесилиб, устма-уст тахланган чақмоқ қандларга ўхшаб турар, ялтираб кўзни қамаштирарди. “Шу томонга борсам-чи?” – деб ўйладим. Кейин ўзимча шивирладим: “Ҳозир бораман”. Орқа эшикдан чиқиб, ана шу баланд уйга қараб югурдим. Калламга бояги фикр қай гўрдан келди ўзи, ҳайронман. Охириги пайтларда бино ертўласида бизга яқин уйлардаги аҳоли йиғилмоқда, деган гап тарқалди. Сабаби, у ер бошқа пана жойларга қараганда салқин ҳамда хавфсизроқ эди. Уйга киришим биланоқ буни ҳис қилдим, ертўладан овозлар эшитилар – чамаси, ўттизтача одам келганди.

Остонада қўшнимизнинг қизчаси Каокони учратдим, у афтини буриштирди:

– Ниҳоят, сиз ҳам келдингиз-а!

– Ҳаво иссиқлиги учун.

Қоронғи йўлакдаги зинапоя поғонасига ўтирдим.

– Сизни жавонга бекинади дейишади. Шу гап ростми?

Саволнинг жавобига индамай, жилмайиб қўйдим, холос. Анча вақт икковимиз ҳам чурқ этмадик.

Ҳар сафар ер силкиганда ертўладаги ҳаво ҳам тебрангандек туюларди. Осмонда айланаётган душман самолётларининг мотори қўнғизлар гўнғиллашини эслатади. Баъзан ит увиллашига ҳам ўхшайди. Шифтдан усти-бошимизга қум тўкилди. Каоко мен томонга сурилиб, қўлимни қаттиқ ушлаб олди. У бомбардимон тамом бўлгунча мени кучоқлаб ўтирди. Шовқин-сурон тинди. Ўрнимдан турдим. Каоконинг қўллари елкамдан пастга сирғалиб тушиб, бармоқларим устида тўхтади.

<sup>1</sup> Фусума – япон уйларида сурилма девор.

– Уруш тугасайди... – деди у пастдан менга тикилиб.

– Оҳо, – қўлимни тортиб олдим, чунки унгача ўлишим тайин.

Ертўладан чикиб, секин қуёш нури тушаётган уйимизга қараб юрдим, офтобдан бошим айланиб кетди. Қудуқ олдида қўлларимни юваётганимда қўшнимиз Ген-сан пайдо бўлди.

– Барибир тушди-ку! – деди у менга тирғалиб. – Пана жойда ўтирган эдим, бирдан портлаб қолди-ку! Ана, мўлжалга урди деб ўйладим! Яхшиямки, соғ-омонсан.

Бир стакан сув ичдим.

– Снарядмикин... деб қўрқдим, – давом этди Ген-сан.

Мен унга тикилдим.

У билан гаплашишни ёқтирмасдим, уйимга қараб кетдим. Ген-сан эса изимдан эргашди. “Мунча менга ёпишиб олди?” – ўйлардим дилимда. У эллик ёшларни қоралаб қолган, гуруч дўконида иш юритувчи бўлиб ишларди. Кап-катта кишини қандай қилиб дўстларим қаторига қўшмаман, ахир? Уйга киришимдан олдин орқамга ўгирилдим – ҳар иккимиз бир-биримизга синовчан тикилдик.

– Ўзингни эҳтиёт қил, – деди у. – Қачон ва қаерда ўлишингни Худо билди. Қочгин дейишдими – тамом, қочишинг керак. Жонингни сақлаб қол.

Ген-сан ҳар бир сўзни айтганда бошини қимирлатиб кўярди. У насиҳатини тамомлаб, орқа эшиқдан чикиб кетди. “Ким ўзи бу?” – яна ўйга чўмдим ва эсанкираган ҳолда зинадан кўтарилдим.

Тўсиқни суриб, шифт ўрнида бир бўлак кўм-кўк матони кўргандек бўлдим. Синчиклаб қарасам, осмон эканлигини англадим. Гўё четлари йиртилган, айланаси бир метр келадиган мовий осмон парчаси. Иккита тўртбурчак тахта туйнук ёнида ночор осилиб турибди. Полдаги тўшаманинг усти майда снарядлар билан тўлиб кетганди. Назаримда, босиқ қичқирдим, аслида, бу қичқирик эмас, ичимдан чиққан нафасим эди, уни ҳайратга тушишимдан олдин чиқаргандим. Ташқаридан бирон кишини чақирай деб дераза олдига келдим ва ногоҳ қўлим ромга санчиб қўйилган йўғон, игнасимон ялтироқ маъдан бўлаги – снаряд парчасига тегди. Кўкрагимдан ғамгин бир нидо отилиб чиққандек бўлди. “Ген-сан!” деб қичқириб юбордим мен. Хонани тўлдириб турган ўлим ҳавосидан бўғилиб, ҳаракатсиз қотиб қолдим.

Ген-сан ҳақ экан. Шубҳасиз, бу ўзи отар замбаракнинг снаряди эди. У тунукани тешиб ўтиб, шифт тахталарини парчалаб ташлаганди. Ҳамма ёқ сон-саноксиз снаряд парчаларига тўлиб кетган. Улар устунлар, бордонлар, деворлар, патнисларга санчилиб, томдаги туйнукдан ўтаётган қуёш нурида совуқ ялтираб турарди. Деразага орқа ўгирганимча, нафасимни ичимга ютиб, нима ҳодиса рўй берганини билайин деб жим туриб қолдим. Кейин негадир оёқ учида оҳиста юриб, токча ёнига бордим. Токчага тираб қўйилган жовондан ўтқир тирноқ изларига ўхшаган учта чандиқ кўрдим. Снаряд парчаларидан бири токчадаги тўсиқни тешиб ўтаётганда тезлигини йўқотган, шекилли, мен бошимга қўядиган ёстик устига тушган эди. Бошқа иккита снаряд парчаси жавоннинг ён деворларига чуқур кириб борганди. Мен совуқ бомба парчасини қўлимга олдим, кейин одатдагидек жойимга ёнбошладим. “Ҳар галгидек мана шу ерда қолганимда нима бўларди?” – деб ўйладим бутун баданимдан чумолилар ўрмалаётганини ҳис қилганча. Жуда ғалати ҳодиса эди! Снаряд қолдиқларининг тўсиқдаги изларига қараганда,

бир бўлаги кўкрагимнинг чап томонига санчилиши, иккинчиси ўнг томонини мажақлаши аниқ эди. Учинчиси, чамаси, чап юзимни сихдек тешиб ўтиб, тишимга қадалиб қотиб қоларди. Анча вақтгача тушимда даҳшатли манзараларни кўраётгандек ўтириб қолдим.

Шу куни мен ўз хонамга эмас, баланд бинодаги ертўлага шунчаки бориб қолгандим. Афтидан, снаряд ҳам менинг хонамга мутлақо тасодифан тушиб қолган, шекилли. Учувчи айнан шу уйда келажакда қобилиятли зобит бўладиган бола яшаётгани ҳақида маълумот олиб, нишонни шунга тўғирлаши мумкин эмас. Учувчи ҳам ёш бўлса керак. Балки, шу куни биринчи марта учгандир. Биринчи ҳужумдаёқ мўлжални аниқ олганидан қувониб юраги дукуллаб уриб, ҳаяжон ичида шаҳар устидан хотиржам айланиб ўтган ва ҳеч шошилмасдан ўз кемасига қўнгандир. Уни қувонч билан кутиб олишади, оғайнилари шароб тутишади, тоғдек уюлган пишлоқ орасидан бир бўлагини олиб, газак қилади, ўзидан мамнун бўлиб, тугмачани шунчаки босиб юборганини эслайди. Ҳақиқатан ҳам худди шундай бўлган. Ўзимиз ҳам юксак кайфият билан сайрга чиққанимизда етти қават осмондаги мухташам қасрларни орзу қилиб, йўлда оёғимиз остидаги тошларни тепиб ўтамиз-ку!

Шунда бирдан Каокони эсладим. Бугун биринчи марта гавдасининг оғирлигини ва нафас олаётганда димоғимга урилган тер ҳидини ҳис қилдим. Ўзимни қонга беланган, пўлат снаряд бўлақлари мажақлаб ташлаган, тили осилиб қолганча Каоко билан совуқ девор ўртасида ўтирганимни кўргандек бўлдим.

Ген-сан билиб гапирган экан – қачон ва қаерда ўлишинг бир Худога аён, ўлим ҳар доим шундоққина ёнингда оғзини очиб тайёр туради. Афтидан, мен ҳали ҳам тасодиф ёки фавқулодда ҳолат деб аталадиган сирли ҳодисалар моҳиятини англаб етмаганга ўхшайман. Фалокат билан кулфатлар ҳар қандай тўсиқларни четлаб ўтиб, ҳеч қутилмаганда бошимизга ёпирилаверади. Бу кашфиётимдан титраб кетдим. Кўзимнинг бир чеккасида тубсиз бўшлиқни кўрдим, чоғи. Йўқ, ўлимдан кўркмас эдим. Мени фойдасиз, самарасиз ўлиб кетиш ташвишга соларди.

Кечаси видолашув мактубини ёздим. Уни қаттиқ ҳаяжон ичида қоғоз ўрамига қора сиёҳда ёздим.

“Отам, онам ҳамда менга ғамхўрлик қилган барча яқинларимга, – деб бошладим. – Ҳозир тутуриксиз гапларни ёзмоқчиман. Ит ёки мушукка ўхшаб беҳуда ўлиб кетишни истамайман. Бундай ўлимга тоқатим йўқ. Аммо сени қачон ва қаерда ўлдиришларини билмайсан. Шу туфайли мазкур видолашув мактубини ёздим. Сизларга шуларни айтишни хоҳладим”.

Қайсаргина бола эдим. Истагимни бажармаган яқинларимни кўришга тоқатим йўқ эди. Болалиқдан ёркин хотиралар билан бирга жуда кўп эркинликларим, ўзига хос қилиқларим ҳаёлимнинг бир чеккасида мустаҳкам ўрнашиб қолган; йил ўтган сари улар ич-ичимга чуқур кириб бормоқда, яқинда бутун юрагимни эгаллаб олса керак. Шунинг учун мен, ўзим орзу қилгандек, денгиз учувчиси бўлсам, қандайдир жасорат кўрсатиб ватаним учун жон фидо этсам, жасадимга қўшилиб барча гуноҳларим ҳам йўқолар, ота-онам олдида юзим шувут бўлишидан қутилар эдим. Тан оламанки, ватан йўлида ўлиш орқали бу дунёни тарк этиш мен учун эзгу орзуга айланиб қолганди; фақат ўлим орқали руҳим покланади деб ўйлар эдим, мен.



Барча бемаза қилиқларимни батафсил таърифлаганимдан кейин видолашув мактубини ўлимдан кўра икки карра оғирроқ бўлган тавба-тазаррулар билан тугатдим. Хатни найчага ўхшаб ўраб, хатжилдга жойладим. Хат цилиндр шаклига кирди. Устини оқ дока билан ўраб, докани тез ёрдам кутисидан олдим, стол устига қўйдим. Унда ўз суягимни кўраётгандекман. Ўн беш йиллик умрим мана шу ўрам ичига жойланди. Вужудим ипак қурти тешиб чиққанидан кейин ичи бўшаб қоладиган пилла донасига ўхшаб қолди.

Деразаларни очиб, дераза раҳига ўтирдим-да оёқларимни ликиллашиб, хуштак чала бошладим. Сокин тун, юлдузлар ҳозир учиб келиб қўлимга қўнадигандай туюларди.

Уруш кутилмаганда тугади.

Эшиттириш тамом бўлгандан кейин кимдир қулоғим остида “Ютқаздик!” деди. Мен ўгирилиб қарадим. Орқамда кекса дорихоначи турарди. У қаттиқ юмилган кўзларини секин очиб, юзимга тик қаради. Мен хижолат тортиб жилмайишга уриндим. Қария менга эътибор бермай, узоқларга тикилиб туриб, жуда секин “Япония ютқазди!” деб такрорлади. У худди секин нафас олаётгандек гапирди, аммо ҳеч ким кутмаган бу сўзлар мени қарахт қилиб қўйди. Гўё катта муз бўлаги кўксимга келиб урилгандай. Ўзимни қўлга олиб қарияга бош силкиб қўйдим-да, дўқондан жимгина чиқиб, бирданига тинчиб қолган кўча бўйлаб кучим борича уйимизга қараб чопиб кетдим.

Уйга кирмасдан орқа ҳовлидаги зайтун дарахти тагига бордим. Унинг калин бутуқлари ерга қуюқ соя солган эди. Дарахт танасига суяниб, тиззамни қучоқлаб ўтирдим. Омбор устида беғубор осмон кўриниб турарди. “Нақадар тиниқ!” – деб ўйладим ва секин шивирладим: “Япония ютқазди...” Чумолилар яна елкамдан ўрмалаб ўтди. Бу сўзлар мени доводиратиб қўйди. Шу пайтгача буни ҳеч ким ўйламаганди.

Ютқаздик. Демак, уруш тугапти-да? Буни тан олиш учун қанча вақт керак? Англаб етганимдан кейин калтафаҳмлигим мени ҳайратга солди. Кўзимни узиб, атрофимдаги товушларга эътибор бердим. Қулоқни битирадиган даражадаги сукунат нимани англатади? Кечаги кунгача ҳамма нарса бошқача эди. “Кеча ва бугун. Кеча бугун”, – шивирладим ўзимча.

“Нима бўлганда ҳам мен ўлмай қолдим. Энди мени ҳеч ким ўлдирмайди. Сабаби, уруш тугади-да. Бундан кейин нима бўлади? – шоша-пиша ҳаёлимдан ўтказиб, гангиб қолдим. Модомики, ўлмас эканман, яшашдан бошқа илож йўқ. Яна қанча йиллик умрим бор, ким билсин? Фақат ўн йил бўлмаса керак! Тасаввуримда ердан осмонга кўтарилиб кетаётиман. Бунчалик узоқ яшайман деб ўйламагандим. Ҳаммамиз узоқ умр кўришни уят ҳисоблаганмиз. Боланинг ҳаёти олча гулига ўхшайди, умри қисқа, деб ўргатишган эди. Шунга кўра, биз икки-уч йил ичида ўлиб кетишга ишонганмиз.

Ҳаётнинг ўн йили! Жомадондан видолашув мактубини олдим – у бомбапананинг бир бурчагига яшириб қўйилган эди. Уни кечки овқат пиширилаётган ўчоқ ичидаги оловга ташладим. Кўтарилган тутунга қарадим, қалбим оппоқ қоғоздек тоза бўлди. Ўлим узоқ-узоқларга ғойиб бўлди. Энди нима учун яшашим номаълум. Кечаги кунгача ўтаган ҳаётим худди тушдек бўлиб қолди. Мен ўлимни ҳам, видолашув мактубини ҳам унутдим. Каоко ҳам мени унутган бўлса керак. Ҳаётимнинг ўн беш йили таги тушуб кетган бочкадаги сувдек оқиб кетди. Энди уни қайтариб бўлмайди. Кутилмаганда

олдимда очилган чек-чегараси, қирғоқ-канораси йўқ кенгликда ўйлаб-нетиб ўтирмай сузишдан бошқа иложим қолмади.

Бизнинг шаҳарга ҳам истилочи аскарлар кириб келди, мен дарҳол уларга қизиқиб қолдим.

Бир йил ўтгач, кўклам ойида амакимларникига кўчиб бордим. Урушдан кейинги алғов-далғовлар ичида отамнинг ишлари юришмай қолди, оиламиз маълум муддат ичида яқинимиздаги бир қишлоқда эвакуацияда яшашга мажбур бўлди.

Шаҳар марказида амакимнинг дўкони бор эди. Унда асосан газмоллар сотиларди. Уруш йилларида бу уч қаватли магазин биноси мусодара қилиниб, ёғочдан ясама самолётлар ишлаб чиқариладиган корхонага айлантирилган эди. Урушдан кейин у истилочи аскарлар ихтиёрига ўтди. Амаким магазинни қайта очишга уриниб кўрди, аммо уддалай олмади. Дўкон биноси таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Уни наридан-бери таъмирлашиб, аскарларнинг кўнгилочар уйига айлантиришди. Биринчи қаватида пивоҳона, иккинчи қаватида ўтинҳона очилди.

Мен турадиган хона дўкон орқасидаги истикомат уйининг иккинчи қаватида эди. Аввал бу ерда амакиваччам яшаган. У уруш тугашидан бир йил аввал ҳалок бўлиб, хотини Маами иккита жажжи ўғилчаси билан қолган эди. “П” симон шаклли тор йўлак кўриниб турарди. Эсимда бор, болалигимда бу йўлакка каттагина тош кўтариб кирганимда амакиваччам мени қаттиқ қойган эди. Ҳозир бу йўлак оппоқ чиқинди қоғоз бўлақларига тўлиб кетган, улар мохлар орасида, қуриган ирмоқ ўзанида ва дарахт бутокларида ҳам осилиб ётарди. Деразанинг ўнг томони, илгари ошҳона бўлган жойдан майин мусиқа садолари эшитилиб турарди. Ҳарбий маршлар руҳида тарбияланганим учун бундай куйлар қулоғимга ёт эди. Уни эшитишим билан кўнглим бўшашиб кетар, қўлим ишга бормас, бармоқларимни жағимга тираганча жим ўтириб қолар эдим.

Амакимникига келганимдан уч кун ўтгач, кўнгилсиз бир ҳодиса рўй берди. Қандайдир америка аскарлари орқа эшикдан сездирмай омборга киргани маълум бўлди. Бир кундан кейин кечқурун бу ҳолат такрорланди, бунисига мен ҳам гувоҳ бўлдим.

Шу куни кечқурун стулда хаёл суриб ўтирган эдим, ногоҳ йўлакда оғир нарсаси деворга урилди, кейин шундай овоз яна икки марта такрорланди, маъдан буюм ғижирлади, оғир қадам ташлаб, илма-тешик полни ғарчиллатиб кимдир юрди. Сокин мусиқа овози кучайди, яшайдиган уйимиз билан дўкон мусодара қилингандан бери очилмайдиган қилиб ёпиб қўйилган эди. Ҳайрат ичида ўрнимдан турдим. Йўлакдаги қадам товушлари аста-секин яқинлашиб, эшигим тагида тўхтади ва бир дақиқадан кейин эшик секин очилди.

Кутилмаганда йўғон аскар билан юзма-юз туриб қолдим. Биз хайрат ичида бир-биримизга тикилдик. Унинг белида оддий М.Р. тўппончаси осилиб турарди, бўйнида оддий бўйинбоғ, тўққизил юзига қараганда, бу М.Р. мен билган америка аскарлари орасидаги учига чикқан арокхўрлардан бўлса керак. Юз бичими ҳам эсдан чиқмайдиган, аъзойи бадани қирғий бурни атрофида бир тўда бўлиб турарди.

– Сизга нима керак? – савол бердим.

У чўнтак электр фонарида энгидаги М.Р. деб ёзилган боғични кўполлик билан кўрсатди, сўнг нималарнидир ғўнғиллаб, эшикни ёпди ва шошилмас-

дан қадам ташлаганча нари кетди. Атрофни ароқнинг бадбўй ҳиди тутди. “Ғирт маст экан!” – деб ўйладим.

Эртаси куни тушдан кейин бева Маами иккимиз кекса таржимон та-нишимизни олиб, учинчи қаватга жойлашган ҳарбий полиция штабига кўтарилдик. Биз М.Р. нинг безориларча хатти-ҳаракатлари ҳақида қисм командирига шикоят қилмоқчи эдик. Мен тунги ходисанинг гувоҳи сифа-тида бордим.

Штабга киришимиз биланоқ кечаги безбет америкаликка кўзим тушди. У хона тўридаги энг катта стулда ўтирар ва чамаси, қандайдир ҳужжатларни ўрганиш билан машғул эди. Ундаги хотиржамлик менга ёқмади. Бизни тўғри унинг столи олдига олиб боришди.

– Капитан! – мурожаат қилди таржимон. Сўнг бизга ўгирилиб: – Бу киши қисм командири бўлади, – деди. Менинг сал бўлмаса ичим ўтиб кетаёзди.

Капитан бошини кўтариб бева Маамига кўз қисиб қўйди, сўнг нигоҳи менга қадалди. Биз кечагидан ҳам кўпроқ ҳайратланиб, бир-биримизга тикилиб қолдик. У қошларини кўтариб, қатъият билан оромкурси суянчиғига ўзини ташлаб фақат мен тушунадиган оҳангда “Хелло, беби!” – деди. Куннинг ёруғида энди ёши анча катта кўринди. У кулимсираганча тегишли чоралар кўрамиз деб ваъда берар ва менга қараб кўзини қисиб: “Окей! Окей!” дейишдан тўхтамас эди.

Штабдан қайтар эканмиз, иккинчи қават зинасида Сигэга ўхшаб кетадиган аёлни учратдик.

Сигэ етти ёшга тўлганимдан бери бизнинг уйимизда хизмат қиларди. У баланд бўйли, келишган аёл бўлиб, мен уни ҳар доим “Новча!” деб чақирар, жаҳлим чиққанида эса “Тулки!” деб юборар эдим, чунки юзи чўзинчоқ бўлиб, кўзининг бурчаклари юқорига тортилган эди.

Аёлнинг бир қўли тўқ-қизил кўйлаги этагида, иккинчиси зина қанотларида юқорига кўтарилиб бормоқда эди. Орамиз икки-уч метр қолганда у нигоҳини менга қаратди ва ҳайратланиб тўхтади. Мен эса яланғоч елкаси ва ярқироқ кўйлагига маҳлиё бўлиб, чўзинчоқ юзига яхши эътибор бермадим. Бир неча поғона пастга тушганимдан кейин бундай юзни қаердадир кўрганим эсимга тушди ва бирдан хушёр тортдим: у Сигэнинг юзига ўхшар эди! Аммо Сигэ бу ерда бундай вақтда юриши мумкин эмас. Мен ўгирилиб қарадим. Ялтироқ тўқ-қизил кўйлак этаги штаб эшигида бир ҳилпираб ғойиб бўлди.

Албатта, мен бу аёлни жуда тез унутиб юборишим мумкин эди – шу пайтда у мени унчалик қизиқтирмаганди. Баъзи вақтларда унинг юзидаги ҳайрат ифодасини эслаганимда ҳайрон қоламан, хаёлимга минг хил ўйлар келади. Аммо уни яна бир бор кўриш истагим йўқ.

Ҳаво очиқ кунлардан бирида ўз хонамда очиқ дераза олдида китоб ўқиб ўтирган эдим. Кутилмаганда хона ичига бир оппоқ тугунча учиб кирди. У бордон устига тушиб олтин ва кумуш рангидаги бир неча бўлакка бўлиниб, ҳар томонга сочилиб кетди. Ҳайратим ошиб деразадан қарадим ва қарама-қарши уйнинг деразаси олдида турган аёлни кўрдим, орамиздаги масофа нари борса ўн метр келар, фақат ўртадаги кичик боғча бизни ажратиб турар эди. Орамиз жуда яқин бўлгани учун унинг юзидаги кулгичларини ҳам аниқ кўрдим. “Ҳа, бу Сигэнинг ўзи!” – деб ўйладим. Аммо бу бошқа аёл эди. Уни зинопояда кўрганим ёдимда. Аёл менга қўлини кўтариб, сил-



китди. Имо-ишора билан хонамнинг ичкараси ва бошимнинг юкорисини кўрсатди, калласини бир ёнга эгди, сўнг оҳиста жилмайиб, мовий парда орқасига ғойиб бўлди.

Ҳайратим ошгандан-ошиб, хонамга сочилиб кетган олтин ва кумуш парчаларини йиғиштириб олдим. Улардан бири узунчоқ шаклда бўлиб, нафис оқ қоғозга ўралган эди. Қоғозни очдим, унда аёллар дастхати билан куйидагилар ёзилганди:

“Сиз ўқияпсизми? Кеча сизни кўриб жуда ҳайрон қолдим. Қалбим нафис туйғуларга тўлди. Дерезангиз айнан менинг рўпарамда экан. Энди ҳар куни сизни кўра оламан. Бугунги “Бомба” сиз учун чой совғаси. Нана”.

Нана, чамаси, бу унинг рақс зали учун танлаган исми бўлса керак. Демак, бу аёл айнан Сигэнинг ўзи. Шуларни ўйлаганимдан кейин юрагимга илиқлик кирди. Сигэни кўрмаганимга ўн йил бўлган эди. “Одам қандай мўжизаларга дуч келмайди?” – деб ширин хаёлларга берилдим. Ўтмиш хотираларига шўнғиб, ўзим билмаган ҳолда зарҳал қоғоларга ўралган ширинликларни битта ҳам қолдирмай оғзимга солиб, еб битирдим.

Қоронғи тушганда Нана дерезани очди ва келишиб олгандек хуштак чалди. Шунда мен ҳам дерезани очдим. Нана бошини бир ёнга энгаштириб, майин жилмайди. Кўзларимиз тўкнашди. У яна очик кўйлагини кийганди. У орқасига ўгирилганда таралган сочлари елкасидан пастга осилиб тушганини кўрдим. “Бўйинини кўрсатмаслик учун шундай қилган”, сабабини дарҳол англадим, Сигэнинг бўйнида чипқондан қолган қизғиш из бор эди. Ботаётган қуёш нурларида Нана бекиёс гўзал кўринар эди. Мафтун бўлиб унга боқар ва кўзларимни уза олмасдим, шунда қандайдир хавотир мени қамраб олди. Бутун фикру зикримни ишга солганимга қарамай, у бир замонлар сочларини танғиб, оддий момпе кийган, ўчоқдаги оловни пуфлаб ёндираётган Сигэ эканига ишонгим келмасди.

Икки ҳафта шундай ўтди. Нана билан учрашганимда ғалати ҳаяжон ичида қолардим. Баъзан мен йўлакдаги кичкина дерезани қия очиб, Нанани яширинча кузатардим, у қошларини чимириб, катта очилган, аммо ҳаёт нишонаси сезилмаётган дерезамга ҳайрон тикилиб қоларди. Баъзи пайтларда Нананинг хуштакларига жавоб бермасдан ўзимни четга олиб, у қўлларини кўксига қовуштириб, бироз эгилган кўйи дерезага суяниб, мен томонга умидвор тикилаётганини сезиб турсам-да, дерезани катта очиб, унга кўринмасликка ҳаракат қилар эдим.

Нихоят, бир куни кечқурун вақт алламаҳал бўлганда мен шайтон васвасасига учиб, қалтис ишга қўл урдим. Нана хонасидаги чирокни ёққанини кўриб, дерезани очдим-да, секингина хонамдан чиқдим, йўлакдан ўғриларга ўхшаб ўтиб, яқингинада америка ҳарбий полицияси капитани синдирган эшик тутқичини ушладим. Ўзим кутганимдек, у овоз чиқармай очилди ва кўз ўнгимда қоронғи ошхона намоён бўлди. Ўзимнинг сурбетлигимдан хавотир олиб ҳудди биров мени шу томонга чақираётгандек, ойнадан тушаётган ғира-ширликдан фойдаланиб, тўғри Нананинг хонаси томон юрдим. Кафел ётқизилган пол совуқ экан. Яланг оёқларимнинг шипиллаши ошхона ичида баралла эшитиларди.

Ёруғлик тушиб турган эшик олдида тўхтадим ва ичкарига қулоқ солиб, қўлимни кўтарганча бир муддат туриб қолдим. Кейин уч марта тақиллатдим.

– Come in! – аёл овози эшитилди.

Эшикни оҳиста очдим. Ёқимли сигарет ҳиди димоғимга урилди. Аввал ошхона бўлган бу жой яхшилаб таъмирланганди. Оқ халат кийган Нана стулда ўтириб сочини тарарди.

– Жессими? – сўради Нана орқасига қарамасдан.

Мен қўлимни дукиллаб ураётган юрагим устига қўйиб, эшикка суяниб қолдим. Кўкрагига тушган узун сочлари учини тараётган Нана кўз қири билан менга қаради ва азбаройи сакраб ўрнидан турганидан қўлидаги тароқ тарақлаб полга тушди. Мен туш кўраётгандай ундан кўзимни узмай қараб турардим.

– Анчадан бери кўришмадик, Сигэ. – Унга қўл узатдим, аммо қизнинг чиройига маҳлиё бўлиб, қўлимни ортиқ қимирлатолмай қолдим.

Нана жилмайди.

– Хуш келибсиз, Осаму, – деганча у қўлимни сиқди.

Бошқа исм билан юзланыпти! Мен зўр-базўр илжайдим. Исминни унутибди, ахир орадан ўн йил ўтган-ку!

– Мен Осаму эмасман, адашдинг.

– Осама эмаслигингни биламан. Аммо сен унга жуда ўхшайсан, – деди Нана.

– Осама ким ўзи?

– Укам. Ягона туғишганим, у ҳам фронтда ҳалок бўлган. Икки томчи сувдек бир-бирингизга ўхшар экансизлар.

Юрагимга ўрнашиб қолган Сигэ сиймоси бирданига хиралашди. Бўғилиб кетаётгандек бўлдим. Атрофимдаги ҳамма нарсалар дабдурустан киёфасини ўзгартираётганга ўхшарди. Мана, олдимда турган, мен Сигэ деб билган аёл кўз ўнгимда қандайдир бошқа аёлга айланди-қолди.

– Демак, укангизга ўхшаганим учунгина хатингизда яхши муносабатлар ҳақида ёзган экансиз-да? – сўрадим ундан.

– Албатта-да.

Мен диванга ўзимни ташладим. Нана жомадондан қоғоз халтани олиб келгани ўрнидан турди.

– Мана укамнинг фотосурати ва охирги хати.

Банан дарахти остида йигирма ёшга тўлмаган, ёзги ҳарбий кийим кийган йигит уялгандек кулимсираб турарди. Мен ўзимни ана шундай кийимда неча марталаб тасаввур қилган эдим! Унинг катта кўзлари ва ғалати оппоқ тишлари юзига алоҳида жозиба бағишлаган, чамаси, у яхшигина чиниққан эди. Суратга қарар эканман, ичимда ўхшайди, деб қўйдим.

– Менга ўхшайди, тўғрими?

– Ҳечам ўхшамайди, – гапти чалғитдим. Нана яйраб кулди.

– Йўқ, ўхшайди. У билан кўп вақт бирга бўлганлар буни тасдиқлайди.

У ёзган охирги мактубни кўришга қизиқдим. Бундай хат маълум маънода видолашув мактуби ҳисобланади.

У қўлдан-қўлга ўтган очиқ хат экан. Манзилига қараб аёлнинг исми ҳақиқатан Нана эканлигини билдим. Унда Кюсю оролидаги ҳарбий-денгиз базаларидан бирининг муҳри бор эди, афтидан, у жанубий фронтнинг олдинги маррасидан жўнатилган бўлса керак.

“Азиз опажоним Нана! Ҳозир Японияда ҳаво жуда ажойиб бўлса керак? Соғ-омон юрибсанми? Уч кун аввал сени тушимда кўрадим. Мен сомон шляпа кийиб олганман, сен бошингга қизил рўмол ўрагансан. Атрофимизда



жуда кўп сигирлар ва қўйлар ўтлаб юришибди. Мен эрта билан учаман. Соғ-саломат бўл. Айни эртага ўн тўққиз ёшга тўламан. Осаму”.

Мактубдаги осойишта рух мени ҳайратга солди. У гўё қувноқ нонушта ҳақида гап кетаётгандек хушчақчақ оҳангда ёзилган эди. Мен уруш йилларидаги ҳаётимни эсладим, юрагимга оғриқ кирди. Қанчадан-қанча ёш йигитлар ўлимга мана шундай беғам, боғ сайрига кетаётгандек жўнаган эди-ку.

– Жонингизга теккунча сизга ука бўлиб қоламан, – дедим Нанага тик қараб.

– Шундайми? Жуда хурсандман.

Нана қўлини елкамга ташлаб бир неча марта силкитиб қўйди. Унинг кўзлари ёнарди. “Кетиш керак!” – ўйладим мен.

– Мен сизни Сигэ дебман, – тан олдим дивандан тураётиб.

– Ким у Сигэ?

– Хизматчимиз. Қачонлардир уйимизда яшаган эди. Узоқдан унга жуда ўхшайсиз, яқиндан эса ундан кўра чиройлироқсиз.

Нана қаҳ-қаҳ уриб – деди:

– Ғалати! Иккимиз ҳам бир-бирига ўхшаган одамларни эслабмиз.

Эшик тагида орқамга ўгирилдим.

– Биласизми, Сигэнинг бўйнида жарроҳлик амалётидан қолган чандиқ бор эди.

– Шундайми? Қўлинг билан ушлаб кўрмагунча у йўқлигига ишонмайдиганга ўхшайсан?

Нана кулимсираб қўлимдан ушлади-да, уни сочлари орасига тикди. Қўлим олмадек оппоқ бўйнига тушди, юзидан аллақандай хушбўй хид келарди. Нананинг ингичка бўйни ниҳоятда силлиқ эди.

– Хўш қандай? Чандиқ борми?

Қўлимни олмасдан юзига қараб жилмайдим. Лабларини кўрмадим, пешонамга иссиқ нарса келиб тегди.

– Хайрли тун, – дедим мен.

Яланг оёқларимни шипиллатиб, қоронғи ошхонага ўтдим. Дахлизга олиб борадиган эшик тагига етиб келдим. Қадам ташлар эканман: “У Сигэ эмас! У Сигэ эмас!” деб пичирлардим.

Нана ҳар кеча тушимга кирар эди. Баъзан кун бўйи уни ўйлайдиган бўлдим. Сабрим тугаб, уч марта ҳеч кимга сездирмай хонасига кириб бордим. Нана менга хаёлчан тикилиб ўтирди, укаси ҳақида гапирди, хайр-лашаётганимизда эшик олдида пешонамдан ўпди.

Хонасига тўртинчи марта кирганимда ниҳоятда маст эди. Кўзи тўла ёш бўлишига қарамасдан овозининг борича хоҳолаб кулди, қўлидаги бўш виски шишасини айлантириб ҳар хил баланд-паст гапларни айтди.

– Шундай яшагандан кўра ўлганим яхши! – кейин қўшимча қилиб, – сенга рақс тушишини ўргатаман, – деди ва юзимни кўксига босиб бирга айлана бошлади.

Кетишга чоғланган пайтимда эшик тақиллади. Нана тошдек қотиб қолди, сўнг хонага тез кўз югуртирди ва кўркув ичида кўзини менга тикиб, қалтироқ товушда таклиф қилди!

– Come in!

Эшик очилиб, хонага бесўнақай М.Р. капитани кирди.

– Жесси! – секин ҳитоб қилди Нана.

– О! – мени кўриб ҳайратга қолган капитан бўкириб юборди, биз учинчи марта тўқнаш келдик. – Бу ерга қандай келиб қолдинг? – кескин сўради у.

– Сиз оёғингиз билан тепиб синдирган эшикдан кирдим, – тез жавоб бердим мен.

Унинг қошлари чимирилди, хайратдан кўзлари пирпирай бошлади. Нана нимадир демоқчи эди, унга совуқ нигоҳ ташлаб – Жим бўл! – деб бўқирди. Сўнг қўлини орқасига қилиб кескин буйруқ берди: – Йўқол бу ердан!

Мен Нанага қарадим. У деразага юзини ўгириб турарди.

– Жессининг айтганини қил! – деди Нана қатъият билан.

– Хайр! – дедиму чиқиб кетдим.

– Иккинчи қорангни кўрсатма! – орқамдан қичқирди Жесси.

– Албатта, қайтиб қадам босмайман, – дедим мен ўгирилиб ва тез юриб хонадан чиқдим.

Эшикни ёпиб, йўлакда деворга суянганча анча вақт туриб қолдим. Кейин хонамга қайтиб, деразадан қарадим. Нананинг хонаси қоронғи эди. Энди бу деразадан қарамаганим бўлсин” – дедим ичимда. Нананинг касрига тунни беором ўтказдим. Дастлаб ҳеч нарсага ақлим етмади. Кейин секин-аста нима бўлганига ақлим ета бошлади. Узил-кесил гапнинг тагига етганимдан кейин юрагимда чидаб бўлмайдиган оғриқ ҳис қилдим.

Кунни жазирама қуёш тагида терлаб-пишиб стадионда ўтказдим. Кечқурун шаҳар чеккасидаги дўкондан арзон ширинликлар ва чанг босган мевалардан сотиб олиб, боғ ичига кирдим, ўзимга ўхшаган бебош улфатларга қўшилиб бир финжондан шарбат ичдик, ер тепиниб, овозимиз борича қичкириб, ҳарбий қўшиқлардан куйладик. Ана шундай тарзда Япония урушда ютқазгани учун норозилигимизни билдирдик.

Ёз бошланди. Бир куни эрталаб қорним қаттиқ оғриб қолди. Ичим қон аралаш сурилиб, кўз ўнгим қоронғилашиб кетди. Қора терга ботдим. Кимдир қорнимга калтак тикиб бураётгандек эди. Қандайдир ёмон кўнгилсизлик бўлишини олдиндан сезадиган одатим бор. Таниш шифокор хузурига зўр-базўр судралиб бориб, қандай касалга чалинганимни эшитганимда асло хайрон қолмадим. Қариндошларим, амакимнинг аҳволини ҳисобга олиб, мени шаҳар касалхоналаридан бирига яширинча жойлаштиришди.

Шу ерда, ифлос бир хонада ёзнинг энг иссиқ ойларини ўтказдим. Бу мен учун ўзига хос халоскорлик вазифасини бажарди. Касалликдан бошқа ҳеч нарса хаёлимга келмади. Бошқа ҳамма ташвишларни унутдим. Ҳатто Нана эсимга тушганида қусиб юборай дедим.

Бир куни, энди тузала бошлаган кезларим эди, кекса энага ёрдамида ўрнимдан туриб, хожатхонага бордим. Шунда бош томонимга ўрнатилган ойнада кимнингдир аксини кўрдим. “Ё худо! Ким бўлди бу? Қандай аянчли кимса!” - деб ўйладим. Юзлари ичига ботиб, кўзлари косасидан чиқиб кетгудай бўлиб кетибди. Синчиклаб қараб, бу нусха ўзим эканимни англадим. Бутунлай ўзгариб кетган юзимга ғамгин назар солдим. Ойна қаергадир ғойиб бўлди, хушимни йўқотдим. Қанча вақт беҳуш қолганимни билмайман, фақат ўзимга келганимда қўлларимни ёзиб полда ётган эканман, ёнимда кекса энага нима қилишини билмай карахт бўлиб турарди. Ўрнимдан тургач, ҳароратимни ўлчаб деб даражани олдим. Уни ушлаган бармоқларим қалтирар эди, қизил чизиқча бўлса юқорига қараб жадал силжиётганини кўрдим. Уни пастга силкита бошладим. Энага қанча кўтарилди деб сўради, аммо мен жавоб беролмадим. Мия томирлари торайиб қолган бўлса керак, деди кампир.

Бошим темирдай қизиган ва паришон ҳолатда қоп-қора шифтга тикилиб ётардим – шифтга кичкина хира чироқ осилганди. Қора шифт одамни

вахимага соладиган даражадаги тезликда юқорига кўтарилиб кичкина чорбурчак шаклга айланар, сўнг шиддат билан пастга тушиб, бутун хонани эгаллаб оларди. У тобора катталашиб борар, пастга силжиганда нақ бошимни устида осилиб қолар эди... “Ўлаяпман!” – хаёлдан ўтказдим мен. Бутун касаллигим давомида фақат шу куни ўлимни эсладим. Нахотки шундай ўлиб кетаверсам? Касал бўлиб ўлиш?! Бу мутлақо кутилмаган янгича ҳолат эди. Шундай бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қилмагандим. Бундан баттар ўлимни қидириб ҳам тополмайсан! Томоғимга каттиқ бир нарса келиб тикилди.

– Холажон! Менга қалам билан қоғоз беринг! – илтимос қилдим.

Не машаққат билан қорнимга ағдарилиб ётдим, бир парча қоғоз орқасига амаллаб: “Ўлишни хоҳламайман!” – деб ёздим.

Қаламни каттиқ ушлаб атрофга паришон кўз югуртирдим. Назаримда, бу сўзлар ниҳоятда таҳқиромуз бўлиб туюлди. Аммо ҳаммаси юрагимдан куйилиб чиқди. Яна нималарни кўшишим керак? Силлиқ қаламни каттиқроқ ушлаб зўр-базўр бир жумла кўшимча қилдим: “Тентак Нана”.

Ҳайрон қолиб шу икки сўзга тикилдим. Булар нима? Ҳеч нарса дея олмайман. Кўз олдим қоронғилашиб, қалам қўлимдан тушиб кетди, оғирлашиб кетаётган бошимни ёстиққа қўйдим. Ўйлаб кўрсам, уруш тамом бўлгандан бери ҳаёт ва ўлим туйғуси доим алмашиб тургани учун бирон кун ҳам тинч, хузур-ҳаловатда яшамапман. Мен ҳаёт дарёсида оқиб, атрофимдагиларни кузатибман, холос. Шунда ҳеч кутилмаганда сўниб бораётган онгимда шиддатли ўзгариш юз бераётганини ҳис қилдим:

Мен яшашни хоҳлайман!

Мен яшайман!

Мени қутқаринглар!

Омадим келиб касалликдан қутулдим.

Кейин орадан етти йил ўтди. Бу йиллар шармандачилик билан кечган тавба-тазарру йиллари эди. Аммо ўшандан бери биронта ҳам видолашув хатини кўрганим ҳам, ёзганим ҳам йўқ.

Бу ниҳоятда катта бахт эди!





## ИСПАНЗАБОН ШОИРЛАР ШЕЪРИЯТИДАН

*Франсиско Луис БЕРНАРДЕС*

(1900 –1978 )

*Испан тилидан  
Ҳилола РЎЗИЕВА  
таржимаси*

*Франсиско Луис Бернардес 1900 йилда Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида таваллуд топган.*

*Унинг “Ўзга”, “Бозор”, “Болалар боғчаси” каби шеърий тўпламлари чоп этилган.*

*Бернардес “Кема” асари учун Буэнос-Айреснинг Муниципал Шеърият Мукофотига, “Илк шеърлар”, “Ҳақиқий шеърлар” асарлари учун Шеърият Миллий Мукофотига (1944, Аргентина) сазовор бўлди. Шоир 1978 йилда вафот этган.*

*Франсиско Луис Бернардес шеърлари ўзбек тилига илк бор таржима қилинмоқда.*

### МЕВА

*Юрагимни қолдирдим  
кўмиб. Товуш дарахтинг  
соя берган ерларда.*

*Ва товушинг дарахти  
гуллар очди муҳаббат  
йўғрилган сўзлардан.*

*Товушинг дарахтида  
етилди қизил мева –  
бу муҳаббат меваси.*

*Товушинг дарахтида  
акс этарди оқлиги  
юрагимнинг поклигин.*

*Ва товуш дарахтингдан  
узилиб тушиди мева  
қоқ юрагим устига.*

*Товушинг дарахтидан  
таралар эди ифор –  
туйғуларимдан изҳор.*

*Бамисоли юрагим  
эди товуш дарахтинг  
етилтирган меваси.*

\* Манба: Мигель де Сервантес Виртуал кутубхонаси. 2006 й. Шеърий антология; [www.roemad-del-alma.com](http://www.roemad-del-alma.com)

## БОДОМ ДАРАХТИГА ТАШБЕҲЛАР

### I

#### (Алла)

*Янги тугилган ерни  
Кўклам – меҳрибон она.  
Бодом гуллари билан  
Йўргаклар зойибона.*

### II

#### (Ташаккур)

*Далаларга буюк табиат  
Бергани-чун соғлигин қайта.  
Ҳар бир бодом дарахти билан  
Оптоқ гулли ташаккур айтар.*

### III

#### (Упадон)

*Келганида доктор жаноб Гул  
Гарчи ғамгин бўлса-да ўтлоқ,  
Дарҳол очар табассум билан  
Упадонин баҳорий оптоқ.*

### IV

#### (Мактублар)

*Кўкламдаги бодомлар:  
Қайлигимнинг мактуби,  
Баҳорда кўрдим уни.*

*Кўкламдаги бодомлар:  
Мактублардан парчалар,  
Кутган эдим қанчалар.*

### V

#### (Таътил)

*Қишки машғулотлардан  
Чиқдилар толиб диллар.  
Гуллаётган бодомдан  
Кўллариди оқ дафтар.*

### VIII

#### (Илми баҳор)

*Хўп тажриба бўлди бодомга  
Оқартирди соқолини қор.  
Энди эса куртак ёзмоқда  
Назокат-ла илми баҳор.*

### VI

#### (Баҳорий тақдимот)

*Бутун борлиқ ранги пар  
Бежо боқар ҳаммага.  
Чунки либосин илк бор  
Тақдим этар оммага.*

### IX

#### (Нонушта)

*Ярим мудроқ далалар  
Эриниб кўзин очар.  
Кийиниб, сўнг бодомгул  
Пиёладан чой ичар.*

### VII

#### (Лид<sup>1</sup>)

*Гулгун бодом нозик ҳилолга  
Айлантирди лидни ногаҳон.  
Янграб кетди Рембо<sup>2</sup> сўзи-ю,  
Дебюссининг<sup>3</sup> куйи шу замон.*

### X

#### (Ибтидо)

*Йигитча – бодомвойга  
Кўклам кўз қирин ташлар.  
Қозогдан қушча ясаб  
Ўзи суҳбатни бошлар.*

<sup>1</sup> Лид – Вокал мусиқа жанри.

<sup>2</sup> Артю Рембо, француз шоири (1854–1891).

<sup>3</sup> Клод Дебюсси, франциялик бастакор, мусиқий импрессионализмнинг ёрқин намояндаси (1862–1918).

## Хуан Рамон ХИМЕНЕС

(1881–1956)

Атоқли испан шоири, Нобель мукофоти совриндори Хуан Рамон Хименес 1881 йилда Могер шаҳарчасида туғилган. Ун тўққиз ёшида шоирнинг “Настарин қалби” ва “Нимфиялар” номли китоблари чоп этилди. Унинг “Сатрларим”, “Ғамгин оҳанглар”, “Олисдаги боғлар”, “Чўпон қўшиғи”, “Кўклам наволари”, “Мунгли қўшиқлар” ва бошқа тўпламлари испан шеърляти ривожига муҳим ҳисса қўшди.

Хименес она тилининг фусункорлигини чуқур ҳис қилган ижодкор. Унинг шеърларида сўз, оҳанг ва тасвирлар бир-бири билан чамбарчас боғланган.

1956 йили “Испан шеърлятининг бадиий гўзаллиги ва руҳини сақлаб қолгани учун” Нобель мукофотида сазовор бўлган.

### ҚИЗҒАЛДОҚ

Қизғалдоқ, заминнинг қони  
қизғалдоқ, қуёшнинг доғи.  
Кўкламойнинг қизил дудоғи,  
юрагимнинг ол қизғалдоғи!

Жилмаясан қанчалар яшил  
токзор ичра, бугдойзор ичра.  
Майса босган жилга қирғоғин,  
юрагимнинг ол қизғалдоғи!

Ёқут лабларнинг шод маъшуқи,  
гуллар узра қизил капалак.  
Бу ҳаётнинг ёруғ чироғи,  
юрагимнинг ол қизғалдоғи!

### АГАР ШОШСАНГ

Агар шошсанг  
Вақт олдингдан  
Уятчан капалакдек учиб ўтади.

Секин юрсанг  
Вақт ортингдан  
Юввош буқадай эргашади.

### ЯШИЛ ҚУШЧА

Яшил қушча, зумрад қушча  
Шафақни безайди шунча!

Яшил қушча, зумрад қушча  
Шафақни безайди шунча!

Қуюқ қарагай шохи  
Сеҳру афсун саройи.  
Ғув-ғулайди нолали  
Кузатиб қочқин сойни.  
У ер яшил дарахтзор  
Зумрад қушнинг ини бор.

Сўнги майин шаббода,  
Хаёлларга чўмади.  
Кун нолон қарагайни  
Минг бир ранга кўмади.  
Вақт эринчоқ ва хомуш,  
Эй яшил, эй зумрад қуш.

*Яшил қушча, зумрад қушча  
Шафақни безайди шунча!*

*Ёлғизлик, осудалик  
Улуғвор ҳисни туйиб,  
Дуо қилади юрак  
Меҳр тафтидан ийиб.  
Гўзаллик! Биллур товуш!  
Ногоҳ сайрар зумрад қуш.*

*Узоқлашар қўшиғи  
(Тўхтадимми шабада?)  
Қушчанинг туйғулари  
Сезилади далада.  
Тугмачагул – фиғонин  
Рамзидир, ачир жоним.*

*Яшил қушча, зумрад қушча  
Шафақни безайди шунча!*

*Яшил қушча, зумрад қушча  
Шафақни безайди шунча!*

## СЎНГГИ КУЗ

*Дарахт шохларида хазонмас энди,  
У айланиб қолган сариқ қуёшга.  
Олтиндан ясалган ҳайкалдек бўлиб,  
Жойида қотгандир гаму кўзёшдан.*

*Ўлимни хотиржам қарши олар у,  
Сўнги япроғи ҳам училин кутар.  
Икки ойлик озор тўлови деб бу...  
Табиат бошидан сочиб кетди зар.*

## AZUL<sup>1</sup>

*Қалбимга.*

*Хушчақчақ ва хотиржамман мен  
Биламанки поклигим – кўрким.  
Қалбимдаги чаманзорда оқ  
Атиргуллар очилган кўркам.*

## NEGRA<sup>2</sup>

*Рамон Годой ва Солага*

*Андухларим тин олар тунда  
менинг билан; бемажол, ҳорғин.  
Қуни билан олишавериб  
қалбим билан ярадор, сўлгин.*

<sup>1</sup> Azul (исп.) – мовий.

<sup>2</sup> Negra(исп.) – қора.

Ором олар менигдек улар  
туни билан куч тўплаб танга.  
Уйғотишар тонгда дарғазаб  
чорлаб маъюс қалбимни жангга.

## ЎСМИРЛИК

Айвонда бир зум  
Қолгандик ёлғиз.  
Шу ширин тонгдан  
Қайлиқлармиз биз.

Дедим: “Бер бўса”,  
Яногин тутди.  
Хазинасини  
Йўқотди худди.

Табиат мудраб  
Очмагайдир кўз.  
Кулрангдир осмон  
Хукм сураб куз.

Жонсиз япроқлар  
Тўкилар боққа.  
Чучмома бўйи  
Келар ҳар ёқдан.

Менга қарашга  
Ботинмас сира.  
Қайлиқмиз, десам  
Ёши тирқирар.

## ЯШИЛ ҚУШЧА

Келдиму,  
Кўз ёшим қолди узоқда  
Денгизлар бўйида  
Нола чеккувчи.  
Келдиму,  
На фойда бу таширифимдан  
Узоқда қолган-ку  
Менинг юрагим.  
Келдиму,  
Атаманг мени иним деб  
Чунки қалбим қолган  
Узоқда йиглаб.

## ФАҚАТ СЕН

Зухродан-да аъло  
Ўзинг ёлғизим.  
Тунги чирогимсан,  
Тонгги юлдузим.

## АДАБИЁТДАГИ ЙЎЛ ХАРИТАСИ

*Ўтган йилнинг 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, ҳукумат аъзолари ва кенг жамоатчиликка Мурожаат билан чиқди. Ҳаётимизнинг ҳар жабҳаси қамраб олинган ушбу маъруза мустақил мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очди десак, янглишмаган бўламиз. Йиллар давомида йиғилиб ётган муаммолар, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги маънавий ҳаётдаги камчиликлар рўйи рост очиб ташланган, воқеликка тийрак нигоҳ, танқидий назар солинган ушбу маърузадан кейин одамлар энди ҳеч кимни алдаб бўлмастегига, ёлгон маълумотлар, шиширилган ҳисоботлар ҳамда ўзига маҳлиёлик, беҳуда қарсақбозлик мамлакатга фақатгина зарар келтириши, тараққиётни орқага суриши, турмуш суръатини секинлаштиришига яна бир бор гувоҳ бўлдилар.*

*Биз маърузада билдирилган кўплаб фикрлардан келиб чиқиб, ҳозирги маънавий-адабий ҳаётимиздаги муаммолар ва унинг ечими борасида махсус давра суҳбати уюштирдик. Мамлакатимизнинг кўзга кўринган адабиётшунослари, адибларини суҳбатга чорладик.*

**1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлис палаталарига мустақил Ўзбекистон тарихида илк бора қилинган Мурожаатномасида ижтимоий ҳаётимизнинг барча қирралари кенг қамраб олинди. Юртбошимиз маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни тилга олиш билан бир қаторда қатор камчиликларга ҳам кескин танқидий муносабат билдириб ўтдилар. Қарийб тўрт ярим соат давом этган маърузада давлатимиз раҳбарининг куюнчаклик, изтироб билан билдирган мулоҳазалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади, бу маъруза ўзини шу юртнинг онгли аъзосиман, зиёлисиман деган ҳар қандай одамнинг қалбини тўлқинлантиргани, виждон уйғоклигига ундагани, воқеликка, тафаккурга янгича муносабатга даъват этгани билан алоҳида аҳамият касб этди.**

**Президент бугунги маънавий, мафкуравий ҳолатимиздан қониқмаётган, ҳаммани ҳушёрликка чақираётган экан, бу ерда ёзувчининг, зиёлининг вазифалари нимадан иборат бўлиши керак?**

**2. Француз ёзувчиси Виктор Гюгонинг “Етилиб, вояга етган ғоя олдида ҳар қандай қудратли армия ожиз бўлиб қолади”, деган фикри бор. Президентимиз ҳам ўзининг ҳар бир маърузасида маънавият, маърифат, диний тарбия ва мустақил тафаккурни ривожлантириш зарурлиги, бу тушунчаларни тарбияловчи санъат, маданият, адабиёт**

ва илм аҳли ҳамиша ҳаётдан ўн қадам олдинда юриши, бирлашиши, жамиятни ортидан эргаштирувчи ва бирлаштирувчи ғоя ҳамда мафкура яратиш ҳақида муттасил мулоҳаза юритади. Сиз жамиятнинг маънавий мукаммалашуви учун яна нималар қилиш мумкин деб ўйлайсиз?

3. Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки пайтидан то hozirгача бўлган давр ичида китобхонлик, китоб мутолааси ҳақида тинимсиз мулоҳаза юритяпти, ҳаммани китобхонликка, маърифатга ундаяпти, мазкур жабҳада қатор қарор ва фармойишлар қабул қилиняптики, бу ҳолатни дунёнинг бирон-бир раҳбари фаолиятида ҳам, давлат дастурида ҳам учратиш мушкул. Бундай улкан стратегик мақсадлар кўзда тутилган тарихий ҳужжатлар ҳар қандай инсон қалбига ғурур ва илҳом солиши, шубҳасиз. Аммо, уларни бажариш ҳар қандай мутасаддидан катта куч, изчиллик, қатъият ва тинимсиз меҳнатни талаб этади. Юртбошимизнинг китобхонлик борасидаги орзуларини амалга ошириш учун қуйи тизимда қандай ишлар йўлга қўйилиши керак, деб ўйлайсиз?

**Умарали НОРМАТОВ**  
*филология фанлари доктори, профессор*

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлис аъзолари, айти пайтда вазирлик, ҳокимликлар ва бошқа юқори лавозимли расмийлар, қолаверса, кенг халқ оммасига Мурожаати мустақил мамлакатимиз тарихидаги катта воқеа, ноёб янгилик бўлди, 32 миллионли мамлакат аҳли бу мурожаатни радио ва телевидение орқали зўр кизиқиш билан тинглади. Мурожаат хорижий мамлакатларда ҳам катта кизиқиш уйғотди. Бу ҳол тасодифий эмас. Бу нутқ умумхалқ сайловида мутлақ кўпчилик овоз билан мамлакат Президентидек мўътабар лавозимни эгаллаган муносиб сиймонинг бир йиллик жўшқин фаолияти ҳақидаги сайловчилар олдидаги ҳисоботи – дил розлари каби янгради. Эслаб кўринг-а, шу бир йил ичида Президентимиз имзоси билан чиққан турли-туман жабҳаларга оид ҳаёт-мамот аҳамиятига молик фармону қарорлар, мамлакат ва халқаро миқёсдаги анжуманлар, улардаги мазмундор маърузалар... Боз устига кўни-қўшнилари, узоқ-яқин, катта-кичик мамлакатлар билан алоқаларнинг шаффофлашуви... Айниқса, Америкада БМТ минбарида туриб сўзлаган ҳаяжонли нутқ!

Беайб – парвардигор, дейдилар. Билиб-билмай хато йўлга кирган ёки арзимас гуноҳи учун адолатсиз ҳукм жабрини тортаётган қанчадан-қанча жабрдийдаларнинг озодликка чиқарилиши, бундан ҳам муҳими, арзимас баҳона билан ижод майдонидан четлаштирилган қатор ноёб истеъдод соҳибларининг эл-юрт хизматиға қайтарилиши ғоят савоб иш бўлди. Бунинг учун, аввало, уларнинг ўзлари, қолаверса, кенг халқ оммаси чексиз миннатдордир.

Бир йил ичида шунча ўзгариш, шунча янгилик, шунча чоратадбирлар... Ажаб ҳол, шунга қарамай, Президент Мурожаатида

эришилган ютуқлар, ҳаётда жорий этилган янги муҳит, жараёнлар билан баробар, ҳар бир жабҳадаги ҳал этилмаган муаммоларга жамоатчилик эътиборини тортди. Таҳририят давра суҳбат аҳлига “Президент бугунги маънавий, мафкуравий ҳаётимиздан қоникмаётган, ҳаммани ҳушёрликка чақираётган экан, бу борада ёзувчининг, зиёлининг вазифалари нимадан иборат бўлиши керак?” деган ҳақли саволни ўртага ташлайди.

Азизлар, мустақиллик маънавий-мафкуравий соҳада ғоят катта имкониятлар эшигини ланг очиб берди, Шўро замонида топталган динимиз, шонли тарихимиз, бой адабий меросимизни тиклаш, уларни таълим тизимига жорий этиш бобида кўп ишлар қилинди, адабиёт дарсликлари шўровий талқинлардан холи этилиб тубдан янгиланди.

Шуниси қизиқки, шўро замонида шўровий мафкура билан йўғрилган дарсликлар чин асарлар билан алмаштирилган замонга келиб айна шу дарсликлар асосида тарбияланган ўқувчилар орасида китобхонлик йилдан-йилга камайиб борди. Ўтган асрнинг 70-80-йиллари бизда китобхонлик энг авжига чиққан палла бўлган эди. Ўша йиллари “Шарқ юлдузи”нинг адади юз эллик, ҳатто икки юз мингга, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” сони бир миллионга яқинлашган эди. Чоп этилган янги романларнинг адади 60-80 минг атрофида бўларди. Ҳатто адабий-танқидий, маърифий мавзудаги адабиёт ҳам шунга яқин турарди. Чунончи, 1986 йил чоп этиган “Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида” тўплами 60000 нусхада чиққан ва тез орада тарқаб кетганидан хабарим бор. 2007 йил адиб таваллудининг юз йиллигига атаб тайёрланган “Адабиётимиз фахри” китоби бор-йўғи 1000 нусхада чоп этилди, тарқалиши эса хийла суст кечди...

Бу-ку майли, булар хотира ва адабий-танқидий мақолалар мажмуаси. Ҳозир чиқаётган роман, қисса, ҳикоя китоблари адади ҳам 1000-5000 оралиғида. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти” адади эса 3000-4000 атрофида. Камина ўн йил бурун Республикамиз олий ўқув юртларини битириб, мактабларда муаллим, турли жабҳаларда ходим бўлиб ишлайдиган 60 мингга яқин филолог мутахассислар бор эканини аниқлаб эдим. Уларнинг ҳар бири мавжуд чоп этилаётган адабий нашрлар – газета ва журналларга обуна бўлганида, обунчилар адади 60 мингдан кам бўлмас эди-ку! Бу гап адабий китоблар ададига ҳам тааллуқли. Бу хил нашр – газета, журналлар билан мунтазам танишиб бормаган зот шу соҳада ишлаш, шу соҳанинг нонини ейишга ҳақлими?! Нега мутасадди ташкилотлар мана шу ҳаёт-мамот жумбоғига лоқайд қарайди?!

Менинг бу гапларим аслида амалга оширилиши мажбурий бўлган талаблардир. Ахир адабий янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб бормаган адабиёт ўқитувчиси мактабда ишлашга ҳақлими? Улар ўқувчиларда адабиётга қизиқиш, меҳр уйғота оладими?

Президентимиз ўзининг ҳар бир маърузасида маънавият, маърифат, диний тарбия ва мустақил тафаккуримизни ривожлантириш зарурлигини, бу тушунчаларни тарбияловчи санъат, маданият, адабиёт ва илм аҳли ҳамиша ҳаётдан ўн қадам олдинда юриши лозимлигини уқтирар экан, бу соҳа одамларига, аввало, ўз зиммасидаги бош бурчи – китобхонлик даражаси қай аҳволда эканлигига қараб баҳо бериш тартиби ўрнатилиши лозим деб ўйлайман.



Юртбошимизнинг китобхонлик борасидаги орзуларини амалга ошириш учун қуйи тизимда қандай ишлар йўлга қўйилиши керак, деган савол устида кўпдан бери ўйга толаман. Мен хотин-қизларимизнинг мактабларда муаллим бўлиб ишлашларига қарши эмасман, лекин кўплаб мактабларда, хусусан, Тошкент шаҳрида филолог – тил ва адабиёт ўқитувчиларининг аксарияти хотин-қизлардан иборат эканлиги инсофдан эмас. Ҳар қанча билимдон бўлмасин, аёл зотининг кўнгли бўш бўлади. Мактабда билимдон, айти пайтда қаттиққўл, сўзини ўқувчи болаларга ўтказа оладиган, талабчан, чин билимдон эркак ўқитувчилар ҳам керак!

Мактабда адабиёт дарсларида, дарсликларидан миллий адабиёт билан баробар жаҳон адабиёти дурдонлари намуналари, уларнинг муаллифлари ҳаёти ва ижоди ҳам ўрин олган. Аммо улар ҳозирги талаб, имкониятлар даражасида эмас. Боз устига, шаҳар ва қишлоқлардаги қатор мактабларга борганимда, мактабдаги филолог ўқитувчилар билан учрашганда, “Жаҳон адабиёти” журнали хусусида сўз очганимда, аксар ҳолларда улар бу журналдан беҳабар эканлиги маълум бўлди. Йигирма йилдан бери ҳар йили мунтазам чоп этиб келинаётган бу ойлик журнал саҳифаларида жаҳон адабиёти дурдоналарининг она тилимиздаги таржималари мунтазам ёритиб келинмоқда. Гарчи улар ўқув дастуридан ўрин олмаган бўлса-да, олий маълумотли адабиёт муаллими жаҳон адабиётидаги янгиликлардан ўрнини топиб, юқори синф ўқувчиларини таништириб борсалар, айти муддао бўларди. Телевидениенинг “Маърифат ва маданият” каналида деярли ҳар куни жаҳон адабиёти намуналари ҳақида кўрсатув, хужжатли фильмлар намоиш этилади. Мактабда ҳам бу борада муайян ва мунтазам тадбирлар кўриш имкони бор. “Жаҳон адабиёти” журнали ҳар бир мактабга лоақал 1 донадан кириб борадиган бўлса, унинг адади салкам ўн мингга кўпайган, энг муҳими, жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан танишиб борган адабиёт муаллими, қолаверса, улардан дарс олган ўқитувчиларнинг билим савияси тубдан ўзгариб кетган бўларди.

Ниҳоят, мен ушбу давра суҳбати муносабати билан олий ўқув юртлари ўзбек филологияси факультетларида адабиёт назарияси фани билан боғлиқ жиддий бир муаммога давра қатнашчилари эътиборини тортмоқчиман.

Мустақиллик йилларида барча фанларда бўлгани каби адабиёт назарияси курсида ҳам жиддий янгилашни, ўзгаришлар рўй берди. Шўро даврида назария бўйича тақдим этилган шўровий дарслик ва ўқув қўлланмаларидан аллақачон воз кечилган. Рус адабиётшунослигида ўнлаб тубдан янгиланган назарияга оид ўқув қўлланмалари, дарсликлари чоп этилди. Ҳатто бизга унча таниш бўлмаган Эронда 2006-2007 ўқув йилининг ўзида жаҳоннинг турли мамлакатларида чиққан назарияга оид бта китоб форс тилига таржима қилинган экан.

Ажаб ҳол: шу пайтга қадар адабиёт назариясига оид бирорта ҳам ўшандай дарслик китоби ўзбек тилига таржима қилинмабди! Ҳануз шўро замонидан қолган И.Султонов, Т.Бобоев, Ҳ.Умурувлар қаламига мансуб “Адабиёт назарияси” китобларидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Тўғри, Д.Қурононов қаламига мансуб замонавий руҳда битилган “Адабиётшуносликка кириш” дарслиги, айти шу муаллиф бошчилигида яратилан “Адабиётшунослик луғати” мавжуд. Лекин улар она тилимиздаги замонавий адабиёт назарияси

дарслиги ўрнини боса олмайди-да, ахир! Шукурким, бизда ҳозир жаҳон адабий-танқидий, назарий тафаккури даражасида “Адабиёт назарияси” дарслиги яратишга қодир етук адабиётшуносларимиз бор, улар кучи, иқтидори, имкониятидан кечикмай фойдаланиш – давр тақозоси.

**Иброҳим ҒАҒУРОВ**  
**Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби**

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йилнинг 22 декабрида Олий Мажлис палаталарига қилган Мурожаатномаси ҳар биримизни бугун аниқ фикрлашга, аниқ ишларга бош қўшишга ундамоқда.

Ўзбекистон олдидаги улкан миқёсдаги вазифалар кўз ўнгимизда қабарик ҳолда ёмби намоён бўлмоқда. Улар қаршисида ҳар қандай ҳавойи хаёллар, ҳавойи сўзларнинг тамомила ортиқча ва кераксиз бўлиб қолгани аён сезилмоқда.

Президентимизнинг ғайратли саъй-ҳаракатлари натижасида бизнинг кунларимизда Ўзбекистон умумжаҳон ўлчовидаги тараққиётнинг янги, илгари кўрилмаган палласига кирди. Халқ эркин сайлаган Президентимизнинг пойқадами мамлакатга ҳар томонлама қутлуғ келди.

У ҳар кун, ҳар соат оддий халқнинг ҳол-аҳволидан хабар олмақда, хонадонлар эшикларини қоқиб кирмоқда, кексаю ёш, ишчию зиёли, деҳқону ўқитувчи, давлат хизматчисю тиббиёт ходими, депутату ҳуқуқшунос, ногирону нотавон, мўйсафид отахон-онахонлару ватан фахрийлари билан вақтини аямай учрашмоқда: очик, самимий суҳбатларда, дардкашлик мулоқотларида халқ ва мамлакатнинг реал аҳволидан воқиф бўлмоқда, дардмандларга чорасозлик қилмоқда, эртанги эшик қоқиб турган ҳаётнинг уфқларига қарамоқда, пишиқ-пухта йўл-йўриқлар белгиламоқда.

Аждодларимиз, миллатпарвар, эркпарвар, маърифатпарвар адибу удабо, олиму уламоларимиз Бехбудий, Қодирий, Фитрат, Авлоний, Чўлпон худди мана шундай кунларни тилаган эдилар, жонларини шундай орзули ҳаётга тиккан эдилар. Озодлик, хурлик учун кураш натижасиз қолмайди. Уларнинг мислсиз курашлари энди натижа берди. Мурожаатнома ўша курашларнинг ҳосиласидир.

Мурожаатномада кўтарилган барча муаммолар мамлакат олдида турган вазифалар, тирик ғояларнинг марказида, назаримда, жуда улуғ бир муддао – ҳаётнинг сифати учун кураш туради. Ҳаётнинг сифати эса одамнинг сифатидан, у ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифатидан, у риоя қилаётган таълим-тарбиянинг сифатидан, эътикод қўйган таълимот ва ғояларнинг сифатидан, ахлоқ ва ватанпарварликнинг сифатидан ҳосил бўлади. Савол энди кўндаланг қўйилмоқда: биз энди ҳаётимизнинг мазмуни ва мундарижасини ташкил этадиган шундай сифатларимиз учун иродавий курашни изчил олиб бора оламизми?

Президентимизнинг Янгийўл, Чирчиқ шаҳарларидаги учрашувлари, Хавфсизлик кенгашида сўзлаган нутқи мени бир зиёли сифатида қаттиқ ҳаяжонга солди. Чирчиқ, Янгийўл, Олмалик, Муборак сингари шаҳарлар

Ўзбекистонимизнинг замонавий қиёфасини, унинг иқтисодий-саноат-техника қудратини намоён этувчи шаҳарлардан, Америкада Детройт ва Чикагодан, Россияда Саратов ва Твердан қандай фахрлансалар, биз ҳам Чирчиқлар билан шундай фахрланамиз. Оз эмас, кўп эмас, Чирчиқда уч юздан ортиқ саноат корхонаси бор экан. Кимё машинасозлиги, кишлоқ хўжалиги машинасозлиги!.. Эҳ-хе, булар қаторда бўлгач, аллақачонлар Ойга қўнсақ, Миррихга кема учирсақ, не бир соз эди. Дунёда энг зўр кимёсозлик бизда бўлиши керак эди. Бизнинг кишлоқ хўжалиги техникаларимиз бутун Шарқ, бутун Осиёда энг харидоргир, энг рақобатбардош бўлиши табиий эди! Лекин нега шундай бўлмади! Кадрларга, илмга, технологияларга, инновацион ғояларга, илмий ишончли тадбиркорликларга эътиборсизлик, уларнинг нечоғли қиммати ўлчанмаганлиги, келажаги кўрилмаганлигининг оқибати эмасми бу! Ҳолбуки биз ҳақиқий кимё ватани бўлишимиз ўзини бениҳоя оқларди! Ҳа, нуқтаи назарлар буларнинг аҳамияти қадар етиб боролмади, узоқ замон бир жойда депсинишдан нарига ўтолмади. Қаранг, шаҳарларнинг ҳақиқий қиёфалари, микёслари тўла гавдаланди.

Адабиётимиз ва санъатимизга ҳам инновацион ғояларнинг кириб келиши табиий. Бир пайтлар ёзувчилар саноат корхоналарига, улуғ қурилишларга юриш қилишарди. Асқад Мухтор, Ҳамид Ғуллом, Иброҳим Раҳим, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков роман ва қиссалари, Эркин Воҳидовнинг “Палаткада ёзилган достон” достони тарихини эслайлик – Абдулла Ориповнинг алангали мактублари дунёга келарди. Нима учун биз кимёгарлар ҳузурларига бормайлик, нима учун кишлоққа чиқарилаётган ранг-баранг техника ва у қандай яратилётганлиги билан қизикмайлик, нима учун бепоён Турон кенгликларига, Борса келмасларга, дунёдаги энг бой туз конларига ёш ижодкорларнинг экспедицияларини ташкил этмайлик! Университетлардаги ёшлар ҳаётий ғоялар билан ва умуман ҳаёт, келажак билан қандай қизикаётганликлари ва буларнинг самараси билан яқиндан шуғулланмайлик! Ҳавойи мифларни ўз йўлига қўйиб, нечук олий ҳаётнинг бевосита тасвирларига энг замонавий журнализм даражасида юз бурмайлик! Токи адабиётда инновацион ғоялар гуркирасин ва замон кишисининг мураккаб дунёларига йўллар очсин.

Адабиёт ҳаётга даъват этилган.

Ҳаёт чорламоқда.

Инсонга ғамхўр, меҳрибон замон келди.

Орзулар, умидлар ушаладиган замон асрдошларимизга муборак бўлсин!

**Бахтиёр НАЗАРОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик**

Сухбатимиз доирасидаги масалалар, наинки, ўз адабиётимиз муаммолари, балки, ҳозирги замон сўз санъати контекстидаги муҳим тамойиллар, вазифаларга ҳам дахлдор. Қолаверса, бу мақолада ёритилажак масалалар кенгроқ микёсдаги касбдошларни, иқтисодиёт, сиёсат, ада-

биёт ихлосмандларини дардларимиздан, ташвишларимиз, қизиқиш ва изланишларимиздан воқиф қилади. Сўнги бир-икки йил ичида бизда ижодкор зиёлиларга давлат миқёсида жуда катта эътибор кўрсатилди ва кўрсатилмоқда, жаҳон миқёсида ҳавас қилса арзигулик ғамхўрликлар, амалий тадбирлар ва, ҳатто, адабий-назарий жиҳатдан, методологик нуқтаи назардан муҳим ғоялар, қарашлар юз очди. Президент жараёндаги аҳволни, ютуқ-камчиликларни раҳбар сифатидагина эмас, санъат ва адабиётнинг чуқур ихлосманди сифатида яхши билади. Мамлакатнинг яхлит дарди қаторида бадиий адабиёт, мусиқа, санъат, китоб муаммоларини ҳам чуқур ҳис этди. Унинг “Адабиёт ва санъатнинг чинакам мухлиси бўлиш насиб этганидан бахтиёрман” дейиши шунчаки гап, эътироф эмас, амали билан тасдиғини топаётган ҳиссий идрок сифатида қадрлидир. Иккинчидан, узоқ кутдирмаган тасдиқ шундан иборат бўлдики, ўтган қисқа муддат ичидаёқ ижодий меҳнати, яшаши, орзу-умидларни амалга ошириши юзасидан конкрет ишлар бошлаб юборилди. Юқорида эътироф этилганидек, уларга халқаро миқёсдаги ижодкорлар ҳавас қилса арзийди.

Биргина китобхонлик маданиятини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларни кўринг. Дунёда Ўзбекистон – битта. Китобга бу қадар эътибор бераётган мамлакат ҳам, менимча, ҳозирги дунёда битта. Халқлар миқёсида китоб кўпинча бизнесга айланиб бораётган шароитларда, бизнинг Ватанимиз китобга маънавиятнинг ўзаги сифатида қарамоқда, ҳар бир шахс ва, умуман, мамлакатни маънавий ва моддий камолотга элтувчи буюк куч сифатида тарғиб қилинмоқда. Китобхонлик маданияти масаласига давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қараётган мамлакат, янглишмасам, ҳозир, дунёда ягона – бизнинг мамлакатдир.

Мурожаатномада келтирилган методологик нуқтаи назардан муҳим бўлган фикр ва ғоя ҳозирги глобаллашув шароитларида жаҳон миқёсида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу ғоя ва фикрни мақсад жавҳарига айлантирган ҳолда, дейлик, ЮНЕСКО сингари башарий ва обрўли ташкилот алоҳида қарор қабул қилса, ёхуд махсус халқаро анжуманда гапирилса, кўпдан-кўп мамлакатлар қўллаб-қувватлаган бўларди, деб ўйлайман. Бу тадбир йилдан-йилга кучайиб бораётган курулланиш, ўзаро нифок, совуқ муносабатлар, империячилик сиёсати, ахлоқсизлик, “оммавий маданият” ва хавфларнинг олдини олишга таъсир кўрсатиши мумкин эди. Айни чоғда сусайишлар кузатилаётган инсонпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашда адабиётнинг ўз азалий функцияларини тиклашига, ўйлайманки, баракали таъсир кўрсатади.

Бу борада эътиборга муносиб асарларимиз борми? Ҳозирги адабиётимиз ҳақида қанчалар танқидий фикрлар айтилмасин ва улар қанчалар тўғри бўлмасин, мен шундай асарларимиз бор, деб ҳисоблайман.

“Адабиётга, санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор”, дейилган фикрлар замирига эътибор беринг. Бу кўнгилдагидек келажакка эга бўлиш учун моддий-иқтисодий раванқина эмас, яхши ейиш, яхши ичиш, яхши кийишгина эмас, маънавий жиҳатдан ҳам замон ва тараққиёт талабларига муносиб бўлишимиз керак, деганидир. Бунинг учун эса, адабиётни, санъатни ҳам ривожлантиришимиз, янги боскичларга кўтарилишимиз керак деганидир. Демак,

бундан шундай хулоса келиб чиқадики, адабиётга берилаётган аҳамият, моҳият-эътибори билан, халққа ва унинг келажагига берилаётган эътибордир. Демак, ёзувчи нечоғлик ўз шахсий дардларини акс эттирмасин, нечоғлик кичик мавзуга аҳамият қаратмасин, у аслида ўзи учун эмас, халқ учун ёзади, ёзганлари билан халқни уйғотиши, уни янги зафарлар томон талпинишига ёрдам бериши керак бўлади.

Лекин, шу ўринда ижодкорлар билан учрашувларда яна бир муҳим масалага алоҳида урғу берилаётганини ҳам унутмайлик. “Ғоявий-бадий жихатдан саёз асарларнинг бозори чаққон” бўлиб бораётир, деган фикр замирида бажарилиши зарур бўлган қатор вазифалар туради.

Шулардан бири, танқидчилик ўз бурчига масъулият билан қараши лозимлигидир. Танқидчилик хоҳлаган асар ҳақида тақриз ёки мақола ёзадиган, хоҳламаса, ёзмайдиган соҳа эмас. У саёз асарлар кўпайишининг олдини олишга масъул, мажбуриятни ватанпарварлик даражасида ҳис ва идрок этиши зарур соҳадир. Акс ҳолда бўш ва саёз асарларнинг бозори чаққон бўлиб кетавериши ҳеч гап эмас. Бу масалада, энг аввало, танқидга “мен” қайғурмасам, ким қайғуради. Ахир бу масала юқоридан ҳал қилиб бериладиган эмас. Ундай ёзма, бундай ёз, деб буйруқ бериладиган ҳатто, махсус қарорлар чиқариладиган замонлар ўтиб кетди. Бу масалани ёзувчилар, танқидчилар, адабиёт ихлосмандлари – ўзимиз биргаллашиб ҳал қилишимиз лозим бўлиб, бу жараёнда танқидчининг ўрни ва бурчи алоҳидадир. Шундай қилмасак, дидсиз китобхонларнинг, саёз асарларнинг урчишига – уларнинг олди олинишига бурчли бўлган – ўзимиз дахлдор бўлиб қоламиз.

Шу ўринда давлатимиз адабиёт ва санъат равнақига керак бўладиган ҳеч нарсани аямайди, деб алоҳида таъкидлангани ва мақсадлар кечиктирилмай, аввалги замонлардаги каби узоққа чўзилмай, шу кунларнинг ўзиданок амалга оширишга чоғланаётгани, ўйлайманки, ижодкор аҳлига катта куч ва мадад бўлмоқда. Энди шунга яраша ишлашимиз зарур эмасми?

Маданиятимизни, асрий илғор анъаналаримизни ахлоқимизни, умуман, миллатимиз ва миллий қадриятларимизни тоза сақлаш энг муҳим масала. Уларни кирлантиришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Бу масалада бадий адабиётнинг ўрни нечоғлик катта эканини такрорлаш шарт эмас. Айни вақтда шу масалада адабиётнинг ўз ички қадриятларига дахлдор нуқталар ҳам бор.

Барча соҳаларда бўлганидек, бадий адабиёт равнақи ҳам ташқи таъсирсиз кечиши мумкин эмас. Шу ўринда “ғарбга тақлид” ёхуд ғарбдан ўрганиш деган масалада ёзувчи зиммасида муҳим масъулият туради. Умуман, масъулиятнинг муҳими ёки номуҳими бўлмайди, албатта. Лекин, масаланинг жиддийлигидан келиб чиқиб, мен бу ўринда “муҳим” сўзини қўллашни маъқул топяпман. Ғарб бўладими, шарқ бўладими, адабиётимиз равнақига, ундаги маҳорат, услуб, усул, шакл ранг-баранглигига ижобий таъсир кўрсатадиган, табиий равишда анъаналаримиз миллий, қадриятларимиз, қадриятларимизга сингишиб кетадиган хосиятли таъсир хусусиятларини ҳеч ким рад этмаслиги аён. Лекин ҳам адабиёт, ҳам миллий ўзлигимизга зид келадиган, унга дахл қиладиган таъсирнинг манфий оқибатини ўз зиммасига оладиган ҳаракатлар бизга керак эмас. Бундай таъсирлар Нобель мукофоти совриндоридан ёки ундан катта-



кичик совринлар эгасидан келиб чиқадими, бундан қатъи назар, бизга керак эмас. Биз миллатимизнинг ҳам, адабиётимизнинг ҳам қонини тоза сақлашга ҳаракат қилишимиз керак. Ахир, инсон томирига қон гуруҳи тўғри келмаса, қуя олмаймиз-ку!

Яқин-яқинларда “Оммавий маданият” деган ибора бизда аҳён-аҳён қўлланилгучи эди. Энди бу иборани, ҳаётдан келиб чиқиб, тез-тез ишлатишимизга тўғри келяпти. Шу маъно ва тушунчадаги “оммавий адабиёт” иборасига мурожаат этиш адабий нормага айланиб қолмаслиги учун зехнли ишлар олиб боришимизга тўғри келади.

Ижтимоий буюртма ҳақида... Бу тушунчани баъзилар шўро замонидаги каби юқоридан берилувчи буйруқ, тазйиқ, давлат иродасининг ифодаси тарзида; босимли сиёсат ва зўравон мафқуранинг бадиий адабиёт орқали тарғиб ва ташвиқи деб англаса, адашади.

Ҳозирги кунимизда адабиётдаги ижтимоий буюртма дегани, бу моҳият-эътибори билан, ҳаётдаги муҳим муаммолар, кўрилиши исталган қаҳрамонлар билан бу вазифани амалга оширувчи ёзувчининг ниятидаги уйғунлик зарурияти сифатида англаниши керак. Шу ўринда ижтимоий буюртма билан бугунги адабиётнинг асосий қаҳрамони ким ва у қандай бўлиши керак, деган моҳият бир-бирини тўлдиради. Ахир тузум ўзгарди, замон ўзгаряпти, янгича тафаккурли, янгича меҳнат қилаётган инсонлармиз, шулар даврасида яшяпмиз; жамиятни ҳаракатга келтираётган янги тадбиркорлар, фермерлар, жаҳоннинг илғор мамлакатларидагидек ёшларимиз пайдо бўляпти, мисли кўрилмаган ислохотлар, бунёдкорликлар амалга оширилмоқда. Халқ, бадиий адабиёт ихлосмандлари асарларда буларни кўришни, ўқишни истамасинми?! Бу ишларнинг барчаси осонликча рўй бераётгани йўқ. Шу жараёнда бошдан кечаётган мураккабликларнинг қийинчиликларнинг ҳис этилишини истамасинми замондош?! Ҳаётда қандай қаҳрамонлар бор ёки етишмаётгиди, – бадиий асарлар орқали билишни ва улардан ўзига куч-қудрат ўтишини орзу қилади. Мана шулар эмасми, ижтимоий буюртма ифодаси дегани.

Ҳозирги китобхонимиз жаҳон адабиётининг ўтмиши ва бугунидан яхшигина хабардор. Уни қойил қолдириш осон эмас. Унинг талаблари катта. Бунинг устига, кўплаб асарларимизда “майда мақсадлар” билан яшайдиган, ҳаётга фақат истеъмолчилик кайфияти билан қарайдиган кимсалар асосий қаҳрамонлар сифатида тасвирланаётгани кишини ташвишга солиши бежиз эмас. Шу маънода, бизга юксак идеаллар билан яшаётган, шу йўлда тинмай курашаётган, қийинчиликларни енгиб, ўтаётган, гоҳ енгиб ўта олмаётган, лекин умидини сўндирмай, бугунимиз ва эртамызга ишонч билан қараётган, ғайрат ва шижоати билан замондошларни ортидан эргаштира оладиган қаҳрамонлар зарур.

Биз кўпинча ўзимизни улуғлашу ўзгаларни танқид қилишни, хато ва камчиликларни ўзимиз эмас, ўзгалардан қидиришни хуш кўрамиз. Шу маънода, оммавий маданият деган бало фақат четдангина сизиб келмайди, у “афсуски ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин”, деган фикрнинг ниҳоятда муҳим эканига эътиборингизни қаратишни истардим. Гап “оммавий маданият” устида кетмоқда. “Оммавий маданият”нинг “оммавий адабиёт”га ҳам аста-секин ўтиб бораётган

унсурлари йўқ эмас. Бундан огоҳ бўлиш керак. Миллий урф-одатларимиз, миллий туйғуларимиз, қисқаси, ўзимизни парчалашга унинг таъсири ёмон бўлади. Биламиз, бадиий адабиёт ниҳоятда таъсирли куч. Унда бўй кўрсатиши мумкин бўлган сифатлар, Белинский айтганидек, “ҳаракатдаги эстетика” томонидан кечиктирилмай олди олиними керак.

Шу ўринда, айниқса, адабий танқиднинг, наинки адабиёт, балки умуман, ҳаётий жиҳатдан зиммасидаги бурчига, вазифасига талаб ортади. Бу танқидчилик олдига замон қўяётган талаблардан биридир. Асарнинг сифати, унинг бадиияти, маҳорат масалалари хусусида қайғуриш билан бир қаторда, замон танқидчилиги зиммасига мана шундай янги вазифаларни ҳам қўймоқда. Дейлик, аввалги юз йилликларда “оммавий маданият”, “оммавий адабиёт” тушунчалари йўқ ёки деярли сезилмас даражада эди. Ҳозир, янги замонда мана шундай янги “масалалар” келиб чиқяпти. Унинг омилини, айтилгандек, фақат четдангина эмас, ўзимиздан ҳам қидиришга тўғри келади. Бамисоли, 100-150 йил аввал юртимизнинг ғорат бўла бошланишига хонликларнинг ўзаро низолари, мамлакатимизнинг босиб олиними ва ундан кейинги жараёнларда ўз ичимиздан чиққан хиёнатчиларнинг ҳам ўрни оз бўлмаганидек...

Бўш асарлар кундан-кунга кўпайиб кетаётганлиги, нашриётлар бунга йўл қўйиб бераётгани, истаган қаламқаш, молиявий имконияти бўлса, истаган асарини чоп этаётгани ҳақида матбуотда зорланиб айтилаётган фикрларга бот-бот дуч келаемиз. Лекин, бу масалада аҳвол тарикча ўзгараётгани йўқ, аксинча, бу аҳвол авж олса-оляптики, секинлашаётгани йўқ. Саёз, хом-хатала асарларнинг оммавий равишда кўпайиб кетиши миллионлаб миллатдошларимизнинг, умуман, халқимизнинг бадиий дидини бузади, ўтмаслаштиради, бир сўз билан айтганда, салбий томонга буришга сабаб бўлади. Уни орқага қайтариш ва тўғри йўлга солиш қийин бўлади. Шу масалада менинг бир-икки таклифим бор. Бу масалада Ёзувчилар уюшмасининг ҳуқуқий-норматив базасини мустаҳкамловчи ҳужжатлар қабул қилиниб, хом-хатала, бўш-саёз, олди-қочди асарлар чоп этилишининг олдини олиш чоралари белгилаб қўйилиши керак.

Демократия барча соҳада зарур, буни тушунамиз, бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас. Лекин демократияда ҳам демократия бор. Унинг қайси бир нуқталари эл-юрт манфаатига зид келгудек бўлса, унинг олди олиними керак. Дейлик, ғарбда, “Европада асари саёз экани” учун чоп этилмаслиги муаллифнинг демократик ҳуқуқларини бўғиш, ҳуқуқини чеклаш, деб қаралгани сингари биз ҳам бу масалада шундай бўлишимиз шартми? Нима учун биз бу масалаларда, ҳатто демократия масаласи бўлса ҳам, ўзгалар танлаётган (ва салбий оқибатлари кўриниб турган) йўлни эмас, масаладаги асосий мақсадга риоя қилган ҳолда ўз йўлимизни танлашимиз, белгилашимиз мумкин эмас?

“Мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади”, деди ижодкор зиёлилар билан учрашувда Президентимиз Шавкат Мирзиёв. Бу фикрлар замирида чуқур ният, мақсад бор. Келажагимизга ҳам, бугунга, адибларимизга ҳам катта ишонч бор. Ҳавас қилинажак келажагимизга муносиб адабиётимизни бунёд этишга шу бугундан киришмоғимиз зарур.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ**  
**филология фанлари доктори, профессор**

1. Давлат раҳбарларининг маъруза, расмий чиқишларига муносабат ва уларни қўллаб-қувватлашларни кўп кўрганмиз. Бундай муносабат ва тарафдорликларда шахсий манфаат, расмиятчилик, мансабпарастлик ҳийла-найранглари қўшилиб-қоришиб кетгани ҳам кўпчиликка сир эмас, деб ўйлайман. Шу маънода мен бир қанча “ашаддий” ватанпарварларнинг совет давлати ҳукмронлиги даврида бир, қайта куриш ва ошкоралик замонида нисбатан бошқа, мустақиллик ғалабаси ҳамда ундан кейинги пайтларда яна ўзга қиёфада турланиб-тусланганини эслатиб ўтишим мумкин. Чунки халқ бундай кимсаларнинг кимлигини ҳам, журъат ва фидойиликлари нимага қаратилганини ҳам билади. Билгани учун самимиятига ишонмайди. Ва тўғри қилади. Негаки, ҳақиқати бўғзидан бошланиб қорнида тугайдиган корчалонлар Мурожаатномадаги юрак қаъридан отилиб чиққан сўз ва фикрларни қалбан асло қабул этишолмайди. Маънавий-ахлоқий ўйинчилик ва нафсоний таъмагирлик уларни муте, иродасиз кулга, шамол қаёнга эсса, ўша ёнга қараб бош эгаверадиган супургигулга айлантириб қўйган. Менимча, Президентимизнинг мафкуравий ҳолат, мустақил ва бутун шахснинг жамиятдаги мавқеи, фаолияти, хусусан ташаббускорлигидан коникмаётганлигига бир сабаб ана шу бўлса керак.

Ёзувчи, шоир ёки илм аҳлига умуман менинг эътирозим йўқ. Уларнинг кўнглига йўл топиш, бор қобилиятини юзага чиқаришга имкон бериш учун аввало ишонч ва ҳиммат зарурлигини ҳамма билади. Мен эса бошқа бир ҳақиқатни қайд этиб ўтмоқчиман. Умумий эътирофга кўра, маънан инсон ўзини бир МУШТ ҳолига етказса, лашкар қадар куч-қувват соҳиби бўлар экан. Бизда лашкар дейишга арзирли истеъдод соҳиблари бор. Аммо нечукдир улар бетарафлик, издиҳомдан четда юриш йўлини тутишган. Бунинг сабаблари очикчасига, айтиб эшитилса, менимча, адабий жараёндаги ҳамжихатлик албатта кучаяди...

2. Менимча, жамиятнинг маънавий-ахлоқий аҳволи, тафаккур тарзини тубдан янгилаш, давлат, сиёсат, энг муҳими, келажакка ишонадиган фуқаролар сафини кенгайтириш учун Президент энг тўғри йўл ва фавқулодда ҳаётий усулларни танлади.

Ҳозирги очиклик, ошкоралик ва демократик тамойилларга раҳна солинмаса, илм-фан, адабиёт, санъат, таълим-тарбия илдамлаганидан-да, илдамлаб бораверса, ҳеч шубҳасизки, Шавкат Мирзиёев сорбонлиги ва саркорлигидаги Ўзбекистон жаҳондаги манаман деган давлатлар мақомига юксалади. Ана шунда жафокаш халқимиз ёлғон, алдов, зулм, кўрқув, порахўрлик, каззоблик сингари неча ўнлаб иллату офатлар дастидан кутилган адолатли салтанатга, ростлик, ҳалоллик, ташаббус ва дину диёнатга, муҳофиз диёрга соҳиб бўлади. Дунёга танкидий нигоҳ ила қарайдиган кишиларни ҳам Мурожаатнома худди шу ҳақиқатга ишонтиради. Бу жуда муҳимдир.

3. Китобхонлик баҳсида айтилган сўз ва изоҳларингизга қўшиламан. Лекин Юртбошимизнинг китобхонлик борасидаги истак ва орзуларини рўёбга чиқариш учун миллатнинг фикрий савияси, бадиий диди, умумий



маслаги ва келажакка муносабати хусусида тўғри тасаввур ҳосил қилиш керак. Бу – биринчидан. Иккинчидан, ҳақиқий адабиёт тарғиби билан, ўртамиёна ва талантсиз ижодкорлар асарларининг ташвиқини ажратиш зарур. “Китоб ўқинг...”, “Китобхон киши андоқ бўлади, бундоқ бўлади...”, девериш билан мурод ҳосил бўла қолмайди. Ақл, фикр, ахлоқ ва эътиқодга таъсир ўтказадиган китоблар билан, қалб, рух ва ҳаёлотни нурлантириб юборадиган асарларни фарқлаш, адабий шахсияти ночор, санъаткорлик малакаси паст қаламқашларнинг ёзганларини ўқишни хусусан ёшларга тавсия этмаслик лозим.

Китобхонлик тарғиби тил, тарих, дин, миллат, ватан, мустақил ва эркин шахс манфаати нуқтаи назаридан амалга оширилсагина кўзланган натижага эришилади. Қолаверса, китоб мутолааси ҳақида ўзи қойиллатиб китоб ёзган, ўқувчилар ҳар қалай яхши биладиган ижодкорлар кўпроқ гапиргани мақбулдир.

### **Хуршид ДЎСТМУҲАММАД** **ёзувчи, филология фанлари доктори**

1. Мамлакатимиз мустақиллиги тарихида 2017 йилнинг аҳамияти 1991 йилнинг аҳамиятидан оз эмас. Ўтган йилда мустақил Ўзбекистон учун иккинчи Уйғониш даври бошланди. Шиддатли суръатларда давом этаётган ислохотлар юртимизда мутлақо ўзгача ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ахлоқий-тарбиявий иқлимни вужудга келтиришига ишонамиз, албатта. Айни чоқда мамлакат миқёсида кечаётган жараёнларни мулоҳаза қилиш, уни теран англаб етиш, идрок этиш бугунги маънавий-интеллектуал талаблардан ҳисобланади.

Инсоният тарихида “жамият” тушунчаси пайдо бўлган экан, унга “ислохот” тушунчаси ҳамisha ва ҳамма вақт ҳамроҳ бўлиб келган. Зеро ҳеч бир жамият бир жойда қотиб туролмайди, давр ва замон ўзгаргани сайин талаблар, истаклар, орзу-ҳаваслар ўзгаради, янгиланади.

XXI аср тонгида “замонавий маданий жамият”, “юксак тараққий этган давлат” тушунчаси туб-тубдан ўзгаришга учрамоқда, кечаги кун яшин тезлигида ўтмиш меросига айланиб қолмоқда, бугунги кун одамлар олдига янгидан-янги мезонларни, талаб ва шартларни кўндаланг қўймоқда.

Нима учун Ўзбекистон ва ўзбек халқи замонавий ҳаёт тарзи, умумтамаддун кўндаланг қўяётган бу талабларга бўш келиши керак? Нима, Ўзбекистоннинг қурби етмайдими? Салоҳияти озми? Тафаккур даражаси заифми? Ёхуд Ўзбекистон халқининг тараққий этган давлатлар халқларидан кам жойи борми? ЯХШИ яшашга маънавий ҳақи етарли эмасми?..

Саволлар шу қадар кўп ва кескинки, уларнинг барига Биринчи Президент И.Каримовнинг лўнда қилиб айтган “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!” деган сўзларида жавобимиз мужассам. Президент Шавкат Мирзиёев бошлаб берган ислохотлар симфониясида мужассам!

Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий жараёни баҳолашда масалага шахс – жамият – давлат триадаси таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ёндашилса,

жуда кўп ҳолатлар ўз-ўзидан аёнлашади. Буни мамлакатимизнинг шу кунги ҳаёти мисолида ҳам яққол кўриш қийин эмас.

Шахснинг эмин-эркинликда дунёни англаши, идрок этиши, вояга етгани сайин халққа ва жамиятга фойда келтириши нечоғли табиий бир ҳолат ҳисобланса, жамият ҳар бир шахсдаги мазкур мойилликларни юзага чиқариши, вужудга келадиган нафни умумманфаатига айлантириши ҳам шу қадар табиий ҳолат ҳисобланади. Давлат эса шахс ва жамият ўртасидаги мана шу алоқадорликни максимал даражага кўтариш учун соғлом муҳитни вужудга келтиради. Соғлом муносабатлар кафолатига айланади. Бу учлик – триада ўртасидаги табиий боғлиқлик, алоқадорлик тўғри йўлга қўйилган тақдирда жамият ўз-ўзидан тараққиёт йўлида собит бораверади. Қайсидир жойида кемтиклик юз берса... бу борадаги узилиш зудлик билан, шиддат билан кенгаяди, чуқурлашади – офатга айланади. Жамият ёки бирор соҳа микёсида йўл қўйилган регрессни тўхтатиш, унинг асоратларига барҳам бериш жуда қийин кечади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ислоҳот ниҳоятда чуқур ўйланган, илмий пухта ишлаб чиқилган, халқона тилда айтганда, етти эмас, етмиш карра ўйлаб, сўнг кўрилган чора асосига қурилмоғи зарур. Табиийлик ва илмийликка қачон путур етади? Табиий ва илмий тизимлар кимнингдир хоҳиш-иродаси томонидан ғорат этилса, табиий тартиботлар издан чиқарилса, илм тили билан айтганда, бир субъектнинг тафаккур доирасида қолиб кетса, ислоҳот иқлими соғломлигига путур етади. 2017 йил айни шу борада ҳам Ўзбекистоннинг олис ва яқин тарихида кузатилмаган фавқулодда янгилик юз берди – халққа мулоқотга, фикр-мулоҳаза, таклиф ва истакларини айтишга, изҳор этишга кенг имконият берилди!

Жамият ва шахс, тарихда шахснинг ўрни мавзусига бағишлаб озмунча баҳс-мунозаралар ташкил этилмаган, озмунча тадқиқотлар яратилмаган. Ва кўп ҳолларда жамият тақдирида шахснинг ўрни, аҳамияти бир қадар камситилган, пасайтирилган. Эҳтимол бундай бирёкламалик шўро мафқурасига бориб тақалар, аммо-лекин ҳаётий ҳақиқат шуни кўрсатмоқдаки, жамият ҳаётида шахснинг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга! Мамлакатимизда кечаётган жараёнлар бунинг ёрқин намунасидир!

Халқимиз менталитетида давлат раҳбарига ўзгача эҳтиром этикетлари азал-азалдан шаклланган. Хусусан, халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяётган, халқ давлат учун эмас, давлат идоралари халқ учун хизмат қилмоғи даркор деган иш тутумини кенг жорий этишга киришган Раҳбар кенг омма қалбидан ардоқли ўрин олиши ўн чандон муқаррар. Шу билан бир вақтда бошланган ислоҳотларнинг амалий ва узок муддатли тақдири, самарадорлиги кўп жиҳатдан айни шу ўринда ҳал бўлишини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Айтмоқчиманки, ҳамонки давлат Раҳбарига бўлган ҳурматимиз шу қадар юксак экан, нима учун барча қатламдаги ташаббусни у кишига ташлаб қўйиш керак?! Раҳбарлар, мутахассислар, зиёлилар, давлат ва жамоат ташкилотлари ва ҳоказолар томошабин бўлиб ўтириши наҳотки нормал ва табиий ҳолат ҳисобланса?!

Хорижий мамлакатларда давлат раҳбарлари фаолиятининг дастлабки 100 кунни яқунлари турфа бўғинларда муҳокамаларга тортилади, мулоҳазаларга мавзу бўлади. Ўша андозалардан келиб чиқиладиган бўлса, ўтган қисқа даврда мухтарам Президентимизнинг шахсияти ва

фаолият услубидаги асримизга хос шиддаткорлик ва юқори некбинлик туйғуси кишиларимиз руҳиятига кўчиб ўтаётганини кузатиш мумкин. Бундан қувониш керак албатта. Шу билан бир вақтда томошабинлик психологиясидан воз кечмоқ зарур! Халқона тил билан айтганда, оғир юкнинг бир чеккасини зиммага олиш ҳам инсофдан, ҳам адолатдан бўлади!

“Ўзбекистон” деб номланган юрт ўзимизники, шундай экан, уйимизда бошланиб кетган бунёдкорлик ишларида томошабин эмас, фаол иштирокчи, фаол ва садоқатли елкадош, сафдош бўлиш талаб этилади.

Шундай бир паллада зиёли қатламнинг, жумладан, ёзувчиларимизнинг вазифаси ҳақида сўралмоқда. Ижодкор жамиятнинг оммавий ўқитувчи-мураббийлари ҳисобланади. Ҳамон шундай экан, унинг вазифаси жуда аниқ, жуда мақсадга йўналтирилган бўлмоғи табиий. Мамлакатимизда кечаётган жараёнлар моҳиятини теран ва чуқур англаган ҳолда хоҳ бадиий асарлари, хоҳ айтар СЎЗИ билан даъваткор кучга айланмоғи талаб этилади.

Республикамиз умумсафарбарлик муҳотида яшаб турибди, Президент 2018 йилда барчамизни биргаликда ва ўзимизни аямасдан меҳнат қилишга даъват этмоқда. Бу даъват ижоддошларимизга ҳам бевосита тааллуқлидир.

2. Жамиятда маънавий мукаммаллашув муҳитини вужудга келтириш омилларини икки оғиз сўзда батафсил баён этиш қийин. Унинг энг муҳимларидан бири миллий ўзлигимизни асраб-авайлаган ҳолда умуминсоний тараққиёт поғоналарини забт этишдан чекинмасликдир. Майли, ички муаммоларимиз етарлидир, боринги, иқтисодий, техникавий, интеллектуал салоҳият ва ҳоказолар бобида кўлимиз калталиги сезилиб қолаётгандир. Шу билан бирга ҳеч қандай тушқунликка асос йўқ, бўйнимизни ҳам қиладиган жойимиз йўқ. Муҳими – имкониятларимиз етарли, биз ишни ва яшашни тўғри ташкил этсак ҳамда турли микёслардаги ички ва ташқи муносабатларимизни тўғри ўзганга йўналтирсак, олам гулистон ахир!

Ф.Достоевскийнинг Пушкинга бағишланган машҳур маърузасини эслайлик. “Ўзимизнинг ўрусона мустақиллигимизга бўлган эътиқодимиз, ишончимиз” деган жумла келади унда. Ўзбекона мустақил эътиқод ва унга бўлган ишонч борасида ҳеч кимдан кам эмасмиз биз ҳам. Барча мавжуд нуқсону иллатларимизга қарамай, “Биз инсониятга қарата янги сўз айтишга бурчлимиз”, дейди улуғ рус адаби. Ўзбекнинг ҳам бутун башариятга қарата айтажак сўзлари оз эмас! Мўътабар бобокалонларимиздан мерос бебаҳо ҳикматларимиз ўт-аланга ичида қолаётган, ўзаро қирғинбаротлар ҳаётий мақсад-маслакка айлана бораётган қурраи арзни омон асрашда жуда-жуда асқотишига заррача шубҳа йўқ! Дунё узра бонг урмоққа ҳақлидир ўзбек!

Жамиятимизнигина эмас, унга кўшиб жаҳон жамоачилиги мукамаллашувини таъмин этиш борасида Ўзбекистон ва ўзбек халқи ўзини бурчли ҳисоблашга тўла маънавий ҳақли!

Китобхонлик маданиятини шакллантиришга қаратилган ҳар қандай чора-тадбир аҳамиятлидир. Ўн ёки юз саъй-ҳаракатдан битта наф кўрилса ҳам – арзийди. Бироқ гапнинг индаллоси ҳам бор-да: китобхон инсон

яхши яшай бошласа, китобхон одам жамиятда етарли кадр-қимматга эга бўла борса, китоб мутолаасига меҳр қўйган каттаю кичик шунга яраша меҳр-эйтибор кўрса бас – бундан катта, бундан самарали чорага ҳожат қолмайди. Бунга эришиш қийин. Унга вақт керак, лекин муҳими, шу йўлнинг танлангани, танлаган йўлимиздан оғишмасак, бас.

**Қозоқбой ЙЎЛДОШ**  
**педагогика фанлари доктори, профессор**

1. Адабиёт – аввал-бошдан шахснинг туйғуларига таъсир қилиш орқали унинг тафаккур ва руҳиятини уйғотишга йўналтирилган эстетик ҳодиса. Бинобарин, бугунги ўзбек адиблари бадиий сўзнинг бутун куч-қудратини миллат аҳли фикру руҳиятини уйғотиб, одамларни лоқайдлик ва бефарқлик ҳолатидан чиқаришга қаратиши керак. Кўп йиллар давомида одамлар овозига қулоқ солмай қўйилгани учун миллат аҳли летаргик уйқуга чўмган эди. Кўнгил дардлари тингланмаган, хоҳиш-истаклари инобатга олинмаган одам атрофидаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ ва лоқайд бўлиб қолади. Бундай кишининг шахслиги синиб, ўзининг жамият ҳаётида ўрни йўқлиги ва унга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмаслигига кўниккан бўлади. Бугунги ўзбек адабиёти миллат ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришларни амалга ошираётган кишилар турмуши ва руҳий дунёсини ҳаққоний кўрсатиб бериш орқали одамларда фаоллик, ўз кучига ишонч туйғусини шакллантиришга йўналтирилиши керак, деб ўйлайман.

Бунинг учун ижодкор ўзидаги кўркув туйғусини босиб ўтиб, юракдан чиққан чин туйғулар тасвири воситасида ўқирманлар юрагига кириб бориши, уларнинг кўнгли ва тафаккур оламига ёруғлик элтиши лозим. Бугун миллат шахслашиш босқичига кирган. Бинобарин, миллат аҳлида универсал қирралардан кўра ўзига хос ва бетакрор жиҳатлар кўпроқ. Замонавий адабиёт ана шу бетакрор ўзига хос шахсият эгаларининг турфа табиатини ҳаққоний ва таъсирли йўсинда тасвирлаб беришга эйтибор қаратиши лозим.

2. Санъат ва илм аҳлининг эргаштирувчилик қудрати борасида ҳозир бир нарса дейиш қийин. Аммо бу қавмларнинг бирлаштириш имкони анчагина катта экани бор гап. Шунингдек, жамият аъзоларининг ҳаммаси учун бирдай кадрли бўлган, кўпчиликни бирлаштиришга хизмат қиладиган ғоя ҳақидаги фикр ҳам жўяли. Менимча, бугунги ўзбек адабиётининг диққат-эйтибори коррупциялашган бошқарув тизимидаги кимсалар томонидан кадрлар ерга урилган, назарга илмай қўйилган миллат аҳлида инсонлик ғурури, шахслик шаънини тиклашга қаратилиши керак.

Адибларнинг бутун кучи инсондаги инсонлик ва инсонийликни уйғотишга йўналтирилиши зарур. Ўзига, ўз ақли ва кучига ишонган ғурурли, эркин шахсгина яратувчи бўлади. Тафаккур ва руҳияти бўғовда бўлган киши кашф этиш қудратига эга эмас. У, ошиб борса, берилган буйруқни бажарувчи бўлиши мумкин, холос. Адабиёт ҳар битта одамнинг бетакрор ва мукаррам яратилган эканини, ҳамма ва ҳар ким эъзозу ҳурматга лойиқлигини реал инсоний муносабатлар фонида ҳаққоний тасвирлаб бериш орқали миллат аҳлида ўзига ишонч уйғотиши мумкин. Ҳар бир

алоҳида одам билан ҳисоблашиш, чинакамига ҳурмат қилишгина унда ўзига ишонч уйғотади. Оддий одам манфаатининг ҳамма нарсадан юқорилиги умумиллий кайфиятга айланганда жамиятда кескин ўсиш содир бўлади.

Шахслиги бутун ғурурли одам ҳеч қачон эгилмайди. Бундай шахсни енгилш ёки синдириш асло мумкин эмас. Туйғу ва тафаккури эркин бўлган одамнинг ҳаёлотини чегара билмайди. Тафаккур ва ҳаёлотини юксак парвоз қиладиган бутун шахсларгина жамият тараққиётини таъминлай оладилар. Сикиқ одам фаолияти бутун натижа бермайди. Фақат бутунгина бутунлик яратишга қодир. Бугунги миллий адабиёт бутун шахсиятларни акс эттириб, бундай шахсларни шакллантириш йўллари борасида изланиши лозим.

3. Менинг назаримда, аҳоли ўртасида китобхонликни ривожлантириш борасидаги расмий ҳужжатларда айнан бадиий асарни кўпроқ ўқишни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Негаки, бадиий китоб одамда эзгу маънавий сифатларни қарор топдиришга хизмат қилади. Бадиий асар ўқирманни қахрамонлар дардига шерик қилиб, унинг кўнглини тозалайди, ўқирманда асардаги ёмон қилмишли персонажларга нисбатан нафрат, эзгулик тарафдорлари бўлган қахрамонларга хайрихоҳлик уйғотади. Кишини бировларнинг тақдирига қизиқиб, унинг ташвишини чекадиган қилади. Кўркем асар шу тариқа ўқирманда эзгу одамий фазилатларни шакллантиради. Бундай одамларсиз ҳар қандай жамият таназулга маҳкум.

Фан-техника ўта ривожланган бугунги кунда одамнинг қудрати ортиб кетди. Олдинлари ёвуз одам бир ёки бир неча одамга ёмонлик қилиши мумкин эди. Ҳозир эса бундай кимса нафақат бир миллат, балки бутун инсониятга ёмонлик қилиб, унинг ҳаётини издан чиқаришга қодир. Одамнинг қудрати ошгани сари ёмонлик қилиш имконияти ҳам ортиб бормоқда. Мана шундай вақтда бадиий асар ўқиш орқали ўзида ўзгани тушуниш, унга эмпатия, яъни туйғудош бўла билиш хусусиятини шакллантирган шахсга эҳтиёж ғоят ўсади. Шу боис инсоният учун интеллектуал юксалишдан кўра маънавий юксалиш муҳимроқ аҳамият касб этиб бормоқда.

Бадиий асар ўқирманда туйғудошлик, яъни эмпатия хусусиятини шакллантиради. Бернард Шоунинг: “Ҳислар одамни фикрлашга мажбур қилади, лекин фикрлар ҳис қилишга мажбур этолмайди”, – йўсинидаги фикрида бадиий адабиётнинг одамда кучли туйғу қўзғаш орқали унда кучли тафаккур ва эзгу маънавий сифатлар қарор топдириши мумкинлиги кўзда тутилган.

Бадиий асар шунчаки кишига ахборот берадиган сўзлар йиғиндиси эмас. Чинакам бадиий сўзда мусиқага йўғрилган сеҳр ва ҳикмат уйғунлашган бўлади. Одам бадиий сўзни тушунишдан олдин унинг мусиқасидан таъсирланади. Таъсирланиш туйишга, туйиш тушунишга олиб келади. Ўқирман шу йўсин ўзида эзгу маънавий сифатлар қарор топдиради.

Ҳозир саноксиз китоблар чиқариляпти. Башарият китоблар уммони қўйнида. Чексиз бу уммондан вақтида қўналғасини топмаган одамнинг чўкиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам қачон нимани ўқиш борасида доимий савияли маслаҳат берилиши керак. Радио, телевидение, газета-журналларда қайси ёшдаги одамлар қайси асарларни ўқиши кераклиги

борасида етук мутахассисларнинг маслаҳатлари бериб борилиши фойдали бўлади.

Бадиий асар кўпроқ ўқилишига эришиш учун китоб нархини арзонроқ қилиниши лозим. Кейинги вақтларда кўпчилик нашриётлар китобларни совғабоп қилиб, безакли ва табиийки, қиммат чиқармоқда. Бундай китобларни ҳамма ҳам сотиб ололмайди. Шу боис, китобни томошабоп безакли матоҳ тарзида эмас, балки ўқиладиган битик сифатида кўпроқ нусхада оддий ва арзон қилиб чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Китоб ўқишга тарғиб қилишни ҳам бошқачароқ йўсинда ташкил этиш керак. Ҳозирда ўзи тузукроқ тўртта бадиий асар ўқимагани шундоққина билиниб турадиган радио ва тележурналистларнинг ёзувчилар, олимлар, ноширлар билан китобхонлик борасидаги суҳбатлари урф бўлган. Бундай “суҳбат”ларда конкретлик йўқ, бадиий асар ўқишнинг фойдалари тўғрисида ҳаммага маълум умумий гаплар қайтарилаверади. Бундай тарғибот одамни китобдан бездиришга хизмат қилиши мумкин, холос. Бунинг ўрнига ҳам журналист, ҳам суҳбат қатнашчилари томонидан ўқиб чиқилган бирор бир китоб юзасидан суҳбат ўтказилса, унда ҳар бир қатнашчи ушбу китобнинг маъқул томонлари нимада экани борасида асосли фикр айтса, томошачи ёки тингловчилар ўша асарни ўқишга қизиқиб қолиши мумкин. Ҳозирча телевидениедаги кўрсатувлар ва радиодаги эшиттиришлар китоб ўқимаган журналистларнинг турли мутахассислар билан тахминий шоусидан иборат бўлиб қоляпти.

**Шухрат РИЗАЕВ**  
*адабиётшунос, филология фанлари номзоди*

1. Дарҳақиқат, ўтган йилнинг 22 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг олий мажлис палаталарига қилган Мурожаати ватанимиз тарихида янги саҳифа очди. Юртбоши ҳаётга, мавжуд воқеликка очиқ кўз билан қаради, жамиятнинг айни пайтдаги аҳволига кўзгу тутди. Бир неча йиллар давомида англандан, ҳис қилинган, мушоҳада қилинган ҳақиқатлар тилга кирди. Президент ўз маърузасида илгари сурган ғоялар, фикрлар бугун ёки бир йилликнинг муаммолари эмас, у йиллар давомида тўпланган маънавий, ижтимоий, иқтисодий муаммолар йиғиндиси эди. Шу пайтгача бу муаммоларга сен менга тегма, мен сенга тегмайман, қабилида муносабатда бўлинди, кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олинди. Охир натижада эса муаммолар кўпайиб-кўпайиб миллатни, халқни шу аҳволга, Президент куйинган вазиятга олиб келди.

Бу ўринда зиёлининг вазифаси қандай бўлиши керак? Зиёли қавмнинг олдин ҳам, бугун ҳам, келажакда ҳам жамиятнинг олдида қарзлари кўп бўлган. Маърифатли одамнинг биринчи белгиси – унинг виждонидир. Виждонига зид иш қилмаган зиёли ҳаётдаги миссиясини тўла удалайди. Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Қодирий, Фитрат, Авлоний, Чўлпонлардан тортиб Озод домла, Матёқуб домлаларнинг ҳаётларигача разм солсак, миллатимиз ойдинлари ҳаётини ёритиб турган машъала ҳақиқат ва виждон бўлганлигини ва ундан бир қадам ҳам ортга

чекинмаганликларини кузатишимиз мумкин. Улар ёлгон билан чиқиша олмаганлар, сохталик, баландпарвоз шиорларга кўника олмаганлар, мана шу хислат жамиятни, маънавий ҳаётни бир мунча шаффофрок туришига сабабчи бўлган. Миллатнинг зиёлисика ҳақиқатдан юз бурса, виждонига хилоф иш қилса, нафс кулига айланса, бошқалардан нима кутиш мумкин? Шу маънода шахсликка интилиш керак, инсон ботинидаги шахсиятини худа-беҳудага синдириб қўйишдан ўзини асраши керак.

Бугун виждони уйғоқ инсон борки, Президент ёнида камарбаста бўлмоғи, мамлакатнинг ривожи учун қўлидан келган ишни бажармоғи керак. Зеро Мурожаатнинг мазмун-моҳияти энг аввало бари жамият аъзоларининг виждонини уйғотмоққа қаратилган. Ҳеч қандай таъмасиз, манфаатсиз, талабсиз миллат, халқ тараққиёти учун беминнат хизмат қилган инсонни халқ ўзи яхши билади, кадрлайди, муносиб баҳо беради. Шу маънода, зиёлининг бирламчи вазифаси халқ ичида Давлат идораларига, Ватанга ишонч уйғотишдан, одамларни ҳаётга, эртанги кунга ишонтиришдан иборат бўлмоғи керак. Бир кунда ёинки бир йилда бир адашган, йўлсиз инсонни тўғри, нурли йўлга сола олган зиёли ўз вазифаси, миссиясини қай бир маънода уддалаган бўлади.

2.3. Жамиятнинг маънавий мукаммаллашуви бир йилда ёки бир муддатда амалга ошадиган ҳодиса эмас. Аммо ҳозирги вазиятни, ҳолатни, киёфани йўқотиб қўйиш ҳам, эътиборсизлик, худбинлик ва манфаатпарастлик кетидан қувиш натижасида бугунги топганларимизни ҳам бой бериш хавфи турибди олдимизда. Чунки замон ўзгаряпти, бўруну тўфонга ўхшаб минтақамизнинг тўрт томонидан турли мафкуралар оқими кириб келмоқда. Бунга қарши тура билиш иродасини шакллантиришнинг ўзи бўладими?!

Бугунги дунё манзарасини идрок қилсак, хушёрлик ва огоҳликни бирламчи ҳаётий дастур сифатида белгилашимизни ҳаётнинг ўзи тақазо қилмоқда. Аммо бу қай йўсинда амалга ошади? Унинг воситалари қандай?

Бизнингча, бундай вазиятда Юртбошимиз энг тўғри йўлни танладилар! Диний ҳам дунёвий тарбия ва китоб тарғиботи орқали. Чунки, инсонни китоб тарбиялаган, диний эътиқод, исломий маърифат киши қалбини тўғри йўлга солган, дунёвий исм ҳаётий амалларини белгилаган. Бу бирламчи восита.

Кейинги воситалардан бири миллатнинг маънавий тақомили, тараққиёти, маърифий камолоти йўлида ҳар бир давлат ташкилоти, вазирлигу агентлик, кўмитаю таълим муассасалари яқдилликда фаолият олиб боришлари керак. Барча давлат тузилмалари бир мақсад сари интилса, иш қутилганидан анча осон кечади. Аммо бу борада ҳанузгача турли муаммолар сақланиб турибди. Ҳамма ўзича мустақил ташкилот. Биров бировнинг гапига қулоқ солавермайди. Йўналиши, мақсади, сиёсатини ўзи белгилайди, ўзи юргизади. Баъзи ташкилотларда бир гуруҳ “доно”лар бор ва асосий тизгин уларнинг қўлида. Натижада бошбошдоклик, таниш-билишчилик, коррупция урчийди. Дейлик, бугун Ўзбекистон мактабларида 10 миллиондан ортиқ ўқувчи, шунга яраша ўқитувчилар бор. Аммо сиз халқ таълими вазирлиги эшигини бирорта адабий нашр, китоб обунаси бўйича тақиллатинг-чи, қандай жавоб эшитасиз?

Адабиёт – халқнинг мулки, башариятнинг хазинаси. Усиз жамиятда тараккиёт бўлмайди. Буни таълим тизимида турган ҳар қандай раҳбар биледи, биледи-ю... аммо? Юртбошимиз қайта-қайта бу ҳақда таъкидла-япти, қатор Фармону қарорлар эълон қилиняпти. Бироқ вазифа моҳиятини англашда, қарорларнинг ижросини тўғри таъминлаш масаласига келганда яна ўша эски ҳаммом, эски тос.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади? Хўш, республикадаги ўн мингга яқин мактабнинг обуна сиёсатини ким юргизяпти? Қайси мезонларга кўра, кимларнинг иштироки билан амалга ошириляпти бу ишлар? Мамлакатнинг адабий-фалсафий, мафкуравий сиёсатини олиб бораётган республика журналу газеталарини бир ҳовуч фанатлардан ташқари бошқа ўқувчиларга етказишнинг имкони борми? Бу йўлдаги тўсиқлар қачон олиб ташланади?

Ёки бугун республикадаги олий таълим муассасалари ўқув дастурларини кўздан кечирайлик. Гуманитар, аниқ ва табиий йўналишдаги талабаларга математика, иқтисод, демография, социология, маънавият, фалсафа, ҳуқуқ ва бошқа худди шундай ўнлаб фанлар қўшимча дарслар сифатида ўқитилади-ю, улар сафига адабиёт, мутолаа санъати, Навоий поэтикаси сингари фанлар қўшилмайди. Талабалар-ку, майли, уларга ўргатмадик, у ерда сабоқ ўтаётган муаллимлар нимадир ўқишяптимикиан? Бу борада вазирликлар томонидан ҳам, республикадаги ОТМлар томонидан ҳам ҳанузгача бирор ташаббус, хайрихоҳлик билдирилмади. Нима сабабдан? Адабиёт, китоб бу касб эгалари, бўлғуси мутахассислар учун ортикчами? Шифокор ёки технолог, дастурчи ёки юрист адабиётни ҳис қилса, китоб ўқиса, Навоийни ўрганса, ҳақиқий ҳаёт манзараларини китобдан ўрганса, тафаккурини бойитса, руҳини покласа, нима ютказамиз? Китоб маърифати юққан кўнгилда эгрилик бўлмаслигини яхши биламиз-ку. Бу масалада кимдан руҳсат сўрашимиз ва нима учун ўйланиб туришимиз керак? Бугун мактабда дарсликдан ташқари, мустақил ўзбек адабиётига дахлдор жилла курса йигирмата яхши асарни ўқиб тугатмаган мактаб ўқувчисига битирув шаҳодатномаси, жаҳону ўзбек адабиётидан яна ўшанча китоб ўқиб топширмаган талабага мутахассислик дипломи берилмаслиги амалиётини жорий қилсак, ким бизга эътироз билдиради?

“Токи жоҳиллик бор экан, инсон ёвузликка қарши бирон чора топа олмайди”, дейди инглиз файласуфи Рожер Бэкон. Жоҳилликни эса маърифат йўқотади. Маърифатни, инсофни, Президентимиз такрор-такрор таъкидлаган ҳалоллик ва покликни бизга Китоб ўргатади. У диний бўладими, дунёвий бўладими, қатъий назар ўқиш, уқиш керак. Муҳими, онгимиз, қалбимиз, миллий-маънавий қадриятларимизга зид бўлмаса, маърифатга етакласа, кўнглимизни кирлардан тозаласа бўлди. Бунинг учун ҳаммамиз бирлашишимиз керак. Шунга ўхшаш вазифаларни мувофиқлаштирсак, барча ташкилот мутасаддилари бир ёқадан бош чиқариб, бир муштга айлансак, ўйлаймизки, Президентимиз Мурожаатида кўтарилган муаммолар вақти-соати билан барҳам топади ва ҳеч кимдан ҳеч қачон кам бўлмаган авлод тарбиялаш ишларига баҳолиқудрат ҳисса кўшган бўламиз.



Дарвоқе, охирги бир-икки йилда ўзим гувоҳи бўлган шоён хайрли бир ташаббусни шу ўринда айтмасам инсофдан бўлмас. Дастлаб Тошкент давлат Иқтисодиёт университетида, сўнг янгитдан ташкил этилган Давлат Бошқаруви Академиясида бадиий адабиётни, ёзувчи-шоирлар ижодини ўрганиш бўйича махсус комплекс ишлар амалга ошириляпти. Шу даргоҳларни битириб чиқадиган йигит-қизлар бадиий адабиёт олаmidан ҳам керагича воқиф бўладилар. Ана шу ташаббусга тус бериб, давлат миқёсига олиб чиқиш галдаги зарур вазифа.

**Иқбол МИРЗО**  
**Ўзбекистон халқ шоири**

1. Ҳа, тарих тақозоси билан шундай давр бошимиздан кечди. Биз ташқи хавфлардан яшириниб, дарвозаларимизни тўрт томондан беркитиб олдик. Эшиklarимизни шу қадар маҳкам ёпиб олдикки, ундан паррандаю хашаротгача ўта олмас эди. Деворларни Садди Искандарийдек баланд қилиб кўтардик. Натижада тўрт томондан ўраб олинган мамлакатга айландик. Айниқса, бир омади чопиб, чет элга чиқиб олган одамга бу очик-ойдин кўриниб туради. Мен ҳам ҳориж сафарларига чиққан пайтимда ўз қобиғимизга нақадар ўралиб қолганимизни, тараққиётдан нечоғлик орқада қолганимизни бир ижодкор сифатида чуқур ҳис қилдим. Ҳаммадан ҳам алам қилгани биз бу йиллар ичида мақтаниш санъатини яхшигина эгалладик.

Буюк ажодларимиз Амир Темури, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди деймиз-у, лекин афсуски, ёпиқ тизимда буларни фақат номларини санаш, мақтаниш билан овора бўлдик. Мана, бугун бу иллатларни очикчасига эътироф этмоқдамиз, муҳтарам Президентимиз бот-бот таъкидлаганларидек, атрофимизга очик кўз, эркин юрак, тиниқ тафаккур билан қараш вақти етди. Ва бу, албатта, бир бемор жамиятни даволаш учун жуда ҳам зарур шартлардан бири эди. Агар биз ўзимизни-ўзимиз алдашда, мақтанишда давом этаверадиган бўлсак, бунинг охири вой бўлиши аниқ эди. Тўғри сўзни айтиб, камчиликларимизни тан олмайдиган бўлсак, бу фақат рақибларни кўзимиздан пана қилиши, вақтни, тараққиётни рақиб санаб, замондан орқада қолишимиз, тобе бир мамлакатга айланишимиз ҳеч гап эмас.

Чунки буни бутун дунё тасдиқлаб турибди. Шу маънода зиёлилар биринчи навбатда оқ-қорани таниган, миллат куюнчаги бўлган одамлар бу нарсаларни бошқаларга тушунтириш билан бирга, ўзлари қатъий кураш олиб боришлари керак. Зиёли инсоннинг, албатта, ижодкор сифатида ўз андишалари, ўзининг “мен”и, шахсияти бўлади, шахсиятда эса камчиликлар бўлмай иложи йўқ. Шулардан бири худбинлик, эгоизмдир. Лекин зиёли бўлса-ю, мамлакат тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда оила учун, миллат учун, халқ учун бирлашмаса, гина-қудуратларни эсдан чиқармаса, енг шимариб ишга киришмайдиган бўлса, бундай зиёли шу халқ учун муносиб эмас. Бундай беғам зиёлилар инкирозга бошлаб борадиган одамлар тўдасидан бошқа ҳеч ким эмас. Шу маънода айтмоқчиманки, зиёлилар ҳам бошқа ҳар бир аҳоли қатлами билан бирга

бир ёқадан бош чиқарадиган, ўзининг чин қиёфасини кўрсатадиган вақт келди. Бу ёзувчилардан тортиб шифокорларгача, талабалардан тортиб шоирларгача – ҳаммага бирдек тегишли.

2. Жамиятнинг маънавий такомилу учун биринчи навбатда сўз эркинлиги керак. Сўз эркинлиги деганда, аксарият ҳолларда фақат жамият тинчлигини сақлашга чақирадиган, мамлакат, ватан манфаатига хизмат қилаётган сўз эркинлигини назарда тутамиз. Албатта, бу тушунчани турлича ифода қилиш мумкин. Сўз эркинлигини чинакам демократия деб ҳам аташ мумкин. Лекин, аслида, миллат яқдиллигига, мамлакат тараққиётига, ватан мустақиллигига зиён келтирадиган сўз бўлса, буни, аксинча, эркинликка қарши ҳаракат деб тушуниш керак. Сўз эркинлиги ҳамини ўзининг долзарблигини сақлаб қолиши, тараққиётга хизмат қилиши керак. **Маънавий жиҳатдан анчайин мукамал, руҳан кучли**, ботинан бақувват бўлмоқ учун ҳам сўз эркинлиги керак. Лекин бу дегани ҳар ким оғзига келган гапни гапиравериши эмас. Бу ерда ўзбекона минталитет, қадриятлар, урф-одатлар, андиша, ҳурмат туйғулари ҳам ҳисобга олинмоғи лозим.

Сўз, фикр, виждон эркинлиги, албатта, серқирра тушунча. Ўз ўй-фикрларини эркин билдираётган шахс таъқибга олинмаслиги керак – мана, масаланинг илдизи қаёқда!

Шу ўринда бир аччиқ ҳақиқатни айтиб ўтсам. Бизда кўп йиллар давомида муаммо бир ёқда қолиб, муаммони кўтарган одамнинг масаласи кўриладиган бўлди. Муаммони кўтариб чиққан шахсни йўқотиш эркинлик куроли бўлиб келди. Жамоатчилик олдида фикр айтиш кўркуви ҳукмрон бўлди. Мана шу кўркув ҳалигача йўқолган эмас. Ҳалигача одамлар ўзини ўйлантираётган фикрлар бу ёқда қолиб, ўзи хоҳламаган гапни гапиради.

Муҳтарам Президентимиз, биздан, зиёлилардан халқдан камида ўн қадам олдинда юринлар, деб сўраяптилар. Ўн қадам олдинда юрган одам ҳамма нарсани бошқалардан кўра олдинроқ кўра олади, албатта. Бунга сўз эркинлиги тўла ҳукмрон бўлган жамиятда эришмоқ мумкин. Президентимиз бизни мана шу жамиятга қараб ҳаракатга ундаяптилар. Бу ҳаракатнинг бошида, шубҳасиз, уларнинг ўзлари турибдилар. Улар бизга демократиянинг ажойиб намунасини яратиб бердилар.

3. Китобхонлик масаласи ҳақиқатан ҳам алоҳида мавзу. Муҳтарам Президентимиз китобхонлик тўғрисида гапираяптилар, умуман, матбаага изчил эътибор қаратиб, китоблар чоп этиш, уни тарқатиш тўғрисида тинимсиз эслатиб турибдилар. Биз буни суистеъмол қилмаслигимиз керак. Нимага деганда, у киши айниқса, бадий жиҳатдан юксак китобларни назарда тутмоқдалар. Барчамиз гувоҳмизки, Шавкат Миромонович ўзлари бир неча бор Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини мисол қилиб келтириб, мана шу даражадаги китоблар ёзадиган давр келганига ишора қилмоқдалар. Лекин, афсуски, биз бунга комил ишонч билан тайёрмиз, деб айтолмаймиз. Баҳонада китоблар тақдимоти воситасида ўтмаган “мол”ларимиз бозорини юргизишга ҳаракат қиламиз.

Мен бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Менимча, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қошида мана шундай асарларни кузатадиган, баҳо берадиган, тақдирини ҳал қиладиган катта бадий Кенгаш тузмоқ керак. Таниқли олимлар, шоирлар, ёзувчилар, инсоф-диёнатли инсонлар

биргаликда бош қовуштириб, кенгаш ёрдамида ҳар бир асарга холисона баҳо бериш тизимини йўлга қўйиш лозим.

Яқинда тасодифан олий ўқув юртига кирмоқчи бўлган абитуриентлар учун мўлжалланган тест саволларига кўзим тушиб қолди. Она тили бўйича қўйилган саволларни ўқиб, ёқа ушлайсиз, аллақаяқдаги куракда турмайдиган саволлар... “Уммон” деган гуруҳнинг қўшиқларидан мисоллар келтирилибди, бошқа жўялироқ шеър қуриб кетгандай!

Ахир, замонавий ўзбек адабиётининг яқиндаги тарихига бир назар ташлайлик, кимларни кўрмаймиз у ерда: Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Сирожиддин Саййид, Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур... Эҳ-ҳе, Худога шукур, адабиётимизда бундай сиймолар тўлиб-тошиб ётибди! Нима, тест марказидагилар бу шоирларни билишмайдими? Булар кимга хизмат қиляпти, қаёққа қараяпти?

Ёки қалам ҳақи масаласини олайлик. Кези келди, бу масалада ҳам бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Ҳукуматимизнинг қалам ҳақини ошириш ҳақидаги қароридан кейин ҳар қандай муқоваланган “макалатура” эгалари келиб, китобимга оширилган нархда қалам ҳақи тўлайсан, деб жанжал кўтариши мумкин. Бунинг олдини олиш учун мустаҳкам асос, негизни яратиб олишимиз керак. Қалам ҳақи тўланадиган асарлар катта бадиий кенгаш аъзолари томонидан кўриб, тасдиқлаб берилгандан кейин кўп нусхада чоп этилса, ўшанда қўйилган қалам ҳақи ҳам ҳеч кимга малол келтирмайди.

Масалан, йигирма минг нусхада чиқадиган китобга тепасига минг сўмдан муаллифнинг қалам ҳақи қўйиладиган бўлса, йигирма миллион пул бўлади. Лекин арзимаган ададда чоп этилган китоб учун қандай қилиб гонорар тўлаш мумкин? Буни ким тўлайди? Маблағни қаердан олишади? Бунақада давлат хазинаси талон-торож бўлиб кетади-ку. Шунинг учун қалам ҳақи энг аввало, бадиий Кенгашдан ўтган китобларга тарқатилса. Бу эса ўз навбатида мустаҳкам Кенгаш тузилишини тақозо этади. Кимдир буни цензура, деб баҳолаши мумкин, ким қандай атаса атайверсин, ахир миллат келажиги, мамлакат равнақи учун хизмат қиладиган ҳар қандай ҳаракатда жамоатчилик назорати бўлиши керак-ку. Шунда ўз ҳисобидан китоб чоп этиб, қандини ураётган “қаламкашлар” фаолиятига зарба берилган бўлур эди.

Ҳа, китоб тарғиботи бир йўлга солинмаса бўлмайди. Албатта, ҳеч ким ўзини ёмон ёзувчи ёки ёмон шоир, деб ҳисобламайди. Лекин бу жараёнда Катта бадиий кенгашнинг фаолияти асло камситилмайди, аксинча, унинг обрўйи ошгандан-ошади, халққа чинакам бадиий асарлар етиб боради, ўқувчилар сони кўпаяди.

Ҳозир бу масала бўйича СМС, интернет орқали овозга қўямиз, деган таклифлар ҳам бўляпти. Нафсиламрини айтганда, бу йўл ҳам тўғри келмайди. Бунда ҳам маълум маънода кимўзарлик, таниш-билишчилик, кўзбўямачилик бўлади. Масалан, мен хоҳлардимки, катта жамоатчилик Кенгашининг тепасида Иброҳим Ғафуров, Умарали Норматов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Аъзамдай жиддий ижодкорлар турса, Кенгашга қўйиладиган ҳар қандай асар уларнинг баҳосини олса, адолат тўла тантана қилган, адабиётимиз янги замон руҳидаги адабиётга айланган бўларди.

**Дилмурод ҚУРОНОВ**  
**филология фанлари доктори, профессор**

1. Аслида, бугун “виждон ва тафаккур уйғоқлигига ундаш” зарурати юзага келиб қолганининг ўзи сизу бизга – амалларимиз, тутган мавқеимизга берилган баҳо. Негаки, виждон ва тафаккур уйғоқлиги зиёлиликнинг бош шартлари эмасми? Эсланг, тилимизга “зиёли” сўзини олиб кирган жадид боболар кимни зиёли деб билганлар? Замона аҳволидан огоҳ ва миллат тақдирига бефарқ бўлмаган, унинг эртанги истиқболи йўлида ақлию кучини, керак бўлса, молию жонини аямай саёй қила оладиган кишини зиёли санаганлар. Шу жиҳатдан қаралса, биз ўзимизни зиёли номига муносиб тута олдикми?.. Давлат бошлиғи бугун ошкора айтаётган ҳолатларни кўрмаган, билмаганми эдик?! Кўргандик ҳам, билгандик ҳам... Жим томошабин бўлдик, десак, эҳтимол, бирмунча кескин айтилгандек ҳам кўринар, бироқ моҳияти шу-да. Нега шунақа бўлди? Назаримда, мустақилликка эришилиши билан истиқлол арафасида кузатилган зиёлиларимиздаги интеллектуал-руҳий фаолликнинг осмонга ўрлаган алангаси “пов” этиб сўнди. Гўё зиммадаги вазифа уддаланган каби кўпчилигимиз хотиржам тортдик. Ҳолбуки, иш энди бошланадиган – истиқлол миллат таракқийси учун очган имконларни рўёбга чиқариш учун аввалгидан-да фаолроқ бўлиш тақозо қилинар эди. Таассуфки, кўпчилигимиз “миллат учун қиларимни қилдим, энди ўзимни-да ўйлайин, ҳаётимни изга солайин” қабилида ўйладик: кимдир бошқарув тизимига, кимдир тадбиркорликка, хуллас, манфаати шахсиясини қондиришга қулай жабҳага ўзини урди, шунга мувофиқ фаолият юритди. Шу тариқа том маънодаги – жадид боболар талқинидаги зиёлилар қатлами йитдикетди. Оқибати эса шундоқ кўз олдимизда: кўча супуришу том бузиш ўқитувчининг бевосита вазифаси деб ўйлайдиган, директорларнинг микрофондан бурро-бурро қилиб ҳақорат қилиниши ёки тутиб олиб дўппосланиши қарийб одатий ҳол ўлароқ қабул қилинадиган даражага келиб қолдик...

Хуллас, айтмоқчи бўлганим, бугунги зиёли олдидаги бош вазифа – ўзлигига қайтиш, яъни уйғоқ виждон ва тафаккур билан жамиятда ўзига муносиб мавқени эгаллаш. Зеро, виждон ва тафаккури уйғоқ одамгина атроф-жавонидаги ҳолат, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кимгадир маъқул келадиган тарзда эмас, балки эзгулик, адолат ва ҳақиқат аталмиш мангуқадриятларнуқтаиназариданидрокқилади, баҳолайди. Шу жиҳатдан қаралса, виждон ва тафаккур уйғоқлиги ижодкорларга – қалам аҳлига, айниқса, зарур хусусиятдир. Зеро, фақат угина адабиётни “маддохизм” касалидан, журналистикани “яшасинчилик” ва “ташвиқотчилик” иллатидан халос этиши мумкин. Ҳаммани бир тўпга жамлаётганим айримларда эътироз уйғотиши ҳам табиий ва ҳақли. Негаки, виждон ва тафаккури уйғоқ бўлгани ҳолда дард-ҳасратини қоғозгагина ишонган – “узлат”га чекиниб, ўз кўнглини ватан тутган ижодкорлар ҳам йўқ эмас. Ҳеч шубҳасиз, бу – ўша ижодкорлар танлови, уни ҳурмат қилишга бурчлимиз. Зеро, даврлар бўладики, адабиёт – машҳур ривоятдаги қудук мисоли, шу вазифани бажара олганининг ўзигаёқ шукрлар айтамыз – ҳар не виждону тафаккурни уйғоқ тутди-ку, деймиз. Бироқ шундай даврлар

бўладика, адабиёт довул қоққанча майдонга киришга, одамларни қай бир мақсад сари бошлашга бурчли бўлади. Ўйлашимча, ҳозир айна шундай бир даврга кирдик. Йўқ, адабиётни ижтимоиёт хизматиға сафарбар этмоқчи ёки адабиётга шўроча қарашдан қутулмаган дея каминани айблашга шошманг, ҳамма гап бу вазифани қандай бажаришда, ахир. Зеро, ижодкордан қилиб юрган ишини уйғоқ виждон ва тафаккур билан бажариш талаб қилиняпти, холос. Агар у бор маҳоратини ишга солиб, воқелигимизни эзгулик, адолат ва ҳақиқат аталмиш мангу қадриятлар нуктаи назаридан санъаткорона акс эттира олса, қолган ишни СЎЗнинг ўзи бажаради.

2. Эътибор беринг-а, Президентнинг аввалги чиқишларида ҳам кўп тилга олинган “ҳалол бўлиб, пок бўлиб” яшаш калимаси мурожаатда ҳам таъкидланди, “Ҳамма тадбиркор адолатли бўлса, инсофли бўлса” деган истак-шарт айтилди. Албатта, бежиз эмас. Негаки, булар жамиятни тозартириш ва тараққий эттиришнинг фундаментал шартлари сирасидан. Муҳими, уларнинг ҳеч бири янгилик эмас – аждодларимиз томонидан минг йиллардан бери сайқаллаб келинган, қайта кашф этишга ҳам, йўқдан бор қилишга ҳам зарурат йўқ. Фақат битта шарт бор: биз ўша ҳалоллик, поклик, инсоф, адолат, ҳақиқат, саховат каби фундаментал қадриятларни янгроқ шиор ё байроқ деб билмай, турмушдаги дастуруламалга айлантиришимиз зарур бўлади.

Тўғри, бу гап ҳам янги эмас: кўп йиллардан бери миллий қадриятларни тиклаш ҳақида гапириб келинади. Бироқ, таассуфки, кўп ҳолларда уларнинг қуруқ шакли олинади – руҳи бошқа ёқда қолади. Йўқса, масалан, “ўнг кўлинг берганини чап кўлинг билмасин” ақидаси ўша ёрдамга муҳтож киши кўнгли озорланиб қолмасин учунлигини ўйлаб кўрмасмидик?! Йўқ, биз тамом аксини қиламиз: ҳолидан хабар олинган қария ё беванинг эҳсонни қабул қилаётгани албатта тасвирга олинади, сўнг улар “фалонийдан фалоний қадар” чексиз миннатдор эканликларини камерага изҳор қилишлари шарт. Ахир, қадриятларимизга кўра “билса балиқ, билмаса ҳолик” тамойилига асосланиш, эҳсон қилган кишидан эмас, эҳсонни қабул қилгандан миннатдор бўлиш керак эмасмиди?! Буниси ҳам ҳолва, зарурат туғилса, қадриятларни оёғини осмондан қилиб бўлса ҳам ўзимизга мослаб олаверамиз. Дейлик, пора олган кас “олган бўлсам, меҳнатимга, ишини битказиб бериб, ўзини рози қилиб олдим – топганим хаппа-ҳалол” деб чин дилдан ишонади, керак бўлса қозилашишга ҳам тайёр. Ҳолбуки, ўша “битказиб бергани” иш учун ҳукуматдан маош олади – жиллақурса шу маоши гумонли бўлиб қолиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Бозьянабаланд келадика, “берган маоши – фалон, бунга нима қилиб бўлади?! Оламан-да!” Ичидаги мудраган инсоф бош кўтариб айтмайдики, “ахир, биров сени бўйнингдан боғлаб келтирмади, нима иш қилишинг ва бунинг учун қанча маош олишингни билган ҳолда ишга киргансан?!” Гоҳида эса ўз фойдамизга жинни бўлиб оламизми-ей, моҳиятни тушунмаётгандек тутамиз ўзимизни. Яъни ҳаром дея чўчка этидан парҳез қилган ҳолда ароқ ичаверганимиз каби. Айтайлик, мутлақ кўпчилик масжид ё қабристон молига тегинишдан ҳазир бўлади – хотирамизда “булар вақф мулки” деган тушунча яшайди-да. Шундай бўлса, мактабу мадрасалар учун ажратилган маблағ ҳам моҳиятан вақф мулки мақомидами?! Ана энди Давлат дастури

бўйича миллиард-миллиард сўмлаб маблағ сарфлаб янгидан қурилган, реконструкция қилинган ё капитал таъмирланган кўплаб мактабу коллеж биноларининг ҳозирги ҳолига боқинг! Яна билмадим-у, атай кўзини юмиб олмаган бўлса, одам келажак авлоднинг “нони туя қилингани”ни кўра олади. Тағинам, тепадан пастга қараб ҳар ким улушини “киссалаган”идан қолганига қурилган биноларнинг тик турганига ҳам раҳмат, жиҳозлариники айтмасаёқ бўлади...

Хуллас, “ҳалол бўлиб, пок бўлиб” яшаш бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолаётгани тайин, бунинг юксак минбардан эътироф этила бошлангани ҳам шундан далолат. Зеро, ҳақиқий тараққиёт “ҳалол бўлиб, пок бўлиб” яшаш барчамиз учун ҳаётий тамойилга айлансагина мумкин бўлади, яъни яна ҳар қандай ислоҳот инсонни ўзгартиришдан бошланади, деган ҳақиқатга келамиз. Бу заруратни рўёбга чиқаришда таяниладиган ягона асос эса яна миллий қадриятлардир. Фақат бу қадриятларга музей экспонати ёки уй тўрига қўйиб эъзозланадиган буюм деб эмас, кундалик турмушда зарур рўзғор буюмидек қарамоқ керак. Бунинг учун эса ҳалоллик, поклик, инсоф, адолат каби қадриятлар бугунги воқелик нуқтаи назаридан талқин қилиниши, ўз навбатида, бугунги воқеликнинг ҳам ҳалоллик, поклик, инсоф, адолат каби ўлмас қадриятлар нуқтаи назаридан ёритилиши тақозо этилади. Буни амалга ошириш, назаримда, санъат ва адабиёт, фан ва таълим, хуллас, маънавиятга дахлдорки, соҳа олдида турган бош вазифа шу бўлмоғи лозим.

3. Китоб ўқиш, китобхонлик маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор берилса бошлагани, ҳеч шубҳасиз, қувонарли ва миллат равнақи учун хайрли ҳолдир. Шу масалага қаратилган қарорлар ҳам, худо хоҳласа, яқин келажакда қутилган меваларини бера бошлайди. Айни пайтда, китобхонлик маданиятини юксалтириш билан боғлиқ энг муҳим масала ҳамон эътибордан четда қолиб келяпти, назаримда. Бу ўринда илгари ҳам турли муносабатлар баҳона тўхтаганим – адабий таълимни ислоҳ қилишни назарда тутмоқдаманки, маълум даражада илгари айтганларимни такрорлаш керак бўлади, маъзур тутинг. Умумий ўрта таълимда адабиёт ўқитишнинг ўқувчига адабиёт ҳақидаги билим бериш мақсадига қаратилгани тўғри эмас, чунки мактаб адабиётшунос тайёрламайди. Умумий ўрта таълимда адабиёт ўқитишдан кўзлашимиз лозим бўлган пировард натижани лўнда қилиб, бизнингча, қуйидагича ифодалаш мумкин: ўқувчи таълим муассасасини адабий асарни ўқиш, ўқиш, ҳис қилиш, ундан завқлана билиш малакаларини эгаллаган, бадиий адабиёт ўқишни ўзи учун зарурат мақомидаги табиий эҳтиёжга айлантирган ҳолда тарқ этсин. Албатта, бу адабий таълимни шулардан келиб чиққан ҳолда ислоҳ қилиш, шуларни назарда тутиб ўқув дастур ва режалари тузиш, дарсликлар, методик ишланмалар яратиш ва, муҳими, ҳар бир машғулотни шу мақсадларга мос ҳолда ташкил этишни талаб қилади. Ушбу тадбирлар амалга оширилса, китобхонлик маданиятининг табиий асоси шакллантирилган бўлади, зеро, китоб ўқиш юртдошларимиз учун одатий ва зарурий машғулотга айланади.

**Улугбек ҲАМДАМ**  
**ёзувчи, филология фанлари доктори**

1. Ҳар қанча ўзига яраша қийинчиликларига қарамай, мустақиллик халқимиз тақдирида мислсиз аҳамиятга эга тарихий ҳодиса бўлди. Бунга шак-шубҳа йўқ. Мен шу тезисга суянган кўйи ўз вақтида “Мувозанат” деган роман ҳам ёзгандим (1997). Чунки ўша пайтларда жамиятда – айрим одамларнинг ўзаро мулоқотларида ўтмишни соғиниш, мустақиллик даврини эса танқид қилиш руҳи кучли эди. Мен шуларни ўз кўзим билан кўриб, ўз кулоқларим билан эшитиб юрганим учун ҳам муносабатим роман тарзида туғилди. Менга ўша одамлар жадид боболаримиз соғиниб, орзу қилиб, наинки молини, айти дамда, жонини тиккан Истиқлолнинг илоҳий бир неъмат эканлигини етарлича тушунмаётгандек туюлиб, беихтиёр кўлимга қалам олган, ичимдаги дардимни айтишга уринган эдим. Ўшандан бери орадан йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтди. Энди жамиятдаги қарашлар анча ўзгариб, ўтмишни соғиниш камайди, озод Ўзбекистонни Ватан билиб келажакка интилиш ҳисси шаклланди. Шукур! Ниҳоят, бугунга келиб – мустақилликка муяссар бўлганимиздан анча кейин, навбатдаги қадам нимадан иборат бўлмоғи керак, деган савол кўйилиб, мана, жавоби изланмоқда. Аслида, жавоб қарийб, 27-28 йилдан бери изланади. Жавоб изланаркан, бир қанча соҳаларда чиндан-да муваффақиятга эришдик, бундан кўз юмиб бўлмайди. Спортни олайлик. Юртимиз спортчиларининг дунё томларига Ватанимиз байроғини тикиб келишгани ва тикиб келишаётганидан ҳеч ким тонмайди. Аксинча, бундан кўксимиз фахру ифтихорга тўлди, тўлмоқда. Мана, яқинда 23 ёшгача бўлган футбол мусобақасида ёшларимиз Осиё чемпионлигини кўлга киритди. Барака топсинлар! Лекин бундай ютуқлар ёнида мафкура, маънавият, илм каби талай соҳаларимизда оқсаш ҳали-ҳалигача давом этиб келаётганини ҳам хаспўшлаш тўғри эмас. Ўзбекистон Президентининг бонг ураётгани шу важдан. Уйғонинглар, деганидир аслида бу бонг. Хусусан, адабиёт соҳасида ҳамон мудроқлик сезилади. Бунинг бир томони – бозор иқтисодиётида маънавий соҳаларга етарлича аҳамият берилмагани бўлса, иккинчи томони – сара асарлар ёзаётган ёки ёзиши мумкин бўлган жиддий ижодкорларнинг аксарият ҳолларда кузатувчи бўлиб четда қолиб келаётганидир. Бу борада тизим яратиш керак, деб ўйлайман. Кимнингдир шахсий симпатияси ёки антипатиясидан келиб чиқиб бадиий асарлар баҳоланмаслиги, ижодкорга муносабат ҳам шундай симпатия ва антипатия маҳсули бўлмаслиги лозим! Буни бугун ошқора тан олишимиз керак. Тан олмасак, адабиёт соҳасида яна ўша эски ҳаммому эски тос билан қолаверамиз. Бадиий асар ким ёзганлигига қараб эмас, қандай ёзилганига қараб баҳоланиши шарт! Биз кутаётган зўр роман, зўр пьеса ва зўр шеърый китобни фақат ва фақат истеъдодгина яратиши мумкин. Уни ҳашар йўли билан ёзиб бўлмайди. Буни кўпчилигимиз эътироф этамиз. Лекин бошқа бир аччиқ ҳақиқатни тан олгимиз келмайди: истеъдодли кишининг ўзига яраша феъли бўлади. Буни тушуниш ва қабул қилиш керак, ниҳоят! Жамият, лоақал, адабий жамоатчилик шу юксакликка чиқиши ва бадиий асарларга ана шу даражадан туриб баҳо бериши керак.

Йўкса, ибтидоий жамоа тузумидан қолган ёқтириш-ёқтирмаслик туйғуси билан узоққа боролмаймиз, миллат бўлиб шаклланолмаймиз. Ахир, давлат раҳбари ҳам адабиёт соҳасидаги салбий ҳолатларнинг барчасига чек қўййлик, адабиётимизда яна Абдулла Ориповлар, Эркин Воҳидовлар, Муҳаммад Юсуфлар етишиб чиқсин, демаяптими! Бундай даъватни етакчи инсоннинг оғзидан эшитиш бир ёзувчи сифатида шахсан мени беҳад қувонтиради. Лекин, бошқа томондан, зиммамизга тушаётган масъулият ҳиссини ҳам чандон орттиради. Ёзувчининг, умуман, зиёлининг вазифаси ана шу масъулиятни теран англаб, ҳис қилишдан бошланади. Яна кўшимча қилиб айтмоқчиманки, инсон дегани қоришиқ оҳанглар, ранглар, шакллар ичида яшайди. Бу турфалик унинг ботинидан камалак ранглари каби ўрин эгаллаган. Киши ижодкор бўлиб шаклландими, демак, оламнинг ана ўша ҳамма рангларини, барча оҳангларини кўриши, уларнинг биронтасига хиёнат қилмаслиги керак, деб ўйлайман. Албатта, бир асарда оқ рангнинг, бошқасида эса қоранинг ҳиссаси кўпайиб кетиши мумкин. Лекин яхлит олинган ижодда ҳаётнинг ўзида чалиниб ётган муаззам симфония каби турфа оҳангларнинг мужассам бўлишини истайди кўнги. Бу ўриндаги энг муҳим гап шундаки, камалакнинг барча рангларини, оламнинг борлиқ оҳангларини назардан қочирмай тасвирлар экан, ижодкор ўз асарлари орқали ўқувчини Ҳазрати Инсон бўлишга чақирмоғи керак. Шундагина у тақдир томонидан зиммасига юклатилган Муқаддас Вазифани адо этган бўлади. Бу вазифага эса хиёнат қилиб бўлмайди. Ижодкор асарларини ана шу вазифани нечоғли уддалаб ё уддалай олмаганига қараб баҳолаш керак.

2. Француз ёзувчиси Гюгонинг ажойиб фикри бошқа бир француз ёзувчиси Стендал қисматини ёдимга тушириб юборди. Стендал ўз вақтида етарлича кадр топмаган. Аммо ўлимидан тахминан саксон йиллар ўтиб, ёзувчининг “Қизил ва қора” романи кўзларга суртилиб ўқиладиган бўлган. Нега? Чунки адиб ўз асарида кўтарилган муаммонинг бадиий тадқиқи билан ўз давридан қарийб бир асрга ўзиб кетган эди. Ҳатто унинг ўзи ҳам буни сезган, башоратомуз тарзда “мени кейинги асрга ўқишади”, деган. Ҳақиқий ижодкор аслида ҳам шундай бўлади: даврдан олдинлаб кетиб, унга йўл кўрсатади, хавфдан огоҳ этади. Ҳозирги пайтда дунё алоқа тизимини ушлаб турган спутник антенна тизими ҳам дастлаб бадиий адабиётда фараз тарзида ўртага қўйилганини эслайлик. Навоий асарларидаги учар гиламлару сеҳрли кўзгулар аллақачон самолёту телевизорларга айланиб бўлган. Демокчиманки, жиддий ижодкорнинг ўз давридан олдинда юриши бу қонуният, ҳатто меъёр бўлиши керак. Акс ҳолда, у кўлига қалам олмасин, бошқа иш қилсин. Франц Кафка фашизмнинг пайдо бўлишини ўз асарларида, чунончи, “Жазо калонияси” деган ҳикоясида чорак аср олдин бадиий тадқиқ қилган. Ўз вақтида унинг асарларига ҳам етарлича эътибор қилинмаган. Иккинчи Жаҳон Урушидан кейин эса бирдан тушуниб қолишиб, пайдар-пай таржима қилишган, нашр этишган, у ҳақда ёзишган. Ачинарлиси шундаки, ёзувчи огоҳлантирган хавф олди олинмаган, аксинча, у аянчли тарзда яшаб ўтилгандан кейингина эътибор берилиб, ҳаммаси муҳокама қилинган. Орзуим шуки, ижодкор асарларига жамиятда етарлича эътибор берилиб, жиддий ўрганилса, асарларидаги келажак билан боғлиқ равишда чиқарилаётган хулосалардан жамият эртасига доир қарор ва тадбирлар



олинаётганда фойдаланилса. “Ёзувчи кўп бўлса, қайси бирининг асарига эътибор бериб улгураимиз?”, деган савол туғилиши табиий. Йўқ, жиддий ёзувчилар ҳар бир жамиятда нари борса, бармоқ билан санарли даражада оз бўлади. Бунга шохид бўлиш учун эса, жаҳон адабиёти тарихига тафаккур нигоҳини бир қур ташлаш кифоя.

Энди жамиятни ўз ортидан эргаштирувчи, бирлаштирувчи ва унинг мукаммаллашувига ёрдам берувчи ғояларга келсак, бу борада ёзувчи фақат бир нарсага – қўлидаги қаламига суяниб иш кўриши мумкин, холос: “Темур тиғи етмаган жойни Қалам билан олди Алишер” дейилганидек, ижодкор, масалан, тарихий асарларга қўл уриши, миллатни бирлаштирадиган, унда миллий туйғуни кучайтирадиган ўтмишни жонлантириши, улуғ тарихий сиймоларимиз образларини ёрқин бўёқларда ҳаққоний акс эттириши мумкин ва керак деб ўйлайман. Бундан ташқари, ҳозирги замонни бадиий тадқиқ этиши лозим. Эътибор бергандирсиз, кунимизни ҳаққоний акс эттирган асарлар, айниқса, жиддий романлар унчалик кўп эмас. Нега? Ёзувчиларимиз нима учун ўзи мансуб даврни, унинг муаммоларини рўйирост ва юксак санъат мезонлари орқали тасвирлашдан “қочиб” келмоқдалар? Ўйлаб кўриладиган масала бу! “Қочиб”нинг натижасида эса адабиётимизда рамзийлик кучайиб кетди. Чинакам ижодкор ҳақиқатни ёзади, ёзганда ҳам юксак санъат билан ёзади, агар бунинг имкони бўлмаса, айланма йўл – рамз орқали ёзади. (Истиклол даври ўзбек адабиётида тахминан шундай ҳодиса юз берди). “Адабиёт, асли, бир нарсани бошқа нарса воситасида айтишдир”, дегандек чиройли хулосаларимиз бор. Лекин ҳамма нарсада меъёр бўлгани яхши. Шу жумладан, рамзийликнинг, санъатнинг ҳам муайян меъёрлари бор ва бўлиши шарт. Бугун давр ва замондош инсон кўнгил ҳақиқатлари реалистик акс эттирилган романларга чинданам жуда эҳтиёмимиз бор. Биз анчадан бери ўзимизни реалистик адабиёт деган кўзгуга солиб кўрмадик. Мана, мен ҳам шу юртнинг бир қаламкаши сифатида она диёримни, одамларини жон дилимдан севаман. Унинг мушқулини енгил қилиш учун ёзгим, бунинг учун эса асарларимдан кўзгу ясаб, ўқувчининг юзига тутгим келади. Токи, у бор ҳолини борича кўрсин, тушунсин! Бошқа, ўзини ва ўқувчини ҳурмат қилган, ижоднинг нималигини теран тушунадиган ёзувчилар ҳам шуни истайди.

Зеро, ҳар бир миллатнинг адабиёти, одатда, ўша миллатнинг умумий савиясидан келиб чиқиб яратилади. Бас, шундай экан, сиз кутган адабиёт яратилмаган ёки яратилмаётган экан, демак, ёзувчи билан бир даражада у мансуб миллат ўқувчиси ҳам айбдордир! Мамлакат раҳбарининг куюнчаклиги шунинг учун. Шунга у кишини мажбур қилдик. Ўзимизнинг муҳаррирлар, цензорга айланиб кетган муҳаррирлар шу ишни қилдик. Мамлакатда расмий цензурани бекор қилдик-у, унинг парчалари ҳар биримизнинг ичимизга кириб олди – энди ўзимиз цензорга айландик. Минглаб, миллионлаб цензорларга! У мумкин эмас, бу мумкин эмас, дея бошладик. (Мумкин бўлмаган нарсалар чиндан ҳам бор: адабиёт бузуқликни, фахшни, қонни, зулм каби инсонни ҳайвонлаштиришга хизмат қилувчи мавзуларни тарғиб қилмаслиги керак!). Бу иш шу даражада абсурдлашиб кетдики, Истиклол учун курашган, у учун моли ва жонини фидо қилган айрим жадидлар ҳақида ёзмасликкача, эсламасликкача

бориб етдик. Ҳатто бундан баттар – ораларидан кимларнидир бадном қилишгача уриндик. Истиклол даврида-я! Ахир, улар шу кунлар учун курашган ва бу курашларда жонларидан айрилган эдилар-ку! Улар билан солиштирганда, биз жадиждларни танқид қилувчи болалар нимаимизни Истиклол учун қурбон қилдикки, улуг боболаримизни муҳокама қилишга ботинсак?!. Шунинг учун ҳали айтиладиган гаплар кўп. Насиб бўлса, бугунги сўз эркинлиги даврида улар айтилади. Ёзувчиларимиз бунга қодир.

3. Бу савол берилмаганда ҳам Президентнинг китоб ва китобхонлик борасида чиқарган фармойиши натижалари ҳақида кўнглимдагиларни ёзмақчи бўлиб юргандим. Чунки мен бир ёзувчиман. Ёзувчининг бахти ёзиш ва ўқилишдадир. Тўғриси айтишим керак, чорак аср давомида китоб ўқиш маданияти тушиб, маърифатли бўлишга интилиш жамиятимиз вакиллари назарида энг қуйи даражаларга бориб қолганди. Чунки ўқимишли инсон эмас, балки тўғри-эгрилигидан қатъи назар, уддабурон инсон тўрға чиқаётган жамиятда ёшларни китоб ўқитиб, зиёли бўлишига сарфланган барча сарф-хароқатлар зое кетади. Кетди ҳам! Ниҳоят, китоб ва китобхонлик тўғрисидаги Фармойиш чиқди. Ёшлар давлат даражасида бу жабҳага берилган эътиборни кўриб, китоб ва китобхонликка ўзгача нигоҳ билан қарай бошлади. Боз устига, давлат раҳбарининг ўзи китоб ўқинг, Навоийни, замонавий ижодкорларимизни ўрганинг дея, юксак минбардан Орипов ва Воҳидовдек забардаст шоирларимиз шеърларидан ёд айтиб турганда, одамлар хушёр тортиб қолди. Натижада, мамлакатда китобхонлик жонланди. Бу жонланиш шахсан менга шу даражада сезилдики, бир неча йиллар муқаддам топширилган ва нашриётларда чанг босиб ётган 3-4 та қўлёзмамнинг ҳаммаси бирданига китоб бўлиб чиқиб келди. Ҳатто Чорсу бозоридаги китоб дўкондорларидан бири кўнғироқ қилиб, фалон романингизни, умуман, бутун китобларингиз нашр ҳуқуқини бизга беринг, ўзимиз чоп этиб, ўзимиз сизга яхши ҳақ тўлаймиз, деган таклифни айтса бўладими! Бундай таклифни, тўғриси, мен, мана, ёшим 50 га етиб, қарийб, 30 йилдан бери фаол қалам тебратиб, илк бор эшитишим эди. Тўғриси, бироз ҳаяжонландим ҳам. Дўкондордан бунинг сабабини сўрасам, “Президентимизнинг фармойишидан сўнг яхши китоблар бирданига яхши сотила бошланди. Тўртта китоб дўконим ва битта гамбургерхонам бор эди. Ҳозир ўша гамбургерхонани ҳам қайта таъмирлаб, бешинчи китоб дўконини очяпман”, дея жавоб берди. Тушимми бу, ўнгимми! Китобдорнинг бу жавоби мени ҳайратлантди ва уйга катта қониқиш, мамнуният ила қайтдим. Ахир, йигирма беш йил мобайнида одамлар, айниқса, ёшлар китобдан узоқлаб кетган бўлиб, бу ҳол, назаримда, жамиятимиз ва унинг эртаси учун жудаям катта хавф туғдирадир эди. Энди эса, юрагимнинг чуқур бир жойида умид “милт” этди. Демак, ҳали ҳаммаси йўқотилган эмас, миллат манфаатига хизмат қиладиган мана шундай одил, керакли қарор фармойишлар чиқару ҳаётга тадбиқ этилар экан, келажак ҳақида ёруғ орзулар қилиб, эзгу режалар тузсак арзийди.

**Исажон СУЛТОН****ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

1. Президент ўз мурожаатида Ўзбекистонда тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий, маънавий муаммоларни бирма-бир таҳлил қилиб, ечимларини ҳам кўрсатиб берди. Тараққиётнинг янги палласига кирган мамлакатнинг ривожланиш тамойилларини кўрсатди, иш юритиш тизимларимизнинг кечаги кун даражасида қолаётганига, у тизимлар билан келажак ниятларга эришиб бўлмаслигига эътибор қаратди. Бизни шу нуқтага қадар олиб келган тафаккур билан мавжуд муаммо ва нуқсонларимизни ҳал қила олмаймиз, чунки у тафаккур берган ҳосила – шу. Камчиликларини бартараф қилиш, янги марраларга етишиш учун янги тафаккур керак. Президентнинг мурожаатидан шундай маъно келиб чиқади.

Мурожаатнинг мантикий давоми ўлароқ эса, жуда муҳим ташаббус ўртага ташланди. Ўзбекистон Президенти 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилишни таклиф қилди. Шу билан бирга, келажак вазирлиги деб ном олган Инновациялар вазирлиги тузиш таклифи билан чиқди.

Инновация – талаб қилинган маҳсулот ёки жараёнларнинг сифат жиҳатидан ўсишини таъминловчи янгилик деб таърифланади қомусларда. Инсон интеллектуал фаолиятининг, ижод жараёнининг, кашфиёт ва топилмаларнинг пировард натижаси. Бошқача айтганда, интеллектуал янгиликни татбиқ қилиш ва инсонлар ҳаётида аввал кўрилмаган ғояларни, технологияларни, маҳсулотларни, таълим, бошқарув, меҳнатни ташкил қилиш, хизмат, фан, тиббиёт ва бошқа соҳаларда янги билимларга эга бўлиш ҳамда у билим туфайли кўшимча фойда, илғорлик, имтиёз, туб янгилиниш, сифат устунлигини қозониш демакдир.

Ушбу ташаббус давлат раҳбари тарафидан нега қўйилди?

Сабаби шундаки, бошқарувдан то ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг барчасида янги давр талабига мос келмайдиган кечаги кун тизимлари сақланиб қолган, бутун мамлакатни бошқариб турган иқтисодий-ижтимоий механизмлар ишлаб чиқаришнинг, хизмат кўрсатишнинг, маҳсулот етиштиришнинг, пировардида, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига салбий таъсир кўрсатмоқда, ҳатто тўсиқ бўлмоқда эди. Дунёнинг ривожланган ўлкаларида аллақачон ҳаётга татбиқ қилинган, ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни тезлаштирадиган, сифатини оширадиган инновациялар фаровонликни оширишга, Инсон деб аталган шу олий хилқатнинг зако захираси имкониятларини тўла намоён қилишга, қимматли вақтини тежашга имкон берса, Ўзбекистонда ҳали-ҳануз фаолиятнинг эски тизимлари қўлланилмоқда эди.

У тизимлар ўз даврини яшаб бўлди. Қора меҳнатни тарғиб қиладиган, “Кўрган кунингга шукр қилиб тинчгина ўтир” дейдиган кунлар ортда қолди. Қилни қирқ ёрар олимлар вазиятни ўрганиб чиқиб, бугун ҳукм ўтказувчилар эмас, илҳомлантирувчилар ва яратувчилар ғолибдир, деган хулосага келишди. Президент мурожаати жамиятнинг, давлатнинг аллақачон янгилиниши керак бўлган қатламларини ҳаракатга келтирди,

илҳомлантурувчи ғоя берди. Яратувчилик бугуннинг бош мезони, илғор кучига айланди.

Зиёлилар мана шу босқичнинг юқори поғонасидаги кишилардир. Маънавий инновацияларнинг яратувчилари, халқ, миллат тафаккурини илгари етакловчилардир. Жараёнларни мулоҳаза қилиб, қай бири қай манзил сари етаклашини билими ва зақоси ёруғида олдиндан кўра оладиган тоифадир. Модомики тафаккурнинг ривожланишига барча бирдай эҳтиёж сезмоқда экан, интеллектуал ҳосила яратувчилар бу жараённинг энг муҳим жабҳасида, халқ билан елкама-елка бўлишлари керак, албатта.

2. Муҳташам маънавий меросимиз, инсонни қадам-бақадам, етукликка қадар бенуқсон тарбиялайдиган анъаналаримиз, урф-одатларимиз, элнинг ўзлигини ифода қиладиган айтимлару тутумларимиз – буларнинг бари инсон руҳиятига зилол сувдек қуйилиб, бугунги ўзбек кишиси шахсиятини ҳосил қилади.

Бугун инсоният технотрон эрага, сунъий интеллект даврига кириб бормоқда. Бу талотўп орасида ўзбек кишисининг ўрни қаерда? Қандай ўй-мулоҳазалар билан яшамоқда?

Адабиёт маълум давр кишиларининг ўй-кечинмаларини, олға етакловчи ҳаётбахш орзу-ният не эканини бадийий солномасига қайд этиб бораверади, бу унинг фундаментал бурчидир. Шунингдек, кишиларга янги маънавий манзилларни кўрсатиб бериши ҳам зарур. “Мен йиллар бўйи бола-чақам билан топган-тутганимни еб, бориға шукр қилиб ўтирибман”, дейди унинг қахрамонларидан бири. Тараққиётнинг янги даври эса беқиёс зақоватингизни, қобилиятларингизни рўёбга чиқаринг, демоқда. Рўёбга чиқариш учун билим керак, бугуннинг зиддиятлари, ҳийлалар, технотрон эра талотўплари орасида ўзлигини тўла-тўқис сақлаб қолган ҳолда. Бугуннинг ўзбек кишиси дунёни кезиб чикди, турли халқлару мамлакатлар билан ўз эл-юртини таққослаб ҳам бўлди. Қараса ўз халқидай шонли ажойиб халқни топмабди. Янада қадриға етиб, меҳри ошиб унга юзланди. Бу глобаллашаётган дунёда ўзликни қайта таниш жараёнининг бошланиш палласи.

Некбин назар билан қарасак, қувончли манзараларни, келажак учқунлари рўй-рост бўй кўрсатиб турганини кўрамиз. Қаранг, бир йигитимиз Германияда сунъий куёш яратиш технологияси яратувчилари орасида. Яна бири АҚШдаги улкан кемачилик компаниясининг илғор мутахассиси. Жаҳонни энлаган онлайн платформаларида, “Google”да, “Microsoft” компаниясида ўзбек йигит-қизларимиз ишлашмоқда. Европа ва Осиёнинг ривожланган ўлкаларида, Скандинавия мамлакатларида номдор нуфузли компанияларда ишлаётган фарзандларимиз анчагина. Буларнинг кўпчилиги – яратувчилардир, ижрочилар эмас. Тил ва фан ўрганиб, бир мамлакат орасида етилган истеъдодлардан кўра кўпроқ қувватини намоён эта олган ёшлар булар. Ҳа, мудроқ қон уйғонмоқда. Ақлини, зақосини кўз-кўз қилишга чоғланмоқда, бугуннинг жараёнлари эса у зақони янада қувватлантиришга қаратилган. Дунёда янги фанлар пайдо бўлди, миграция жараёнлари кучайиб, тезлашди. Буларни мулоҳаза қилар экансиз, адабий жараён баъзи жабҳаларда ҳаётдан ортда эканини таассуф билан тан олишга тўғри келади. Кишиларга илм олинг, ўрганинг, замонавий

билимларга эга чиқинг дейиш билан бир қаторда бундай хитоб қиладиган кишининг ўзи илғорда бўлиши керак-ку? Шу сабабли, адиблар шу тезланишлару ақл бовар қилмас жараёнлардан етарлича хабардор бўлишлари керак, деб ўйлайман.

3. Юқорида айтиб ўтилгани каби, ҳамма гап ёниқ қалб, жўшқин ақл-мулоҳаза, зако кудрати ила келажакка юзланиш устида бораётир. Барча соҳалар қаторида китоб нашр қилиш ва аҳолига етказиб бериш тизими бошдан-охиригача мукамаллаштирилиши керак деб ўйлайман. Соҳалар муштарак ривожланиши учун тизим лозим. Ҳозирги тизимни эса, афсуски, мукамал деб бўлмайди.

Ҳа, ҳаётимиз сифатини бир неча даражага кўтарадиган, тубдан яхшилаб юборадиган янгиликларга муштоқмиз. Қанчадан қанча тирик дарахтлар бағридан бунёд этилган сифатли қоғозга босилган китоб бундан буюғига ҳам тобора қимматбаҳо, элитар маҳсулотга айланиб бораверади деб ўйлайман. Шу сабабли уни тарғиб қилишнинг янги усуллари излаш тўғрироқ бўлса керак. Мисол учун, Ўзбекистон Инновация вазири, академик И. Абдурахмонов кечагина яхши бир янгилик жорий қилинаётганини айтиб қолди: “Q-бокс” дейилган, Wi-Fi технологияси ўрнатилган хотира блоклари шу йил юртимиздаги ҳар бир мактабга ўрнатилади экан. Истаган киши у захирага боғлиниб, адабиётимизнинг олтин хазинасидан жой олган бадиий асарларни, мумтоз куй-қўшиқларни, дарсликларни смартфонга, планшетига ёки компьютерига юклаб олиши мумкин. Бир неча терабайт хотирага эга бундай ускуналарнинг ҳар бирига бутун бошли кутубхонани жойласа бўлади. “Q-бокс”лар марказдан бошқарилади, ҳар кунги янгиликларни ҳам марказий сервердан юбориб туриш мумкин. Демак, ижронинг турли янги усуллари жорий қилса бўлади. Бежиз айтишмайди-ку, излаган имкон топади, деб.

Бу паллада ижод аҳли бадиий тасвирнинг, келажакка интилган ўзбек кишиси ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг инсон қалбидаги аксланишларининг янги жилваларини топиши, кашф қилиши, бадиият солномасига муҳрлаши зарур. Жасурлик, фидокорлик нима, ота-она, эл-улус ким, ватан нима, эл нима – борингки, инсонни инсон айлайдиган турли-туман фазилатлар тараннуми акс этган замонавий асарлар жуда зарур. Бадиий асар, фильм, куй-қўшиқ, ахборот тарзида ёпирилиб келаётган ўзга маънавият билан болаларимизни тарбиялай олмаймиз, деган маъно бор бугунги чорловларда. Ҳар ким ўзининг беқиёс имкониятларини, кимлигини билиб ўсиши жуда муҳим. Мисол учун, бугуннинг қувватли компьютерларида “Bios” деган тизим бор, ускуна ёқилгач, унинг илк иши – ўзининг мустақил фитратига, яъни жонлантириш блокага “Мен кимман?” деган савол йўллайди. Ўзининг кимлигини, қувватини, захирасини “билиб олгачгина” ишга тушади. Фарзандларимиздаги яширин истеъдод ҳам шундай. Ўзининг кимлигини билгач ёлқинланади, ўзини керакли, зарур деб ҳис қилади ва қутилмаган олтин хазиналарни яратади.

Президент юқорида мисол қилиб келтирилган турли муаммоларга ягона ечимни кўрсатиб берди. Ҳақиқат шуки, бизга кишиларни келажакка етакловчи, илҳомбахш, киши руҳига куч бахш этадиган ғоялар тараннум этилган асарлар керак. Бу барча қатори, зиёлилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

**Шаҳноза НАЗАРОВА**  
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори**

1. Юртбошимизнинг Мурожаатномаси ўз онгли ҳаётига эга ҳар бир фуқарода муносабат, орзу, илинж уйғотгани шубҳасиз. Уларнинг кўзлари кўзларимизга тик қараб туриб сўзлади ва нигоҳимизни олиб қочишга имкон бермади. Биз янги паллага кирдик ва кечикмасдан яшашни ўрганишимиз зарур. Маърифатга интилаётган, илм, ижод йўлини тутган ёшларнинг бош вазифаси мана шу. Дарғалар – санъат арбоблари, фан арбоблари, академиклар жуда улуғ ёшда. Ёш зиёли авлод ҳали оёққа турмаган, ўз зиёли ҳаётини тўла йўлга қўя олмаган. Улуғвор ва ёш кучларни боғловчи ўрта авлод олим, ижодкорларимиз биз истагандек кучга эга эмас. Бундай шароитда қандай йўл тутиш мумкин? Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси нуфузининг тикланиши, илм-фан, ижод фидойиларига кўрсатилаётган эътибор сабаб бизнинг ёш нигоҳларимиз яна боражак манзилимизга қаратилди, мақсадларда собит туришга буюрди. Аммо фандаги эски ва янги қарашларни, улуғлик ва ёшлик кучини ҳали бирлаштира олганимиз йўқ.

2. Жамиятнинг маънавий мукамаллашуви зиёли кучларнинг бирлашиши, ўз таъсир доирасини узлуксиз кенгайтириб бориши билан юзага чиқади. Очиги, бозорда, кўча-кўйда, транспортда, йиғинларда тушуниш ва тушунтиришга қийналиб қолдик. Бачканалик, билмаслик, фаросатсизлик урфга айлана бошлаганди. Биз мана шулар сабаб узилиб қолдик. Ўзимизни ошкор қилмай кўйдик. Зиёлиларга зиёлиликни севадиган халқ керак. У бор. Аммо истакларини янгилаш зарур. Бу, Президентимиз қайта-қайта айтаётганларидек, китоб ўқиш билан амалга ошади. Зиёлилар ўз майдонини китоб, матбуот, театр орқали кенгайтирадилар. Аммо энг аввали – китоб. Чинакам китобларгина матбуотни сийқалик, биқикликдан олиб чиқади, эзгу китобларгина томошабинларни ва театр репертуарини янгилайди.

3. Китобхонликни энг қуйи бўғинлардан бошлаш зарур. Мураббийлар, ўқитувчилар кўп, аммо уларда нур йўқдек. Оламжаҳон мутахассислар тайёрланди, дипломлар, сертификатлар берилди-ю, уларга устозлик қалбини улашишга қувват етмагандек. Шундай экан, боғча мураббийлари, мактаб ўқитувчилари учун болалар боғчани, мактабни битиргунча ўқиши зарур бўлган китоблар рўйхатини тузиб беришимиз керак. Бола юрагини аввал китоб эгалласин. Ана ундан сўнг бу юракни кўрқмасдан катта ҳаётга, Ватанга тақдим этиш мумкин бўлади.

*Алимурод ТОЖИЕВ*  
*тайёрлади.*

*Нарзулла ЖЎРАЕВ*

## ТАРИХИЙ ДАВР КАШФИЁТИ

Қайта куриш сиёсати ўзининг кўзлаган мақсадига, кутилган натижа-сига эриша олмади. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар кутилмаганда ўзанини ўзгартириб юборди. Демократия тўлқинлари эркин сўз, эркин фикрни заруратга айлантира бошлаган бир пайтда шўро жамиятини тоталитаризмдан эркинлик сари, хуррият сари сифат ўзгаришига олиб келаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий қадрият сифатида намоён бўлди.

Бирок, Кремль бундан манфаатдор эмас эди. М.Горбачев бошчилигидаги Совет ҳукумати раҳбарияти номигагина эркинликка йўл бериб, инсон ҳуқуқлари хусусида кўпиртириб гапирса-да, моҳиятан тоталитар тузум ва маъмурий-буйруқбозлик режимини сақлаб қолишдан манфаатдор эди. Зотан, улар ҳеч қачон СССР деб аталган ушбу имперландиянинг тарқалиб кетишини назарда тутмаган ва буни кутмаган ҳам эди.

Жараёнлар шу даражада тезлашдики, охир-оқибатда нафақат сўзамол М.Горбачевни, балки бутун Сиёсий Бюрони, партия Марказий Қўмитасини, ҳукуматни талвасага солиб қўйди. Натижада маъмурий органлар кучидан фойдаланиш йўли танланди. Турли шаҳарларда, минтақаларда, СССРнинг фаол ва демографик жиҳатдан қулай бўлган геосиёсий жиҳатдан муҳим нуқталарида беқарорликни вужудга келтириш орқали мамлакат аҳолисини чалғитиш йўлига ўтилди.

Аксига олиб, энди уйғонган одамни қайтадан мудроқ бостиришнинг иложи йўқ эди. Чунки эркин фикрлаш, эркин яшаш нашидасини сура бошлаган озод фуқарони қайтадан занжирбанд қилишга қанчалик уринмасин, ҳукуматнинг кучи етмас, фуқаронинг эса хоҳиши йўқ эди. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат фуқаролари манфаати билан тоталитар режимдаги давлат қизиқишлари ўртасида “Хитой девори” тикланиб бўлинган эди. Ана шундай зиддиятли бир пайтда давлат ўз мавқеи ва ролини йўқотмаслик учун озодликка интилаётган, хуррият учун курашаётган уйғоқ фуқаролар ўртасида турли низоларни уюштириши зарур бўлиб қолган эди. Ана шу мақсадда Болтиқбўйидаги тўқнашувлар, Арманистон, Озарбайжон, Грузиядаги қонли фожиалар, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) ва Россиянинг бошқа айрим минтақаларида бўҳронлар ва пўртаналар атайлаб ташкил этилди.

Қизил имперландиянинг 73 йил мобайнида шаклланган тажовузқорона сиёсати ана шу тарзда аста-секинлик билан чок-чокидан сўкила борди. Натижада мамлакат ижтимоий-сиёсий жараёнларини ҳам, одамлар хатти-харакатини ҳам бошқариб бўлмайдиган ҳолат вужудга келди.

\* Нарзулла Жўраев – Сиёсий фанлари доктори, профессор

Сиёсий жасорат, сиёсий ирода, вокеликни тўғри англаш, тўғри баҳолаш ҳақиқий раҳбар учун ноёб фазилат. Демократия ҳақида кўпиртириб гапириб, зўравонлик режимини кучайтиришга интиланган М.Горбачевнинг сиёсий йўли, аниқроғи, позицияси Ўзбекистон учун ва умуман миллий республикалар учун манфаатли эмас эди. Иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Ислом Каримов М.Горбачевга буни рўй-рост айтди. Республика раҳбари сифатида ўз юртининг барча ютуғию нуқсонларига ўзини қалқон қилди. Раҳбар сифатидаги қатъий ва мустаҳкам иродасини кўрсатди. Ислом Каримовнинг бундай феъл-атвори ва хатти-ҳаракатига ҳар ким ҳар хил баҳо берди. Жумладан, М.Горбачев уни шартакиликка, бетгачопарликка йўйса, унинг гумашталари бу фикрларини қўллаб-қувватлашди. Ўзбеклар қаторида барча совет халқи эса И.А.Каримов интилишларини қўллаб-қувватлади. Чунки, Ислом Каримов позицияси нафақат қардош республикалар халқлари, балки Россия аҳолиси манфаатларини ҳам ўзида мужассам этган эди. Шунинг учун ҳам Москва нашрларидан бири **“Ўзбекистон Президенти И.Каримов иттифоқ миқёсидаги сиёсий арбоб сифатида СССР халқ депутатларининг съезди кунларида туғилди. У М.Горбачевни қаттиқ танқид қилиб, “команда”ни ўзгартиришни талаб қилди. Кўпчилик учун бу буткул кутилмаган ҳодиса эди. Узоқ йиллар мобайнида анъанага кўра Ўрта Осиё республикалари олий раҳбарлари Марказ сиёсатида эргашиб юрар эдилар. Қандай ўзгариш юз берди? Каримовда ўз кучига бундай қатъиятли ишонч қаердан пайдо бўлди?”**, деб ёзган эди.

Бундай ҳайрат ва ҳаяжонни тушуниш мумкин. Тўғри таъкидланганидек, 130 йилдан бери давом этаётган мутелик кайфияти каттаю кичикни ўз домига тортган эди. Ўзбекистон раҳбари иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб шаклланган сиёсий тафаккур оламида тўнтариш ясади. Янгича фикрлайдиган, жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни тўғри баҳолайдиган мард ва жасур кишилардан иборат янги “команда” тўплаши зарурат эканлигини, сиёсий демагогияга барҳам бериш вақти келганлигини очиқ-ойдин айтди. Шундай қилиб, И.А.Каримов айни ана шу қолипни – ленинча бошқарув тамойилларини чиппакка чиқарди. Дарвоқе, **у табиатан ҳеч қандай олдиндан тайёрланган ёки русумга айланган “қолип”га сиғмайди!** У айни ана шундай ўзига хослиги, ҳақиқат ва адолат йўлидаги ўта қайсарлиги ва ўжарлиги билан бутунлай **янги типдаги раҳбар феноменини** кашф этди.

Фақат шугина эмас. Аниқроғи, Москва нашрлари баён этганидек, Ислом Каримов СССР халқ депутатлари съезди кунларида “туғилмади”. Зотан, Каримов генетик асосга эга бўлган улкан интеллектуал салоҳият, туғма журъатлилик ва жасорат туйғусига эга бўлган ноёб Шахс. Мустамлакачиликка қарши ақл йўриғи билан қурашадиган, юксак сиёсий дипломатияга эга бўлган арбоб эди. Фақат у айни ана шу съезд минбарида Иттифоқ доирасидаги шаклланган ислоҳотчи, замонавий тафаккур эгаси сифатида СССРга танилди ва тан олинди, холос.

Ислом Каримов республика Давлат режа қўмитаси Раиси ва Молия вазири бўлиб ишлаган пайтлардаёқ СССРдаги мавжуд ҳолатлар, сиёсий таназзул ва иқтисодий-ижтимоий чекинишлар ҳодисасидан хабардор эди. Айниқса, Қашқадарё вилояти раҳбари бўлган пайтларда Кремлнинг



Ўзбекистонга муносабати орқали совет ҳокимиятининг зўравонлик сиёсати “қуюшқон”дан чиқиб кетаётганини пайқаган эди. Натижада, республика раҳбарлигига сайланганидан тўрт ой ўтар-ўтмас, Ислом Каримов узоқ йиллар мобайнида вужудга келган қатъий хулосаларини Ўзбекистон КП МКнинг XVIII пленумида (1989 йил, 25 ноябрь) баён этди ва “Барча масалаларни ҳал этиш учун сиёсий системани ислоҳ қилиш зарур”, деди.

Ана шу биргина сўз бутун Совет ҳукумати сиёсий тизимини, ленинча таълимотнинг “инқилобий” ҳаракатини ларзага келтирди. Горбачев бошлиқ арбоблар салтанатини талвасага солиб қўйди. Буни нималарда кўриш мумкин?

**Биринчидан**, мавжуд ва ҳукмрон сиёсий системани ислоҳ қилиш – совет бошқарув тизимини тубдан янгилашни тақозо этади.

**Иккинчидан**, КПСС раҳбар бўлган бошқарув тизими ва унинг бутун фаолиятини ислоҳ қилишга тўғри келади. Бу ўз-ўзидан ленинча бошқарув ва миллий сиёсатда туб бурилиш қилишни тақозо этади.

**Учинчидан**, иттифокдош республикалар ва Марказ ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритишни, уларнинг конституциявий ваколатларини, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини кенгайтиришни талаб қилади.

**Тўртинчидан**, гап агар фақат Ўзбекистон ҳақида бораётган бўлса, мавжуд сиёсий система яна давом этадиган бўлса, Ўзбекистон СССР таркибидан чиқиб кетиши мумкинлигини кўрсатади.

**Бешинчидан**, сиёсий етакчининг тафаккур тарзини, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини олдиндан пайқаш, баҳолаш салоҳиятини ва, энг муҳими, Шахс сифатидаги сиёсий жасорат, сиёсий қатъият, мислсиз ирода ва юксак маданият фазилатларини кўрсатади.

Ислом Каримов воқеликка реал қарайди ва уни реал баҳолайди. Қутилмаганда ўта аниқлик билан иш юритади. Шунинг учун ҳам у ўзининг яқин ўтмишдошларидан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов қисқа фурсатда халқни ўзига торта билди. Унинг мислсиз ишончини қозонди. 1980 йилларнинг таҳликалари ва умидсизликларини, тушкун кайфияти ва озурда руҳиятини моҳирлик билан енгди. Халқни тўла сафарбарликка, яқдилликка йўналтира олди. Бу жаҳон бошқарув тарихида камдан-кам юз берадиган ҳодиса.

Ислом Каримов тарихан жуда қисқа вақтда ўзини “тафаккур инқилобчиси” сифатида кўрсатди. Бу унинг учун атайлаб, ислохотлар қилиш, узоқ йиллар мобайнида инсон тафаккурини ўраб-чирмаб олган фикрлаш тарзини бузиш, бузғунчи ва шиддаткор оқимга қарши туришга интилиш орқали эмас, аксинча, **табiiй ҳолатда, шахсий фазилатлари, ички имкониятлари, қобилияти туфайли юзага келаётган, вақт ўтгани сайин шаклланиб бораётган воқелик сифатидаги феноменидан келиб чиқади.**

Дарҳақиқат, Ислом Каримов феъл-атвори, тафаккур тарзи жиҳатидан ўзидан олдинги андозаларнинг тор, биқик ўлчовларига сигмади. Худди ана шу фазилатлари туфайли ҳам бутун сиёсий тизимни синдириб ташлашга журъат этди. Иқтисодий-ижтимоий бўҳронлар, маънавий-руҳий парокандаликлар, сиёсий ва ғоявий таназзулларни ҳаммадан олдин кўра билди. Тоталитар ақидапарастлик ва сиёсий догматизм шароитининг тобора чуқурлашиб бораётганини бошқалардан олдинроқ пайқади ва катта

жасорат билан унга қарши чиқди. Ана шу тарзда жамиятни тубдан янгилашга журъат этди.

**Ислом Каримов ўзининг радикал фикрлари ва воқеликка фавқулодда ёндошувлари билан советлар империясининг инкирозини тезлаштирди. Коммунистик афсонанинг сароблигини исбот этди. Ўзбекистонни, қолаверса, барча иттифоқдош республикаларни ғоявий таназзул гирдобига тортган совет тоталитаризмига қарши тура олди ва уни қатъият билан енгди. Ҳарбий коммунизм ва фуқаролар социализмининг ленинча ғоялари уйдирмаларини фош этиш билан ўзини ноёб, мафкуравий ва сиёсий жиҳатдан бутунлай янги, тасаввуримизга сиғмайдиган дунёнинг кашф этувчиси сифатида кўрсата олди. Ана шу жиҳатдан айтиш мумкинки, Ислом Каримов том маънодаги тарихий давр кашфиёти!**

Бошқача қилиб айтганда, Ислом Каримов феномени ҳақидаги мулоҳазалар шахсининг тарихдаги ўрни тўғрисидаги фикргина эмас. Балки, тарихнинг шахс борасида тақдири ва қадрияти билан боғлиқлиги ҳамдир. Зотан, камдан-кам тарихий шахслар тарихнинг туб бурилиш нуқтасини белгилаб берадилар, жараёнлар ва турмуш тарзининг бир хилдаги оқимини кескин ўзгартириб юборадилар. Бутунлай янги, ҳаётбахш ва хузурбахш турмуш кечириш, аниқроғи, Инсоният тақдиридаги мислсиз маънавий кўтарилишлар даврини бошлаб берадилар.

Анашунуқтаи назардан қараганда, Ислом Каримов шахси халқимизнинг тарихий тақдири, унинг кечинмалари, изтироб ва қувончлари сифатида вужудга келди. Бошқача қилиб айтганда, **Ислом Каримов феномени ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва руҳияти, миллат сифатидаги феномени орқали умуминсоний қадриятлар ва умумжаҳон сиёсати феноменига айланди.**

\* \* \*

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1989 йил 25 ноябрда бўлиб ўтган XVIII пленуми республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида кескин бурилиш ясади. Унда Фарғона фожиалари мисолида миллий масаланинг тарихий жиҳатлари, ҳозирги аҳволи, миллий сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, маданий-ахлоқий масалалари чуқур илмий ҳолислик билан таҳлил этилди ва иттифоқ раҳбарияти олдига қатор масалаларни ҳал этишни асосий вазифа қилиб қўйди. Жумладан:

**Биринчидан,** Ўзбекистон ва ўзбеклар бошига ёғилаётган маломат тошларига чек қўйиш, “пахта иши”, “ўзбеклар иши” деган уйдирмаларни бас қилиш, Москва матбуотида ўзбекларни шармандаи шармисор қиладиган, миллий нафсониятига тегадиган чиқишларни тўхтатиш зарур эканлиги уқтириб ўтилди.

Бундай талаблар жавобсиз қолавергач, жиддийроқ йўл тутишга тўғри келди. Шимолдан жанубга қараб чигирткадай ёпирилиб келиб, ҳамма ёқни ғорат қиладиган баъзи бадният ва шум мухбирлар йўли тўсилди. Айрим газеталарнинг тарқатилиши тўхтатилди. Буни ҳар ким ҳар хил тушунди. Москваликлар ўзича, қўйнида пичоғини яшириб, орқамиздан пойлаб юрган “жайдари” миллатпарварлар ўзича. Кимдир дод-фарёд сол-

ди, асосан кўпчилик тўғри тушунди. Ҳақиқат ҳақиқатлигича қолди. Вақт ҳаммасига ўз баҳосини берди.

Шу ерда диққатингизга “Век” газетасининг 1995 йил 21-27 июль сонларида босилган бир мақоладан кўчирмани ҳавола этмоқчиман. Жумладан, унда шундай дейилади: “СССР парчаланиб кетганидан сўнг энг дахшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин, бундай бўлмади. Каримов бирорта ҳам хатога йўл қўймади...”

**Каримовнинг митингларни тақиқлаб қўйиши қирғизлар, тожиклар билан ўзаро муносабатлардаги мураккаб вазифаларни ҳал этиш каби жуда тўғри иш эди. Унинг колхоз ва совхозлар раҳбарларини сайлаш эмас, балки тайинлаш тўғрисидаги таклифи ҳам ўринли эди. Агар шундай қилинмаганида, охир-оқибат қандай бўлишини билиш қийин эди. Каримов мусулмон мамлакатлари билан муносабатларни ҳам заргарларга хос нозиклик билан йўлга қўйди... Буларнинг ҳаммаси Ислом Каримовнинг улуғлигини белгилайдиган сифатлардир.”**

**Иккинчидан,** ўзбеклардай қадимий халқ жуда катта маданиятга, тарихга ва маънавий меросга эгаллигини назарда тутишни, унинг миллат сифатидаги ниҳоятда ёрқин ва бетакрор киёфасини тан олишни, бундай халқ билан ўйнашиб бўлмаслигини, у билан муносабатда айни унинг даражасида бўлиш зарурлиги ва шу асосда юқори даражадаги раҳбариятнинг номақбул сиёсати туфайли бутун СССРда илдиз отган нуқсонларни ўзбекларга тўнкаш ғайриқонуний иш эканлиги таъкидланди.

**Учинчидан,** мамлакат халқ таълими тизимида, маданий-маърифий ҳаётида жиддий равишда ислохотлар ўтказиш, халқнинг ўзлигини англаши, миллий қадриятларни қайтадан тиклаши ҳаётий зарурат эканлиги қайд этилиб, бу иш учун масъуллик қайси даражада бўлмасин, барча соҳадаги раҳбарларнинг зиммасига қатъий қилиб қўйилди.

Ислом Каримов мамлакат халқ таълими ва маърифат соҳасида фикр юритар экан, “Она тилида ўқитиладиган мактаблар тармоғи, бошқа миллий-маданий муассасалар асосиз тарзда камайди. Феодализм саркитларига қарши кураш шиори остида ўттизинчи-қирқинчи йилларда ва эллигинчи йилларнинг бошларида ўзбек халқининг кўп асрлик маданий мероси, анъана ва урф-одатларини сақлаш ва бойитишга ҳаракат қилган Ўзбекистон фани ва маданиятининг бир қанча таниқли арбоблари, жумладан, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ойбек, Шайхзода, Шукрулло, Шухрат, Туроб Тўла ва бошқалар миллатчиликда, панисломизм ва пантуркизмда айбланиб репрессия қилиндилар.

**Республика адабиёти ва санъати тараққиётига катта ҳисса қўшган Чўлпон ва Фитрат сингари маданиятимизнинг таниқли арбоблари хусусида ҳам тарихий ҳақиқат ва адолат тикланиши керак”,** деган янгича нуқтаи назарни илгари сурди.

Республикада тил масаласини ҳал этиш муҳим сиёсий ва маънавий ҳодиса сифатида кўтариб чиқилди. Тил – миллатнинг қалб тори. Унга озор еткизмаслик, аксинча, сайқал топиб, жилоланиб боришига эришиш зарур. Кўпмиллатли мамлакатда ўзаро муносабатларнинг таъминланиши, бошқа кичик халқлар тилларини камситмаган ҳолда туб аҳоли тили мавқеини тиклаш муҳим маданий-маърифий ҳодисадир. Пленумда *партия тарихида биринчи марта мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, тилларга*

муносабат бутунлай ўзгариши лозимлиги ва ана шу ўзгариш тўғрисида республикага номини берган миллат кадр-қимматини кўтариш, иззат-икромини жойига қўйиш адолат иши эканлиги алоҳида уқтирилди. Ижодкор зиёлиларнинг энг иқтидорли ва соғлом кучларини бирлаштириш, шу асосда юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни вужудга келтириш, халқимизга маънавий-руҳий жиҳатдан мадад бўлиш республика раҳбариятининг асосий вазифаси қилиб белгиланди. Ана шу хулосалардан келиб чиқиб, кўхна тарих ва маданият соҳиби бўлган Бериш, Улуғбек, Алишер Навоий, Фурқат, Муқимий ва бошқа улуғ мутафаккирлару халқ маърифатпарварларининг бебаҳо меросига эга бўлган Ўзбекистонда республикада тарих ва маданиятнинг мантиқий ва собитқадам силсиласи узилмаслиги учун барча шарт-шароитларни яратиш керак, деб уқтирди Ислому Каримов.

Яна бир муҳим масала: худди шу пленум бизнинг 70 йил мобайнида шаклланиб қолган атеистик қарашларимизда, ислому ва бошқа динларга бўлган муносабатларимизда кескин бурилиш ясади. Биз коммунистик партиянинг жазаваси тутиб турган, унинг мафқураси эса қилич яланғочлаб майдонга тушган бир пайтда ислому динини маънавият, юксак ахлоқ ва маданиятнинг муҳим бўғини сифатида тан ола бошладик. Бу партия раҳбарлиги курсисиде ўтириб, унинг мафқурасини бутунлай бошқа ўзанга буриб юборишга қодир бўлишдек ниҳоятда кучли ирода, қатъият ва жасурлик талаб этадиган Ислому Каримов тимсолидаги камдан-кам ҳодисадир.

Дарҳақиқат, бутун Иттифокда демократия ўйинлари, сиёсий шовкин-суронлар, мафқуравий тўқнашувлар жунбушга келган бир пайтда Ўзбекистонда Ислому Каримов “Динга муносабатда ҳам пухта ўйланган, синовдан ўтган ёндошув лозим. Бир томондан виждон эркинлиги, динга ишонувчиларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш принципини оғишмай ўтказиш лозим. Диний тузилмаларнинг тинчлик ва хайрия фаолиятини қўллаб-қувватлаш керак”, дея ўз фикрини ўртага ташлади ҳамда “барча масалаларни ҳал этиш учун сиёсий системани ислох қилиш зарурлиги”ни кўрсатиб берди.

Масалага бундай ёндошув ва шу пайтгача кутилмаган ислохчиликка интилиш энг аввало, мавжуд ва чуқур илдиз отган ижтимоий-сиёсий муҳит билан муроса қила олмаслик, уни иложи борица тезроқ йўқотиш зарурат эканлигини теран тушунди. Шу билан бирга жамиятни тубдан ислох қилишга ўзини қодир деб билди, ўз кучига, иқтидорига, бўлажак ишининг якунига қатъий ишонди. Натижада бу ниҳоятда қалтис ва таҳликали ишга энг шимариб киришди. Хатти-ҳаракатлар ва интилишлар кўп ўтмай ўз самарасини бериб, республикада қандайдир ҳаётбахш жараён бошланаётганидан далолат бера бошлади. Бу – биринчидан.

Иккинчидан, Каримовнинг ўзига хос, мустақил иш юритиши СССР таркибидаги каттаю кичик сиёсий арбоблару арбобчаларни ҳайратга солар эди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон етакчиси билан Кремль ўртасидаги муносабатларни жиддийлаштирар, марказдагилар бундай “бебош ва ўзбошимча раҳбар”нинг таъзирини бериб қўйишга ҳаракат қилишарди.

...Воқеалар жараёни шу даражада тезлашдики, Каримовнинг сиёсати бевосита ўзбек халқи хоҳиш-иродаси, саъй-ҳаракати билан кўшилиб кетиб, иттифок раҳбариятини хийла талвасага солиб қўйди. Чунончи,

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990 йил, 24 мартда бўлиб ўтган сессиясида бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилишга ва президентлик лавозимини таъсис этиш юзасидан қарор қабул қилинди. Бу ҳужжатда, жумладан, шундай сатрлар бор:

*“Демократия жараёнларини янада ривожлантириши, сиёсий ўзгаришларни чуқурлаштириши, конституцион тизимни, граждандарнинг ҳуқуқларини, эркинликлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети*

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

### 1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти лавозими таъсис этилсин.

Қарор матнига жиддийроқ эътибор берайлик. Унда қуйидагиларни кўриш мумкин.

**Биринчидан**, демократия жараёнларини янада чуқурлаштириш ҳам, сиёсий ўзгаришларни такомиллаштириш ва конституцион тизимни мустаҳкамлаш **мантиқан том маънодаги мустақилликни** талаб этади ва унинг замирида Марказга бўйсунмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили ётади. Зотан, қайсидир даражада бўлмасин, энг кичик масалалар бўйича ҳам кимгадир тобе бўлинса, юкорида қўйилган талабларнинг биронтасига ҳам эришиб бўлмайди.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш – бу бевосита партия яккахокимлигини бартараф этиш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, халқ ва ҳокимият, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни яқинлаштириш, яъни жамиятда соғлом ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий муҳитни қарор топтириш, уни аста-секинлик билан турмуш тарзига айлантириш имконияти демакдир. Бу эса охир-оқибатда республиканинг ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқадиган ва уни амалга оширадиган Президент лавозимини жорий қилишни тақозо этади. Бу, табиийки, Горбачев бошлиқ Иттифок раҳбариятини қаттиқ ташвишга сола бошлаган эди.

Аслини олганда, Ислом Каримов СССР ҳукумати барча миллий республикаларга кундан-кунга тазйик ва зўравонликни ошираётган, кам сонли халқларга зуғум ўтказётган бир пайтда бошқарувнинг Президентлик Республика шаклини ташкил этиб, вазминлик ва қатъият билан Ўзбекистон мустақиллигига дастлабки пойдеворни қўйган эди! Чунки ушбу шаклдаги бошқарувининг мустақиллик истагини ҳаётий зарурат даражасида англаш, ўзгага бош эгмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатда бўлиш, дунёга ўзлигини танитишдир. Ана шундай оғир ва қалтис ишни амалга ошириш, бир жиҳатдан, Каримовнинг фавқулудда жасорати ва журъатидан далолат берса, иккинчи томондан, унинг ниҳоятда мутафаккир ва ўткир сиёсатчи эканлигини кўрсатади. Ахир, Марказ – Сиёсий Бюро, СССР Президентлик Кенгаши, унга бўйсунувчи қатор маъмурий ва жазо органлари ҳар қандай йўл би-

лан бундай “бебош” раҳбарга тазйиқ ўтказиши ҳеч гап эмас эди-да. Бирок Ислом Каримов СССРнинг ич-ичидан зил кетаётганини, бу мамлакат – “бузук арава” узокқа боролмаслигини, барча сессиялару пленумлар, партия ва депутатлар курултойлари халқ туғёни қаршисида энди ожиз ва нотавон эканлигини Иттифоқ миқёсидаги бошқа раҳбарлардан олдинроқ англади, олдинроқ тушунди ва бу воқеаларга ўз муносабатини кескин равишда билдирди. Аслини олганда, ана шу позициянинг ўзи “Ислом Каримовнинг аниқ дастури йўқ. Позициясини ошкор айтмаяпти”, деган таъналарга жавоб эди.

Масаланинг иккинчи асосли ва мантикий томони ҳам бор. Чунончи, у мамлакат то мустақил бўлмагунча ҳеч қачон миллий равақ бўлмаслигини, том маънодаги тарих ҳақиқатини тиклаш учун эса аввало мамлакат озод бўлиши зарурлигини сиёсий, назарий ва амалий жиҳатдан кўрсатиб берди.

Бу воқеаларни бугун – орадан бирмунча вақт ўтгач, хотиржам эшлаш осон. Ўша пайтларда эса ҳар бир кишининг қалбида аллақандай ҳадик, ифодалаб бўлмас кўрқув, унга қоришиб кетган севинч ва ҳаяжон бор эди. Ўз даврида ушбу ҳодисаларни ҳар ким ўзича тушунди, ўзича талқин этди. Бирок Ўзбекистон раҳбарияти ўз сўзида собит турди. Турли ҳийлау найранглари, иғво ва маломатларни қатъият ва амалий иш билан енгди. Охир-оқибатда эса Ўзбекистон яна бир бор ўз куч-қудратини, сиёсий салоҳиятини ёрқин намоиш этди. 1991 йил 31 август куни Иттифоқдош республикалар ичида биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилди ва уни қонун билан мустаҳкамлаб қўйди. Бу сана тарих саҳифасида абадий қолади!

Президент Ислом Каримов сессияда мустақиллик моҳияти, унинг тарихий зарурат эканлиги хусусида гапирар экан, мустамлакачилик асорати ва собиқ Иттифоқда қарор топган муҳитни рўй-рост очиб ташлади:

**“Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эртанги кунга ишончини кундан-кунга йўқотаяпти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига кафолат истайди. Улар тўқис, хотиржам ҳаёт талаб қиляпти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабозлик ва ваъдабозлик остида кўмилиб кетяпти.**

Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, осойишталик, бошқа халқларга нисбатан хайрихоҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя талаб қиляпти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меҳнатига яраша турмуш шароитларини талаб қиляпти. Бу – ҳаққоний талабдир.

**Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди”.**

Бу нуқтаи назар Ватан ҳисси, миллий рух, миллий туйғу давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг яққол ифодасидир.

Президент Ислом Каримов мустақиллик тўғрисида қонун қабул қилиш, энди СССР таркибида ортиқ қолиб бўлмаслигини, ундан чиқиб, чинакам миллий равақ ва миллий тараққиётга замин яратишимиз зарурлигини уқтириб, **“Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда**

истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси эса биз учун муқаддасдир”, деди.

Ислом Каримов тасавурида том маънодаги маънавият, энг аввало, Ватан туйғусидир. Ватан туйғуси ҳам миллий мансублик сингари ҳар бир шахснинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган мўътабар ҳодисадир. Зеро, инсон қайси замон ва қайси маконда яшамасин, туғилган юртини ўзгартира олмайди, ундан тонолмайди. Ватан ва миллат туйғусининг мўътабарлиги, улуғлиги, муқаддаслиги ана шунда. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов энг аввало мустақилликни англаш учун миллатни англаш, ўзликни англаш, Ватан ва унинг буюк ўтмиши билан фахрлана олиш ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилди. Айни пайтда мустақиллик йўли ҳақиқат йўли, инсон ҳақ-ҳуқуқлари йўли, маънавий етуклик, юксак маданият, бой инсоний фазилатлар мажмуидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ўз танлаган йўлининг тўғрилигига қатъий ишонди ва миллионлаб юртдошларимизни ҳам бунга ишонтира олди ва “... **Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким ҳеч қачон қайтара олмайди, зотан, Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга қодирдир. Энди ортга йўл йўқ. Ўзбекистон истиқболини собитқадамлик билан барпо этмоғимиз зарур. Бу йўлда иккиланмоқ, манфаатпарастликнинг майда-чуйда ташвишларига ўралашмоқ – Ватанга, халққа, келажак авлодга хиёнат бўлади. Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан овозлиги насиб этмаган боболаримизга улуғвор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат қўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак**”, деб ўз мақсадларини ифода этди.

...Йигирманчи асрнинг охири собиқ СССР таркибидаги бошқа халқлар қаторида ўзбеклар ҳаётида ҳам туб бурилиш ясади. Аср бошида Марказий Осиё халқлари турли миллат ва мамлакатларга қанчалик сунъий равишда бўлиб юборилиб, мустамлакага айлантирилган бўлса, аср охирида шунчалик табиий равишда бу мамлакатлар ўз мустақиллигига эришди ва миллий тараққиёт йўлидан бориб, тенг ҳуқуқли суверен давлатлар сифатида ўзаро ҳамкорлик асосидаги умумий иқтисодий хонадонни вужудга келтиришмоқда.

Дунёга ортиқча шов-шувлар, дўқ-пўписалар ва асосиз дағдағалар билан ўз қудратини кўрсатиб келган, СССР деб аталган зўравонлик мамлақати ич-ичидан зил кетиб, чок-чокидан сўкилиб кетди. Унинг худудига кирган қардош республикалар мустақил давлат мақомини олди. Ана шундай тарихий шароит, ижтимоий-сиёсий пўртана ва мислсиз бўҳронлар янгидан-янги сиёсатчиларни, улкан давлат ва жамоат арбобларини вужудга келтирди. Ўта зиддиятли, мураккаб, инқилобий ўзгартирувчилик моҳиятига эга бўлган бўҳронлар турли мустақил мамлакатларда турли янги йўналишдаги сиёсий арбобларни юзага келтирди. Ўзбекистонда эса, Ислом Каримовни кашф этди.

Ислом Каримов – иқтидорли инженер ва иқтисодчи олим сифатида кўзга ташланган мутахассис. Заводда мастер ёрдамчилигидан етук муҳандис-конструктор, самолётсозлик тажрибасига ўзига хос мулоҳазалари билан амалий ҳисса қўшган, айни пайтда оддий халқ турмуши, ишчи қалбининг кечинмалари билан яқиндан таниш бўлган ва инсоният ҳаётининг муҳим,

ниҳоятда мураккаб қисми оламини чуқур ўрганган. Натижада, унинг ижтимоий-руҳий дунёсидан сиёсий мазмун чиқара оладиган ва уларни ҳал этишда ўзини масъул ҳис этадиган шахс сифатидаги шаклланиш йўлини босиб ўтди. Узоқ йиллар Давлат режа қўмитасида, Молия вазирлигида раҳбарлик лавозимларида, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Қашқадарё вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби вазибаларида ишлаб, катта ташкилотчилик тажрибасига, сиёсат ва амалиётда улкан иқтидорга эга бўлган раҳбар сифатида шаклланди.

Ислом Каримовнинг сиёсий майдонга чиқиши унинг ҳаёт йўли каби ўзига хос. Албатта, у ҳам ҳамма қатори ҳукмрон сиёсат доирасида яшади. Мураккаб, ўта тоталитар ижтимоий-сиёсий тузум қобиғида ўсди, коммунистик мафкура таъсирида бўлди. Бироқ, мавжуд режимнинг “қатъий интизоми” Ислом Каримов хоҳиш-иродасига, руҳияти ва кечинмаларига ҳамма вақт ҳам тўғри келавермас эди. Албатта, у мавжуд ҳукмрон сиёсий режимга қарши инқилоб қилган эмас. Бироқ, хатти-ҳаракати, иш юритиш услуби, мавжуд муаммоларни ҳал этишда ёндошиш усули жиҳатидан айрим белгилари билан ўз сафдошларидан фарқ қилиб турар эди. Бу айниқса, фикрлаш тарзи, дунёқараши ва онгли муносабатда аниқроқ кўринар эдики, кўр-кўрона ишлаш, коммунистик ақидапарастлик, сохта ва ясама ғоявийлик авж олган бир муҳитда Ислом Каримов шахсини, унинг бутун ўзига хослигини кўрсатарди.

Дарҳақиқат, у узоқ йиллар партиявий тизимнинг турли тоифадаги имтиёзли аппаратларида эмас, аксинча “чекка-чекка”ларида – саноат ва хўжалик идораларида турли катта-кичик лавозимларда ишлади. Жамият таракқиётининг асосий омили – меҳнаткаш халқ ҳаёти, унинг дунёқараши билан уйғун ҳолда ҳаёт кечирди. Айтиш мумкинки, 70 йиллик Коммунистик мафкурадан ана шундай “бироз бегоналик” унинг сиёсатининг табиатини, софлигини, улкан тажриба билан соғлом фикр, катта куч-ғайрат билан ёрқин ва рангин дунёқараш уйғунлиги каби ғоят ноёб сиёсатнинг бутун сифатини белгилайди. Натижада, ана шу сифатнинг ўзи Президент Ислом Каримовнинг сиёсий қарашлари ва бошқарувчилик услубида ўз сафдошлари ва яқин ўтмишдошларидан кескин фарқли ҳолда ғоятда кучли халқчиллик ва ҳаётийликка замин бўлди. У катта билим ва ҳаётий тажрибага асосланган, назария ва амалиётни уйғунлаштира олган олим-академик – раҳбар тимсолида **Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат** эканлигини исботлаб берди.

Ҳали партия ҳукмронлик қилаётган бир пайтда кутилмаганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиблигига Ислом Каримов сайланишининг ўзи, айниқса, раҳбариятдаги кўп кишиларни ташвишга солиб қўйди. Халқ эса унинг шахсияти билан қизиқа бошлади. Мухолиф гуруҳлар ва ҳаракатлар раҳбарлари, айрим пайтларда эса яқка шахслар турли жазавалару васвасалар гирдобига тушишди. Очикдан-очик унинг ишига тўғаноқ бўлиш, сиёсатига ишончсизлик билдириш билан шуғулландилар.

Вақт – олий ҳакам. Халқ – воқеа-ҳодисаларнинг ичида яшаб, унинг бутун жараёнларини юрак элагидан ўтказиб, сўнг у ёки бу тарзда баҳолайдиган буюк мезон. У аввал эринмай ҳар бир нарсани назаридан ўтказди. Мулоҳаза юритади. Сўнг холис фикрини айтади.



Тўғри, халқ орасида баъзан турли норозилик ҳаракатларига тушуниб-тушунмай эргашадиган, уни қўллаб-қувватлайдиган, ҳар хил ифвогарликларга ишонадиган кишилар ҳам топилади. Ахир, бу халқ-да! **У бутун нуқсоню фазилати билан, барча камчиликларю ютуқлари билан яхлитлигича халқ! Бошқача бўлиши мумкин эмас. Сиёсатнинг кучи, сиёсатчининг истеъдоди, сиёсий ҳаётнинг соғлом ва таъсирчанлиги ана шу ўта мураккаб, зиддиятли, қарама-қарши фикрлар ва қарашларни бирлаштирган яхлитликни – халқ оммасини бир йўналишга солиб, бир ўзанга буриб юборишда.**

**... Ислом Каримов қандай шароитда ҳокимият тепасига келди? Ўтмишдошларидан унга қандай жамият мерос қолган эди? У қандай вазиятда иш бошлади?**

Маълумки, Шароф Рашидов вафотидан сўнг Ўзбекистонда парокандалик вужудга келди. Сабаби ўша пайтдаги биринчи раҳбарнинг ўта бўшанглиги, мустақил фикрга эга эмаслиги ва мунофиқлиги туфайли бутун мамлакат ва миллат бадном этилди. Ўзбек порахўр, боқиманда, текинхўр ва ношуд халқ сифатида шармандаю шармисор қилинди. Бу шунчаки тасодифий ҳодиса эмас. Балки ўша пайтдаги раҳбариятнинг Марказ билан биргаликдаги сиёсий йўли, пишиқ-пухта ишлаб чиқилган концепцияси, ҳар томонлама ўйлаб, ақл-идрок билан амалга оширилаётган ниятлари эди.

Кремлнинг қўлида кўғирчокка айланиб қолган, мустақил фикрга эга бўлмаган, ўз миллатимиздан чиққан мунофиқлар бутун Ўзбекистонни хонавайрон қилишди. Миллат шаънига, унинг асрлар мобайнида тўплаган обрў-эътиборига, миллий қадриятларига доғ туширишди. Бутун ўзбек халқини порахўр, лаганбардор, ўғри ва муттаҳам қилиб кўрсатишди. Натижада минглаб тажрибали ва етук, мамлакат равнақиға чинакамига таъсир кўрсата оладиган раҳбарлар қасдан йўқ қилинди. Ваҳолонки, “пахта иши”га ўхшаган салбий ҳодисалар Москвада, Россиянинг қатор вилоятларида ва бошқа иттифокдош республикаларда ҳам турли шаклларда бундан ҳам оғирроқ, бундан ҳам даҳшатлироқ тарзда мавжуд эди.

Аҳоли тиғиз жойлашган, моддий жиҳатдан жиддий етишмовчиликлар қуршовида қолган минтақаларда миллатлараро низоларни келтириб чиқариш ва шу йўл билан аҳолини асосий мақсад ва интилишларидан чалғитиб, ўз ҳукмдорлигини сақлаб туришга интилган Кремль республикамизнинг ўша пайтлардаги раҳбарияти ношудлигидан устамонлик билан фойдаланди. Юртимизда вужудга келган турли хилдаги тангликлар, жумладан, месхети туркларининг ўз тарихий ватанига қайтишдек адолатли талаблари юзасидан келиб чиққан норозиликларни чувалаштириб, қонли тўқнашувга олиб келди. Бу мунофиқ сиёсат ўзини ҳеч нарса билан оқлолмайди, тарих ҳамиша уни лаънатлаб ўтади. Кўғирчок раҳбарлар бутун миллатни, минг-минглаб хонадонларни ўзларининг вақтинчалик амал курсилари учун қурбон қилдилар.

Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий, маънавий-руҳий вазият аянчли аҳволда эди. Буни куйидагиларда кўриш мумкин: **биринчидан**, “пахта иши”, “ўзбеклар иши” деб номланган ва Кремль сценарийси асосида СССР Бош прокуратураси терговчилари Гдлян ва Иванов бошчилигида янги қатағон даври атайлаб ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, пахтачилик билан шуғулланадиган оддий брига-

дир ёки ҳисобчидан тортиб республиканинг биринчи раҳбаригача бўлган масъул шахслар қамокқа олинди. Тўрт мингдан ортиқ қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг турли поғоналарида ишлаган тажрибали раҳбарлар жазоланди. Натижада, бутун Ўзбекистонда қўрқув, таҳдид, келажакка ишончсизлик, ҳаётга умидсизлик билан қараш кайфияти кучайиб кетди. Жамиятда парокандалик вужудга келди. Ҳамма бир-биридан ҳадиксирайдиган умидсиз аҳволга тушиб қолган эди.

**Иккинчидан,** Рашидов вафотидан сўнг унинг тириклигида ва раҳнамолигида вужудга келган катта ташаббускорлик, шижоатлилик, ялпи ғайрат руҳияти барбод бўлди. “Рашидовчилик” деб номланган сохта ва уйдирма компания авж олди. Кучли, мустақил фикрга эга бўлган, ҳар қандай шароитда ҳам ўз соҳаси ва ташкилотини ривожлантира биладиган қатъиятли раҳбарлар Рашидовнинг одами сифатида эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Улар устидан жинойий иш қўзғатилди (Тошкент тиббиёт институти ректори, академик Ў.Орипов сингари). Рашидовнинг халқаро майдондаги катта обрў-эътиборини йўққа чиқариш мақсадида бутун ўзбек халқи бадном қилинди. Унинг шаъни поймол этилди. Жамиятда руҳий озурдалик, маънавий қашшоқлик, иқтисодий танглик, ижтимоий жигаллик чуқурлашиб кетди.

**Учинчидан,** одамлардаги руҳий ва маънавий мувозанатнинг издан чиқиши, хусусан, ёшларни саросимага солиб қўйди. Ҳали аниқ ҳаётий позицияга эга бўлмаган, турмушда муҳим бир фикр ва мақсади шаклланмаган, ақлдан кўра эҳтироси баланд бўлган ёшлар кайфиятида тушқунлик, аниқ келажакни тасаввур қила олмаслик, истикболни кўролмаслик иллатлари кучайди. Хусусан, 18-22 ёшлардаги қизлар орасида ўзига ўзи ўт қўйиш иллатлари авж олди. Бу ҳаётдан норозилик ва умидсизликнинг натижаси эди.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистон йигитларини камситиш, уларнинг шаънига тегиш СССР раҳбариятининг сиёсий қарашларидан бири эди. Жумладан, ўзбек йигитлари гўёки майиб-мажруҳ, ногирон, ақлий ва руҳий жиҳатдан етук эмас. Шунинг учун улар Совет қуроли кучлари таркибига фақат қурилиш батальонларига яроқли деб қараларди. Ҳаракатдаги қўшинлар таркибига эса яқинлаштирилмасди. Хусусан, 80-йилларнинг иккинчи ярмида Совет қуроли кучларига жалб этилган ўзбек йигитлари номаълум сабаблар билан кетма-кет вафот этишарди. Уларнинг жасаdlари темир сандиқларда мутлақо очилмаслик шарти билан уйига юбориларди. Бу жиддий ва изтиробли вазият бутун республика аҳли руҳиятини синдириб, кайфиятини абгор қилган эди.

**Бешинчидан,** Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича иттифоқдош республикалар орасида 14-ўринда эди. Ваҳоланки, аҳоли сони жиҳатидан 3-ўринда – РСФСР, Украинадан кейин турарди. Катта аҳолига, бунёдкор, фидойи, меҳнаткаш халққа, буюк тарих ва маданий меросга, юксак интеллектуал салоҳиятга, бекиёс ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлган Ўзбекистон хонавайрон қилинди, талон-тарож этилди. Республика фақат хом-ашё ўлкасига айлантилди. Олтин, газ, уран, мис, алюминий ва бошқа қимматбаҳо ер ости бойликларининг бир грами ҳам Ўзбекистонда қолдирилмай марказга олиб кетиларди.

Ўзбекистон СССРнинг асосий пахта ва ипак етиштирувчи таянчи ҳисобланарди. Ҳар йили олти миллион тоннадан ортиқ сифатли пахта

та Ўзбекистонда етиштириларди. Энг олий навли пахта толаси СССР давлатининг ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган хом-ашёси эди. Машаққатли меҳнат билан етиштирилган пахта тан нархи эса жаҳон бозоридагидан бир неча баравар арзон эди. Бир кило пахта учун теримчига бир, икки, нари борса беш тийин тўланар эди. Пахта толасининг тўқсон фоизидан ортиғи Россиянинг Иваново ва Новгород шаҳарларига олиб борилиб, у ерда тайёр маҳсулотга айлантириларди. Мутахассисларнинг хулосаларига кўра бир килограмм пахта толасидан иккита 52-ўлчамдаги эркаклар кўйлаги тикилар экан. Бир кило пахтага икки тийин тўлаб, Россияда тикилган кўйлакнинг ҳар бирини йигирма беш сўмдан пахта етиштириб, уни мисқоллаб териб, топширган пахтакорга сотилар эди. Ижтимоий адолат ана шу тарзда кўпол равишда бузилган, миллатни таҳқирлаш ва камситиш чексиз даражада шаклланган эди.

**Олтинчидан,** Ўзбекистон болалар ўлими бўйича иттифоқдош республикалар орасида биринчи ўринда турарди. Маълумотларга кўра туғилаётган чақалоқларнинг ҳар мингтасидан 57 таси бир ёшга тўлмай вафот этган. Ўлик туғилганлари, майиб-мажруҳлари, ногиронлари бу ҳисобга кирмайди. Пахта майдонларида миллатни геноцидга олиб келадиган, уни генофонини таназзулга олиб борадиган химиявий моддалар ишлатилар эди. Ушбу оммавий қирғин воситаси самолётларда, баъзи ҳолларда боғ-роғлар, аҳоли яшайдиган жойлар устидан сепилиб кетарди.

**Еггинчидан,** СССР ҳукумати ўз инкирозини тушуна бошлагач миллий республикаларда турли низоларни ташкил этиш, шу орқали бутун мамлакатда фуқароларни чалғитиш ва таҳдид, кўркув руҳиятни кучайтириш йўлидан борди. Натижада, Боку, Тбилиси, Тоғли Қорабоғ, Киев, Минск, Ленинград, Олмаота воқеалари атайлаб ташкил этилди. Биринкетин содир этилган ушбу қонли тўқнашувларда минг-минглаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилди. Бу нобакор сиёсатнинг навбатдаги ўйини Ўзбекистонда уюштирилди. Бир неча йиллар мобайнида қон-қариндош бўлиб кетган, менталитети жиҳатидан чумолига ҳам озор бермайдиган, топганини зарур бўлса душманидан ҳам аямайдиган ўзбек халқи билан месхети турклари ўртасида қонли тўқнашув ташкил этилди. 1989 йил май ойининг охирида Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида содир бўлган миллатлараро низо тез орада Марғилон, Кўкон шаҳарларига кўчди. Ундан сўнг Тошкент вилоятининг Бўка, Паркент туманларига, Сирдарё вилоятининг Янгиер, Гулистон шаҳарларига, Бухоро вилоятининг Бухоро туманига (Мичурин номидаги боғдорчилик совхозига) кўчди. Ўзбекистон қонга бўялди.

**Ислом Каримов ана шундай – муаммолар устига муаммолар қалашиб, масалалар чувалашиб кетган, мураккаб ва зиддиятли бир пайтда ҳокимият тепасига келди.** У ўзи раҳбар этиб сайланган Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси пленумининг 1989 йил 23 июндаги йиғилишидаёқ ўз позициясини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Жумладан, мамлакатни жар ёқасидан қайтариб олиш, минтақада миллатлараро тотувлик ва барқарорликни бутун чоралар билан таъминлаш, тўпланиб қолган муаммоларни тезроқ бартараф этиш учун бутун куч ва имкониятларини жамлаб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш кераклигини уқтирди.

...Шахснинг жамият тараққиётида тутган роли бениҳоя катта. Мавжуд тузум мамлакат раҳбарининг шахси, унинг феъл-атвори, хатти-ҳаракати, ўзига хос фикрлаш тарзи, дунёқараши ва воқеа-ҳодисаларга муносабатига қараб у ёки бу тарзда шаклланади. Айрим пайтларда эса раҳбар – шахснинг феълига ва қобилиятига қараб, бутунлай, кутилмаган ҳодисалар юз берадики, улар жаҳон тараққиёти ва инсоният тақдирини бутунлай ўзгартириб юборади, тарих саҳифаларида абадий қолади.

Дейлик, Соҳибқирон Амир Темур туркий улусни ва Туркистонни бирлаштириш, яхлит давлатни вужудга келтириш орзу-истаги билан яшамаганида ёки унинг ўрнида бошқа бир одам тахт тепасига келганида буюк тамаддун ҳодисаси юз берармиди? Заҳириддин Муҳаммад Бобур “оёқ етганча кетгаймен” деб кўнглида фиғон, дард ва ҳасрат билан “Ҳинд сори юзланди”-ю, турли дин, мазҳаб ва ақидалар билан яшаётган халқларни бирлаштириб, буюк Ҳиндистон давлатига асос солди. Бутун Ер шарининг улкан бир қисмида фан, маданият ва санъатни ривожлантириб, одамлар онги ва дунёқарашида тўнтариш ясади. Минтақа халқлари тақдирини бутунлай бошқа ўзанга буриб юборди.

Мана энди ҳақли савол туғилади. Мабодо Ислоҳ Каримов ўрнида ҳокимият тепасига бошқа одам келганида нима бўлар эди? Албатта, ҳозирги тарздаги ижтимоий-сиёсий муҳит бўлмас эди! Ё “ўта демократлашган” хонавайронлик юз берарди-ю, минг-минглаб одамларнинг ёстиғи қурир эди ё бу юксак лавозимнинг ниҳоятда оғир юкига, машаққат ва азоб тўла масъулиятига бардош беролмай, Ўзбекистондай улкан имкониятлар мамлакати ҳам, унинг халқи ҳам бир ҳовуч енгилтак амалпарастрларнинг қурбони бўлиб кетарди. Бошқача эмас! Президент Ислоҳ Каримов сиёсатининг бутун салмоғи, Шахс сифатидаги кадрияти унинг ақл-идрок ва таҳлилий салоҳиятида, узокни кўзлаб иш тутишида эди.

*Ислоҳ Каримов – тарихий ва ижтимоий ҳодиса. У мутлақо янги даврнинг мутлақо янги услубдаги одами. У янги тарихий шароитларда вужудга келган, бутунлай янги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида шаклланган, ана шу жараёнларни ўз сафдошлари ва замондошларидан мутлақо фарқли ҳолда фавқулодда зукколик, зийраклик ва донишмандлик билан идрок эта биладиган, уларни журут ва жасурлик билан ҳал эта оладиган сиёсатчи. У ҳар қандай ислоҳотларни бутун моҳияти билан англай биладиган, вужудга келадиган воқеа ва ҳодисаларни бутунлай янги йўналишга моҳирлик билан буришга қодир бўлган иқтидорли давлат раҳбари, йирик ва кенг қамровли етакчи.*

Каримов сиёсати – қаттиққўллик билан меҳрибонлик, қатъиятлилик билан меҳр-мурувват, талабчанлик билан қатъий интизом уйғунлашиб кетган, халқ дунёқараши ва табиатидан келиб чиққан жонли ва ҳаётий сиёсат. Айни пайтда у янги қарашлар ва янги тафаккур сиёсати. Акс ҳолда, Ўзбекистонда жуда мураккаб ва ҳар томонлама зиддиятли бир пайтда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик вужудга келмаган бўлур эди. Аниқ ишлаб чиқариш мароми, аниқ мақсадни кўзлаган, барча таҳдид ва таҳликалардан устун келган, умид ва ишончга таянган турмуш тарзи йўлга қўйилмаган бўлур эди.

*Ровияжон АБДУЛЛАЕВА*

## МЕНИ АЛҚАМАГАН КИШИ ҚОЛМАДИ...

Ўтган йили адабиёт аҳли ўлмас асарлари билан бутун дунё адабиёти-нинг йирик намояндалари каторидан ўрин олган олмон шоири Ҳайнрих Ҳайне (1797–1856) таваллудининг 220 йиллигини кенг нишонлади.

Маълумки, Германиядаги 1618–1648 йилларда бўлган 30 йиллик уруш немис халқини аросатда қолдирди. Вестфалия сулҳи (1648) бу урушга барҳам берди. Сулҳ шартномасига кўра, Германия худудий жиҳатдан майда бўлақларга бўлиниб кетди. Натижада, бир неча кичик мамлакатлар пайдо бўлди. Бу даврда Германия тарқоқ мамлакат бўлиб, иқтисодий-сиёсий жиҳатдан мушкул аҳволга тушиб қолган эди. Германия шундай бир қаро тун кўйнига чўмган эдики, *“ҳатто немис халқининг энг яхши ва энг кучли донишмандлари ҳам ўз мамлакатларининг келажасига мутлоқ шиончини йўқотиб қўйган эдилар”*. Шунга қарамасдан, ўлкада адабий муҳит анча жонланди. Мамлакатдаги маданий ҳаёт ривожига таъсир қилувчи адабий кучлар пайдо бўла бошлади.

Ҳайненинг ота-онаси унинг ҳарбий бўлишини орзу қилган эдилар. Бироқ Наполеоннинг урушдаги мағлубияти уларни иккилантириб қўяди. Ҳайнени, мактабни битиргач, Ҳамбургдаги бой савдогар амакиси Саломонлар оиласига жўнатишади. Саломон Ҳайнени савдо ишлари билан шуғулланишга ундайди. Ҳайнеда бу касбга мойиллик йўқлигини сезгач, уни ҳуқуқшуносликка йўналтиради ва моддий жиҳатдан таъминлаб туради. Аммо ёш шоир на ҳуқуқшунослик, на тижорат соҳасини суймас, унинг маънавий дунёсини қониқтирмасди. Шунга қарамасдан, Гёттенген шаҳрида ҳуқуқшуносликдан таҳсил олиб, докторлик унвонини олади. Руҳиятидаги романтикага мойиллик сабаб, шеърлар машқ қила бошлади.

Ҳайне 1819–1825 йилларда Бонн, Берлин ва Гёттенген шаҳарларида таҳсил олган чоғлари немис романтизм мактабининг назариётчиси, профессор А.В.Шлегель билан дўстлашади. Бу дўстлашув унинг шеъриятга бўлган қизиқишини янада кучайтиради. А.В.Шлегель унинг машқларини кўздан кечириб, шеърият сирларидан бохабар қилиб боради. Шоир бир вақтнинг ўзида файласуф Гегелнинг маърузаларига ҳам қатнайди. Шу тариқа адабиёт ва фалсафа Ҳайне ҳаётининг асосий мазмунига айланади. Унинг инсон руҳиятидаги оғриқли нуқталар, жўшқин хислар ёрқин ифода-даланган кичик жанрлардаги содда, таъсирчан шеърлари оҳангдорлиги,

\* Ровияжон Абдуллаева – филология фанлари номзоди.

муסיкийлиги билан халқ орасида кенг тарқалган, кўшиққа айланган. Шулардан энг машҳури табиат манзаралари гўзал ифодаланган “Билмам недан беради дарак” деб бошланувчи афсонавий олмон халқ кўшиғи “Лорелея” дир. Бу кўшиқ турли даврларда, турли муносабатлар билан ўзбек тилига ўгирилди ва вақтли матбуотда шеърнинг бир неча таржима вариантлари пайдо бўлди. Шеърнинг биринчи банди шундай жаранглайди:

*Билмам недан беради дарак  
Ғам ўтида ёнаман чандон  
Бир эртақким қадим-қадимдан  
Тинчлик бермас бирор лаҳза, он<sup>1</sup>.*

Секин-аста унинг ижодида лирик ва эпик элементларга бой романтик кайфият юзага кела бошлади. Ҳайне ўзини романтизмнинг етакчи вакили сифатида намоён қилди. Бу йўналишда қалам тебратган барча ижодкорлар, улар санъатнинг қайси турига дахлдор бўлмасин, асарларида қаҳрамонларининг ўтмиш воқеа ҳодисаларидан ҳайратланишига, табиат гўзалликларидан таъсирланишига, инсон туйғуларининг рангин оҳанглари романтик руҳда акслантиришга урғу берганлар. Бу йўл Ҳайнега ҳам тегишли эди.

Унинг шеърлятида юрак қаърида яширинган ошиқона эҳтирослар, сиру синоатлар, инжа туйғулар, рад этилган севги, афсонавий ишқ юксак пардаларда куйланади. Ишқ изтиробларини бошидан кечираётган шоир туйғуларига кулок тутамиз:

*Била туриб чеккан азобим  
Қандай қилиб ухлайсан беғам?  
Ғар қўзғалса эски ғазабим  
Парчалағум кишанларни ҳам.*

*Эслайсанми, кўҳна кўшиқда  
Эллар шуни нақл этганин:  
Мурда йигит тунда ёрини  
Қора гўрга олиб кетганин.*

*Чиройлигим, сени деганман,  
Сўзларимга ишон, кўник, сан.  
Мен ҳаётда тирик эканман.  
Кучлироқман барча ўликдан.*

*(Ҳайриддин Салоҳ таржимаси).*

Ҳайне асарларида оҳанг ва ранглар гармонияси ўзаро бирлашиб, сингишиб кетганки, оҳори тўкилмаган сатрлар шууримизга, идрокимизга беҳосдан оқиб кириб келганини сезмай қоламиз. Бу ҳолат, айтиш мумкинки, унинг бутун назми учун хос хусусият саналади. Ҳайне қанчалик романтик бўлмасин, шу қадар реалист ҳам эди. Унинг шеърлятида романтизм

<sup>1</sup> Таржима муаллифники.

билан реализм ижодий усули омухта бўлиб кетган, дейиш мумкин. Бу ҳолатга унинг “Германия. Қиш эртаги” поэмаси, “Силезия тўқувчилари”, “Мадҳия” каби озодлик, эркинлик ва ҳақиқат мавзуи куйланган сиёсий кўшиқларини ўқиганимизда гувоҳ бўламиз.

Демак, Ҳайне романтик шоир сифатида ҳаёт ҳақиқатларини таҳлил қилишга ҳаракат қилар экан, бир вақтнинг ўзида романтик туйғуларини жиловлаб, реалист сифатида сиёсий озодлик ва миллий эрк, бахт-саодат учун курашаётган хужумкор нафосатшуносга айланади. У ўзи ҳақида: “Немис лирика мактаби мен билан тугайди ва айни пайтда янги, замонавий лирика мактаби бошланади”, – деган эди. У немис ёзувчилари орасида биринчилардан бўлиб, немис романтизм мактабининг емирилаётганини тан олган, XIX аср немис адабиётида эндигина пайдо бўлаётган танқидий реализм адабий йўналиши учун курашган шоирдир. Демак, шу нуктаи назардан қараганда уни танқидий реализм адабий йўналишининг асосчиси ҳам дейиш мумкин.

Ҳайне адабий мероси немис адабиётшунослигида уч даврга бўлиб ўрганилади. **Биринчи давр** 1817–1830 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда унинг илк шеърлари турли хил газета ва журналларда чоп этилган.

1827 йилда “Ёшлик изтироблари”, “Лирик интермеццо”, “Ватанга қайтиш”, “Шимолий денгиз” каби қисмлардан иборат лирик тўплами – “Кўшиқлар китоби” нашр бўлди. Бу асар олмон лирикасида Гётедан кейинги муҳим ҳодиса эканлигини кўплаб олмон ҳайнешунослари, мунаққидлари таъкидлайдилар. Машҳур немис халқ кўшиғи “Лорелея” ҳам шу тўпландан жой олган.

Шоир ижодининг **иккинчи даври** (1831–1846) эмиграция йилларига тўғри келади. “Германияда фалсафа ва дин тарихи” (1834), “Романтизм мактаби” сингари асарларида ижтимоий-тарихий, адабий, диний ва фалсафий интилишлар акс этади. Мақолаларида немис адабий тили ва адабиётига асос солган М. Лютер, Лессинг, Кант, Фихте каби немис файласуфлари портретини яратади.

Ижодининг **учинчи даври** (1846–1856) да фалсафий ва сиёсий қарашларининг ёрқин ифодаси бўлган асарлар яратди. “Германия. Қиш эртаги” поэмаси бунинг мисолидир.

Шоир ҳаёти изтироб ва машаққатларга тўла кечган. Ҳайне давлат хизматчиси бўлиб ишлашни хоҳларди. Аммо давлат ишларига жойлаша олмайди, чунки унинг эркинликка, озодликка даъват этувчи, аристократлар, катта ер эгаларига берилган сиёсий ҳуқуқлар барчага берилишини талаб қилиб ёзилган асарлари юқори идораларга ёқмас эди. Натижада, шоир ижодий тақикқа учраб, қўлёмаларини чоп қилиш ман қилинди.

Бу йиллар ичида шоир ҳар томонлама руҳан эзилади, ўзини ёлғиз ҳис қила бошлайди. Таъкиблардан тинкаси қуриб, 1831 йилда Парижга кўчиб кетишга мажбур бўлади.

Ҳайне 1841–1846 йилларда Парижда яшаган. Бу даврда Францияда ижтимоий-сиёсий муҳит бирмунча шаффоф бўлиб, озодлик ғоялари ҳукмрон эди. 1843 йил Ҳайне Парижда пайтида Бальзак, Лист, Берлиоз, Г. Занд, Гюго, Мендельсон, Шопен сингари маърифатпарвар ижодкорлар билан танишади. Француз адабий-маданий ҳаётида фаол қатнашиб, сиёсий

воқеалардан, ижтимоий оқимлардан олмонларни хабардор қилиб туради. Матбуот ходими сифатида икки халқни бир-бирига яқинлаштиришга, улар ўртасидаги дўстлик ришталарини боғлашга ҳаракат қилади. Немис мунаққиди ва тарихчиси Ф.Меринг: “У ўзини Парижда худди балиқ сувда сузгандай ҳис қилди, бегона ўлкада яшаса ҳам у жойни ўз еридек кўрди ва ўзлигини йўқотмади”, деган эди. Аммо шоир Парижда ҳам бир умр ватани Германияни кўмсаб, соғиниб яшади. Унинг “Энди у бир туш” шеъриси шундай мазмундаги мисралар бор: *Ажиб Ватан бор эди менда, Дуб ўсарди азамат, улкан /Бинафшалар мудрарди нафис, Энди у бир туш/ Ватан суяр эди немисча, Ва немисча ўпарди мени.*

Шеърда умуминсоний туйғулар куйга солинган. Соғинч тасвиридаги бадий бўёқлар куюқ. Шоир “*Ватан суяр эди немисча, Ва немисча ўпарди мени*” дер экан, туғилган юрти Германияга ишора қилмоқда, унинг келажагига катта умид боғламоқда. Шеърдаги “*бинафша*” эса эрк, озодлик мажозий маъноларига эга. Шоир асарини бежизга “Германия. Қиш эртаги” деб номламаган. Биз бу тимсолни Чўлпоннинг ижодида ҳам кўришимиз мумкин. Чўлпонда ҳам “бинафша” эрк, озодлик тимсоли сифатида берилган. Иккала шоирда ҳам мотив, ғоя, мақсад бинафша образи орқали эрк ва озодликка бўлган интилишни бадий ифода эттиришдан иборат.

Чўлпон Ҳайнени ўқиган, таржима қилган, ундан таъсирланган. Шоирнинг:

*Ҳамма эснаб турди, қулоқ солмади,  
Қайғумни гапириб берган вақтимда.  
Мени алқамаган киши қолмади,  
Қайғумни назмга терган вақтимда.*

мисраларини ўзбекчалаштирган. Шу маънода, Чўлпонни Ҳайненинг илк ўзбек таржимони дейиш мумкин.

Бундан ташқари, Ҳайненинг “Силезия тўқувчилари” шеъри 30-йилларда буюк шоир Ойбек, “Гўзал балиқчи қиз”, “Май ойида” лирик шеърлари Амин Умарий, “Германия. Қиш эртаги” достонидан парчалар устоз таржимон Миртемир томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

Ойбек ва Миртемир таржималари жамланиб, 1941 йилда “Лирика” номли тўплам босмадан чиқди. Шундан сўнг Ҳайне асарларининг умумий ғояси, қахрамонлари ижодкорларимиз маънавий дунёсига чуқур кира бошлади. Ҳайненинг ўзбек таржимонлари сафига Мақсуд Шайхзода, Ғафур Ғулом, Жуманиёз Жаббор, Хайриддин Салоҳ, Абдулла Шер, Муҳаммадали Қўшмоқов, Олимжон Холдор, Садриддин Салим Бухорий каби шоирлар келиб қўшилдилар.

“Германия. Қиш эртаги” достони XIX аср жаҳон шеъриятининг энг яхши намуналаридан ҳисобланиб, унинг рус тилида ўн тўққизта таржима варианты бор. Достон тўлиқ ҳолда истеъдодли шоир Абдулла Шер томонидан таржима қилинди. Абдулла Шер таржима жараёнида асарнинг русча варианты билан биргаликда жаҳон ҳайнешуносларининг тадқиқотларидан ҳам кенг фойдаланди.



Ҳайнедан ўқиб ўрганиш, таржималар қилиш ижодкорларимиз ҳаётида беиз, бесамар қолмади, унинг бадиий маҳоратидан ижодий таъсирландилар. Хусусан, атоқли шоир Абдулла Орипов, Пушкин, Гёте, Байрон қатори Ҳайне ижодини меҳр билан ўрганди, унинг ёниқ қалбини, илоҳий муҳаббатини чуқур ҳис қилди. Ундан илҳом олди.

Чунончи,


*Рейн бўйларидан Ҳайне ҳам шунда,  
Гўзал Лорелея тинглар сирини  
Бир қўли инқилоб ногорасида  
Амалия томон чўзган бирини,*

деса, яна бир жойда:

*Сен Пушкиннинг севган малаги,  
Сен Гёте орзу этган қиз.  
Сен Байроннинг қалбин садафи,  
Сен Ҳайнени ёндирган юлдуз,*

дейди.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳайне талқинидаги эзгулик ғоялари халқимиз қалбида ҳам акс-садо бериб, ижодкорларни илҳомлантирувчи ижод гулшани, тадқиқотчилар учун бой манба бўлиб хизмат қилмоқда.



*Сувон МЕЛИ*

## АДАБИЁТ ФАЛСАФАСИ ЁХУД КЎЗГА АЙЛАНГАН КЎНГИЛ

1

Нафис адабиёт, буюк Чўлпон таъбири билан айтганда, “ҳисли кўнгил тарихи” дир. Бу таъбир биз туйқус ўйлагандан анча чуқурроқдир. Тарих фани ўтмишга оид факт ва ҳодисалар мажмуи, кечмиш воқеалар жамулжами экан, ҳисли кўнгил тарихи бундан-да поёнсиз ва тубсиздир. У инсон кўнглида пайдо бўлмиш ҳис-туйғуларнинг муайян вақт, масофа давомида кечиби, оқиб ўтиши ва бу оқимнинг ҳисли тарзда қайд этилишини англатади. Инсон, инсоният барҳаёт экан, бу оқим мангу. Оқим садолари бизга нотаниш бўлган оламларда қайсидир даражада, қай бир ҳолатда сезилади, “Қуръони карим”да айтилган Лавҳул-Махфуз – ўчмас лавҳда муҳрланади. Лекин одми онгимизда ёруғ оламдаги ҳисли кўнгилнинг қувонч ва изтироблари қалб тебранишлари бўлиб борлиққа (йўқликка) сингиб, изсиз йўқолиб кетадигандек туюлади. Ушбу изсиз йўқотишлик санъат томонидан маълум даражада инстисно этилади. Санъат, жумладан, сўз санъати, яъни адабиёт бани одам кўнглида кечадиган туйғулар, рўй берган воқеа-ҳодисалардан туғиладиган таассурот ва тасаввурларни концентрациялашган ҳолда сўзга, каломга муҳрлаб, ҳозир ва келажак авлодларга мерос қилиб қолдиришга жаҳддир. Асар яратиш ўзидан, ўзи мансуб бўлган, гувоҳ бўлган замондан из қолдиришдир.

Сўз санъати бўлмиш адабиёт, табиийки, бу жараёнда ўзининг асосий қуроли сўз билан иш кўради – ҳисли кўнгил тебранишларини сўзда муҳрлайди.

Сўз чинакам санъат асарида, яъни сўз санъати – том маънода адабиёт пайдо бўлганда сеҳр касб этади. Сўзнинг ўзи ва у орқали тикланган турли инсоний ҳолат-манзаралар, муносабатлар, сўзлашув-тўқнашувлар шундай хос маънолар келиб чиқишига имкон яратадики, бундай маънолар мажмуи, теранлиги ва юксаклиги адабиётшунослик учун торлик қилиб, янги бир тармок – адабиёт фалсафасига зарурат туғдиради гўё. Сўз сеҳри, сўз алкимёси унинг хос майдони бўлса, ажабмас.

2

Кўпчилик кўзни мукамал аъзо, деб ишонади, кўз билан кўрганини бор ҳақиқат деб ўйлайди. Чиндан ҳам кўз мукамал яратилган. Аммо у

\* Сувон Мели – филология фанлари номзоди.

оламнинг бор сир-синоатини кўриш даражасида мукамал эмас. Ҳодиса, жараёнлар борки, кўрилмайди, ҳис этилади. Кўрилмайди, лекин кўнгил англайди. Мавлоно Жалололдин Румийнинг машҳур “Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил” деган ҳикмати борлиққа, оламга ўзгача қараш, инсоннинг ўзини ва борликни янги кўз, кўнгил кўзи билан кашф этишига ҳам оташин даъват, ҳам илмий йўлланмадир.

Бадий адабиётни том маънода англаш ва англатиш учун китобхон ва тадқиқотчи (тадқиқотчи ҳам китобхон, фақат у хос китобхон) “ҳисли кўнгил” соҳиби бўлиши лозим. Худди шу нарса бадий адабиёт, умуман, санъатни мантиққа тамом бўйсунувчи бошқа соҳалардан ажратади. Адабиёт ҳисли кўнгил маҳсули ва фақат шундай кўнгил ёрдамидагина ўз қалбини тадқиқотчига очади. “Ўткан кунлар” романидаги “Наво куйи” бобида шундай тасвир ва тадқиқ бор: “Дуторнинг нозик торларидан, тилсимлик юракларидан чиққан “Наво” куйи ўз ноласига тушунгучи Отабекдек йигитларга жуда муҳтож эди. Ўз дардига тушунган бу йигитка борган сайин дардини очиб сўзлар, йиғлаб ва инграб сўзлар эди... Эшиткучи эса дунёсини унутиб йиғлар, кучини йиғиштириб йиғлар ва ҳасрату аламини кўз ёшиси билан тўкиб йиғлар эди...”

Бу оддий тасвир эмас. Бу санъат, мусиқа кучини кўрсатишда сўз ожиз қолган нуқтада яна сўз ва туйғу ёрдамида ҳолатнинг қайта тикланиши, яъни жуда ноёб тасвирдир. Буни ҳисли кўнгилнинг бадий портрети дейиш мумкин.

### 3

Адабиёт фалсафаси биз биладиган табиат, жамият ва тафаккур тараққиёти, умумий қонуниятлари ҳақидаги фан, яъни фалсафа ёки унинг узвий бўлаги эмас. Ушбу қонун-қоидаларни адабий асарларга қўллаш, улар мазмунидан фалсафий категорияларни излаш ва топиш ҳам эмас. Айтиш жоизки, шундай йўл ҳам мавжуд бўлиб, у айтарли илмий ва амалий натижа бермайди. Чунки бундай мажбуран қўлланган фалсафий қоидалар бадий асарга сингишмайди, унга заха еткази. Адабиёт, бадий асар бунда қалбини очмайди, у четдан суқилган ғоя ва қоидани хуш кўрмайди. Ўзини ўзида кўришни истайди.

Мангу ҳаётнинг қат-қатида “ҳали онасидан туғилмаган ҳамма”<sup>1</sup> қалби ва вужудида жобажо ва чексиз тақрорланувчи оламий ҳиссиёт ҳамда шу ҳиссиёт соҳибларини жонли, худди ўзидай, тириклардан тирикрок қилиб тасвирлашга, кўрсатишга фалсафанинг тиши ўтмайди, инсоф билан айтганда, бундай чўнг амал унинг зиммасида ҳам эмас.

Ўтаётган, кечаётган ҳар бир вақт зарраси ўз қиймати ва маъносига эга бўлган, ҳар бир тирик нафас оламча маъно-мазмун ташийдиган воқелик фақат санъатда – бадий адабиётда тикланади. Донгдор шоиримиз ёзади:

*Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун  
Олтидан тарозу, олмосдан тош оз.  
Нурлар қадами-ла чопган секунднинг  
Барини туюлмас айҳаннос овоз.*

(Ғафур Ғулом, “Вақт”)

<sup>1</sup> “Қобуснома”даги “Ҳамма нарсани ҳамма билади, ҳамма ҳали онасидан туғилган эмас” деган буюк ҳикматга ишора (изоҳлар муаллифники).

Тирик нафас баҳосига санъат, бадиият ва интуиция, ғайри шуурий йўл билан етиш мумкин. Жаҳон адабиётининг шоҳ асарларида бот-бот қилинадиган таъналар фалсафанинг ушбу борадаги ожизлигига ишорадир. Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” трагедиясида роҳиб Лаврентий сургунга жўнаётган Ромеога “фалсафанинг ғоят ширин шарбатидан ич” дея ўғит берганида, у дейди:

*Мен сургунга кетар бўлсам, фалсафанг бир пул!*

*Жульеттани фалсафами ярата олур?*

(М.Шайхзода таржимаси)

Ушбу сўзлар русча таржимада янада кучлироқ жаранглайди: “Вся философия мира не стоит Джульетти” (Бутун дунё фалсафаси Жульеттанинг тирноғига арзимади).

Лекин бадиий адабиёт Жульеттанинг мукамал тимсолини ярата олади, ўлмас трагедия бунга мисол. Асарда ҳаёти дунёдан ўтгани билан Жульетта жисмоний ҳаётдан беҳад юксак маъво – мангулик бағрида. Унинг ва бошқа буюк тимсолларнинг мангу тириклик сирини очиш адабиёт фалсафаси зиммасида. Бу фалсафа Жульеттанинг тирноғига арзиши лозим. Улкан шоиримиз тили билан айтганда, даврнинг “бутун кўполлигини, бутун нозиклигини, бутун совуқлигини, бутун ҳароратини Сенинг ғунчадек нозик лабларингга жо қилмоқ истайман, севгилим...” (*Абдулла Орипов*). Бундай нафис назокат, инжа маҳобат фақат адабиётнинг, буюк шеърятнинг кўлидан келади.

Яна Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясида ўлган қирол арвоҳини кўриб ақли шошган ҳамроҳига қарата Ҳамлет дейди: “Ҳорацио, дунёда кўп нарсалар борки, Фалсафангиз тушига ҳам кирмаган ҳали” (*Жамол Камол таржимаси*).

Ромео қалбида ёнаётган севги оташи маъшуканинг “ғунчадек нозик лабларига жо” бўлган, Ҳамлет айтмоқчи, фалсафанинг тушига ҳам кирмаган сир-асрорлар кашфи – адабиёт фалсафаси зиммасидаги улкан ва ёқимли вазифалардандир.

Бадиий адабиётнинг шоҳона намуналарига кўзга айланган Кўнгил билан боқиб ва шундай кўз билан таҳлил қилсак, қила олсак адабиёт фалсафасига ёвуқ борсак, ажабмас.

4

Адабиёт фалсафаси Сўз, унинг олд-орт ва қаъридаги кичик ҳам катта оламлар фалсафасидир.

Бадиий фалсафа кўзи билан қаралса, муайян асардаги оддий, туйқус кўзга ташланмайдиган жумла, қаҳрамонга берилган тавсиф катта маъно юки ташиб, худди сеҳргар таёқчасидек бадиий асарга янги қиёфа бахш этиши мумкин. Мумтоз романимиз “Қутлуғ қон”да Шокир отанинг “туморча шаклли кичкина ҳовлиси” ёки шу қаҳрамон тилидан роман бош қаҳрамони ҳақида “Дуруст, Йўлчибой эр ўғли – эр эди, у бошқа оламдан эди” деган гапи бутун асар ва етакчи қаҳрамон Йўлчи образига бошқача, ирфоний кўз билан қарашга ундайди, шунга йўл очади. Бу тавсиф замирида

Йўлчи бу дунёнинг одами эмас, деган маъно бор, бироқ қизиғи шундаки, бу гап романнинг русча таржимасида мутлақо йўқ. Таржимон бу гапнинг залворини англаган ва “хушёрлик” қилган чоғи.

Чингиз Айтматовнинг машҳур “Жамила” қиссасидаги бош қаҳрамонлардан бири Дониёр ҳақида “Станный человек, не от мира сего” (Ўзбекча таржимада кейинги гап акс этмаган) деган тавсиф унинг ҳам худди Йўлчи сингари илоҳиётга қоришиқ қиёфасини тиклайди.

Гап шундаки, икки адабий қаҳрамонга берилган бу таъриф асос-эйтибори билан муқаддас китоб “Инжил”даги Исо пайғамбар сўзига бориб тақалади. Исо ўзи ва умматлари ҳақида дейди: “Мен бу дунёдан бўлмаганим каби, улар ҳам бу дунёдан эмаслар” (Юҳанно, 17:16). Яна шу жойда у “Сен яҳудийларнинг Подшоҳимсан?” деб сўраган римлик ҳукмдор Понтий Пилатга: “Менинг шоҳлигим бу дунёдан эмас” (Юҳанно, 18:36) деб жавоб беради. Рус тилида бот-бот ишлатиладиган “не от мира сего” ибораси, аслида, “Инжил”даги Исо алайҳиссалом сўздан олинган бўлиб, ғалати, эси паст, шунингдек, дарвешсифат, авлиёнамо одамларни тавсифлайди.

Икки адабий қаҳрамон – Йўлчи ва Дониёрга ислом динимизда ҳам эъзозланадиган Исо алайҳиссаломга хос тавсиф берилиши асло тасодиф эмас. Ва бундай боғланиш (буюк боғланиш!) ҳар икки қаҳрамонни янги, юксакроқ меҳварга олиб чиқади. “Жамила” қиссасини оламга машҳур қилган Луи Арагон томонидан “Жаҳонда энг гўзал севги қиссаси” дея баҳоланишига илк боис Дониёрнинг бу дунёдан эмаслиги, унинг юраги олис оламлар мавжи билан ҳамоҳанг тепишидан эмасмикан? Жамиладай асов ва мағрур аёлни ўзига ром қилган айни куч шу бўлса-чи?

Буюк романимиз “Қутлуғ қон”га келганда, асар етакчи қаҳрамонини Исо алайҳиссаломга элтиб боғловчи бу таъриф, назаримизда, улуғ адиб томонидан романга жойлаб қўйилган эзотерик<sup>1</sup> код, шубҳасиз. У шунчалик моҳирлик билан Шокир ота сўзлари орасига жойлаштирилганки, бир қарашда мутлақо кўзга ташланмайди. Ўқувчилик йилларим асарни бир неча марта ўқиганман, лекин ушбу жумла фақат 90-йиллар бошидагина эйтиборимга тушди, кўзимга кўринди. Ушбу эзотерик коднинг хизмат вазифаси, бадий энергияси нимада? У, биринчидан, Йўлчи образига янги кўлам, ўзгача фасоҳат бахш этади. Йўлчи потенциал йирик шахс, у табиий ёмби ақл эгаси. Инсоний юксаклигини айтмаганда ҳам, у асарда тасвирланган барча бойлар ва ўқимишли жаид Абдушукурдан ҳам ақлан, ҳам маънавий жихатдан устун. Ўзини тутиши, маънавий тозаллиги, ҳар қандай хавф-хатарга қарамай ҳақиқат, адолат тарафида туриши, у – ғайри оддий одамлигидан, бошқа оламдан келган, бошқа оламдан бўлган одам эканидан далолат бермайдими? Йўлчини Исо пайғамбар шуъласида тутиб, романи қайта ўқинг ва ҳар бир хатти-ҳаракати ҳақида қайта фикр юритинг – шунда Йўлчи, демакки роман ҳам беҳад юксалишига имон келтирасиз. Мен бунга аминман.

Иккинчидан, ушбу эзотерик код Йўлчини унинг маънавий отаси – асар муаллифи Ойбек билан боғлайди, боғлаганда ҳам мустаҳкам боғлайди.

1994 йилда йирик олим ва адиб Наим Каримов масъул муҳаррирлигида буюк ёзувчимиз рафиқаси Зарифа Саидносированинг “Ойбегим менинг” хотиралар китоби нашр этилди, 2005 йилда иккинчи нашри ҳам босилди. Бу, ҳеч шубҳасиз, улуғ адибимиз ҳақидаги ноёб китобдир. Унда шундай

<sup>1</sup> Эзотерика – ухравий билимлар мажмуи.

бир воқеа ҳикоя қилинади. Ойбек трамвайда ўтириб, аллақандай бир куй-ни хиргойи қилиб кетмоқда. Куй жуда вазмин бўлсаки, рўпарада ўтирган бир аёл жаҳл билан “Даже в трамвае нет покоя! Едешь под похороннем маршем!” дея юқларини кўтариб, трамвайнинг нариги бошига кетади. Энди китобдан аниқ кўчирма олайлик: “Мен ҳам Ойбекка бир оғиз сўз қотмадим. У ҳеч нарсани сезмади, эшитмади, қўшиғини айтиб ўтираверди. Кўзларидан англаб эдимки, у узокда, бошқа дунёда... Хулас, ТошМИга етдик. Трамвайнинг сўнгги бекати. Ҳамма кўзғалаяпти, аммо Ойбек ҳамон ўтирарди.

– Туринг энди, етдик, – дедим елкасига секин кўлимни кўйиб.

– А? Қачон чиқдинг? – сўради у таажжубланиб”.

Худди шу ерда мухтарам опамиз Ойбекни Йўлчи орқали Исо алайҳиссалом билан боғловчи гапни ёзадилар: “У ана шундай бир жаҳонга арзийдиган ажабтовур табиатли, бошқа дунёдан келмиш киши эди”. (Таъкид бизники – С.М.)

Айтилган мазкур ҳолатлар адабиёт фалсафасида қиёс ва қиёсий таҳлил методининг мустасно ўрнини кўрсатади ҳамда бадиий асарда мавжуд яширин маъновий контактлар излаш, топиш ва уларни амалда қўллаш, яъни улар намоён этган янги маъноларни очиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкид этади. Маънолар туташган жойда пайдо бўладиган янги маънолар фасоҳати адабиёт фалсафасининг заруриятини урғулайди.

5

Эзотерикага оид мўътабар бир китобда ёзилади: “Биз ўзимиз ҳақимизда билганимиздан анча-мунча улканмиз. Буни шунчаки унутганмиз, холос” (*Друнвало Мельхиседек. Древняя тайна Цветка Жизни. – М., София, 2012. –С.13*). Гап бу ерда жами инсон, унинг битмас-туганмас ботиний имконияти ҳақида кетмоқда. Ушбу фикр тўлиғича бадиий адабиётга ҳам тегишли. Инсон қалби ва тафаккурининг хос маҳсули бўлмиш адабиёт ҳам биз билганимиздан анча-мунча улкан, унинг сир-асрори ҳам тасаввур қилганимиздан мўлроқдир. Ушбу ҳақиқатни англай ва тинглай олсак, яъни улканлигимизни эслай олсак, балки ҳозиргидан сирлироқ, улуғворроқ Адабиёт, унга оид янада теранроқ Илм ярата олармиз, балки.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони 63-бобида Искандар билан устози Арасту ўртасида “Чун инсон дарки мақсуди аслий ҳақиқати идрокидин муарродур, нега сойир хайвонотдин мустаснодурур” (яъни модомики инсон фаҳми мақсуднинг асл ва тўлиқ ҳақиқатини идрок қилишдан ожиз экан, ўзга хайвонлардан не фарқи қолди) деган мазмунда суҳбат кечади. Саволга Арасту, яъни ҳазрат Навоий, шундай жавоб беради:

*Вале мунча билмишки, билмайдурур,  
Бу мақсуд даркини қилмайдурур.  
Ўзи билмаси англагон сўзу дард,  
Ани барча махлуқдин қилди фард.*

Мумтоз матннинг, бизнингча, соддароқ баёни шундай: лекин инсон ўзига беркитилганини билмагани, ўз мақсад ва муддаоларини етарлича

идрок этмагани ҳолда шунчалик кўп нарса биладики, ўзини-ўзи яхши тушунмаган ҳолда англаган сўзлари (*таъкид бизники. – С.М.*) – уни барча махлуқлардан ажратиб, улуғлаб туради.

Демак, буюк Навоий наздида инсон шунчалик мукамал яратикки, ундаги барча билим, сир-асрор унинг ўзида – вужуди ва қалбида. Достоннинг шу бобида яна инсон ҳақида “Ки Ҳақ сирри зотида пинҳон эрур” деган мисра ҳам бор. Яъни инсон шундай сирли ва мукамал битикки, бу битикни инсоннинг ўзи ҳам осонликча ўқий олмайди. Инсон вужуди ва кўнглида коинотнинг сир-асрори, битмас-туганмас маънолар илоҳий қалам билан битиб қўйилганки, бани одамнинг буюк сиймолари яратган шоҳ асарларда ушбу илоҳий қалам муттасил нур таратиб туради.

Айни шу нуқтада адабиётга кўчамиз. Адабиёт инсонни ҳар хил кўринишда, турли алфозда тасвирлайди. Ҳар бир яратилган образга, манзара ёки ҳолатга муаллиф муносабати сезилади, бу муносабат уларнинг муайян талқини ҳам. Лекин инсоният яратган буюк бадиий обидаларда тасвир ва ифода этилган ҳолатлар, инсоний қиёфалар шунчалик кўз ҳамда ақл илғамас мавж ва тўлқинларга эгаки, уларни бирдан, узил-кесил тушуниш, талқин қилиш мутлақо имконсиз. Шундай бўлмаганда улар асрлар, минг йиллар давомида яшаб қолмаган бўларди, албатта.

Ушбу обидалар, улардаги ранг-баранг образларда Ҳазрат Навоий айтмиш “Ўзи билмаси англагон сўзу дард” нафис адабиётнинг сеҳрли кучи билан бир қадар англанади, бадиий сўзда тажассум топади, яъни ифода белгисига эга бўлади.

Даҳо шоиримиз “Хамса”нинг сўнгги достонида олға сурган бу буюк ҳақиқат ҳозирги замон физикаси ва эзотерикасида ўз илмий тасдиғини топмоқда. Япон олими ва шифокори Масаро Эмато ўзининг “Сувдаги махфий мактублар” китобида машҳур назариётчи физик Дэвид Том тадқиқотларига суяниб, шундай ёзади: “Ҳар бир одамда, ҳатто унинг ҳар бир ҳужайрасида коинот ҳақидаги ахборот сақланади” (*Эмато М. Скрытые послания воды. Тайные коды кристаллов льда. – М., София, 2008 – С.75*).

Мана сизга Навоий бобомиз юқоридаги бобда топиб айтган “Ки, инсон эрур мудрики куллиёт” (Инсон ҳамма нарсани идрок этувчидир) ва “Ўзи билмаси англагон сўзу дард” (Ўзи билмагани ҳолда англаган сўз ва ишқ) нинг илмий тасдиғи. Инсон ўзида, ҳар бир ҳужайрасида жойланган билимни, ахборотни англайди, аниқроғи, муайян ҳол ҳолатларда илғайди. Бадиий адабиёт эса инсон ўз-ўзини ўқиш, ўзида, ҳужайраларида битилган битикларни қисман бўлса-да (чунки бу махфий ва мукамал битиклар), маъносини чақиш, англаш воситасидир.

Буюк немис файласуфи Фридрих Шеллинг ўзининг асосий “Транцендентал идеализм системаси” асарида борлиқни англашда “санъат абадий ҳамда ҳақиқий курул (органон) ва бир пайтнинг ўзида фалсафий хужжатдир”, деб ёзади ҳамда санъат асари ҳақида гапириб, “Асл санъаткор яратикларига беихтиёр тубсиз теранлик бахш этар экан, ўз ниятини қаттиқ ўйлаб, пишיתיшига қарамай, бу теранликни унинг ўзи ҳам, бошқа биров ҳам тўлиғича англаб етолмайди” – дейди (*Шеллинг Ф.В.Й. Соч. В 2-х т., Т.1. – М., Мысль, 1987 – С.484*). Бунинг асл сабаби, бу ҳақда Шеллинг гапирмайди, ҳазрат Навоий айтган – инсон зотида “Ҳақ сирри” пинҳон этилган,

яширилганидир. Ақл-идрокида эмас, зотида, жавҳарида. Бадиият даҳолари яратган асарларда пинҳон этилган сирлар тўлиқроқ намоён бўлади, холос.

Чинакам бадиий асарни идрок этиш ҳеч қачон нуқта кўйилмайдиган абадий жараён, яна Шеллинг таъбири билан айтганда, “Санъат асарининг асосий хусусияти – ғайришуурий чексизлик”дир, лекин ундаги чексизлик, тубсиз теранликни англаш ва қайд этишга уриниш ҳам худди шу каби чексиз жараёндир.

Демак, буюк адабиёт Парвардигор инсонга тухфа этган сирли хилқат, ноёб яралмадир. Яралганга яратиш лаёқатини берган Тангри таолога ҳамду санолар бўлсин!

6

Демак, адабиёт фалсафаси ҳисли кўнгил кўзи билан кўрилган буюк бадиий кашфиётлар, улар ҳақидаги илм, янги даврдаги илми бадеъдир.

Адабиёт фалсафаси – бадиий образ фалсафасидир.

У бадиий асар қалбига кириш, ундаги фикр ва туйғуни муштарак кўриб, бадиий туйғу замирига шўнғишдир, яъни адабиёт фалсафаси – туйғу фалсафасидир.

Адабиёт фалсафаси сўз, бадиий сўз фалсафасидир. Зеро даҳо шоиримиз ёзганидек, “Бил: ҳам аввал сўзу ҳам охир сўз”.





Гулноза ОДИЛОВА

## ДУНЁ АДАБИЁТИДА “ТАОМ” ВА “ТАНОВУЛ” МАВЗУСИ

Таом – инсон ва у яшаётган жамият маданиятининг ажралмас қисми. Миллий ошхонанинг ўзига хос хусусиятлари эса у ёки бу миллат маданиятининг қадимий илдизларини ўзида мужассам этган. Қандайдир таом ёки ичимлик истеъмол қилар экан, киши беихтиёр маълум бир миллат маданияти билан мулоқотга киришади.

Маданиятлараро мулоқот жараёнида овқат ва тановул ўзгани англаш воситаси ҳисобланади. Рус олими А.И.Козловнинг фикрича, жамиятда овқат “табий” ва “маданий”, “инсоний” ва “илоҳий”, “ўз” ҳамда “ўзга” каби тушунчалар орасида рамзий маъно касб этади. Баъзан бировнинг “мақбул” таомдан воз кечиши, унинг ғайринсоний хислати сифатида қабул қилиниши ҳам мумкин. Умуман олганда, ошхона ва таом – “ўзингни”ни “ўзга”дан фарқлаш, “улар” ва “ўзимиз” орамиздаги чегарани аниқлаб олиш воситасидир (*Козлов А.И. Пицца людеи. – Фрязино: Век 2, 2005*).

“Таом” тушунчаси инсон ҳаётининг турли хил жабҳаларида – тил, урф-одат, анъана ва маданиятида намоён бўлади. Адабиёт эса маданиятнинг ушбу ажралмас қисмини тақдим этиш воситасидир.

XVIII-XIX асрлар Европа адабиётида гастрономик мавзуни тўлиқ ёритишга ўтилди. Бироқ XI-XII аср қадимий қўлэмаларидаёқ таом ва ичимликлар ҳақидаги бадиий тасвирлар пайдо бўла бошлаган. Юнон ёзувчиси Ксенофонтнинг уй-рўзғор юритиш ва оила иқтисоди ҳақидаги “Уй рўзғор юритиш” китобида рўзғорни ташкил этиш билан бирга дастурхон олдида ўзини қандай тутиш, ибодат кунлари қандай таомлар тановул қилиш ҳақида йўриқлар келтирилади (*Энциклопедия православной кухни. - Н.Новгород: Изд-во Братства во имя св. Александра Невского, 1999*). Овқатланиш ва таом Европа адабиётшунослигида махсус ўрганиладиган йўналишдир. Европа адабиётшуносларининг фикрича, таом ва тановул жараёнининг бадиий адабиётда ўз ўрни бор. Зеро, таом – халқ маданияти, тарихи, ижтимоий жараёнлар ҳақида ҳаққоний ахборот бера оладиган муҳим омиллардан бири.

Таомни тадқиқ этиш ёки “таомшунослик” (food studies) ижтимоий фанлар (антропология, социология, тарих, маданиятшунослик) ҳамда санъат негизида шаклланди. Бу фан адабиёт, гастрономия ва кулинар тарих кабиларни ўз ичига олади. Таомшунослик овқатга алоқадор жараёнларни: маҳсулот чиқаришдан тортиб, овқатланиш жараёнининг ижтимоий

\* Гулноза Одилова – филология фанлари номзоди.

хаётдаги ўрни тахлили, овқатланиш одат ва маросимлари, тановул учун танланадиган ҳамроҳлар (ижтимоий табақаланиш тахлили учун) ни қамраб олади. Бу жараёни ўрганиш эса инсоннинг жамиятдаги ўрни ва миллий маданиятнинг ўзига хослигини кўрсатиб беришга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Европа адабиётшунослигида таомнинг бадиий адабиётда тутган ўрни ҳақида йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар турлича илмий йўналишларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Хусусан – “адабиётда таом”, “фольклоршунослик ва таом”, “замоनावий шеърятда таом”, “аёллар адабиётида таом”, “болалар адабиётида таом”, “адабиётда тановул, таом истеъмол қилишнинг бадиий тасвири” каби илмий мавзу ва тадқиқотлар олиб борилаётганлиги, овқатланиш ҳамда таом мавзусининг Европа адабиётшунослигига нақадар чуқур кириб борганлигини кўрсатиб туради. Кара Киллинг ва Скотт Полларднинг таъкидлашича, агар таом адабиётдаги субстанция, маданият ҳамда цивилизациянинг таянч нуқтаси саналса, у адабиётшунослик учун ҳам фундаментал тадқиқот манбаи ҳисобланади. Модомики, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар бир маданиятнинг ажралмас қисми экан, таом ва тановул адабиёт ва санъатни англашда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади (*Keeling, Kara K. and Scott T. Pollard. “Introduction: Food in Children’s Literature.” Critical Approaches to Food in Children’s Literature. Ed. Kara K. Keeling and Scott T. Pollard. New York: Routledge, 2009.*

Дарҳақиқат, инсоният тараккий этар экан, азалдан егулик топиш ҳаётий муаммолардан бўлган. Ҳар бир мумтоз асарни бир ёки бир неча қисмат тарихи деб ҳисобласак, унда ҳикоя қилинаётган тарихий давр таом ва овқатланиш жараёни билан боғлиқ қанчадан-қанча ҳодисалардан таркиб топганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бадиий асарда учровчи “таом” концептини тушунишнинг мураккаб томонлари ҳам мавжуд. Америкалик олимлар Дэвид ва К.Жонатанларнинг таъкидлашича, овқат ва унга тегишли анъаналар, жамики нарса ва ҳодисалар турли ёзувчилар онгида турли асоциацияни пайдо қилади. Таом фақат маза ва хид билан эмас, балки бошқа жиҳатлари орқали ҳам ҳис этилади. Овқат ҳақидаги тасаввурлар адабиётда бирор миллат хотирасининг негизигача сингиб кетган асоциациялар манбаси сифатида намоён бўлиши мумкин (*David, Jonathan C. Food in Literature. Gale Encyclopedia of Food&Culture.2003*). Ёзувчи онгидаги ўз миллатига хос асоциациялар таомнинг ҳиди ва унга хос бўлган хусусиятлар битта шу овқат ёки озуқа номини келтириш билан ҳам ҳосил қилинади. Аммо адабиётшунос ёки таржимон учун мазкур прагматик таъсирчанлик – маза, таъм ва у билан боғлиқ асоциацияларни англаб етиш учун фон билимлари зарур бўлади. Фон билимлари халқ маданияти, тарихи ва урф-одатларини ўз ичига олган концептуал билимлар мажмуидир. Ўзбек олимларидан профессор Шухрат Сирожиддинов мазкур истилоҳни маъновий билимлар деб аташни таклиф этади. (*Ш. Сирожиддинов. Бадиий таржима асослари. 2011*) Дарҳақиқат, маъновий билимлар бир миллатнинг ижтимоий онгида кўп асрлар давомида шаклланган маъно ва тушунчалар йиғиндисини ташкил этиб, бадиий асар матнида табиий ҳолатда вербалашади. Мисол сифатида “Ошқовоқ сомса! Ошқовоқ сомса! Камбағаллик қурсин илоҳим!” (Чўлпон, “Кеча ва кундуз”) жумласини олайлик. Агар бу гап инглиз тилига таржима қилинадиган бўлса, аввало, ўзбек халқи

табиатида гўшти таомларни севиб истеъмол қилиш, уйда гўшт бўлиши тўқинлик ва тўқлик нишонаси эканлиги ҳақидаги экстралингвистик маълумотга эҳтиёж туғилади. Шунингдек, уйда гўшт бўлмаганда, картошка ёки қовоқ солиб сомса қилиниши, қовоқ сомсанинг ўзбек халқи орасида, одатда, камбағалбоп пиширик эканлигини изоҳда бериб ўтиш лозим бўлади. Сабаби, чўнтаги кўтарса-да, сабзавот солинган овқат ва пишириқларни хуш кўрадиган европаликлар учун қовоқ сомса “камбағаллар таоми” эмас, балки ижтимоий мавқеи баландроқ қатлам вакиллари истеъмол қиладиган ширинлик, яъни десерт ҳисобланади. “Ҳарри Поттер ҳикматлар тоши” асарининг бош қаҳрамони Ҳарри Хогвортга йўл олаётиб, Хогворт экспресс поездига чиқади. Йўлда истеъмол қилиш учун сеҳргарларнинг анъанавий таоми бўлган лаззатли қовоқ сомсалардан сотиб олади. Кичкинагина қовоқ сомсачалар зираворлар солинган ўртача аччиқликда эди. У поездда янги танишган дўсти Ронга қовоқ сомсалардан беради. Роннинг оиласи ширинликка пул бера олмас, чунки камбағал эди (*Herbert G. Literature, literary history and cultural memory/Guttengen.Germany. – 2005*). “Сомса” сўзи ўзбекча-инглизча луғатларда “pie” сўзи билан берилган. Лекин инглиз тилида *pumpkin pie* қовоқли пирогни англатади. Бу эса тайёрланиши, кўриниши ва мазаси жиҳатдан қовоқ сомсага муқобил бўла олмайди. Инглизча *pasty* сўзи эса ўрта француз тилидан олинган, инглизча *pie* сўзига эквивалентдир. Ичига гўшт, сабзавот ёки пишлоқ солиб, доналаб букиладиган, қолипга солмасдан печда пишириладиган таом ўзбекча сомсани эслатади. Бу асардан илҳомланган инглиз пазандалари “Ҳарри Поттер сомсаси” ёки “Хогворт экспресс сомсаси” рецептини яратдилар. Китоб оламшумул шуҳрат қозонгач, Ҳаррининг қовоқ сомсаси Англиянинг миллий брендига айланди.

Рус адабиётида ҳам хорижликларга нотаниш бўлган глуттонимлар (таом номлари) бор. Улар баъзан рус кишиларига ҳам тушунарли бўлмаслиги мумкин. Чунки рус ошхонасининг қадимий анъаналари ўзгариб бормоқда. Гоголнинг “Ўлик жонлар” асари қаҳрамони Коробочка “скородумки”, “пирожки”, “шанежки”, “пряглы”, “блины”, “лепешки со всякими припеками”: “припекой с лучком”, “припекой с маком”, “припекой с творогом”, “припекой со сняточками” кабиларни тайёрлайди. Қадимий рус ошхонасидан хабардор кишигина Гоголнинг ун маҳсулотидан тайёрланадиган рус миллий таомлари номини санаш орқали асар қаҳрамони Коробочканинг ошхона ишларига эринмайдиган турли-туман овқатлар пиширадиган аёл портретини очиб бераётганлигини сезиши мумкин. Чунки саналган таомлар XIX асрда ниҳоятда кенг тарқалган хамирли таомлар сирасига кириб, бугунги кунда замонавий рус ошхонасида вақт тиғизлиги боис ун ўрнига бошқа маҳсулотлардан фойдаланилмоқда. Бу эса ҳатто замонавий рус киши учун ҳам тушунарсиз бўлиши мумкин. Рус кишилари учун диний маросим рамзларига айланган *масленицага қуймоқлар*, *Пасхага қулич* ва *бўялган тухумлар*, *маъракага кутья*, *тантанали маросимга нон* ва *туз деган тушунчалар борки*, бу тушунчалар рус халқининг кўп асрлик диний ва тарихий қадриятлари маҳсули бўлиб, таржима жараёнида таржимонни кўпроқ изланишга ундайди.

Таом ва тановул мавзуси инглиз ўсмирлар адабиётида алоҳида ўрин тутаяди. Бу Роэлд Далнинг шоколад ва ширинликлар асосий ўринни эгал-

ловчи “Чарли ва шоколад фабрикаси” асарида ўз аксини топган. Асарда ширинликлар оғзининг сувини қочирадиган қилиб тасвирланган. Жон бобо томонидан Чарлига шоколад фабрикаси тасвирлаб берилганда, ширинлик тасвирига оид бирорта сўз назардан четда қолмаган: “Мистер Вилли Вонка бинафшаранг мазали зефирлар, сўрганинда ҳар ўн сонияда ранги ўзгарадиган сертаъм карамеллар, оғзингда эриб кетадиган пардек енгил ширинликлар, ҳеч қачон таъмини йўқотмайдиган сақичлар, игна билан тешсанггина ёриладиган, улкан ҳажмгача пуфлаб шиширса бўладиган ширин пуфаклар, ҳаворанг қушларнинг устида олачипор доғлари бор тухумларини сирли услубда тайёрлар эди. Агар биттасини оғзингга солсанг, у борган сайин кичрайиб кетар ва тилингниг тепасида турган жажжигина шакарли қушчага айланиб қоларди” (*Таржима бизники– Г.О.*). Ёш китобхоннинг иштаҳасини қитиклайдиган ширинликлар – муаллифнинг бадиий тўқимаси. Кейинчалик эса қандолатчилар болаларнинг мазкур китобга бўлган меҳридан унумли фойдаланди, асарда келтирилган ширинликлар инглиз бозорларининг харидоргир маҳсулотига айланди. Европа ўсмирлар адабиётида таомни ўта лаззатли тасвирлаш анъанаси мавжуд. Ширинликка ўч болаларни китобга миҳлаб қўювчи бундай асарлар ёш инглиз китобхонлари орасида шуҳрат қозониб, экранлаштириш даражасига ҳам етган. Инглиз фольклори ва эртақларида эса сеҳр-жоду қуроллари овқатнинг битмас-туганмас манбаларини яратади. Бу, ўз-ўзидан, нозу-неъматларга тўлиб кетувчи стол, сеҳрли бўтқа қайнаб чикувчи қозон кабиларда намоён бўлади (*Jackson E. Food and Transformation. Toronto: Inner City Books, 1996*). Эртақларда учровчи сеҳр кучига эга глуттонимлар ўзбек халқ эртақлари (“Очил дастурхон”, “Олтин тарвуз”, “Тилла беҳи” ва ҳ.) да ҳам кенг учрайди.

Психоаналитик назарияларга кўра, тановул одатлари инсонларнинг шахсий баҳосини шакллантиришда ва унинг оилавий ёки ижтимоий мавқеини кўрсатиб беришда муҳим роль ўйнайди. Таом ва у билан боғлиқ образлар доимо адабиётнинг бир қисми бўлиб келишига қарамасдан, психологик назариялар таом ва овқатланиш жараёнининг ҳамма ижтимоий соҳалар объекти сифатида ўрганилишига олиб келди (*Food in literature. Twentieth Century Literary Criticism. Ed. Gale Cengage. Oxford University Press, 2006*). XXI аср Европа адабиётида оламшумул шуҳрат қозонган ва экранлаштирилган асар Жон Ҳарриснинг “Шоколад” романидир. Канадалик фантаст ёзувчи Де Линт Чарльз “Жон Ҳарриснинг мазкур романи – ҳақиқий завқ-шавқ манбаи! “Шоколад” худди қайноқ иссиқ шоколаддек мазали, лекин ундан Лотин Америкаси эмас, Европа таъми келиб турибди” деган фикрни айтади. Асарнинг бош қаҳрамони ёлғиз она Виен Роше Франциядаги Ласкне-су-Танн шаҳарчасига кўчиб келади. Унинг орзуси шаҳарчада шоколад дўконини очиш бўлади. Муқаддас Пасха яқинлашиб келаётган бир пайтда черков руҳонийси Франсис Рейно кишиларни дунё лаззатидан баҳраманд қилувчи шоколад дўконини очишга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Бу масалада шаҳар аҳолиси фикри иккига бўлинади. Туғма қандолатчилик иқтидорига эга Виен шаҳарликларга завқ, роҳат ва ҳузур улашади. Ёзувчи қаҳрамони характерини, ошхонадаги ижодкорлигини у тайёрлаётган ширинликлари орқали очиб беради. Ошхонада куймаланаётган аёлни гўзал яратувчи аёл сифатида кўрсатади. Адибнинг айтишича, асардаги

деярли ҳамма қахрамонларнинг прототиплари бор, у ўзининг яқинлари ва қариндошларида кўрган таомдан лаззатланиш ва ҳузурланиш, шу орқали ҳаётдан завқ туйиш ҳиссини ўз асарида тасвирлаган. Хусусан, Виеннинг кизи Анук ёзувчи кизининг прототипи бўлса, асар қахрамонларидан бири Арманданинг ҳаёт ҳақидаги қарашлари муаллифнинг катта бувиси феълида намоён бўлган. Жон Харрис “Шоколад” асарининг кўп қисмида ўзининг ҳаётга бўлган шахсий муносабатини таом тайёрлаш ва истеъмол қилиш жараёни орқали рамзий тасвирлаб беради. Масалан, қанд касалига чалинган Арманданинг туғилган кунга тайёргарлик вақтидаги ҳолати тасвирини олайлик. Унда ҳар бир ширин луқмани оғзига тўлдириб солаётган Арманда ўз ҳаётини хавф остига қўяётганлигини тўла англаган ҳолда “Бу менинг охирги луқмам”, дейди ва юзида тансиқ таом ҳақида гапиргандагина пайдо бўладиган ҳузур ифодаси намоён бўлади. “Энди менюга ўтсак”, дейди иштаҳа билан қўлларини ишқалаб. Гарчи ширинлик ейиш қатъий тақиқланган бўлса-да, қахрамонга овқатдан лаззатланиш бахт ва ҳузур ҳадя этади.

Асарни ўқир экансиз, таом тасвири наинки эстетик завқ уйғотади, балки иштаҳани ҳам қитиқлайди. Санъаткорона тасвирланаётган глюттонимлар Европа маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланган ғарб ошхонаси билан яқиндан танишиш истагини уйғотади. Асар давомида ҳаётнинг лаззатли неъмат эканлиги татиб кўриш мумкин бўлган ширинликлар ва ҳузур бағишловчи тановул жараёни тасвири орқали кўрсатиб берилади.

Умуман, Ғарб адабиётида таомни бадий тасвирлаш анъанасининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, Европа адабиётида айни тасвир шу мавзудан завқланувчи китобсеварлар гуруҳи учун эмас, балки ҳар қандай адабий жанр ихлосмандлари учун ҳам санъаткорона тарзда яратилган. Мисол қилиб Артур Конан Дойлнинг “Шерлок Холмс” асарини ҳам олишимиз мумкин. Асарда Холмснинг таом тановули тасвирлари ҳамда у истеъмол қиладиган таом ва рецептлар Англияда “детектив ошхонаси” номи билан шуҳрат қозонган. Асар мухлисларини нафақат ўзининг зийраклиги, балки ноанъанавий таомлари билан ҳайратга солган Шерлок Холмс тайёрлаган таомлар кейинчалик “The Sherlock Holmes Victorian Cookbook: Favorite recipes of the Great Detective and Dr. Watson” номи остида 1997 йилда алоҳида китоб ҳолида чоп этилган. Мазкур китобдан асарда тасвирланган, истеъмол қилинган таом рецептлари замонавий кулинария меъёрлари асосида келтирилган бўлиб, ҳар бир таом рецептига иллюстрациялар ва асардан парчалар илова қилинади. Бундай китобларнинг пайдо бўлиши, инглиз адабиёти ва ошхонасининг бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда бир бутун маданий бойлик сифатида қаралишини кўрсатади. Зотан, “narrative kitchen” – “бадий ошхона” истилоҳи инглиз адабиётшунослигида ҳам, пазандачилигида ҳам тез-тез учраб туради. Бу истилоҳ машҳур асарлардаги бадий тасвирланган ва китобхоннинг алоҳида муҳаббатига сазовор бўлган таомларни ифодалайди. Бадий ошхона таомномасига кирувчи мумтоз таомлар рейтингини пазандалар ва адабиётшунослар томонидан илмий ўрганиб борилади. “Овқат е, ибодат қил ва сев: бир аёлнинг Италия, Ҳиндистон ва Индонезия бўйлаб бахт излаб қилган саёҳати” асари муаллифи Элизабет Ҳилберт қуйидагиларни баён этади: “Биргина инсон умри қанчалик кўп омиллардан ташкил топган! Қанчалик кўп қатламлардан таркиб топганмиз,



онгимиз, жисмимиз, тарихимиз, оилаларимиз, қалбларимиз ва тушликларимиздан келувчи таъбирларни қабул қиламиз!” (*Таржима бизники – Г.О.*).

Асар муаллифнинг ички кечинмалари ҳаёт ва жамият ҳақидаги фалсафий қарашларини ўзида мужассам этган. Муаллифнинг “онг”, “жисм”, “тарих”, “оила”, “қалб” каби юксак тушунчалар билан бир парадигматик қаторда “тушлик”ни ҳам санаши Фарб кишиси тасавурида “таом” концептининг ўрни қанчалик юқори эканлигини кўрсатади. Шарқдаги “ейиш учун яшаш эмас, балки яшаш учун ейиш керак” деган кўп асрлик тушунча қон-қонимизга сингиб, исрофгарчилик, маишатпарастликдан кишиларни тийиб тургани боисми, адабиётимизда таом ва тановул жараёнини юксак даражада бадий тасвирлашга у қадар урғу берилмайди. Бироқ Европа адабиётида бу алоҳида бир жанр “food in literature” – “адабиётда таом” бўлиб, санъат даражасига кўтарилиб бормоқда. Масалан, юқоридаги асар 2006 йилда нашр этилган ва 187 ҳафта мобайнида “New York Times” газетасининг бестселлер асарлар рўйхатидан тушмаган.

Асарда бахт излаган аёлнинг ички кечинмалари тасвишлаб берилган. Ёшгина ёзувчи аёл кун келиб нотўғри ҳаёт тарзини бошдан кечириётганлигини, кўпдан бери бахтни ҳис этмаётганлигини англаб етади, муҳаббатга қурилмаган турмушидан воз кечиб, Италияга кетади. Италияда яшаш баробарида у ўзлигини топмоқчи бўлади. У ерга ўз роҳати ва ички “мен”ини излаб боради. Буни у ердаги оддий таомларни тайёрлаш ва истеъмол қилишда туғиладиган кичик роҳатдан ҳам топади: “Мен роҳатни қандай топдим?.. Ҳамма нарса ўзгарди. Ҳаммаси мазали бўла бошлади... Мен, мен истаётган нарса – лаззатли таомни ейиш эканлигини тушундим. Шундай ҳам бўлди. Октябрнинг ўрталарида, ташқаридан қараганда ҳеч аҳамиятсиздек туюлсада, ҳаётимдаги бахтга тўла деб ҳисоблашга арзигулик бир неча соатлик роҳатни ҳис этдим. Таомимнинг ейишлигига бутунлай маҳлиё бўлиб, берилиб кетганимдан сўнг бориб топ-тоза ёғоч полнинг куёш нури тушиб турган бир парчасига ўтирдим, овқатнинг ҳар бир лўқмасини итальянча газетани ўқиб чиқиш жараёнида едим. Бахт танамнинг кичик зарраларигача сингиб кетди” (*Таржима бизники – Г.О.*).

Муаллиф асарда қўллаган *beautiful food* сўзма-сўз ўгирилганда “чиройли таом” маъносини берса, *prettiness of my meal* “таомимнинг мафтункорлиги” деб таржима қилинади. Энг қизиғи шундаки, аёл гўзаллиги тасвирида ишлатиладиган сифатларнинг таом тасвирида қўлланиши Европа адабиётида таом масаласига ниҳоятда ихлос билан муносабатда бўлишни кўрсатиб турибди. Таомдан лаззатланиш руҳий қониқмаслик ва ёлғизликдан азоб чекаётган замонавий кишилар учун таскин беради ва яна бир бор ҳаётдан завқ олиш истагини уйғотади. Асардаги бош ғоя – ҳаётнинг инсонга бир марта берилганлиги, таом мазасини ҳам ҳис этолмай тушқунликда яшаб ўтиш ёки ўзига зиён етказишдан кўра ҳаётни янгидан бошлаш имконини излаш кераклиги ҳақида. Ёзувчи ўз ҳақиқатига ишонтиришда таом ва таомланишдаги ёқимли ҳолатлар тасвиридан фойдаланади.

Маргарит Артвуднинг “The Edible Woman” (сўзма-сўз таржимаси “Ейилладиган аёл”) асарида эса аёл индивидуаллигининг шаклланиши, гендер тафовут, ижтимоий мавқе ва аёл руҳиятида майллар таом ҳамда тановул жараёни фонида тасвишлаб берилади.

Артвуднинг таъкидлашича, бу ҳикоя вақтнинг уч қисмидан ташкил

топган. Ҳар бир нарса Марианнинг таом ва тановул жараёнига бўлган муносабатида фарқланади. Турмуш қуриш бўсағасида турган Мариан ўз ҳаётини гўё бўлажак эри “ейиш”га чоғланган таомдек ҳис эта бошлайди. Унинг бутун вужудида бунга нисбатан руҳий исён бошланади. Марианнинг яна бир жиддий муаммоси унинг овқат еёлмай қолишидир, оддий сабзи ҳам унинг учун жонли мавжудотдек туюлади. Асар бутунлай феминистик руҳга йўғрилади. Бир гал Мариан бошидаги оғриқни тасвирлар экан, у бошини мағзи қириб олинган қовун пўчоғига қиёслайди. “Айтинг-чи, пўчоқнинг ўзи билан фикрлаб бўлармикин?” – дейди аламзада қиз. Рўзгор ва турли юмушлар аёлни емириб борар экан, унинг руҳи чўкиб боради, иштаҳаси, ҳатто майллари ҳам сусаяди. Аёл руҳиятига яқин киши билан яшаса, эрки чекланмайди, жамиятда ўз ўрни бўлса, бахтни ҳис этади. Асар сўнгида Мариан нормал руҳий ҳолатга эришади ва уни қийнаётган ҳислардан халос бўлади. Асарда тановул жараёни қаҳрамонларнинг руҳиятига ҳамоҳанг тасвирланади.

Ўзбек ва қардош халқлар адабиётида ҳам таом тасвирига бой контекстлар кўплаб топилди. Гарчи Европа адабиётидаги каби такомиллашиб, ўзига хос йўналиш даражасига етмаган бўлса-да, адабиётимизда таом тасвири орқали персонажнинг ижтимоий ҳолатига урғу бериш уруш йиллари воқеалари тасвирланган асарларда кўплаб учрайди. Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, И.Султоннинг “Қисмат” асарларида таом ва тановул тасвирлари билан уруш одамларининг ночор ҳаёти ва бундан туғилган руҳий изтироблари баён этилади. Умуман, адабиётимиздаги гастрономик олам манзарасини таҳлил қилар эканмиз, юқорида таъкидлаб ўтганимиз –табобат илмининг султони Ибн Синонинг “Баъзилар овқатланиш учунгина яшайдилар, мен эса яшаш учун овқатланаман”, деган нақли қон-қонимизга сингиб кетиши натижаси ўлароқ, ёзувчиларимиз ижодида таом тасвирига берилиб кетмаслик, уни меъёрида қўллашни кузатамиз. Бироқ “Ўтган кунлар”даги Зиё шоҳи уйдаги зиёфат, “Меҳробдан чаён”даги Раёно тайёрлаган манти тасвирлари ўзбек адабиётида таомни бадиий тасвирлашнинг ғарбона анъаналарини ҳам ўзбек романчилигининг отаси Абдулла Қодирий бошлаб берганини кўрсатади. Гарчи ўзбек халқи лаззатли таомларни истеъмол қилишни, қуюқ-суюқ зиёфат ва меҳмондорчиликларни хуш кўрса-да, назарий жиҳатдан гўёки таом истеъмол қилишни ишташ, ундан лаззатланиш, адабиётимизда негатив бўёқларда тасвирланади. Лаззатли таом гўёки камбағал киши етиша олмайдиган орзу, бой кишиларнинг маишати, роҳатланиш воситаси, бой кишининг таомни истеъмол қилиши эса, унинг салбий жиҳатларини кучайтирувчи экспрессив ифода сифатида бадиий адабиётимизда кўп учрайди. “Мирёқуб эса мингбошининг хурсандлик ва кайф билан маст бўлган юзларига тикилган бир пайтда ичкаридан бир товоқ тўла манти чиқиб, дастурхоннинг ўртасидан жой олди. Мирёқуб бу даргоҳда тез-тез кўриниб турадиган бу серқатик, семиз ва ёғлиқ мантиларга кадрдон дўстини кўргандай ширин бир кайф билан тикилди, сўнгра кўзларини товоқдан кўтариб, мингбошининг юзларига қарагач, шу топда товоқдаги манти билан товоққа томон эгилган юз ўртасида ҳеч қандай фарқ кўрмади: иккаласи ҳам шу қадар ёғлиқ эди!” (Чўлпон, “Кеча ва кундуз”). Салбий қаҳрамонларнинг таом истеъмоли сахналари шу даражада ишонарли тасвирланадики, муаллиф ўз мақсади – китобхоннинг ўша шахсдан



нафратига тўлақонли эришадилар. Бунга Солих Махдумнинг овқат кавшаши ва тановул жараёнларидаги ҳолати, “Шайтанат”даги Кесакнинг ош ейиши билан боғлиқ бадиий тасвирларни мисол қилиш мумкин.

Атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” қиссаси қаҳрамони овчиликнинг ҳақиқий гаштини – тюленнинг хом жигарини еб кўргандагина ҳис этади. Ҳикояда катталар билан овга чиққан болакай ҳиссиётлари йўл давомида босқичма-босқич тасвирлаб борилган. У қуйидаги тасвирларда чин овчи бўлиш гаштини туяди: “О, Курнг (нивхларнинг олий тангриси) эгам, етказганинга шукур! Овимизнинг бошланиши чакки эмас! – дея у ўзининг ов пичоғини артиб, тайёр қилди. Овдан кейин энг муҳими – тюленнинг хом жигарини шу ернинг ўзидаёқ ейиш эди. Ўрхон нимталанган нерпа тўши олдида чўнқайиб ўтириб олиб, жигарни бўла бошлади. Овчилар оз-моз туз сепилган майин жигар бурдаларини ҳузур қилиб чалпиллатиб ямлаб ютар эдилар. Жигар жуда мазали, мулойим, илиқ, тўйимли эди. Кирскнинг орзуси ушалди – ҳақиқий катта кишидай овда ҳам жигар еди!” Биргаликда истеъмол қилган тюлен жигари – боланинг наздида овдаги тенг ҳуқуқлилиқни таъминлайди. Гастрономик коммуникация бола ва катталар ўртасида кўприк бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, дунё китобхонлари томонидан севиб ўқиладиган таом ва тановул мавзуси, инсон руҳияти ва ички дунёсини бадиий тасвирлашнинг ўзига хос услуби сифатида алоҳида ўрин тутди. Бу мавзу тадқиқи халқлар ўртасидаги маданиятлараро мулоқот ўхшашликлари ва фарқларни англаш, гастрономик олам манзарасини тушуниш, инсон психологиясини чуқурроқ англаш, жаҳонда юз бераётган адабий тенденциялардан бохабар бўлиш имконини беради. Овқат ва унинг истеъмолидан ҳосил бўладиган руҳий ҳолат ишонарли бўёқларда тасвирланган Ғарб адабиёти намуналари ўзбек китобхонлари учун ҳам янги жазо касб этишига шубҳа йўқ. Жаҳон адабиётидаги “таом” ва “тановул” мавзусида ёзилган асарларни адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш ва таржима қилиш китобхонларимиз томонидан жаҳон адабиёти дурдоналарининг янги қирралари кашф этилишига хизмат қилиши мумкин. Келажакда замонавий ўзбек адиблари асарларида таомни бадиий тасвирлаш, унинг истеъмоли билан боғлиқ руҳий ҳолатларни реалистик ифодалаш анъаналарининг шаклланиши, ажабмаски, жаҳон китобхонларида миллий ошхонамизнинг шоҳ таомларини татиб кўриш истаги орқали миллат табиати ва юрагини билиш, ўрганиш иштиёқини уйғотса.







## АДРИАНО ЧЕЛЕНТАНО

Италия кино санъати ҳақида сўз кетар экан, албатта, биринчи ўринда неореализм оқими, Федерико Феллини кўз ўнгимизда гавдаланади. Ундан кейин эса беихтиёр хаёлимиз Италия кинокомедияси томон кетади. Йигирманчи асрнинг 60-90 йилларида итальян комедиялари бутун дунё бўйлаб томошабинларни қизиқтириб қўйди десак, муболаға бўлмайди. “Фирриб”, “Қийиқнинг куйилиши” ва “Девона ошиқ” каби комедия жанрига мансуб фильмларни қайта-қайта кўриб, завқланмаган томошабин топилмас керак. Ушбу фильмлар ўзига хос услуб ярата олиб, мухлислар қалбидан жой олган биргина актёр образи орқали ёдда қолган.

Италия мусиқа ва кино санъатининг ёрқин намояндаси Адриано Челентано 1938 йили 6 январь куни Италиянинг Милан шаҳрида камбағал оилада дунёга келади. Юлдузларнинг ҳазилими ёки инъомими бу кун Италияда ҳазил ва ўйинлар байрами сифатида нишонланади. Ёшлигидан хушчақчақ ва шу билан бирга ўта масъулиятли Адриано 12 ёшида оиланинг молиявий қийинчилиги сабабли соатсозга шогирд тушиб, устахонада ишлай бошлайди. Аммо санъатга қизиқиши табиатида акс этаверади. У ўша йиллари машҳур бўлган америкалик комик Жерри Льюисга тақлид қилиб, ён-атрофдагиларни кулдиришга муваффақ бўлади. Укасининг иқтидорини кузатиб юрган Адрианонинг катта опаси укасини тақлид маҳалида расмга олдириб, ўхшаш қиёфалар кўригига юборади. У кўрикда биринчи ўринни эгаллаб, юз минг лира пул мукофоти билан тақдирланади.

Опасининг уриниши зоя кетмайди. Ўсмир ёшдаги Адриано ўзининг қизиқишига ўйиндек эмас, балки жиддий ёндашиши кераклилигини тушуниб етади. Биргина мукофот туфайли ўзига ишончи ортган йигитча “Rock Boys” рок гуруҳига қўшилади ва ўзи яратган мусиқий композицияларини ижро эта бошлайди. 1957 йили Адрианонинг ижодий фаолиятида кескин бурилиш содир бўлади. Миланда ўтказилган “Биринчи Италия рок-н-ролл фестивали”да “Rock Boys” гуруҳи билан иштирок этиб, барча қатнашувчи гуруҳлардан фарқли ўларок, инглиз тилида эмас, она тилида “Ciao ti dirò” (Мен сенга “чао” дейман) қўшиғини ижро этади. Ёш ижодкорнинг бу жасорати эътиборсиз қолмайди. Адриано гуруҳи билан ушбу фестивалда биринчи ўринни қўлга киритади.

Адриано Челентано санъатга кириб келар экан, у нафақат ўз иқтидори, балки ватанпарварлик хислатлари билан ҳам ажралиб турарди. У хориж санъаткорларига тақлид қилгани билан ижодда ўз она тилини устун қўяр ва ўзига хос услуб яратишга ҳаракат қиларди. Бу эса итальян халқига хуш ёқар ва хориж мамлакатларида қизиқиш уйғотарди.

1966 йилда Сан-Ремодаги мусиқа фестивалида Адриано Челентано томонидан ижро этган “Глюклик йигит” номли кўшиғи мактаб дарсликларига киритилиб, ўқувчиларни табиатни асрашга чорлов вазифасини бажаришда хизмат қилиб келди. Сиёсий-ижтимоий мазмундаги бу кўшиқ оддий бир миланлик йигит ҳақида бўлиб, бутун дунё бўйлаб янгради. Адрианонинг ушбу кўшиғи дунёнинг йигирма икки тилига таржима қилиниб, одамларнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартиришга муваффақ бўлди.

Адриано Челентано дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаган санъаткор сифатида ўз юртида ва хориж мамлакатларида танила бошлади. У мусиқа санъатидан ташқари, кино санъатида ҳам ўз маҳоратини намоён этади. У илк бор кадрда “Қутурганлар” (1958) номли америка бадиий фильмида кўшиқ ижро этиб гадаланади. 1959 йилда экранга чиққан “Мусиқа автомати ва болалар” номли фильмидаги ижроси унга кино оламида омад келтиради. У ҳатто, Федерико Феллинининг “Ширин ҳаёт” фильмида ҳам рок кўшиқчиси ролини ижро этишга мушарраф бўлади.

1969 йилга қадар кичик ролларни ижро қилиб келган Адрианога режиссёр Пьетро Жеримининг “Серафино” номли фильми оламшумул машҳурлик келтиради. Унда яратган образи учун Италиянинг “Энг яхши эркак роли дебюти” соврини билан тақдирланади. “Серофина” фильми режиссёри Адриано Челентанонинг маҳорати ҳақида гапирар экан, шундай деган эди: “У яратган образ халқ комедияси қаҳрамони билан ҳамоханг бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам содда ва доно, ҳам очикқўнгил ва муғомбирдир. У тасвирга олиш майдончасида шунчалик ишонч билан ишлайдики, кино санъати ва саноатини ҳар томонлама ўрганишга ҳаракат қилади. Назаримда, у яқин орада ўзи режиссёрлик фаолиятини бошлади.” Кўп ўтмай, бу гаплар ўз тасдиғини топади. У режиссёр сифатида “Миландаги супер ўғрилиқ” (1965), “Юппи-ду” (1975), “Телба Жеппо” (1978) ва “Жуан Луй” (1985) номли фильмларни суратга олади. Аммо уларнинг барчаси унга режиссёрлик соҳасида муваффақият келтирди, деб бўлмайди.

Улкан иқтидор эгаси Адриано Челентано ижодий фаолияти давомида олти юзга яқин кўшиқ куйлаб, қирқдан ортиқ фильмларда роль ижро этди. Унинг меҳнати бир қанча Италия ҳамда халқаро танловларда юқори даражада тақдирланди. Йиллар ўтса-да, у томондан роль ижро этилган фильмлар ойнаижаҳондан тушмай келмоқда.

Шу ўринда “Фириб” фильмида яратган роли ҳақида тўхталиб ўтсак. Ушбу фильм режиссёр Сержо Корбуччи томонида 1976 йилда суратга олинган бўлиб, фирибгарлар тўғрисида ҳикоя қилади. Унга машҳур актёрлар Энтони Куинн, Коринн Клери ва Адриано Челентано жалб қилинганлиги фильм томошабинларнинг энг севимли кино асарларидан бирига айланишига сабаб бўлди. “Фириб” фильмида Адриано фирибгарлардан бирининг образини гадалантирган бўлиб, у экранда талкин қилиниб келган ўғри образларидан буткул фарқ қилади. Унинг қаҳрамони ҳарчанд ўзини айёр, уддабурон қилиб тутишга уринмасин, барибир кўнглидаги соддалик, меҳроқибатлилиқ панд бериб қолаверади. Режиссёр томонидан томошабинларга етказмоқчи бўлган мушкул вазиятга тушиб қолган, ёзилмаган қонунлар туфайли яхши ҳаёт учун ўз билганича курашмоқчи бўлаётган инсоннинг қиёфаси актёрнинг қойилмақом ижроси орқали очиб берилган. Актёр ўзига хос пластикаси орқали ёрқин характер яратиб бера олган. Адриано

Челентанонинг ҳаракати, юриш-туришидаги ўзига хослик томошабин диққатини тортади ва шу билан бирга ўчмас таассурот қолдиради. Актёрнинг пластикасидаги топилмаси меъдага тегмас ва ғашни келтирмаслиги билан эътиборга молик. Чунки бундай вазиятларда олтин меъёрни топиш катта маҳорат талаб этади. Томошабинни кулдираман деб ғашига тегиш ҳолатлари комик актёрлар ижросида кўп учрайди. Аммо Адриано Челентано бундан истисно дейиш мумкин.

Адриано “Фириб” фильмидаги роли учун “Энг яхши актёр” номинациясида Италиянинг Миллий кино соврини “Давид ди Донателло” билан мукофатланади.

Италян актёрининг бутун дунёда миллионлаб мухлис орттиришига “Қийиқнинг қуйилиши” фильмида ижро этган роли сабаб бўлди дейиш мумкин. Ушбу фильм италялик режиссёрлар Кастеллано ва Пипололар томонидан 1980 йилда тасвирга олинган. “Қийиқнинг қуйилиши” фильми У.Шекспирнинг “Қийиқ қизнинг қуйилиши” пьесасининг ўзига хос талқини бўлиб, унда гап йигитнинг қуйилиши ҳақида кетади.

Адриано бу асарда ўжар, қўпол, хушмуомалаликдан йироқ бир йигит образини яратган. Аммо автомобиль носозлиги сабабли тасодифан уйига келиб қолган соҳибжамол йигитнинг ҳаётини ўзгартиришга муваффақ бўлади. Гўзал қиз образини италялик актриса Орнелла Мути талқин қилган. Ушбу комедия тўғрисида матбуотларда қуйидагича фикр билдирилган эди: “Челентанонинг қаҳрамони баджаҳл, аёлларни ёмон кўрадиган, чидаб бўлмас феъли билан машхур. Орнелла Мути ижросидаги соҳибжамол Лиза бу йигитнинг феълига қизиқиб қолади. Йигитнинг уйига келиб қолиб, ўзининг мустаҳкам ирода соҳиби эканлигини исботлаб, унинг қалбини забт этади.”

“Қийиқнинг қуйилиши” комедиясида Челентано томонидан талқин қилинган образ шуниси билан эътиборлики, жаҳлдор, аёл зотидан нафратланувчи, қўпол йигит, аслида, кўнгли нозик ва соддалиги туфайли юрагини жароҳатлардан сақлаш мақсадида ўзини “бадфеъллик” девори билан ўраб олган шахс киёфасини усталик билан гавдалантирган. Актёрнинг қўпол ҳаракатлари унинг беғубор нигоҳлари билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилгани томошабинга қаҳрамоннинг ички дунёсини намоён қилиб туради. Натижада, бу бадфеъл йигит томошабинда нафрат уйғотиш ўрнига илиқ муносабат шакллантиради. Актёрнинг истеъдоди унинг хатти-ҳаракатлари ва айниқса, кўз қарашлари сохта эмаслигида ва болаларга хос соддадилликни ифода эта олишида намоён бўлади.

Адриано Челентано мусиқа санъати оламида, кино дунёсида, телевидениеда ҳамда дунё ва ўз юртининг ижтимоий ҳаётида, хайрия ишларида фаол қатнашди. У нафақат иқтидорли санъаткор, балки атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаган инсондир. Жорий йил январь ойида серкирра ижодкорнинг 80 йиллиги Италия ва бошқа мамлакатларда кенг нишонланди. Адриано Челентано ҳозирда кексайиб қолганлигига қарамай, ижодини фаол давом эттирмоқда.

*Нодира ҚОСИМОВА  
тайёрлади.*



## “АЗИЗИМ, ДУНЁГА БЕВАҚТ КЕЛИБМИЗ”

Сергей Параджанов нафақат арман киносининг юлдузи, балки дунё кинематографиясининг ноёб ҳодисаларидан биридир. У яратган фильмлар кино санъатининг энг юксак намуналари сафида ардокланиб келинади. Унинг ижодий юксалишига туғма салоҳият ва билимдан ташқари, ғоят нотекис кечган ҳаёти, кўрган-кечирганлари ҳам туртки бўлгани табиий. Режиссёрнинг ҳаёти дўстлари айтганидек, “дедетив фильмнинг ёрқин сценарийси” сингари кечган. У ҳаёти давомида уч бора қамоққа олинган. Аммо унинг ижодкор қалби ва руҳи ҳамиша озодлигича қолганки, яратган фильмларининг залвори бунини исбот этиб туради.

Сергей Иосифович Параджанов 1924 йилнинг 9 январида Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида дунёга келган. Отаси антиквар буюмлар билан шуғулланувчи савдогар бўлганлиги сабабли, унинг ёшлигидан санъатга меҳри ўзгача бўлган. 1942 йилда Тбилиси темир йўл институтининг қурилиш факультетига ўқишга кирган, бироқ, санъатга бўлган меҳр-муҳаббати устунлик қилиб, 1943 йилда Тбилиси консерваториясида ўқишни давом эттиради. 1945 йилда Москва консерваториясига ўқишини кўчиртиради. Аммо ижодкорнинг эътиборини кинематограф ўзига жалб этади. Шу сабабдан касбини мутлақо ўзгартиришга қарор қилган Параджанов 1946 йилда Бутуниттифоқ давлат кинематография институтида (ҳозирда С.Герасимов номидаги Умумроссия давлат кинематография институти) Игор Андреевич Савченко раҳбарлигидаги гуруҳда ўзини синая кўради. Айтиш керакки, Сергей Иосифовичнинг режиссёр сифатида ўзига хослиги таълим жараёнининг бошиданоқ намоён бўлади. Негаки, Параджанов режиссёр сифатида ўз услубига, айтадиган сўзига эгаллиги, миллийликни тараннум этиши, ҳаётга файласуфона қараши ва уни ранглар орқали кўриши, палитраларга шайдолиги ҳамда гўзаллик яратишга интилиши билан кино оламига кириб келиб, тез орада номи танилди.

Унинг ҳар бир картинаси тимсоллар, ранг, нур-соя, мажозларга бойлиги билан ўзига хослик касб этади. Кадрларни кўйиши, эпизодлар жойлаштириш жараёнини ҳар тарафлама ўйлаб чиққани ҳамда бу элементлардан моҳирона фойдалана олиш қобилияти алоҳида таҳсинга лойиқ. Сабаби, бунда Параджановнинг эстетик диди тўлалигича намоён бўлади. Шу ўринда ижодкорнинг гўзаллик хусусида бир фикрини эслаш ўринли: “Гўзалликни ҳис қилаётганинг учун бадалини қон билан тўлаш даркор. Агар шу даражага етсанг, демак, сен ҳаётни фалсафий англаган бўласан”. Тўғри, одамлар орасида “Гўзаллик қурбонликни талаб этади” деган нақл бор, бироқ Сергей Иосифович ўзи айтганидек нафақат қон билан, балки гўзаллик учун умри, озодлиги, саломатлиги ҳамда эркини қурбон қилган ҳолда товон тўлайди. Бундан маълум бўладики, бу инсон ҳар ерда гўзаллик

---

ахтарган ва уни топа олган, энг чиркин, жирканч ерда ҳам қалби нафисликка интилган шахсдир. Буни биргина воқеа билан исботлаш мумкин. Параджановни сунъий айбловлар билан қамоқхонага ўтқозишади, бироқ шундай жамиятдан четлатилган, озод кишилар юз ўгирган жойда ҳам режиссёр ҳар қандай арзимаган қолган-қутган нарсалардан турли шаклдаги гўзаллик намуналарини, яъни қўғирчоқлар, сувенирлар, коллажлар, ҳар хил буюмлар яратишга ҳаракат қилади. Параджанов ҳаётининг аянчли дамларида зах, совуқ ва қоронғу камерада ўтиришига қарамай, зулматдан нур ахтаришга уринган, бу каби нормал ҳаётдан ажратилган энг паст, тубан одамлар орасида гулларнинг гўзаллигини кўра олган инсондир.

Параджанов номи кино тарихи саҳифаларига катта ҳарфлар билан битилган ижодкордир. Негаки, ўз халқини, тарихини, удумларини, урф-одатларини қадрлаган, улуғлаган инсон ҳар тарафлама етук шахс ҳисобланади. Параджанов қалбида ўзгариш содир бўлишига болалигидаги бир воқеа сабаб бўлган. Ижодкор ўзи туғилиб ўсган шаҳар қабристонини бузиб, ўрнига истироҳат боғини барпо этиш тўғрисидаги ҳукумат қарорига гувоҳ бўлган. Бу вазият ёш режиссёр онг-шуурида тўнтарилишлар содир этади. Негаки, қабристонни бузиш ортида бутун халқ, миллат тарихидан воз кечиш, удумларини, қадриятларини поймол қилиш бўлган, аслида. Тарихдан маълумки, маданиятидан кечган халқ энг заиф жамият ҳисобланади ва ҳар қандай салбий таъсирларга берилувчи бўлиб қолади. Бу воқеа туфайли Параджанов ҳукмронлик қилаётган тузумга бутунлай қарши туришга ўзида иммунитет ҳосил қилади. У жавобни ижодкор сифатида фақатгина ўзи яратган санъат асарлари орқали бера олган. Собиқ Иттифоқ тузуми Параджанов шахсида ўзига рақибни кўради, шу сабабли уни йўлдан йўқотишга уринади. Шу ўринда айтиш жоизки, Сергей Иосифович ўз даврида тўлақонли англолмаган инсон эди. Унинг олами қуйидаги машҳур сатрни эслатиб юборади: “Азизим, дунёга бевақт келибмиз...” Шунга қарамай, режиссёр ўзидан келажак авлодга салмоқли мерос қолдириб кетган.

Параджанов ижоди ҳақида сўз кетганида, унинг кўпгина фильмлари орасида асосан уч мумтоз фильми ёдга олинади. Булар, “Анор ранги”, “Унутилган аждодлар кўланкаси”, “Ошиқ Ғариб” фильмларидир. Юқоридаги асарлар мавзу жиҳатидан бир-биридан фарқланса-да, барчаси ватанпарварлик руҳида ишлангани билан умумийлик ва ўхшашлик касб этади.

“Анор ранги” картинаси арман шоири Саят Нова шахсияти ҳамда ижодига бағишланган бўлиб, Параджанов таҳсил олаётган пайтларидаёқ бу ижодкор хусусида фильм олишни қалбига тугиб қўйган ва буни орадан салкам йигирма йил ўтиб, 1966 йилда амалга оширган. Режиссёр фильмдаги ҳар бир кичик деталларгача алоҳида эътибор қаратган ҳамда Саят Нова шахсини, қалбидаги ҳар бир сўзини, изтиробини, кечинмасини ёритиб беришга уринган. Унинг китобга, билим олишга бўлган меҳрини, илҳомбахш лаҳзаларини моҳирона тасвирлаб берган. Шу билан бир қаторда, жамиятда шоирга бўлган муносабатни, одамларнинг унга баҳосини ҳам усталик билан очиб берган. Шу ўринда унинг жияни Георгий Параджановнинг режиссёрга бағишлаган фильмида бу картинага берган баҳосини эслаш ўринли: “Бу – китоб, бу – муҳаббат, бу – кечинма, бу – Саят Нова”. Шу биргина жумлада барча айтилмоқчи бўлган гаплар аён бўлади.



---

Параджанов “Унутилган аждодлар кўланкаси” фильмини 1964 йилда Киев киностудиясида суратга олади. Бу картина Собик Иттифок давридаги илк украин тилидаги фильм бўлиб, таржима қилинмаган ҳамда шу ҳолатда сақланиб қолган. Негаки, ушбу санъат асари ўзида гуцул миллати анъаналарини, удумларини, қадриятларини биргина Иван ва Маричка севгиси сюжет чизиғида акс эттирган. Шу сабабли, фильмда муҳитни мукамал намён этиш учун тил масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Кадрлардаги ранг-баранглик, тимсоллар ва мажозлар, урф-одатларнинг куюқ ифодаси, томошабин эътиборини тортади.

Параджановнинг “Ошиқ Ғариб” кинокартинаси сўнгги тугалланган асари ҳисобланади. Ушбу асар рус шоири М.Ю.Лермонтов талқинидаги ривоят асосида суратга олинган бўлиб, севги мавзуси ўзгача тасвирланган. Режиссёр шарқона муҳаббат мотивларини мусиқа, ранглар, рамзийлик, озарбайжон оҳанглари орқали ёритиб беришга ҳаракат қилган. Бунда севги абадийлиги, ошиқлар охир-оқибат висолига етишиши ғояси илгари сурилган.

Умрининг сўнгги йилларида Параджанов “Иқрорнома” номли сценарий яратади. Бу асарида ўз болалигига қайтиб, аждодлари қўлида вафот этишини тасвирлаган. Унда муаллиф “Мен болалигимда ўлганман”, деган сўзларни айтиб ўтади. Бу жумла Параджанов руҳиятининг энг тубида ётган ўйлари, изтироблари ифодасидир.

Параджанов дунё, халқ, ватан ва қалб ҳақидаги барча тасаввур ва хулосаларини ўзинг шу каби қатор муаллифлик фильмларида ифода этди. Унинг картиналарини жамиятнинг зиёли қатлами, интеллектуал салоҳиятга эга кишилар ҳам тўла-тўқис англай олмаган ҳолатлар кузатилган. Бунинг сабаби кино оламида одамлар ўрганган ва таниган йўлдан эмас, мутлақо ўзи тасаввур этган йўлдан борганидир.

Режиссёр бутун фаолияти давомида йигирмага яқин тугалланган-тугалланмаган фильмлар суратга олган. Уларнинг барчасида режиссёрнинг индивидуал услуби, одамзот ҳаёти ва кечинмаларига файласуфона, шоирона муносабат барқ уриб туради.

Сергей Параджанов жаҳон кинематографиясида худдики Феллини, Куросава, Ҳичкок, Тарантинолар сингари ўз услубига, ўз фалсафий қарашига эга, кино санъатига янги нигоҳ, янги тўлқин олиб кирган забардаст сиймо бўлиб қолди.

*Маҳкам МУҲАММЕДОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби  
Робия ТУРСУНМЕТОВА,  
киношунос*



## ЭФРАИМ ЛЕССИНГ ВА “ГАМБУРГ ДРАМАТУРГИЯСИ”

XVIII асрда немис театри эришган улкан муваффақиятлар Готхольд Эфраим Лессинг ижоди билан бевосита боғлиқ. Унинг ижоди маърифатпарварлик даврида Германия адабиёти, драматургияси ва театр санъати ҳамда назариясининг маърифатпарварлик реализми ва танқидий реализмга ўтиш йўлларини белгилаб берди. Лессинг ижодида немис драматургияси ва театри янада ўзига хослик касб этди.

1729 йили 22 январда Саксониядаги Каменце шаҳрида руҳоний оиласида туғилган Лессинг санъат оламига Гамбургдаги Каролина Нейбер театри орқали кириб келади. Унинг дастлабки классицизм руҳида ёзилган етти пьесасидан учтаси шу театр сахнасида қўйилади.

Эфраим Лессинг ижодининг илк даврида театрга пьесалар ёзиш билан бир қаторда журналистлик, таржимонлик ва театр назарияси билан ҳам шуғулланади. Германияда классицизм оқими авж олган, жаҳолат, алдов, бузғунчилик, билимсизлик жамиятга кескин таъсирини кўрсатаётган шароитда Лессинг маърифатпарварлик реализми ғояларини илгари сурган ижодкорларнинг йўлбошчиларидан бири сифатида майдонга чиқади. Ижодкор ўзаро тенглик, адолат ва ҳақиқат ғояларини кўзғолонлар орқали эмас, балки инсонни маърифатли қилиш, маънавий камолотга етказиш йўли билан рўёбга чиқариш мумкин деб ҳисоблаб, бу ғояни зўр эҳтирос ва жасорат билан олға суради. Шу боис 1960 йилларга келиб, Лессинг нафақат Берлинда балки бутун Германияда санъат назарийчиси сифатида шуҳрат топади.

XXIII асрнинг 60–70 йилларида Лессингнинг драматургия ва эстетика соҳасида олиб борган изланишлари Германиядагина эмас, бутун Европада илмий ва бадиий кашфиётга айланади. Айниқса, унинг тасвирий санъат билан поэзия орасидаги чегара масаласига бағишланган “Лаокоон” рисо-ласи катта шуҳрат топди.

Лессингнинг “Чин санъат инсондан бошланади, бадиий ижоднинг бош вазифаси инсон дард-алами, эзгу интилишларини акс эттиришдан иборат” деган ақидаси янги авлод ижодкорлари учун дастуруламалга айланди. Унинг фаолиятида инсонни ҳимоя қилиш, шахс эркинлиги учун кураш асосий ўрин тутади.

Эфраим Лессинг ижоди билан Германияда театрлар фаолиятига катта таъсир кўрсата олувчи профессионал театр назарияси шаклланади. У бутун фаолияти давомида турли мавзуларда пьесалар, спектаклларга тақризлардан тортиб, немис драматургияси ва театри тарихи, ҳозирги ва келажакни қамраган, театр санъатининг тараққиёт йўллари тадқиқ этилган назарий ва амалий умумлашма мақолалар яратди.

1767–1768 йилларда театр фаолияти ҳақидаги назарий қарашлари акс этган машхур “Гамбург драматургияси” рисо-ласини яратади. Ушбу китобнинг дастлабки қисмида театр репертуари ва актёрнинг ижро санъати

ҳақидаги фикрлари назарий асосланади. У аввало актёрдан жисмонан бақувват, кенг имкониятли, айна чоғда юксак билим соҳиби, чуқур фикр юрита оладиган, маърифатпарварлик даврининг жаҳолат учун кураша оладиган кучли шахси қиёфасини яратишни талаб этади. Шу билан бирга ҳиссиёт билан ақл-заковатни уйғун ҳолда кўрсатишни тўғри деб билади. Ақли расо актёр асарнинг мазмуни, қахрамон вазифасини чуқур англаб, ўзида кечирган ҳолда ҳиссиётга берилади, деб билади. У классицизмга хос дабдабозлик, совуққонлик, изоҳчилик театр санъати учун буткул зид дея изоҳлайди. Айниқса, уч бирлик қондаси инсоннинг ички кечинмаларини, хоҳиш-интилишлари, буюк мақсадлари, орзу-хаваси, севги-муҳаббатини борича кўрсатишга тўсқинлик қилади, деб билади. Шунинг учун ҳам маърифатпарварлик даврига хос ақл-идрок устунлиги ғояларига хайрихоҳлик билдиради. Шу тарика “ҳиссиётли” актёрга ишончсизлик билан қарайди. Ҳис-туйғуни зоҳиран, сиртдан намоён этувчи актёр театр учун фойдалироқ деб билади. Бундан ташқари, актёрлик техникасининг ўзи ҳам актёрда сахна санъати учун зарур ҳис-туйғу ҳосил қилиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Лессингнинг назарий қарашлари ҳам тадрижий равишда ўзгариб, сайқаллашиб боради. Унинг адабий ва театр санъатига оид қарашлари исёнкорлик руҳи билан суғорилган маърифатпарварлик реализмини химоя қилишдан бошланиб, кейинчалик у танқидий реализм даражасига етиб боради. Лессинг театрга “фақат кўнгилочар, дам олиш маскани” деган қарашларга қарши кескин курашиб, унинг юксак ижтимоий функциясини химоя қилади. У классицизмга хос тантанаворликни рад этиб, театрнинг демократлашуви, сахнада ҳаёт ҳақиқати тантанаси учун курашган. Репертуар театрнинг ғоявий йўналишини, мафкуравий табиатини ифода қилувчи белги эканини таъкидлаган. У актёрни мустақил ижодкор, шоир ва драматург билан баробар даражада масъулиятга эга санъаткор, деб таърифлайди.

“Гамбург драматургияси” китобининг аксарият қисмини Лессингнинг драматургия ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ташкил этади. У 1759 йили яқин дўсти билан ҳамкорликда ташкил этган “Энг янги адабиёт ҳақида ёзишмалар” номли журнал саҳифаларида француз классицизми Германия учун буткул зид ва зарарли эканлиги хусусидаги фикрларини очик-ойдин баён этиб боради. Лессинг классицизмнинг ҳеч қандай тур ва шаклини қабул қилмайди. Аксинча, классицизм шунчаки ўрнини замонавийроқ санъатга бўшатиб бериши лозим бўлган, умри тугаган услубгина эмас, балки, умуман, санъат табиатига зид деб билади. Шунга қарамай, Лессинг ўз ижодида дастлаб классицизм услубидан бутунлай қутула олмайди. Аммо немис маърифатпарварлик санъатига классицизм ўз таъсирини ўтказиб турган бир шароитда замондошлари орасида эски санъат ақидаларидан узоклашиш ғоясини сингдиришга эришади.

Лессинг ўзининг назарий қарашлари каби драматургиясида ҳам инсон эркинлиги ва баркамол шахснинг ҳаётда тутган ўрнини мустаҳкамлашга эътибор қаратади. Асарлари орқали жамиятдаги жирканч иллатлар – ноҳақлик, худбинлик, жаҳолат, бузғунчилик, манманлик, нобакорликни фош қилишга интилади. Шу боис унинг асарларида кўп жанрлилик кузатилади. У деярли барча жанрларда самарали ижод қилади. Унинг ҳар бир асари ўз даврида ва бугунги кунда ҳам ўз қадр-қиймати ва мавқеини йўқотмай



келаётир. Ҳар бир асари томошабинни фикрлашга, хулоса чиқаришга, дунёга теран нигоҳ билан боқишга ундайди. “Ойимқиз Сара Сампсон” асари томошабинларда маҳзунлик, кўзёш пайдо қилса, “Минна фон Барнихельм” асари кулдиради, руҳий ором бахш этади. “Эмилия Галотти” трагедияси кўнгилни мусибат оҳангига банд қилса, “Донишманд Натан” асари кишини чуқур ўйга толдиради. Бу эса унинг инсонлар дарду-хасратларининг туб илдизларини тушуниб етганлигидан, неки содир бўлмасин, инсонларни ёруғ кунлар сари чорлаганлигидан далолат беради.

Лессинг бошқа ақидалар яратиш мақсадида классицизм ақидаларига қарши курашмайди. Аксинча, драматург сифатида ўз диди ва бадиий имкониятларининг нақадар кенглигини намоиш этади. Драматургнинг “Ойимқиз Сара Сампсон” асарида ҳам инсоннинг эркин эҳтирослари биринчи ўринга олиб чиқилади. Асарда икки маъшуқа орасида гангиб қолган аслзода Мелефонтнинг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Унинг биринчи маъшуқаси эндигина унинг тузоғига илинган жабрдийда қиз Сара Сампсонни заҳарлаб ўлдиради. Мелефонт эса қизнинг жасади тепасида ўзини-ўзи нобуд қилади.

Лессинг қаҳрамонлари шу қадар жўшқин ва эҳтирослики, бу томошабин қалбини ларзага солади. Унинг асарларида хатти-ҳаракат анча шиддатли ва кўламлилиги билан ажралиб туради. У ушбу асарида ҳис-туйғу мавжини кўрсатибгина қолмай, инсонларнинг аянчли тақдири орқали жамиятда авж олаётган худбинликнинг асл сабабларини фош этишга интилади. Лессингнинг ҳақиқий қаҳрамони Сара Сампсондир. У худбинликдан холи, ҳақиқий севги сохибаси, кўнгли пок, инсоний туйғулар эгаси сифатида гавдаланади. Драматург худбин, бекбурд кимсага кўнгил кўйган хоксор, юксак ахлоқли бу қизнинг фожеали тақдири мисолида эски ақидаларни маърифатпарварлик мафқураси орқали сиқиб чиқариш кераклигини бадиий ифодалаб беради.

Лессинг 1760–1765 йиллари Береславль шаҳрида дўсти генерал Тауэнцин қўлида губерня котиби бўлиб ишлайди. Бу ерда ўтказган умумевропа урушидан кейинги етти йиллик умри давомида кўрган кечирганларини 1763 йили “Минна фон Барнихельм ёки Сарбознинг бахти” номли комедиясида акс эттиришга киришади. Асар қаҳрамонларини ҳам Германиядаги ҳарбий муҳитдан излаб топади. Немис халқининг миллий бирлиги, яхлитлиги ғояси билан суғорилган мазкур асар биринчи немис комедияси сифатида эътироф этилади. Унда саксониялик Минна хоним билан прус зобити майор Телгейм ўртасидаги самимий муҳаббат тасвири орқали немис князликлари орасидаги ўзаро адоват, қирғинбарот урушлар эл-юртга фақат вайроналик келтирувчи ноинсоний ҳаракатлар экани фош этилади. Прус майори Телгейм таслим бўлган Силезия шаҳрига Пруссия томонидан солинган уруш товонини ўз пули ҳисобидан тўлайди. Унинг рақиб томонга бундай хайр-эхсон кўрсатишидан шубҳага тушган прус бошлиқлари Телгейм устидан жиноий иш кўзгайдилар. Айбисиз айбдор майор оғир аҳволга тушиб қолган бир пайтда севгилиси Минна келиб, уни терговдан қутқариб қолади. Пьеса севишганларнинг бахтли учрашуви билан якун топади.

Лессинг 1772 йили ўн беш йил аввал режалаштирган “Эмилия Галлотти” фожиасини ёзиб тугатади. Ушбу асар маърифатпарварлик даврида Германияда жабр-зулмга қарши қаратилган биринчи драма сифатида эътироф этила-



ди. Лессинг пьесага ёркинроқ сиёсий тус бериб, жамият бошқарув тизимининг инсонийликка хилоф асосга қурилганлигини кўрсатиб беради. Асар қаҳрамони шахзода Хеттори Гонзаганинг нияти қанчалик беғараз бўлмасин, уни ҳокимият йўлдан оздириб, ўзгаларнинг қўли билан ёвузликка қўл уради. У Апианини ўлдириб, Эмилиянининг ўзини ўзи нобуд қилишига сабабчи бўлади. Эмилия ёвузликка қарши норозилиги ва инсонийлик шаънини ўлим билан тасдиқ этади. Пьеса ёзувчининг ўзи кутган муваффақиятни келтирмайди. Шундан сўнг Лессинг асар ёзмасликка аҳд қилади. Лекин бир неча йилдан сўнг

шароит уни бу аҳдидан воз кечишга ундайди. Геце исмли руҳоний билан илоҳиёт хусусида жиддий мунозарага борган Лессинг яна ўзининг синашта минбари-театрига қайтиб “Донишманд Натан” номли сўнги пьесасини 1779 йили ёзиб тугатади. Ушбу асар 1801 йили Веймар театрида қўйилганида, Гёте спектаклга муносабат билдириб “акс этган сабр-тоқат, афсус ва надомат туйғулари халқлар қалбида муқаддас туйғулар бўлиб қолгусидир”, деган фикрларни айтади. Ҳақиқатдан ҳам бу пьеса драматургнинг асарлари орасида жуда таъсирчан бўлиши билан бирга, муаллифнинг маърифий-фалсафий драмага қайтганлигини кўрсатади. Пьеса теран инсоний ғояларга, образларга бойлиги билан сахнадан мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Лессинг пьесада диний тортишувларга урғу бермайди, балки адоватчи руҳоний Гецега ажиб бир олам маънавиятини қарши қўяди. Драматик достон шаклида ёзилган ушбу асарда насронийлардан жабр кўрса-да, насроний қизни катта қилган яҳудий Натаннинг черков пешвоси тазйиқиға учраши, қизнинг аланга ичида роҳиб томонидан қутқариб олинishi, охири қиз ва роҳибнинг султон Салоҳиддиннинг ёшлигида йўқолган акасининг фарзандлари бўлиб чиқиши аён этилади. Бир қарашда оддийгина бўлиб кўринувчи воқеа остида рўй берган қонли диний тўқнашувларнинг асорати бўртиб туради. Бу ерда черков Пешвоси (патриарх) Оллоҳ номидан сўзлаб, ўзини насронийликнинг таянчи, фатвоchиси тарзида кўрсатади. Роҳиб унга “Натан мурғак бечора болани ота бўлиб балоғатга етказгани учун жазога маҳкумми?”, дея савол бераркан, Пешво “Фарқи йўқ, болани йўқчилик азобидан Оллоҳнинг ўзи қутқаради, Натан насроний қизни ўз билганича катта қилгани учун ўтда ёндирилиши керак”, дея инсонийликни оёғости қилади, кишиларни янги қонли тўқнашувларга даъват этади. Султон Салоҳиддиннинг “Оллоҳ муруввати инсон орқали ижобат топгуси”, деган сўзлари Пешво учун қуруқ сафсата бўлиб қолаверади.

Лессинг асарларида илгари сурилган инсонийлик, маърифатпарварлик ғоялари ўзбек театри назаридан ҳам четда қолмади. 2003 йили “Донишманд Натан” пьесаси шоир ва таржимон Мирпўлат Мирзо таржимасида Ўзбек Миллий академик драма театрида режиссёр Авлиёкули Хўжақулиев томонидан сахналаштирилди. Театршунос С.Турсунбоев ўзининг “Лессинг би-

лан илк учрашув” мақоласида режиссёр спектаклда образли сахнавий ечим топганлигини ва бу ечим спектаклнинг яхлитлигини, сунъий, зўракиликдан холилигини таъминлаганлигини эътироф этади. Асар қаҳрамонларидан бири Реҳа образини Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова болаларча эрқаланиб сўзловчи, ҳаётга энтикиб, завқ-шавқ билан қаровчи беғубор киз тарзида намоён этади. Ўзбекистон хизмат кўрсатган артист Жамшид Зокиров бош қаҳрамон Натан образини талқин этган. У Натаннинг до-нишмандлигини кўз-кўз қилиш йўлидан бормайди, аксинча, уни босик, қалбан нотинч, хокисор инсон сифатида талқин этади. Актёр Шухрат Нуралиев Роҳибнинг шогирди сифатида ўзини-ўзи англаш тарзини, яъни, бир томондан Пешво раъйига бўйин эгиш ва иккинчи томондан ўзини шахс сифатида барбод қилмаслик жиҳатларини очишга ҳаракат қилади. Саҳнада ҳар бир қадамни салмоқлаб ташлаши, амрона сўзлашида Қуддус черкови Пешвосининг қотиб қолган мутаассиб шахс тимсоли Т.Мўминов сиймосида намоён бўлади.

Асосийси, спектаклда Фарбу Шарқда рўй бераётган қонли можаролар, Оллоҳ номидан сўз очиб, диннинг асл инсонпарварлик моҳиятига буткул зид фанатизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси каби даҳшатларни келтириб чиқарувчи сафсатабоз кимсаларнинг қабиҳона ҳаракатлари на-моён бўлади. Инсон умидсиз яшай олмайди. Асар ҳам можаролар барҳам топиб, умидбахш лаҳзалар билан яқунланади. Лессингнинг назарий қарашлари ва драматургиясида олға сурилган мақсаднинг юксаклиги ҳам, унинг ижодкор сифатидаги буюклиги ҳам шунда.

Лессингга ушбу пьесанинг 1779 йили нашр этилган нусхасини кўриш насиб этди, холос. У 1781 йили вафот этади. Асар муаллиф вафотидан уч йил ўтгандан кейин сахналаштирилади. Гейне айтганидек, “Лессинг бутун Германиянинг ғурури, бахти, меҳр-оқибатининг рамзи” сифатида тарихга муҳрланиб қолди. Унинг ижоди немис маърифатпарварлик театри ва дра-матургиясининг кейинги даври учун дастуруламал бўлиб хизмат қилди.

*Фахриддин АБДУВОҲИДОВ,  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институти катта ўқитувчиси*



## ЧИН ДЎСТ ТОПГАН БАХТЛИДИР

Австриялик буюк композитор, мусиқада романтизм йўналишининг дастлабки намояндаси Франц Шубертнинг мусикалари кейинги композиторлардан фарқли ўларок, куюқ хиссиётлар, муҳаббат ва изтироб билан суғорилган. У асарларида бой ички дунёсини, турли туман хиссиётларга, ўй-гасавурларга тўла ҳолда кўрсата олди. Айнан Шуберт кўшиқлари классицизм ва романтизм мусикий даврларини бир-

биридан ажратувчи чегара ҳисобланади.

Шуберт ижодининг гуллаб-яшнаши XIX асрнинг 20-йилларига тўғри келди. Табиатан кўли очиқ, қувноқ ва ўта камтар инсон Шуберт ижодининг дастлабки босқичида жуда ёрқин, самимий мусикалар яратди. Бирок унинг сўнгги асарларида кўпроқ зулматли кайфият, ғамгинлик, азобуқубат пайдо бўла бошлади. Бунинг сабаби нафақат шахсий ҳаётидаги муваффақиятсизликлар, балки уни ўраб турган шароит ҳам эди. Бу вақтда барча инқилобий, илғор ғоялар қувғинликка учраб, француз революциясининг юксак ғоялари: озодлик, тенглик ва биродарлик ҳақида ҳатто оғиз очиш мумкин бўлмай қолди. Инсон эркининг бундай чегараланishi Шуберт руҳиятини қаттиқ азобларди. Шу боис, унинг сўнгги асарларидаги тушкунлик ҳолатини ўша давр Австрия жамияти ҳаётидаги ҳуқуқсизликнинг акс этиши сифатида тушуниш мумкин. Шубертдек ҳаётдан норозилик кайфияти зиёлиларнинг кўпчилигида кузатиларди. Жамиятдаги илғор кишиларнинг норозилиги ва исёни санъатда ўз аксини топиб, янги йўналиш – романтизмни пайдо қилди. Шуберт эса композитор-романтикларнинг биринчиси бўлди.

Франц Шуберт 1797 йил 31 январда Вена атрофидаги Лихтенталь қишлоғида ўқитувчи оиласида дунёга келган. Унинг катта акалари Игнац ва Фердинанд ҳам мактабда ўқитувчилик қилган. Уларнинг оиласи мусиқани жуда севар, тез-тез мусиқий кечалар ташкил қилинарди. Отаси виоланчель, ака-укалари ҳам турли созларни чалишарди. Кичкина Францга отаси ва акаси Игнатс скрипка ва фортепиано чалишни ўргата бошлашди. Тез орада у оилавий торли квартетда альт партияси ижроси билан иштирок эта бошлади. Франц ажойиб овозга ҳам эга бўлиб, Лихтенталь регентидаги Хольцер черкови хорида биринчи сопрано партияларини, черков оркестрида эса якка скрипкада ҳам куй ижро этарди. Унинг мусиқий қобилияти юзага чиқиб, бастакор сифатида куйлар ёза бошлайди. У кўшиқлар, квартет ва фортепиано учун асарлар яратади. Гёте шеъри асосида “Маргарита урчук ёнида” ва “Ўрмон шоҳи” кўшиқлари, сонаталар, симфониялар ижод қилади.

Бўлғуси композиторнинг отаси эса ўғлининг ютуқларидан мамнун бўлиб, Франц 11 ёшга тўлгандан сўнг черков кўшиқчиларини тайёрлайдиган конвикт мактабига ўқишга беради. Мактаб ҳаёти унинг мусиқий иктидорининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. У мактабдаги ўқувчилар оркестрида биринчи скрипкалар гуруҳида асосий ижрочилардан бўлган, баъзида дирижёрлик вазифасини ҳам бажарган. Оркестрнинг репертуари турли хил бўлиб, ўқиши давомида Шуберт симфоник асарларнинг барча



жанрлари – симфония, увертюра, квартетлар ва вокал асарлар билан танишади. У Бетховен мусикаларини ғоят ардоқлар, Моцартнинг “Соль-минор” симфониясига эса буткул лол бўлиб яшарди. Ёш композитор кўпинча мактаб дарсларини қолдириб бўлса ҳам катта қизиқиш билан асарлар ёзарди. Бола-

нинг ноёб қобилияти машҳур сарой композитори Сальери эътиборини жалб қилди ва Шуберт бир йил давомида у билан контрапункт ва композициядан сабоқлар ола бошлади.

Вақт ўтиши билан Францнинг шиддат билан ривожланаётган мусикий иқтидори отасида хавотир ҳиссини уйғотади. Мусикачиларнинг машаққатли ҳаёт йўлини билган отаси ўғлини бундай қисматдан асрамоқчи бўлади. Мусиқа билан ҳаддан ташқари кўп шуғуллангани учун уни жазолаб, ҳаттоки байрам кунлари ҳам уйда бўлишни таъқиқлаб қўяди. У уч йил давомида мактабда ўқитувчи ёрдамчиси бўлиб, ўқувчиларга савод ўргатиб, бошқа бошланғич предметларни ўқитиш билан шуғулланди. Аммо Шубертни мусиқа ишқидан ҳеч қандай таъқиқ ва жазо тўхтата олмади. У конвиктни (черков мактаби) ташлайди ва ўзини бутунлай мусиқага бағишлагга қарор қилади. Бунинг оқибатида отаси билан муносабати ёмонлашади. Шубертнинг кейинги қисқагина ҳаёти фақат ижодий жасоратдан иборат бўлди. Оғир моддий қийинчилик ва муҳтожликда ҳам толмай ижод қилиб, асар кетидан асарлар ёзди. Хусусан, биринчи “Ре мажор” симфониясини тамомлади.

Шуберт Тереза Гороб исмли черков хорида куйловчи бир қизни севарди. Унинг ишқи сон-саноксиз асарлари, айниқса, дилбар кўшиқларининг яратилишга сабаб бўлган эди. Бироқ камбағаллик унинг бахтига тўсқинлик қилди. Такдирнинг синовларига кўника олмаган Шуберт ўзининг кундалигига шундай сўзларни ёзади: “Чин дўстини топган инсон бахтлидир. Чин дўстни ўз рафиқасида топган инсон ундан-да бахтиёрдир”. Афсуски, унинг орзулари кул бўлди. Терезани отасиз вояга етказган онаси уларнинг севгисига қаршилиқ кўрсатади. Шубертнинг арзимаган маоши ва улкан санъати бор эди, холос. Мусиқа эса сармоя бўла олмасди. Изга тушмаган маиший ҳаёт Шубертни тинимсиз ижод қилишдан тўхтата олмади. У кундан-кунга мунтазам ишлади. “Мен ҳар тонг яратаман, бир пьесани тугатишим билан, бошқасини бошлайман” – деб тан олади композитор. Шуберт мусикий асарларни жуда ҳам тез басталарди. Мусикий фикрлар тинмай туғиларди, композитор аранг уни қоғозга туширишга улгурарди. Агар қўл остида қоғоз топилмаса, менюнинг орқа тарафига ва учраган қоғоз парчаларига ёзиб ташлайверарди. Пул етишмаслиги сабаб, нота қоғози ололмаслигидан азият чекарди. Ғамхўр дўстлари уни қоғоз билан таъминлаб туришарди. У мусиқа оҳанглари тушларида ҳам кўрар, уйғониши билан тезроқ

қоғозга туширишга уринарди. Шунинг учун кўзойнагини тунда ҳам тақиб ётарди. Агар асар мукамал ва тугалланган шаклда тез қуюлиб келмаса, қониқиш ҳосил қилмагунча ишлашда давом этарди. Шунинг учун айрим шеър матнларига еттигагача қўшиқ вариантларини ёзган.

Ушбу даврда Шуберт иккита ажойиб асарини яратади. “Тугалланмаган симфония” ва “Тўзал тегирмончи қиз” қўшиқлар туркуми. “Тугалланмаган симфония” ўз даврида қабул қилинганидек тўрт қисмдан эмас, балки икки қисмдан иборатдир. У классик симфония талаб қилгандек учинчи – менуэт қисмини ёзиши ҳам мумкин эди, лекин, симфония қандай янграган бўлса, шундайлигича яқунланишини истагани учун, қолган икки қисми кераксиз ва ортиқча деб ҳисоблаб, унинг шаклини ўзгартиради.

Қўшиқ Шубертнинг табиатидаги тийиқсиз куч эди. Авваллари аҳамиятсиз саналган жанрни у бадий мукамаллик даражасига олиб чиқди. Кейинчалик камер музикани-квартет, квинтет ва симфонияни қўшиққа тўйинтирди. Бундай боғлиқлик, яъни, кичик шаклини йирик шакл билан, қўшиқни симфония билан, янги, аввалгиларидан аъло ва сифатли лирик-романтик симфонияни вужудга келтирди. Уша даврда улар очик концертлардан кўра, уйларда ўтказиладиган кечаларда ижро этиларди. Симфония ва опералар олдида қўшиқлар аҳамиятли жанрлар саналмаган.


Унинг дунёси – оддий ва ўзига хос чуқур психологик кечинмалар, инсоний ҳиссиётлар дунёсидир. Бу қалам ва сўз билан эмас, балки, товушлар орқали акс этган қалб истиффоридир. “Тўзал тегирмончи қиз” қўшиқлар туркуми юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир. Шуберт уни немис шоири Вильгельм Мюллернинг шеърларига ёзган. “Тўзал тегирмончи қиз” – ижод нафаси, нафис шеърят ёғдуси, соф ва юқори туйғулар романтикасидир. Мазкур цикл 20 та алоҳида қўшиқлардан ташкил топган. Ҳаммаси бир-бирига драматик боғланган яхлит пьесани – тегирмон тоши билан саёҳат қилувчи лирик қахрамонни акс эттиради. Ушбу асарда қахрамон битта эмас. У билан бирга иккинчи қахрамон – ирмоқ ҳам бор. У ўзининг ўзгарувчан, шиддатли, жўшқин ҳаёти билан яшайди.

Шуберт ҳаётининг охириги ўн йиллигида яратилган асарлар жуда ранг-барангдир. У фортепиано учун симфония, сонаталар, квартет, квинтет, трио, мессалар, опералар, мессалар учун қўшиқлар ва бошқа кўплаб музикалар яратган. Унинг асарлари ҳаётлик даврида камдан-кам ижро этилган бўлиб, катта қисми қўлёзмаларда қолган. Маблағи ва ҳомийлари бўлмаган Шубертнинг қўлёзмаларини чоп эттириш имкони йўқ эди.

Мансабдор шахслар олдида бўйин эгмаслиги сабабли композитор доимий моддий етишмовчиликда яшади. Пулсизлик ва очарчилик ҳам уни саройларда ишлашга мажбур этолмади. Баъзи пайтларда Шубертнинг фортепианоси ҳам бўлмаган, у чолғусиз ҳам асарлар яратаверган.

Аммо веналиклар унинг музикасини севиб қолишди, унинг музикаси тингловчилар қалбига йўл топди. Куйлари қадим халқ қўшиқлари каби хонандалар тилидан тилларга ўтиб, ўзининг асл ихлосмандларига эга бўлиб борди. Булар дабдабали сарой, бой хонадон, Вена аристократияси аҳли эмасди. Шуберт музикаси ўрмон жилғаси каби Вена ва унинг атрофидаги оддий одамлар қалбини забт этди. Бунга ўша даврнинг моҳир хонандаси Иоганн Михаел Фогл катта ҳисса қўшди. У Шуберт қўшиқларини моҳирлик билан ижро этарди. Шуберт Фогл билан бирга уч марта Австрия шаҳарлари бўйлаб концерт сафарлари уюштирган.

Муҳтожлик ва турмуш муваффақиятсизликлари Шуберт соғлигига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. У заифлашиб қолди. Умрининг охирида отаси билан муносабатларнинг яхшиланиши, уйдаги хотиржам, бир текисдаги шароит ҳам ҳеч нарсани ўзгартира олмади. Шуберт эса мусиқа ёзишни тўхтата олмади, унинг ҳаёт мазмуни шунда эди. Аммо ижод жуда катта куч сарфлашни талаб қиларди, куч-қувват эса кун сайин заифлашиб борарди. Композитор йигирма етти ёшида дўсти Шоберга шундай ёзган эди: “...мен ўзимни бахтсиз, дунёдаги энг аҳамиятсиз инсон каби ҳис қилмоқдаман...” Бу кайфият унинг сўнгги мусиқаларида акс этди. Вафотидан бир йил олдин “Қиш йўли” деб аталган қўшиқлар туркумини ёзади. Композиторнинг ўзи уларни “ўта ёмон” қўшиқлар дерди ва улар уни қаттиқ чарчатганлигини дўстларига айтарди.



1828 йилда дўстлари характери билан Шуберт ҳаётлиги даврида унинг асарларидан тузилган ягона концерт уюштирилди. Концерт катта муваффақият қозонди ва композитор бундан жуда хурсанд бўлди. Унинг келажак режалари истикболли бўла бошлади. Соғлиғига путур етганига қарамай, у асар яратишда давом этди. Кутилмаганда Шуберт терлама касалига чалиниб қолади. Заифлашиб қолган соғлиғи оғир касалликни кўтара олмади ва 1828 йилнинг кузида Шуберт вафот этди.

У бор-йўғи ўттиз бир йил умр кўрди. Аммо шу қисқа ҳаёти давомида умрбоқий куйлар ёзиб, инсониятга тухфа эта олди. Айни ўринда, шуни ҳам айтиш керакки, у яратган 9 та симфониянинг бирортаси ҳам ҳаётлик даврида ижро этилмаган, 600 номдаги қўшиқларидан фақат 200 га яқини, 20 га яқин фортепиано сонаталаридан 3 донасигина чоп этилган. Шубертнинг бирор операси сахналаштирилмаган, симфонияларининг ҳеч бири оркестр билан ижро этилмаган. Шунингдек, унинг энг яхши Саккизинчи ва Тўққизинчи симфониялари композитор вафотидан кўп йил ўтгандан сўнг топилиган. Ундан қолган мол-мулк арзимаган пулга баҳоланди. Кўплаб асарлари йўқолиб кетди. Бироқ унинг қалбида туғилган наволари асрларнинг торларида янграб келмоқда. Бу буюклик ўз даврида қадрига етилмагани бўлса-да, ўтган вақт унинг асарларига мангулик унвонини берди.

Акмал ЎТАЕВ  
Ўзбекистон давлат  
Консерваторияси  
қошидаги иқтидорли  
болалар академик  
лицейи ўқитувчиси



## ЭДУАРД МАНЕ

Жаҳон тасвирий санъати тарихига назар ташланса, унда шундай беқиёс гўзалликлар ва уларни ифода этишнинг ранг-баранг шакллари борки, замони ва маконидан қатъи назар, уларни яратган ҳар бир ижодкорнинг шахси бугунги кун нигоҳида улуғворлик касб этиб туради. Асил санъатнинг баҳосини биладиган, унинг сиру асрори, моҳиятини англашга талабгор киши номи тарих саҳифаларида, асарлари ардоқ билан санъат уйлари, музейларнинг бебаҳо мулки сифатида сақланиб келаётган мусаввир аҳлининг босиб ўтган ижод йўли алоҳида илм эканлигини яхши тушунади.

Импрессионизм XIX аср сўнгида юзага келган муҳташам ижодий оқим сифатида дунёнинг кўплаб мўйқалам соҳиблари ижодини бирлаштириб туради. Айниқса, унинг ибтидоси француз тасвирий санъатида бошланиб, Ван Гог, Поль Гоген, Эдгар Дега, Эдвард Мане, Камиль Коро, Гюстав Курбе, Пер Ренуар, Клод Моне, Поль Сезанн, Анри де Тулуз-Лортек, Жорж Сёра сингари ўнлаб машҳур фаранг рассомлари ижодида камолотга етганини эътироф этиш керак. Ушбу оқим намояндалари классицизм ва романтизм анъаналаридан чекинган ҳолда ранг-тасвир оламида таассурот қолдиришнинг янги босқичига ўтишди. Эдуард Мане бу йўлни бошлаб берган дастлабки ижодкорлардан бўлди. Мане ёшлик чоғидаёқ тасвирий санъатга ўзгача нигоҳ билан кириб келган, янгича қарашлари билан замондош мусаввирларнинг аксариятини ҳайратга солган бўлса, яна кўпларнинг эътирозига сабаб бўлган. Бугун Эдуард Мане асарлари ўз мавзуси ва ифода услуби билан алоҳида мавқе касб этиб, ўз баҳосини топиб келаётган санъат ҳисобланади.

Эдуард Мане 1832 йил 23 январда Парижда дунёга келган. 1883 йили оёғи кесилиб, оғир операцияни бошидан ўтказди ва кўп ўтмай 51 ёшида оламдан кўз юмган. Шу ярим асрлик ҳаёт йўли давомида Мане мустаҳкам ирода билан яшаб, ижод қилди. Сабаби, у навқирон ёшида ревматизм касалини орттирган ва умр бўйи оқсоқланиб, оғриқдан азоб чекиб ўтган. Унинг бу дарди мольберт қаршисида бетиним ишлаши учун тўсқинлик қилган, бироқ, у доим ижод ишқини қаноатлантириш уддасидан чиқиб келган. Умрининг аксарият қисми шифохонада, шаҳарма шаҳар кезишларда кечган бўлса ҳам рассом ўз касби аъмолидан сира тинган эмас. Имкон борича сермахсул бўлишга интиланган ва бунга эришган ҳам.

Мане мусаввирликни эмас, мусаввирлик Манени танлаган, яъни тасвирий санъат табиатан инъом этилган йўл эди. Унинг отаси бошқа зодагон оилалари каби ўғли Эдуарднинг мансабдор бўлишини истаган ва юрист касбини эгаллаши учун мажбурлаб ҳам кўрган. Аммо, бундан бирон



иш чиқмагач, 1850 йилда уни ўз даврининг таникли рассоми Том Куртюрга шогирдликка беради. Унгача бўлган йилларда бўлажак рассом Луврдаги асарлардан таъсирланиб, изланиб юрган. Денгиз кемачилик мактабида ўқишга рози бўлган, имтиҳондан йиқилиб, “Гувр ва Гваделупа” елканли кемасида ишлаб, Бразилияга сафари давомида кўрган-кечирганлари – экзотик табиат манзаралари, жануб аёлларини этюдларда қойилмақом тасвирлаган. У ишлаган расмлар Эдуарднинг чиндан ҳам рассом бўлишига отасининг шубҳаларини йўқотганди. Рассом айни Куртюр устахонасида ўқиётган даврида Франция тасвирий санъатида етакчилик қилаётган буржуа мавзуси, классик-романтик анъаналарни инкор қила бошлади. Танқидий қарашлари туфайли Том Куртюр билан муносабатлари ёмонлашиб, унинг устахонасидан ҳайдалади. Отасининг ҳаракатлари билан яна қайтади.

Унинг академизмга зид усулда ишланган “Балкон”, “Финжондаги пива”, “Ўтлоқ устида нонушта”, “Олимпия” картиналари айни шу дамларда яратилди. Ушбу асарлар матбуот ва кўплаб рассомлар аҳли томонидан танқид қилинди, шунинг баробарида унинг янгича қарашлари Эдгар Дега, Пол Сезанн, Клод Монелар томонидан қаттиқ ҳимоя қилинди.

1856–58 йилларда Маненинг нуфузи ортиб, турли салонлар унинг асарларига талабгор бўлади. 1859 йилда изланишларидан қаноатланиб, илк бор ишларини ҳар йили Париж саломида ўтказиладиган нуфузли кўргазмага тақдим этади. “Майхўр” номли реалистик усулдаги картинасини катта умид билан кўргазмага топширади. Куртюр бу сафар ҳам унинг асарига салбий муносабат билдиргач, унинг устахонасини бутунлай тарк этади. У билан алоқалари узилиб, ўзи алоҳида устахона ижарага олади. 1870–71 йилларда Франция-Пруссия урушида қатнашади. Ўша оғир дамларда ҳам ижодини қўймай порт манзараларини ишлайди.

Мусаввирнинг “Майхўр” картинаси кейинчалик шухрат қозонган асарларидан бўлиб, унда мавзу ортиқча бўрттиришларсиз, реалистик шаклда аниқ ва ёрқин тасвирланган. Май ихлосманди бўлган объект – эркак ўтирган ҳолда акс эттирилади, унинг ёнида май куйилган финжон ва ерда бўшаган май шишаси бор. Картинага бирон киноя ёки тағмаъно сингдирилмаган. Ҳолатнинг ўзини ифодалашда фон, ярим тон техникасини қўлламай, фигурани фондан енгил нур-соя билан ажратган. Соя туширишда ҳам фаркли йўл тутилиб, фигура сингари айнан бир хил шаклда ифодаланмаган.

1977 йилга келиб, рассом натюрморт ва портрет жанрларида асарлар яратишга эътибор қаратади. Унинг оригинал услубининг шаклланишида XVI асрнинг машҳур рассоми Диего Родригес де Сильва Веласкеснинг ижоди таъсири сезиларли даражада бўлиб, Мане бу испан мусаввирининг асарларига катта қизиқиш билан қараган.

Муваффақиятсизликларга қарамай, Маненинг изланишлари юзага чиқиб борди. У асар учун янги-янги мавзулар ахтаради. “Тюильри боғидаги мусиқа” асари, “Ота-она портрети”, “Гитарерро” асарлари яратилгач, унинг ижоди матбуот саҳифаларида эътироф этила бошлади. Ишларининг салонларга қабул қилиниши Эдуардга нуфуз ва маблағ олиб келади.

Дарвоқе, Мане ижодидаги янги қарашларни даставвал кўрган ва доимо унинг ғоялари ва тутган йўлини қўллаб-қувватлаганлардан бири француз адабиётининг йирик намояндаси Эмиль Золя бўлган. У Эдуард Мане ижодига катта қизиқиш билан қараб, ҳамиша асарларига муносабатини



билдириб борган. Унинг “Тасвирий санъатнинг янги йўли: Эдуард Мане” очерки рассом ижоди хусусидаги мулоҳазалардан иборат. Рассомнинг ўзи ҳам 1868 йилда ёзувчининг машҳур портретини ишлаган. Картинада интерьер акс этган бўлиб, асосий планда ёзувчи ўтирган ҳолатда ён томондан тасвирланади. Кўлида очик китоб. Ён томонида китоблар, қалам-қоғозлар, журнал ва бошқа предметлар. Адиб юзида виқор ва мамнунлик кайфияти акс этган. Фон қорамтир бўлиб, деворда ва фигуранинг орқа қисмида оқ-қора рангдаги репродукция картиналар аниқ тасвирланган. Бу репродукциялар орасида рассомнинг “Олимпия” асари ҳам бор. Бу Золянинг ижодий олами ва шахси ҳақида умумий тасаввур берувчи талкиндир.

Импрессионистлар Манени ўзларининг ғоявий йўлбошчиси деб биладилар. Аммо рассомнинг ишларини бир йўналиш доирасида ўлчаб бўлмайди. Унинг асарларида реализмнинг эркин шакли учрайди. Бу академизм урф бўлган давр санъатидаги янги тўлқин эди. Мане ижодида тасвир студиядан пленэр (очик майдон)га чиқди. Эдуард Мане кўпроқ пейзаж фонида инсонни, унинг тимсолида табиат гўзаллигини ифодалашни афзал кўради. “Аржантей”, “Қайиқда”, “Денгиз соҳилида” асарлари шулар жумласидан. Мане Венецияга сафаридан сўнг таассуротлари асосида импрессионистик картиналар туркумини яратади. Импрессионистлар эса Мане асарлари ва услубидан катта таассурот олган ва унинг янгича қарашларини такомилга олиб чиққан.

“Фоли-Бержердаги бар” асари Мане ижодининг чўққиси деб эътироф этилади, унда классицизм ва импрессионизмнинг ўзига хос синтезини кузатиш мумкин. Асарда тасвирланишича, асосий пландаги аёл тасвири ортида унга қарама-қарши қўйилган ноаниқ, фантастик кўзгу. Унда акс этиб турган интерьерда омма ёруғлик ва бироз ёрқин бўлмаган буёқларда ифодаланган. Асосий объект ортида унга тескари қора либосли аёл кўзгу томонга қараган ва олд қисмида ичимлик идишлари ва мева тўлдирилган вазалар ишланган. Ушбу картинада Маненинг сеvimли мавзулари – ҳаракатдаги омма, портрет, натюрморт ва ранг эффеkтлари уйғунлашиб кетган.

“Олча тутган бола”, “Испан гитарачиси”, “Кўча кўшиқчиси”, “Ўтлоқ устида нонушта”, “Флейтачи”, “Император Максимилианнинг қатли”, “Эмиль Золя портрети”, “Теодор Тюре портрети”, “Устахонада нонушта”, “Ҳордиқ”, “Париж операсидаги бал-маскарад”, “Фор Гамлет ролида”, “Нана”, “Аржантей”, “Мусаввир” сингари асарларида Маненинг ижодкорлик кифаси ёрқин намоён бўлади. Унинг асарлари нафақат шакл ва услуб, балки мавзу ва фикр жиҳатдан ҳам ўзига хосдир. Рассомнинг ўзи айтганидек, “Ранглар – бу дид ва сезги билан боғлиқ ишдир. Ниманидир тасвирлашни қалбан ишташингиз шарт. Бусиз ҳеч қандай маъно чиқариб бўлмайди”.

Эдуард Маненинг асарлари бугун дунёнинг кўплаб нуфузли музейларида бебехо бойлик сифатида сақланиб келинмоқда.

*Самандар ЭГАМБЕРДИЕВ,  
Камолитдин Бехзод номидаги  
Миллий рассомчилик ва дизайн  
институтини талабаси*

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҚИСҚАЧА ҚОМУСИ

**“А-Я” ЖУРНАЛИ** – 1979 йилда Россия ва Францияда ташкил этилган машхур бадиий публицистик журнал. Унинг асосчилари Москвада Александр Сидоров, Парижда Игор Шелковскийлар бўлган. Ушбу нашр замонавий рус тасвирий санъатини дунёга кенг тарғиб этишда етакчиликни қўлга олиб, коллекционерлар, аукцион кўргазмаларда катта обрў қозонган. Ойига 3000 нусхада чоп этилган ушбу норасмий журнал Ғарб маданий-бадиий ҳаётида ниҳоятда катта нуфузга эга бўлган. Ғарб замонавий тасвирий санъати, модернистик йўналишда ижод қилган rassomларнинг асарлари тарғиботида асосий минбарга айланган. Эрик Булатов, Олег Васильев, Иван Чуйков, Игор Макарович, Леонид Соков, Вагрич Бахчанян, Владимир Сорокин, Вячеслав Сысоев сингари замонавий рус тасвирий санъати намояндalари ижодининг юзага чиқишида журналнинг аҳамияти катта бўлган. Журнал фаолияти сиёсий ва консерватив қарашлар туфайли 1986 йилда тугатилган.

**АКМЕИЗМ** (адамизм) – XX аср бошларида Россияда юзага келган символизмни инкор қилувчи адабий оқим. Ушбу тушунчанинг келиб чиқиши латинча “akmitus”, юнонча “акме” сўзлари билан боғлиқ бўлиб, “чўкки, энг юқори, уч” маънолариларини англатади. Акмеистлар мавзу ва образни материалистик шаклда бўлиши, сўзларни ўз маъносида қўлланилишининг тарафдори бўлган. Унинг туб моҳиятини бадиий асарда образ ва ифоданинг аниқлиги ташкил этади. Бу оқим 1912 йилда аниқ дастур билан эълон қилинган. Унинг юзага келиши “Шоирлар цехи”, “Шеър академияси” ташкилотлари фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, Николай Гумилёв, Анна Ахматова, Сергей Городецкий, Михаил Зенкевич, Георгий Ивановларга мазкур оқимнинг намояндalари ва асосчилари сифатида қаралади. Поэтик сўзнинг аниқлиги ва ёрқинлиги, дунёни, инсон ҳаётини унда мавжуд предметлар асосида ифодалаш акмеизмнинг тамойиллари ҳисобланади.

**АЛЕКСЕЙ ВАДИМОВИЧ БАРТОШЕВИЧ** – (1939 йил) атоқли рус шекспиршунос олими, театр тарихчиси ва назариётчиси, санъатшунослик фанлари доктори, Россия Федерацияси фан арбоби. Машхур актёр Василий Качаловнинг невараси. Москва бадиий театри қошидаги саҳналаштириш ўқув-студияси асосчиси. Театршунос Г.Бояджиев ҳамда адабиётшунос А.Аникстлар Бартошевичнинг устозлари бўлган. “XIX аср охири XX асрнинг биринчи ярмида инглиз саҳнасида Шекспир: анъанавий турмуш ва ғоялар кураши” (1985), “Шекспир поэтикаси” (1987), “Шекспир. Англия. XX аср” (1994), “Замонавий олам: XX аср театрида Шекспир” (2003), “XX аср сўнги XXI аср боши театр санъати хроникаси” (2013), “Артист, Режиссёр, Рассом” (2013), “Гамлет ким учун ёзилган: XIX, XX, XXI асрлар саҳнасида Шекспир” (2014), “Шекспир ҳаёти хроникаси” (2014) сингари

йирик асарлари Шекспир ижодига бағишланган. Театр танқидчилигида Питер Брук, Лев Додин, Эймунтас Някрошюс, Питер Штайн, Сергей Женович, Томас Острмайер, Юрий Бутусов, Андрей Жолдак сингари дунё театрларининг йирик режиссёрлари фаолиятини чуқур ўрганган ва илмий тадқиқ этган. Жаҳон театрининг йирик билимдони илмий изланишлари, дунё театри ривожига қўшган ҳиссаси учун “К.С.Станиславский”, “Чайка”, “Фигаро” мукофотларига сазовор бўлган.

**АМОК** – австриялик ёзувчи Стефан Цвейгнинг машхур новелласи шундай номланади. Амок тушунчаси немисчадан келиб чиққан бўлиб, тиббий атама сифатида инсонда кечадиган ақлга буйсунмас агрессив ҳиссиёт, тажовуз қилиш, ниманидир йўқ этишга қаратилган руҳий салбий ҳолатни англатади. Фан тилида “қутуриш” ҳам деб аталади. С.Цвейгнинг “Амок” новелласи 1922 йилда ёзилган. Унда персонажнинг амок ҳолати ва у орқали содир бўлган воқеалар ўткир бадиият билан тасвирланган. Асар қаҳрамонининг ғоят оғир руҳий ҳолати ва азобли хотиралар куткуси уни охир оқибат ўз жонига қасд қилиши билан якун топади. Ушбу новелла катта шуҳрат қозониб, дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Жумладан, ўзбек тилига Ботир Рахмонов ўгирган. “Амок” жаҳон кинематографчилари эътиборидан ҳам четда қолмай, у асосида қатор фильмлар яратилган. 1934 йилда россиялик режиссёр Федор Осеп, 1944 йилда америкалик Антонио Мапле, 1993 йилда француз режиссёри Жоель Фаржлар томонидан экранлаштирилган.

**АНАТЭМА** – рус адиби Леонид Андреевнинг 1909 йилда ёзилган шу номли пьесаси қаҳрамони. Ушбу фожиавий асарнинг дастлабки номи “Давид Лейзер” деб аталган. Анатэма – пьесада худо билан баҳслашувчи шайтон образи бўлиб, дунё адабиётида Анатэма сингари бадиий тимсоллар кўп. Гётенинг “Фауст” асаридаги Мефистофель, Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” романидаги Воланд, насроний дини ривоятларидаги ёвуз рух Вельзевул, Сатан сингари иблис образлари шулар жумласидандир. Л. Андреевнинг мазкур пьесаси илк бор 1909 йилда Москва Бадиий академик театрида Немирович-Данченко ва Василий Лужскийлар томонидан сахналаштирилган. Унда Анатэма ролини Василий Качалов ижро этган.

**АНЖЕЙ ВАЙДА** – атоқли польяк театр ва кино режиссёри. 1926 йил 6 мартда таваллуд топган, 2016 йилда 90 ёшида вафот этган. “Авлод”, “Канал”, “Кул ва олмос”, “Сибирлик Макбет хоним”, “Тўй”, “Мармар одам”, “Кул”, “Дирижёр”, “Наркозсиз”, “Пилат ва бошқалар”, “Дантон”, “Темир одам” сингари қирқдан ортиқ муаллифлик фильмларини суратга олган. “Олтин палма япроғи”, “Сезар”, “Феликс”, “Киото”, “Канн”, “Оскар” сингари нуфузли киномукофотлар совриндори.

**АНИМАЛИСТИКА (АНИМАЛИЗМ)** – тасвирий санъат жанри. Унда асосий объект ҳайвонлар бўлиб, ҳайкалтарошлик, фотография, графика, амалий-декоратив санъатда бош образ ҳисобланади. Анималистика жанр сифатида табиийлик ва бадиийликни тенг қамраб олади. Бу жанрдаги асарларда жониворлар аввало табиатан қандай бўлса, шундай аниқликда тасвирланиб, худди эртак ва масалларда учрайдиган одамларга хос характер, ҳаракатлар сингдирилиши унда бадиий образлилик жиҳатини намоён этади.

Ҳайкалтарошлиқда анималистик кулолчилик кенг тарқалган. Қадимги Шарқ, Африка, Океания давлатлари ва эски Америка халқлари санъатида хайвонлар кўриниши акс этган ёдгорликлар кенг тарқалган. Анимализм қадимдан то ҳозирги даврда ҳам фаол ривож топиб, рассомларнинг ижодида акс этиб келмоқда. Альбрехт Дюрер, Франс Снейдерс, Ян Вильденс, Жон Вуттон, Вацлав Холлар, Ян Фейт, Паулюс Поттер, Давид Конинк, Иван Грот, Жорж Стаббс, Мори Сосэн, Эжен Делакура, Владимир Акулов сингари юзлаб анималистлар ушбу жанрда яратган гравюра, хайкаллар, амалий ва тасвирий санъат намуналари билан донг таратган.

**АНТИГОНА** – қадимги юнон мифологияси қахрамони, Фива подшоҳи Эдип ва Иокастанинг катта қизи. Милоддан аввалги 442 йилда афсона асосида антик давр драматурги Сафокл “Шоҳ Эдип”, “Антигона” ва “Эдип Колонда” драматик туркум асарлар яратган бўлиб, улар бугунги кунга қадар сақланиб келинмоқда. Бертольт Брехт, Жан Ануй, Жан Кокто, Иван Бунин каби ўнлаб ёзувчилар мазкур миф асосида асарлар яратган. Улар орасида Софокл асари бадиий қиммати билан машҳур бўлган. “Антигона” дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилинган. Мазкур пьеса асосида дунё театрларида турлича талқинда кўплаб сахна асарлари яратилган.

**АРТ-ФЕМИНИЗМ** – XX асрнинг 60-70 йилларидан кенг ривожланган замонавий санъат йўналишларидан бири бўлиб, унинг асосини феминистик назариялар, яъни аёллар санъатини намоён этиш ташкил этади. Арт-феминистларнинг дастлабки ҳаракатлари тасвирий санъатда кузатилиб, Нью-Йоркда ўтказиладиган кўرғазмаларнинг бирида фақат эркак рассомларнинг экспонатлари қатнашишига биринчи бўлиб қора танли рассом аёл Фэйт Ринголд қаршилик кўрсатади ва кўрғазмада иштирокчиларининг 15 фоизи аёллар бўлмаса, исён кўтарилишини маълум қилади. Гризельда Поллок, Жон Бергер, Кэрол Дункан сингари санъатшунослар фаолиятида феминистлар ҳаракати кенг муҳокама этилган. 1971 йилда санъатшунос Линда Нохлин “Нега буюк аёл рассомлар йўқ” эссесида санъаткор аёллар ва ижтимоий муҳит масалаларини кенг ўрганади. Бугунги кун санъатида арт-феминистлар алоҳида мавқега эга.

**АРТХАУС** – яъни “Санъат уйи” атамаси 1940 йилларда АҚШда пайдо бўлиб, у америкалик бўлмаган кишиларга голливуд мумтоз фильмлари ва муаллифлик фильмларини кўрсатишга хизмат қилган. Артхаус тушунчаси бугунги кунда кенг аудиторияга мўлжалланмаган, интеллектуал шаклдаги махсус такдимотлар, классик ва муаллифлик фильмлари ва тасвирий санъат намойишлари ўтказиладиган жойга нисбатан ишлатилади.

**АЭРОГРАФИЯ** – замонавий тасвирий санъат ва артитектура услубларидан бири бўлиб, унда тасвир қалам ёки мўйқалам воситасида эмас, рангларни пуркаш йўли билан яратилади. Ушбу усул бугунги кунда санъатнинг кўплаб замонавий шаклларида кенг тарқалган. Жумладан, фотография, моделизм, таксидермия, тўқимачилик, боди-арт, сувинер, амалий санъат ва бошқа жанрларда кенг қўлланилади.

*Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА  
тайёрлади.*

---

## РЕЗЮМЕ

●● Роман одного из основоположников реализма в немецкой литературе, лауреата Нобелевской премии Томаса Манна “Лотта в Веймаре” посвящён Иоганну Вольфгангу Гёте. В произведении сошлись воедино два направления раннего творчества писателя: рассказы о людях искусства и исследования личности великого Гёте. Мастер интеллектуального романа Манн виртуозно раскрывает глубины творческой личности своего соотечественника и кумира. В романе ожил кусок истории со всеми его драматическими конфликтами, ожила история любви величайшего немецкого поэта.

●● 22 декабря 2017 года Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев впервые выступил с Посланием к парламенту страны – Олий Мажлису. Глава государства подвел итоги за 2017 год по всем показателям, и обозначил основные направления социально-экономического развития республики на ближайшее будущее. Отметив преимущества реформ в духовно-культурной сфере, вместе с тем, Президент подверг жесткой критике пробелы и недочеты в отрасли. В данном номере журнала вы сможете ознакомиться с результатами круглого стола, посвященного Посланию.

●● В декабре прошлого года литературная общественность отметила 220-летие со дня рождения одного из ярчайших немецких поэтов Генриха Гейне (1797-1856). В статье Равияджан Абдуллаевой “И воздали мне хвалу” рассматриваются такие вопросы, как роль Гейне в мировой литературе, история знакомства узбекского читателя с творчеством немецкого поэта, художественная специфика переводов произведений данного автора.

●● В текущем году исполнилось 80 лет со дня рождения первого Президента Узбекистана, известного государственного и политического деятеля Ислама Каримова. Автор статьи “Открытие исторического периода” доктор политических наук, профессор Нарзулла Джураев дает оценку роли первого Президента в истории независимого Узбекистана, его деятельности, политической воле и решимости.

---

---

## RESUME

●● One of the great figures of the novel of XX century, the founder of German realistic literature Thomas Mann describes an influence of love to human soul, difficulties of spirit and beautiful world of reverie in his novel “Lotta in Weimar”.

●● The President of Uzbekistan Shavkat Miromonovich Mirziyayev touched all aspects of our social life in his first Appeal to Chambers of Oliy Majlis in history of independent Uzbekistan on December 22, 2017. He told about reforms in spiritual sphere and also hardly criticized many faults in this aspect. Problems touched in this appeal were in the focus of round-table talk organized in this issue of the magazine.

●● The 220th anniversary of Great German poet Heinrich Heine is celebrated this year. Roviyaon Abdullayeva in her article named “All Those Who Praised Me” wrote about a place of this poet in world literary, history of his influence to Uzbek cultural-literary life, artistic aspects of translations of his works.

●● The 80th anniversary of the first President of Uzbekistan, statesman and public figure Islam Abduganievich Karimov is widely celebrated this year. Doctor of political science, professor Narzulla Djurayev in his article “Discovery of Historical Period” writes about the role of our first President in history of independent Uzbekistan, his practical activity, bravery and political will.



---

# Жаҳон АДАБИЁТИ

Навбатчи муҳаррир: А.ФАЙЗУЛЛАЕВ  
Техник муҳаррир: О.СОБИР ўғли  
Мусахҳих: Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.  
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.  
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни қўчириб босишда  
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

**Таҳририят манзили:**

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.  
Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 21.02.2018 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.  
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Адади 3742 нусха. 23 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида терилиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

**Босмаҳона манзили:**

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2018 й.